

А. Ұлмасов
Н. Тұхлиев

БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИ


А-Қ

65
4-50
А. Ўлмасов
Н. Тўхлиев

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Қисқа
луғат-маълумотнома

А-Ҳ



ТОШКЕНТ

Қомуслар Бош таҳририяти
1991

Тақризчи

иқтисод фанлари доктори,
профессор Р. Ҳ. Шодиев

Масъул муҳаррир

С. Ҳ. ХОЛНАЗАРОВ

Китобхонлар эътиборига тақдим этилаётган ва ўзбек тилида биринчи марта яратилган ушбу лугат-маълумотномада бозор иқтисодиётининг 400 дан ортиқ асосий тушунча ва атамалари ўрин олган. Қайта қуриш жараёналари иқтисодиётда барқарор этган йўналишлар, бозор иқтисодиётининг шаклланиши, тартиб-қондалари ва унга хос ҳодисалар, халқаро бозор масалалари, жаҳон иқтисодиёти билан боғлиқ халқаро уюшмалар, ташкилотлар, банклар ва бирлашмалар қамраб олинган.

Лугат-маълумотнома бозор иқтисодиёти билан кизиққан барча китобхонларга мўлжалланган.

Б 0601000 000
358—90 10—90

ISBN 5—89890—050—0

© Қомуслар Бош таҳририяти

СЎЗ БОШИ

Хурматли китобхонлар эътиборига тақдим қилинаётган ушбу қисқа лўғат-маълумотнома мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаёти ва совет кишиларининг кундалик турмуш тарзи учун ҳали «қўриқ» бўлган бозор иқтисодиёти масалаларига ва унинг энг кўп қўлланадиган тушунчаларига бағишланган. Иқтисодиётнинг ҳали ҳеч бир масаласи «бозор иқтисодиёти», «бозор механизми», «бозор муносабатлари», «бошқариладиган бозор» тушунчалари сингари кенг жамоатчиликнинг диққат марказида турмаган ва шунчалик зиддиятли муҳокама қилинмаган эди. Бозор иқтисодиёти бу нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, сиёсий масала, жамиятимиз тарихий тақдири билан боғлиқ воқеадир.

Бозор иқтисодиёти жаҳон тарихида ўз ўрнига эга бўлган амалиёт. Бу амалиётнинг эса кўп асрлик тараққиёт тарихи ва система ҳолига келган илми борки, бу илм асосларини, тажрибани ўрганмай туриб бозор иқтисодиётини ўзлаштириш мумкин эмас. Зеро, ҳозирги ривожланган капиталистик мамлакатларнинг иқтисодий муваффақиятлари негизи бозор иқтисодиётида деб қаралмоқда. Бозор муносабатларига муқобил йўқ. Бутун жаҳон тажрибаси бозор иқтисодиётининг самарадорлигини ва ҳаётийлигини тасдиқлади. СССР Олий Совети сессияси 1990 йил 19 октябрда мамлакат халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг Асосий йўналишларини маъқуллади.

Бизнинг жамиятимизда бозор иқтисодиётига ўтиш бутунлай инсон манфаатларидан келиб чиқади. Унинг мақсади иқтисодиётнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш, бутун ишлаб чиқаришни истеъмолчи талаблари томон буриш, тақчилликни, қаҳат-қимматчиликни енгиш, амалда фуқароларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, талант ва қобилиятларнинг, умуман кишиларимиздаги бой имкониятларнинг очилиши, уларнинг

юксак унумдорлик ва ташаббускорлик билан меҳнат қилишлари учун шарт-шароит ҳозирлашдир.

Бозор иқтисодиёти катта қийинчиликлар билан ўзига йўл очаётир. Бунда мафкуравий афсоналар, биқик тасаввурлар, паст иқтисодий маданият салбий роль ўйнамоқда. Қўпчилик ҳали бозор иқтисодиётини капитализм билан, эксплуатация ва ижтимоий адолатсизлик билан қўшиб юбормоқда. Ҳозир жамоатчилик орасида бозор муносабати масалаларини ўрганишга қизқиш катта. Ана шуларни ҳисобга олиб, қўлшиғиздаги ушбу китоб тайёрланди. Уни тайёрлашда мавжуд иқтисодий адабиётлардан, луғат, маълумотномалардан ва бошқа шунга ўхшаш манбалардан кенг фойдаланилди, шу билан бирга бозор иқтисодиётининг қўпгина тушунчалари янгидан ёзилди, маҳаллий шарт-шароит, ҳозирги куннинг хусусиятлари ҳисобга олинди. Китобда мақолаларнинг мазмунан ўзаро ички боғланишини таъминлашда ҳаволалар системасидан фойдаланилди (ҳавола қилинаётган мақола номи *курсив* билан терилган).

Муаллифлар мутлақ ва охириги ҳақиқатга даъвогар эмаслар. Китоб жумҳуриятимизда бозор иқтисодиётига бағишланган дастлабки ишлардан, яна қисқа муддатда яратилди. Табиийки, бундай шароитда айрим тушунчалар китобдан жой олмаган ёки етарли пишиқ талқин қилинмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам китобнинг мазмуни бўйича билдирилган ҳолисона истак, таклиф, фикр ва мулоҳаза, маслаҳатларни муаллифлар бажони дил қабул қиладилар.

Қомуслар Бош таҳририяти манзилгоҳи:
Тошкент, ГСП, Жуковский кўчаси, 52-уй.

Қисқартмалар ва шартли белгилар рўйхати

араб. — арабча	й. — йил
БМТ — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти	лат. — латинча
ва б. — ва бошқа(лар)	м — метр
ва х. к. — ва ҳоказо	млн. — миллион
гол. — голландча	млрд. — миллиард
ЕИХ — Европа Иқтисодий Ҳамжамияти	нем. — немисча
инг. — инглизча	рус. — русча
итал. — италиянча	юн. — юнонча
исп. — испанча	ЎИЭК — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши
	қ. — қаранг
	% — процент

А

АВТАРКИЯ (грек. *autarkeia* — ўз-ўзига етарли) — ўз-ўзини таъминлаш қондасига асосланган, бошқалар билан иқтисодий алоқалардан узилиб қолган, биқик хўжалик системаси; мамлакатларнинг ўз эҳтиёжларини ўзи қондириши; у ёки бу мамлакатнинг бошқа давлатлар иқтисодиётидан ажралиб, яқна ҳолда ёниқ халқ хўжалигига таянадиган иқтисодий сиёсати. Автаркия меҳнатқашлар иш ҳақининг пасайишига, мамлакат иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига олиб келади. Соф автаркизм фақат капитализмгача бўлган формациялардаги натурал хўжаликлар шароитида мавжуд бўлган. Ҳозир бундай мамлакатлар деярли йўқ. Империализм шароитидаги автаркия маақур мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан хўжалик алоқаларини ўз манфаатига бўйсундириб, товар импортини чеклаш ва экспортни (айниқса қозоқ мамлакатларга) кучайтиришни кўзда тутади.

Сталинизм ва маъмурий-буйруқбозлик сиёсати узок йиллар давомида мамлакатни жаҳон хўжалик системасидан алоҳидликда сақлаб ўзига ҳос автаркизмни юзага келтирди. Товар-пул, бозор муносабатларининг тараққиёти барча мамлакатларни борган сари алоҳидликдан умумлашув доирасига кўпроқ жалб этади.

АЖНОТАЖ ТАЛАБ — бозордаги шов-шув ва ваҳима таъсири остида сунъий пайдо бўладиган ва шиддат билан ортиб борадиган талаб. Ажнотаж талаб одатдаги нормал талабга нисбатан ортик талаб ҳисобланади. Бундай талаб бир томондан, аҳоли орасида миш-мишлар тарқатиш ва реклама воситасида муайян товарлар

га ўта юқори баҳо бериш орқали истеъмолчи психологиясига таъсир этиш йўли билан, иккинчи томондан, товарларга бўлган ғоят катта қизиқиш, қимматчилик ва қаҳатчилик хавфи, пулни алмаштириш имконияти, ҳар хил шов-шувлар таъсирида пулдан тезроқ қутулиш ва товар захирасини қўпайтиришга интилиш оқибатида юзага келади. Ажнотаж талабни савдо аҳли ҳар хил ган тарқатиш орқали ҳам юзага келтиради. Ажнотаж талаб пайдо бўлса бозор нархи ошади, товарлар таланиб олинади, товар таклифи талабдан орқада қолиб, бозор мувозанати бузилади, товарлар тақчиллиги ғоят кучайиб кетади. Ажнотаж талаб айнақса тақчил иқтисодиёт учун хавфли. Ажнотаж талаб СССРда бир неча бор юз берган. Унинг энг сўнгиси 1990 й. май-июнь ойларида юз берди: мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан бундай ўтишнинг йўналишлари тарзида нархларни оширишга қаратилган ҳукумат дастури лойиҳасининг эълон қилиниши ажнотаж талабни вужудга келтирди.

АККРЕДИТИВ (лат. *accredo* — ишонаман) — пул ҳисоб-китоб ҳужжати; маҳсулот ёки бажарилган иш ҳақини нақд пулсиз тўлаш шакли.

1) томонлар ўртасида тузилган шартномага асосан амалга ошириладиган ҳисоб-китоб тури бўлиб, унга кўра қарз берувчи (кредитор) белгиланган муддатларда, келишилган шартлар асосида, келишувда қўреатилган банк орқали ўзига тегишли тўловни олиб туради.

2) жамғарма банкининг аҳолига қўреатадиган хизмат турларидан бири, банк бўлимининг тегишли бир шахсга маълум миқдордаги суммани тўлаш учун бошқа бўлимларга берадиган буйруғи, маҳсул бланк воситасида амалга оширилади. Булардан ташқари аккредитив турли шахарларда жойлашган корхона (бирлашма)-

ларнинг мулкӣй муносабатларида, халқаро ҳисоб-китобларда (айниқса капиталистик мамлакатлар билан бўладиган экспорт-импорт муносабатларида) кенг қўлланади.

АККРЕДИТИВ ҲИСОБ-КИТОБЛАР — харидорнинг контрактда шартлашилган муддатда муайян банкда, сотувчи ҳисобига келишилган сумма миқдорида *аккредитив* очиб мажбурияти.

АКЦИОНЕР ЖАМИЯТ — турли корхона, ташкилот, банк, компания ва айрим шахслар пул маблағларини шерикчилик асосида ва соҳибкорлик мақсадида бирлаштирадиган жамият (корхона). *Акция* эгалари—ширкатчилар *дивиденд* шаклида даромад оладилар. Капитализм тараққиётининг ҳозирги босқичида акционер жамиятлар эркин капиталларни марказлаштириш шакли ва шу билан бир қаторда аҳоли кенг қатламларининг жамғармаларини сафарбар қилиш, уларни капиталга айлантириш воситаси ҳамдир. Буяда майда акциялар чиқариш, ширкатчилик жамиятларида иш ҳақи ва мукофотнинг бир қисмини ишчиларга корхона акцияси билан тўлаш сифатида тақсимлаш амалга оширилади. 1925 йилнинг 1 январигача СССРда 61 давлат, 64 аралаш, 34 хусусий ва 2 кооператив (ҳаммаси бўлиб 161 та) акционер жамиятлар мавжуд бўлиб, улар фаолиятининг асосий соҳалари савдо ва саноат ишлаб чиқаришдан иборат эди. 30-йилларнинг бошида бу жамиятлар давлат корхоналарига айлантирилди.

Сўнгги йилларда эса бизнинг мамлакатимизда акционер жамият кўринишида бир неча ташкилотлар бор эди, холос. Уларнинг акциялари давлатга, кооператив ва иқтисомий ташкилотларга тегишли бўлиб, сотиш ва сотиб олиш объекти бўлмасди. Иқтисодий ислохотлар доирасида қатор социалистик

мамлакатларда корхоналарга акция чиқариш ва сотишга руҳсат этилди. Бизнинг мамлакатимизда СССР Вазирлар Кенгашининг 1988 йил октябрида қабул қилинган «Корхона ва ташкилотларнинг қимматбаҳо қоғозлар чиқариши тўғрисида»ги қарори билан тўла хўжалик ҳисобига ва ўз ўзини молиялашга ўтказилган корхоналарга СССРда давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги қонунга мувофиқ ўз ишчилари ҳамда бошқа корхона ва ташкилотларга сотиш учун акциялар чиқаришга руҳсат берилди. Аммо бу тадбир ҳозирча давлат мулкӣ доирасида содир бўлмақда, яъни акция чиқарган корхоналар акционер жамият сифатида шаклланмаяпти. Бозор муносабатларининг кенгайиши бу соҳага ҳам жиддий ўзгаришлар киритиши мумкин.

АКЦИЯ — *акционер жамият* чиқарган қимматбаҳо (даромад келтирувчи) қоғоз. Акция эгасининг шу жамият маблағига қўшган ҳиссасини ва шунга мувофиқ топилган фойданинг бир қисмини *дивиденд* тариқасида олишини, уни бошқариб туришда қатнаша олишини тасдиқлайди. Акция қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди қилинади. У сотиладиган нарх акция курси деб аталади. Акция нархи: акциянинг номинал қийматига, яъни унинг неча пулли эканлиги; акцияга тегадиган дивидендга; банкнинг процент ставкасига боғлиқ. Шуларга қараб акцияга бўлган талаб ўзгариб, унинг нархи ошади ёки камаяди, номинал қийматидан фарқланади. Йирик обрў-этиборли компаниялар акциялари фонд биржасида сотилади ва унинг биржадаги нархи (*котировка* этилиши) бошқа акция нархига ҳам таъсир этади. Акция нархининг ошиб бориши ёки пасайиб туришига қараб айрим компаниялар аҳволига ва умуман иқтисодий вазиятга баҳо берилди. Акциялар оддий ва имтиёзли бўлади.

Оддий акцияларга дивиденд олинадиган фойдага қараб бериллади, лекин акция эгаси акционерлар мажлисида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади; имтиёзли акцияларга дивиденд олинган фойдага қараб эмас, балки заёмга тулангани каби, олтидан белгиланган қатъий процентларда бериллади, ammo акция эгаси акционерлар мажлисида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Жамият (корхона) биринчи навбатда имтиёзли акция эгалари билан ҳисоб-китоб қилганидан кейин қолган маблағ оддий акция эгаларига тақсимланади. СССРда давлат корхонасининг акционерлаш жараёнида акциялар чиқарилади. Акция олган фуқаролар икки турдаги даромадга эга бўладилар: ишлаб топилган (иш ҳақи), жамият берган (пенсия, нафақа, стипендия) даромадлар; акцияга теккан дивиденд. Акция эгаси уш фонд биржасида қимматбахо коғозлар бозорида шакланган нархларда сотиши мумкин.

СССР Вазирлар Кенгашининг 1988 йил 15 октябрдаги қарорига мувофиқ тўла хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини молиялашга ўтказилган корхона ва ташкилотларга давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги СССР Қонунига мувофиқ икки турдаги акция чиқаришга руҳсат этилди: 1) фақат ўз-жамоаси орасида тарқатиладиган меҳнат жамоаси акцияси (қ. *Корхона акцияси*); 2) бошқа корхоналар ва ташкилотлар, қўйилли жамиятлар, банклар, шунингдек, кооператив корхона ва ташкилотлар орасида тарқатиладиган акциялар. Тижорат банклари ҳам акция чиқариши мумкин. Акцияларни сотишдан келадиган маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ривожлантириш; фан-техника гараққети ютуқларини амалиётга татбиқ этиш; маҳсулот, машина, ускуналар, халқ истеъмолчи товарларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилишга йўналтирилади.

Меҳнат жамоаси акциясини корхонанинг иқтимоий тараққиётини таъминловчи капитал қўйилмаларни молиялашга сарфлаш учун руҳсат этилган. Бозор иқтисодиётига ўтиш тадбирлари ривожланиши билан мамлакатимизда акционерлик хўжалик фаолиятида йирик корхона (бирлашмалар) пайдо бўлмоқда.

АКЦИЯЛАРНИНГ НАЗОРАТ ПАКЕТИ — акция эгасига *акционер жамият*да амалдаги ҳукмронлигини таъминлайдиган акциялар миқдори; капитализмда чиқарилган акцияларнинг умумий суммасида бир монополист, компания ёки давлатнинг йирик ҳиссаси. Акционер жамиятнинг йиғилишида хал қилувчи овозга эга бўлиш ҳуқуқини беради (бунда жами акционер капиталининг 51% га эмас, балки 20—30% баъзан ундан ҳам камроқ ҳиссага эга бўлиш кифоя). Акцияларнинг назорат пакетига эгалек қилиш амалда акционер жамиятнинг хўжайини бўлиш, унинг қолган аъзолари капиталини бошқариш имкониятини беради. *Бозор иқтисодиёт*ига ўтиш муносабати билан социалистик давлат ҳам йирик хўжалик комплекс акцияларининг назорат пакетига эга бўлиши мумкин.

АУДИТОР ФИРМА—корхона ва ташкилотларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг иқтисодий экспертизасини ўтказувчи фирма; одатда *акционер жамият* ёки кооператив шаклида фаолият қилади. Ўз хизмати учун ҳақ олади. Аудитор фирма тўла мустақилликка эга бўлиб, ҳеч кимга қарам эмас, ўз ишини ҳар бир мамлакатда ёки халқаро миқёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш (ревизия) қоидаларига биноан олиб боради. Тафтиш натижалари бошқалар учун сир сақланиб, эълон этилмайди. Аудитор фирма ишида қатнашувчи тафтишчилар а у.

ди торлар деб аталади. Улар вақтбай ишлаб, хизмат ҳақи ишланган кун ҳисобига қараб тўланади. 1990-йили хорижда аудиторлар ҳар кунги иши учун 500 дан то 1500 долларгача хизмат ҳақи олган. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан СССРда ҳам дастлабки аудитор фирма ташкил топган. Улардан бири Москва аудитор фирмаси («Мосаудит») бўлиб, у давлат, кооператив, хусусий, акционер корхоналар молиявий фаолиятини текшириб, ўз мутахассисининг бир кунги иши учун иш буюртма берган корхонадан 150 сўм, бир соатлик консултация учун 30 сўм ҳақ олади. Аудитор фирма хизмати гоаят муҳим, чунки товар ишлаб чиқарувчи, яъни корхона ўз аҳволини чуқур билиши орқалигина бозорга чиқади ва у ерда рақобат қилади.

АУКЦИОН (лат. *auction*)—индивидуал хусусиятларга эга товарларни (оммавий сотувга қўйиш йўли билан) сотиш учун муайян жойларда ташкил этилган махсус кимовиди савдо бозорлари. Аукцион савдо товарларнинг нисбатан чекланган рўйхати бўйича (мўйна, қорақўл тери, ювилмаган жун, чой, ҳўл мева, сабзавот, балиқ, от, бадний ҳунармандчилик буюмлари, антиқа буюмлар ва б.) ўтказилади. Уни ташкил этишга айрим фирма ва бирлашмалар бошчилик қиладилар. Аукцион олдиндан эълон қилинган вақтда, даврий: ҳар кунги, ҳар ойда, муайян ойларда ёки йилда бир марта товарларнинг бозорга келиб тушиш мавсумига ва ҳажмига қараб ўтказилади. Товар эгалари молларини илгарироқ аукцион омборларига қўядилар, у ерда харидорлар савдо бошлангунга қадар намуна товарлар (лотлар) билан танишиши, уларни томоша қилиши, тоғиб қўриши (чой) мумкин бўлади. Савдо вақтида лотлар каталогда кўрсатилган тартибда навбатсиз савдога қўйилади, харидорлар ора-

сида энг юқори нархни таклиф қилгани товарни сотиб олади. Ёғимлар оғзаки ёки шартли белгилар воситасида тузилади, савдо низоъсида сотиб олувчи стандарт шартларга имзо чекади.

Совет ташкилотлари мўйна буюмлари сотиш бўйича (Ленинград) йилига 3 марта, зотли ва пойга отлари бўйича (Успенск, Киев, Пятигорск, Терск, Ростов-Дон) йилига 5 марта аукцион ўтказди, баъзи товарларни чет эл аукционларида сотади, уларда чой (Калькутта, Кочина, Коломбо) ва ювилмаган жун (Австралия ва Янги Зеландия шаҳарларида) харид қилади. Аукцион оммавий савдо воситаси сифатида катта аҳамиятга эга, масалан, баъзи мамлакатларда санъат асарлари, ноёб буюмлар, коллекциялар аукционлари ўтказилади. Бир марта ўтказиладиган аукционлар (масалан, қарзни узолмайдиган ҳолга тушиб қолганлар баъзи мулкни сотади) ҳам авжуд. *Халқаро валюта фонди* 1967-80-йиллар давомида АҚШда (марказлашган зоналардан) олтин сотиш бўйича 45 аукцион ўтказди. СССРда Ташкил иқтисодий фаолият банки томонидан (валюталарни совет пулига сотиш бўйича) валюта аукционлари ўтказиш мўлжалланган.

АҲОЛИ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ—пул шаклида меҳнаткашлар қўлига тегадиган даромад ва тушумлар; шахсий истеъмолнинг қондиришига хизмат қилади. Социализмда аҳоли даромадлари ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи, ижтимоий ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан тушадиган пул ва натура даромадлар, ижтимоий истеъмол фонидан тўловлар (пенсия, нафақа, стипендия), заём ва лотереяларга ютуқлар, жамғарма башкига қўйилган жамғармалардан келадиган процентлар, суғурта тушумлари ва бошқа маъналардан ҳосил бўлади. Бо-

зор муносабатларига ўтиш шароитида аҳоли даромадларининг шаклланиши такомиллашиб боради, аҳолининг кам таъминланган табақаларига ажратиладиган тўлов ва имтиёзлар ҳиссаси ортади. Аҳоли даромадларини индекслаш муҳим аҳамият касб этади. Иш ҳақи аҳоли даромадларининг асосий манбаи бўлиб қолаверади.

АҲОЛИ ПУЛ ХАРАЖАТЛАРИ — аҳолининг товар сотиб олишга, хизмат ва бошқа турли хил тўловларга сарфланадиган маблағлари. СССР да аҳоли харажатларининг учдан бир қисmini озиқ-овқат харажатлари ташкил қилади. ЎзССР да кўп болали оилаларининг ҳиссаси балеандлиги ва иш (меҳнат) ҳақининг мамлакатимиз Европа қисмидаги регионларга нисбатан кам тўланиши туфайли озиқ-овқатга кетадиган харажатлар ҳиссаси янада юқори. Ноозиқ-овқат ва маданий-маиший хизмат харажатларининг ҳам ҳиссаси анчагина. Бу харажатлардан кейинги ўринларда жамғарма, турли солиқлар ва бошқалар туради. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳоли харажатларининг айрим турларига, айниқса, болалар, қаришлар, ногиронлар ва бошқалар учун ишлаб чиқариладиган товарлар харидига компенсация ажратиш кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашда катта аҳамиятга эга.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ — СССР да аҳолини бозор иқтисодиётининг салбий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларидан асраш, шу оқибатларнинг аҳоли аҳволига таъсириний юмшатиш. Бозор иқтисодиётига ўтиш нарх-навоининг ошиши ва ишсизликнинг кўпайишидан иборат ижтимоий муаммони пайдо қилади, аҳолининг бой ва камбағал катламларга ажралишини кучайтиради. Шу асосда ижтимоий беқарорлик учун шароит пайдо бўлиши мумкин. Иқтисодий ўсish учун эса ижтимоий хотиржамлик ва енибей барқарорлик талаб этилади. Жамиятда мувозанатни

таъминлаш учун аҳолининг маълум қатламини ижтимоий ҳимоялаш зарур бўлади. Бу ишчи давлат, корхона коллективи ва жамоат ташкилотлари бажаради. Ижтимоий ҳимоялаш энг аввал даромадларни индексациялаш шаклида боради, яъни нарх-навоининг ўзгаришига қараб аҳоли оладиган пул даромади ўзгартирилиб, *тирикчилик қиймати*га мослаштирилади. Тирикчилик қиймати ошса, пул даромади ҳам оширилади. Бу энг аввал қатъий белгиланган пул даромади олувчиларга — ўкинувчилар, врачлар, давлат хизматчилари, олимлар, медицина ходимларига тааллуқли бўлади. Пулбай ишловчилар эса ўзлари ишлаб пул топишлари керак. Лекин бунга шароит ҳозирлаш зарур. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ишига энг аввал камбағаллар, кўп болалилар, ногиронлар, пенсияерлар муҳтож бўлади. Уларга бериладиган ёрдам истеъмол товарлари нархи ошиши билан кўрган зарарни қоплаш (компенсация бериш) шаклида ёки уларни қатъий нархда ва нормалаштирилган миқдорда энг зарур товарлар билан таъминлаш тарзида амалга оширилади. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ишсизларга нафақа пули тўлаш, уларнинг малакасини ошириб, касбини ўзгартириб, ишга жойлаштириш йўналишларида ҳам олиб борилади. Масалан, ЎзССРнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тартиблари ҳақидаги дастурида барча шаҳар ва районларда иш билан таъминлашнинг ягона давлат хизмати ташкил этиши мўлжалланган. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун махсус пул фондлари ташкил этилади, у давлатнинг, корхонанинг, жамоат ташкилотларининг махсус маблағидан ёки фуқароларнинг хайр-эҳсон пулидан иборат бўлади. Бу фондлар ишлаб пул топа оладиганлар учун эмас, балки ишга яроқсизлар, камбағаллар ва ишсизлар учун уюштирилади.

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ — кишилар эҳтиёжларининг қондирилиши даражаси. Унинг асосий мезони — аҳолининг истеъмол неъматлари билан таъминланиш даражаси ҳисобланади. Турмуш даражаси аҳоли жон бошига моддий неъматлар истеъмол қилиш ва маънавий хизматнинг умумий ҳажми, иқозик-овқат молларини ва озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси ва сифати; реал даромадлар, иш ҳақи миқдори; ижтимоий истеъмол фондларидан тушадиган даромадлар ҳиссаси; меҳнат шaroити, иш ва бўш вақтларнинг давомийлиги ва мазмуни; уй-жой шaroитлари; халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ҳамда бошқа сифат ва миқдор кўрсаткичлари системасида ифодаланади. *Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида ишсизликнинг кўпайиши, нарх-навонинг талаб ва таклиф асосида кескин кўтарилиши натижасида аҳолининг турмуш даражаси сезиларли пасайиши мумкин.* Бу ҳолат бозор механизмига ўтган бошқа мамлакатлар тажрибасида кузатилган. Бундай шaroитда *аҳолини ижтимоий қамоллаш*, аҳоли даромадларини индекслаш каби тадбирларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Б

БАЛАНС, мувозанат — муттабиқ ўзгариб турувчи ҳодиса ёки тушунчанинг нисбатини ифодаловчи кўрсаткичлар системаси. Халқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини, мақсадга мувофиқ ривожланишини таъминлашдаги зарурий нисбатлар. Халқ хўжалиги соҳалари, моддий, тармоқлараро, тўлов, қиймат, меҳнат ресурслари, ёқилғи-энергетика, фойда,

асосий фондлар қиймати баланслари, аҳоли пул даромадлари ва харajatлари ва б. баланслар мавжуд.

БАНК БИЛЕТЛАРИ — қ. *Банк-нотлар*.

БАНК ПРОЦЕНТ СТАВКАСИ — банк ссудасидан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори; қарз суммасига нисбатан процент ҳисобида ундирилади. Масалан, банкнинг йиллик процент ставкаси 8% бўлса, олинган қарзнинг 8% ига тенг миқдорда ҳақ банкка тўланади. Банк процент ставкаси ўзгарувчан кўрсаткичдир. У банк ссудаси хarakterига, қарзга бўлган муҳтожликка қараб ўзгаради. Қашитализм шaroитида банк процент ставкаси расмий, яъни маълум даврда ўзгармайдиган қилиб белгиланади. Бу давлат олган қарзга, давлат ташкилотлари, молия идоралари векселлари эвазига берилган қарзга, шунингдек, ишончли даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғозлар (*акция*, облигация) ҳисобидан берилган қарзга тааллуқли. Банк процент ставкаси қарзнинг қайси тарзда ва қандай берилишига ҳам боғлиқ. Агар қарз халқаро валютада ёки халқаро облигацияда берилса, банк процент ставкаси юқори, агар миллий валютада берилса, паст бўлади. Узок муддатли қарзнинг банк проценти ставкаси юқори, қисқа муддатлисиники паст бўлади. Қарз ёрдам тарзида берилганда ҳам банк процент ставкаси имтиёзли бўлади. Социалистик мамлакатларда ҳам банк процент ставкаси ссуданинг мақсади ва шaroитига қараб табақалашади. Қарз олиб иқтисодий ёки ижтимоий вазифани бeшиш мўлжалланса, банк процент ставкаси паст белгиланади. Агар корхона ва ташкилотларни ўз қўлидаги маблағни яхши ишлатишга ундаш зарур бўлса, банк процент ставкаси оширилади.

СССР бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан банк

процент ставкаси оширилади. СССРда банк процент ставкаси бошқа мамлакатларга нисбатан паст бўлиб, корхоналарда хотиржамлик ва боқимандалик кайфиятини тугдиради. Банк процент ставкасини ўзгартириб туриш орқали пул обороти тартибга туширилади. Агар банк берадиган процент даражаси юқори бўлса, пул товарлар бозоридан банкка оқиб келади ва шунда боғланиб туради. Муомаладаги пул камайиб, товарга талаб қисқаради, нарх барқарорлашади ёки унинг ўсиши секин боради. Банк процент ставкасининг ўзгариши пул маблағи оқимини ўзгартириш орқали бозор иқтисодиётини тартибга солишга қўмаклашади. Банк процент ставкасининг минимал ва максимал даражаси бор. Минимал даражадаги банк процент ставкаси банкнинг харажатларини қоплаб, зарар кўрмаслигини таъминлаши керак. Максимали эса банкка эл қатори фойда кўришни таъминлаши лозим. Банкка қўйилган пул учун банк томонидан пул эгасига процент тўланади. Бундай процент ҳисоб ставкаси деб юритилади.

БАНК ЎТКАЗМАЛАРИ ОРҚАЛИ ҲИСОБ-КИТОБЛАР— ташқи савдо муомаласида қўлланиладиган ҳисоб-китоблар. Бундай ҳисоб-китобларда экспортчилар импортчиларга етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар, даъволар ва б. ўзаро ҳисоб-китоблар учун ҳисоб варақаси ва б. ҳужжатлар юборадилар. Бу ҳужжатлар асосида товарлар ва хизматлар ҳақини тўлайдиганлар ўз банкларига экспортчи ёки кредиторлар ҳисобига пул ўтказиш тўғрисида тўлов топшириқлари юборадилар.

БАНКДАГИ ПУЛ ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ— *инфляция* юз бериб, нархлар ошиб бориши натижасида банкка қўйилган пул жамғармалари харид қобилиятининг пасайиб бориши. Бундан кор-

хоналар, ташкилотлар ва айрим фуқаролар зарар кўради. Нархлар ошгач, банкдаги пулнинг товар тенгма-тенглиги камади, чунки пул бирлигининг қурби пасаяди. Банкдаги жамғармаларнинг қадрсизланишига нарх ошиши билан омонат учун банк берадиган процент ставкасининг ўсиши ўртасидаги нисбатга бевосита боғлиқ бўлади. Агар нарх банк тўлайдиган процентга нисбатан тезроқ ўсса, банкдаги жамғармаларнинг қадрсизланиши юз беради: агар процентнинг йиллик нормаси 5% бўлиб, нархнаво 8% ошса, банкдаги жамғармаларнинг қадрсизланиши 3% га тенг бўлади. Нарх ошган шароитда пулни банкда тутиб қолиш учун процент ставкаси оширилиши керак, акс ҳолда пул жамғармалари банкдан чиқиб бозор оборотига тушади ва инфляция янада кучаяди. Шу сабабли процентни ошириш инфляцияга қарши тадбирлар доирасига киради.

БАНКЛАР — кредит-молия муассасаси; уларнинг энг асосий вазифаси — вақтинча бўш пул воситаларини бир жойга тўплаш, корхоналарга ва умуман пулга муҳтожларга кредит, ссуда бериш, пул ҳисоб-китобларини амалга ошириш, турли қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, олтин ва чет эл валюталари билан боғлиқ муомалаларни бажариш ва бошқалар. Банклар пул қўювчиларга маълум процент тўлаб, қарз олганлардан юқорироқ процент ставкаси ундиради. Ана шу процентлар ўртасидаги фарқдан банк фойдаси ҳосил бўлади. Тижорат, *ипотека, инвестиция, ташқи савдо*, халқаро, *эмиссия* банклари мавжуд. Марказий эмиссия банки — банкларнинг банки — қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини амалга оширади, бошқа барча банкларнинг зарурий захирасини сақлайди, уларга кредит фондларини тарқатади. Бозор иқтисодиётига ўттиш муносабати билан СССР Давлат

банки системаси жумхурият марказий банклари шартнома иттифоқи сифатида Иттифок резерв системасига айлантирилади. Жумхурият ўзининг банк қонунини қабул қилади ва банк сисбати ҳукуматга эмас, Олий Кенгашга бўйсунадиган бўлади. Кредит ислохотининг муҳим бўғини давлатнинг ихтисослашган банкларини тижоратлаштириш (коммерциализация) бўлади. Улар мустақил акционерлар жамиятига айланадилар. Тижоратлаштириш банкларнинг таркиб топган тузумини бузмасдан, махсус банкларни қисман йирик-лаштириш ва улар асосида маҳаллий ҳамда регионал, тижорат, кооператив банкларни ташкил қилишга олиб келади. Ташкилқилмасдан фаолият банки ва СССР Жамғармалар банки системаси юқоридаги схема бўйича қайта қурилади. Барча даражадаги Жамғарма банклари Давлат банкига бўйсунмайдиган бўлади, кўйилмалар ўсимининг сўриб олнинини тўхтатилади ва улар одатдаги тижорат банки сифатида ривожланадиган бўлади. Универсал тижорат банклари системаси кўшимча ихтисослашган институтлар — қарз берувчи кооперативлар, ер банклари, инвестиция ва нафақа фондлари, брокер ва лизинг шакллари билан тўлдирилади.

БАНКНОТЛАР, банк билетлари, кредит билетлари — *массия* банклари томонидан чиқарилади. Банк билетлари давлатнинг аҳолига сўтадиган товарлари ва давлатнинг олтин захирасига асосланади. Улар олтин, қимматбаҳо металллар ва давлат банкнинг бошқа активлари билан таъминланади. Мамлакатимизда банкнотлар 10, 25, 50 ва 100 сўм қийматида муомалага чиқарилади ва улар 1, 3, 5 сўмлик хазина билетлари, танга ва чақаларга айланади.

БАНКРОТЛИК (итал. bancrotto — айнан «сизга курс») —

сизнинг; фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағ етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги. Банкротлик одатда корхонанинг ёпилишига олиб келади. Чунки қарз (кредит) берувчининг талабини қондириш учун мол-мулкнинг сотишдан ўзга чора қолмайди. Банкротликка учрашнинг сабаблари товар ишлаб чиқаришда қиймат қонунининг амал қилиши, рақобат ва инфляция билан белгиланади. Иқтисодий инқирозлар даврида касодга учраган корхоналарнинг сони кескин ошиб кетади, унинг оқибатида ишсизлик кенгайди. Социализмда банкротлик тушунчаси нэздан кейин истеъмолдан чиқиб кетган эди.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР қонунига мувофиқ 1987 йилдан эътиборан «корхонанинг тўлов қобилияти йўқлиги» тушунчаси амалиётга киритилди. Бу амалда корхонанинг бюджет, банк ва мол етказиб берувчилар олдида ўз мажбуриятларини бажаришга ожизлигини — банкротликни билдиради. Корхонанинг банкрот деб эълон қилиниши унга нисбатан қатор *саниралаш* тadbирларини амалга оширишини, унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни кўзда тутди. Бозор шароитида банкрот корхоналар ўз аҳволларини яхшилаб олишлари учун давлат томонидан бир қатор тadbирлар ўтказилади. Илгари корхоналар, хўжаликлар кўрган зарар давлат бюджети ва имтиёзли банк сугуртаси ҳисобига қопланган. Бозор муносабатлари шароитида улар бундай «химо»дан маҳрум бўлди. Банкрот корхоналар асосан шу корхона жамоа аъзоларига ижарага берилиши ёки бошқа корхоналарга сотилиши мумкин.

БАРТЕР, бартер келишуви (ингл. barter — товар айирбошлов) — валютасиз бевосита товар айирбошлов. Кўпроқ ушар ривожланмаган товар муноса-

батлари даври учун хос бўлган келишув. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги эркин конвертирланадиган валюта курси барқарор бўлмаган, валюта резервлари чегараланган шароитда жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари бартер келишувига мурожаат қилишди ва у халқаро савдо ҳамда бошқа иқтисодий муносабатларда кенг тарқалди. Ҳозирги замон бартер келишувининг аниқ шакллари — валютасиз айирбошлаш, компенсацили келишувлар, турли хил *кларинг*лар. Бартерда валюта тўловларининг йўқлиги товарлар етказиб беришни ва уларни пул шаклида ҳисобга олишни инкор этмайди. Бартер ҳозирги шароитда аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

БАРТЕР БИТИМИ — келишувга биноан мувозанатли, лекин валютасиз товар айирбошлаш ҳақидаги шартнома. Бартер битими ташқи савдода қўлланади. Бартер битимига биноан келишган томонлар ўз товарларини маълум нархда баҳолайдилар. Бу нарх айирбошлашнинг тенгма-тенг бўлишини, *бож* сарф-харажатларини ҳисобга олади. Тенг барабарлик товарларни жаҳон бозори нархларига кўра айирбошлаш орқали таъминланади. Бир томон иккинчисига қарздор бўлиб қолса, у ўз қарзини валюта билан эмас, балки товарлар билан ўзати. Бартер битимига биноан айирбошлаш ҳаракатида *валюта* (пул) қал-нашмайди. Валюта тақчил бўлса ёки унга ишонч кам бўлса, бартер битими қўлланади. Валютага муҳтовоклик, валюта қарзқийматиининг пасайиб кетиши халқаро савдода бартер битимини кенг қўланишга олиб келади. Бундай битимга асосан савдо юзасида валюта талаб қилинмайди, бир вақтининг ўзиде *экспорт* ва *импорт* муомалалари амалга олинади, улар юзасидан хисоб-китоб дарҳол кечкиртирил-

май ўтказилади. 80-йилларга келиб СССРнинг *ташқи қарзи* ўсиб борди, айни вақтда ташқаридан валюта тушуми қискарди. Шу сабабли СССР *ташқи савдо* алоқаларида кўпроқ бартер битимига мурожаат этади.

БИЗНЕС (ингл. business) — соҳибкорлик-тижорат ишлари билан шугулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан банд бўлиш. Бизнес — товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги фаолиятдир. Бизнес хўжалик юритиш қўламини қараб йирик ўрта ва майда турларга бўлинади. Й и р и к б и з н е с га асосан ишлаб чиқаришда 500 дан ортиқ киши банд бўлган, ў р т а б и з н е с га — 20-500 киши банд бўлган корхона (фирма)лар, м а й д а б и з н е с га — 10-20 ва ундан кам киши ишлайдиган корхоналар қиради.

Йирик ва ўрта бизнесга, асосан, йирик ишлаб чиқариш, кўп сонли товарлар чиқарадиган, механизацияланган ва автоматлаштирилган соҳалар қиради. Майда бизнес кишидоқ хўжалиги, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг тарқалган. Майда бизнес шароитга тез мослашувчанлиги билан ажралиб туради, чунки унинг фаолияти катта маблаг талаб қилмайди ва кичик маблагни тез топиш мумкин. Майда бизнес самарали бўлганидан кенг тарқалади, айниқса, йирик бизнес учун кўплай бўлмаган соҳаларда аж-
ралиб кетган.

БИРЖА (голл. beurs, нем. Börse — ҳамён) — стандартлар ёки намуналар асосида савдо қилинадиган оммавий товарларнинг муқтидам улгурчи бозори (*товар биржаси*) ёки қимматбаҳо қорғоқлар, яъни, чет-эл валюталари бозори (*фонд биржаси*). Биржа ва унинг турли шакллари *биржа* механизмнинг аниқлаштирилган шаклини ташкил этади. Биржа келишувининг характердан боғлиқ товар ёки акция ва валюта курсларига, баҳонинг тебраниб турми-

ишга ҳақиқий ва чайқов йўли билан таъсир қилишидир. Хукуматга алоқадор, ишлаб чиқаришни назорат қилиб турадиган монополистлар ишлаб чиқаришнинг мўлжалланаётган ўсиши ёки пасайиши, *дивиденд*ларнинг қисқариши ёки ошиши, баҳо, акция ва валюта курсининг кўтарилиши ва тушишидан доимо хабардор бўлишади. Қимматбаҳо қоғозлар (товарлар) ни паст баҳоларда сотиб олиб, кейин қимматга сотиб чайқовчиликдан катта фойда кўришади. Шу аснода биржа олибсотарлигининг пайдо бўлиши бировларнинг бойиб, бошқаларнинг эса (айниқса майда ва ўрта қатламларнинг) хонавайрон бўлишига олиб келади. Бизнинг мамлакатимизда 20-йилларда биржалар мавжуд бўлиб, улардан *кўп укладли иқтисод* шароитида бозорни давлат томонидан бошқариш мақсадида фойдаланилган эди.

БИРЖА КУРСИ — фонд биржасида муомалада бўладиган қимматбаҳо қоғоз қиймати. Биржа курси севда проценти даражаси билан мазкур қимматбаҳо қоғознинг даромад бериш даражаси нисбати орқали аниқланади.

БИТИМЛАР — фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тиклаш, уларни ўзгартириш ва тўхтатишга йўналтирилган фаолият. Битимларнинг энг кўп тарқалган тури — *шартнома*. Турли товар ва хизматлар битим мавзуси бўлиши мумкин. Хайр-эхсон характеридаги битимларда ҳада қилиш, текин ёрдам бериш кўзда тутилса, тижорат битимларида товарлар олди-сотдиси, хизматларни пулга ёки бошқа товарга айирбошлаш мўлжалланади. *Ташқи савдо* битимлари чет эллик шериклар билан тузиладиган тижорат мазмундаги шартнома, ташқи савдо ишларини амалга ошириш воситаси. Ташқи савдода товарлар, хизматларга чет эл халқаро ёки миллий валюталарда ҳақ тўланади, товар айирбошлаш битимларида эса пулсиз ҳисоблашилади.

Ташқи савдо битимлари товарларни тайёрлаш, жойлаш, саклаш, ташиниш; зарур ҳужжатларни расмийлаштириш; сотилган товарлар учун ҳисоблашни, эътирозли ишларни олиб бориш ва ҳ.к.ларни таъминлайдиган бир қанча, нисбатан мустақил, ammo ўзаро чамбарчас боғлиқ муомалалар воситаси орқали амалга оширилади. Бир битимга мувофиқ ўзаро олди-сотди ишлари, кредитлар, лойиҳа, қурилиш ишлари, мутахассисларни ўқитиш кабиларни бажариш мумкин, яъни битимларни бажариш муайян кетма-кетликда ёки бир йўла амалга ошириладиган бир қанча фаолиятга бўлишади. Ҳар бир ташқи савдо битими шартнома билан, баъзида бошқа ҳужжатлар (таклифларни айирбошлаш, буюртмани тарқатиш, *аккредитив* очиш, келишувга мувофиқ протокол тузиш ва б.) билан ёзма равишда расмийлаштирилади.

БОЖ, бож пули (араб.—ўлпон. солиқ) — *божхона* назорати остида давлат томонидан мамлакат чегарасидан олиб ўтиладиган импорт товарлар, мол-мулк ва қимматбаҳо буюмлардан ундириладиган пул йиғинлари. У билвосита солиқ тури бўлиб, унинг молчи қариш, мол киритиш ва мамлакат территорияси орқали ташиб ўтказиш учун (транзит) ундириладиган турлари мавжуд. Бож муайян товарлар рўйхати, товар миқдори, массаси, бирлиги, шунингдек, товар баҳоси (адвалор бож) бўйича белгиланган божхона тарифлари даражалари доирасида ундирилади. Жумҳуриятлар суверенитетининг кенгайтирилиши ва бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан жумҳуриятлар ўз божхоналарига эга бўлишлари мумкин. Бождан тушадиган даромадлар, асосан, жойларнинг ўзида қолдирилади.

БОЖ ИТТИФОҚИ — икки ёки бир қанча давлатларнинг *бож*лар бўйича ўзаро чегараларни бекор қилиш ва ягона бож тарифи жорий этиш юзасидан ўзаро кели-

шуви. Бож бўйича ягона иттифокка кирувчи ҳар бир давлатнинг товари унга аъзо бошқа давлатлар территориясига божсиз ёки рамзий бож ундириш орқали кириб келади. «Умумий бозор» ёки Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига кирувчи давлатлар ўртасидаги савдо алоқалари бунга мисол бўла олади.

БОЖХОНА — чегара орқали ўтadиган жами юкларнинг шу жумладан, багаж ва почта жўнатмаларини назорат қиладиган давлат муассасаси. У ўтказилаётган юкларни текшириш ва улардан божхона йиғимлари ундириш билан шуғулланади. Божхоналар, одатда, деңгиз ва дарё портларида, халқаро аэропортларда, темир йўл станцияларининг чегара пунктларида ва мамлакатнинг йирик марказларида жойлашади. СССР божхона муассасалари ташқи савдода мамлакат манфаати таъминланишини назорат қилади. божхона ҳаракатларини бажаради ва божхона қондалари бузилишига ҳамда *контрабанда*га қарши кураш олиб боради. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлана бориши муносабати билан божхона муассасаларининг ташкил этилиши ва вазифалари такомиллашиб бормоқда. СССРда мамлакат территориясида божхоналар фаолиятини уюштириш ва унга раҳбарликни марказий божхона органи — СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Божхона назорати Бош бошқармаси олиб боради.

БОЗОР — сотувчи билан харидор ўртасида товарни пулга айирбошлаш муносабати; товарлар билан олди-сотди муносабатлари, товар ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш ва пул муомаласи қонунарига биноан амалга оширилади. Бозорда турли-туман товарлар айирбошлаш объекти бўлади. Бу ерда иштирок этувчи субъектлар — сотувчилар ва харидорлар. Сотувчи — товар эгаси ёки унинг иволатини олган шахс, корхона ёхуд ташкилот бўлса, харидор —

бу истеъмолчи ёки ишлаб чиқариш учун керакли товарларни сотиб олувчи бўлади. Бозорда икки хил жараён, иш амалга ошади: бири — товарларни сотиш, бунда товар пулга алмашади, яъни Т—П жараёни юз беради, иккинчиси товарни харид этиш, пулни товарга айирбошлаш, яъни П—Т жараёни амалга ошади. Айирбошлаш иқтисодий ва эркин шаклланган баҳоларга биноан амалга ошади.

Бозор ўзига хос структурага эга. Айирбошлаш объектининг моддий шакли жиҳатидан олганда истеъмол товарлари ва хизматлар, ишлаб чиқариш воситалари, инвестиция, қимматли қоғозлар, илмий гоёлар, техникавий ишланмалар ва меҳнат (иш кучи) бозорлари мавжуд. Айирбошлаш миқёси жиҳатидан маҳаллий, регионал, миллий ва жаҳон бозори, ички ва ташқи бозорлар бор. СССРда умумиттифок бозори — миллий бозорни, айрим жумҳурият ёхуд жумҳуриятлараро бозор (Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозғистон бозори) — регионал бозорни ташкил этади. Бу СССРдаги бозор амалиётида моддий-техника таъминоти, улгуржи ва чакана савдо базалари, ҳар хил магазин ва дўконлар, деҳқон ва чайков бозоридан иборат. Бозорнинг қай даражада ривожланганлигини унинг ҳажми белгилайди. Меҳнат тақсимоти нақадар чуқур бўлса ва ишлаб чиқариш миқёси қанчалик катта бўлса, шунчалик бозор ҳажми ҳам шунга мувофиқ ортиб боради. Бозор ҳажми олди-сотди миқдори, яъни товар оборотининг ҳажми билан ўлчанади. Бу эса айирбошланадиган товар ва хизматлар миқдорига, уларнинг ҳар бирининг нархига боғлиқ бўлади. Нарх ўзгармаган тақдирда бозор ҳажмининг ортиб бориши ишлаб чиқаришнинг юксалишига мос келади, иқтисодий ўсишни аниқлатади.

Амал қилиш характери жиҳатидан бозор 3 хил бўлади: тартибсиз (стихийли), режали ташкил этилган ва, ниҳоят, тартибга солиниб турувчи бозор. Стихийли

бозордан тартибли, режали ташкил этилган бозорга ўтиш маданийлашган жамиятга хос. Хозир ҳеч бир мамлакатда стихияли бозор ҳукмрон эмас, ақсинча бошқариладиган бозор етакчи мавжега эга. СССРда ҳаддан ташқари марказдан режалаштирилган тақсимот ва айирбошлашдан тартибга солинувчи бозорга қайтилади. Аммо СССРда асосий бўлмасда, стихияли бозор мавжуд бўлиб, саноат молларининг чайқов бозори ва *дедхон бозори* унинг кўринишларидир.

БОЗОР ИНТЕРВЕНЦИЯСИ— миллий ёки регионал бозорга ташқаридан суқилиб кириш ва уни ўзига тобе этиш. Хорижий товарлар муайян мамлакат ёки регион бозорини ҳимоя қиладиган тўсиқларни бартараф этиб, бозорга кириб олади ва шу ердаги товарлар билан рақобат қилади. харидорларни ўзига оғдириб олади. Бозор интервенцияси рақибларнинг ўз бозорини кенгайтиришга ҳаракат қилишини билдиради. Бозор интервенцияси хар хил воситалар билан амалга ошади; демпинг экспорт (ички бозордан ҳам паст баҳоларда экспорт) ишлатиш, юқори бож тўловларига ҳам рози бўлиш, бозор чакон ерларда корхоналар куриб, товар чиқариш, импорт қилувчи мамлакат ёки регионга моддий ёрдам кўрсатиш, сийсий таъйиқ ўтказиш ва бошқалар.

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ— бозор иқтисодиёти учун хар хил хизмат кўрсатувчи соҳалар; унга *банклар*, жумладан тижорат банклари, *биржалар*, *аукционлар*, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари, давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари, солиқ ундирувчи инспекцияси, тижорат ва соҳибкорлик идоралари, воситачи фирмалар, савдо-сотик уюшмалари, *концернлар*, *консорциумлар* ва бошқалар қиради. Бозор инфраструктураси товар ишлаб чиқарувчиларнинг савдо-сотик, молия-кредит ишларига, шерик топишга, иш кучи ёллашга кўмаклашади. давлатнинг иқтисодиётни тартиб-

га солувчи тадбирларини амалга оширади, ишлаб чиқарувчилар ўртасида алоқа ўрнатилишга ёрдам беради. Бозор инфраструктураси фақат давлат идоралари эмас, балки мустақил уюшма, ташкилот ёки фирмалардан иборатки, улар кўрсатган хизматлари учун ҳақ олади. СССРда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида зарур бозор инфраструктурасининг бутуни бир системаси яратилади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ— товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонуналар асосида бошқариладиган иқтисод. Бозор иқтисодиётни азалдан мавжуд, у бир неча мин ийллрдан буён ривожланиб, турли иқтисодий-иқтисодий формациялар доирасида сақланиб келади, иқтисодий соҳадаги умуминсоний кадрият ҳисобланади. Дастлаб жамиятда бозор иқтисодиётининг илк кўртақлари пайдо бўлган, сўнг камол топиб, оқибат натижада иқтисодиётнинг бош шаклига айланди. Ҳозирги даврда бозор иқтисодиётни ер юзидаги барча мамлакатларда мавжуд, лекин эркин соҳибкорлик ҳукмрон жойларда иқтисодиётнинг асосий тури ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ўзининг ҳозирги даражасида бир катор муҳим сифат белгиларига эга. Улардан асосийси товар ишлаб чиқарувчининг иқтисодий эркинлиги, яъни бозор учун ишлаб чиқарувчи корхона ёки айрим кишининг мустақил иқтисодий фаолият юритишидир. Мустақилликнинг бирламчи асоси— мулк эгаси бўлиш. Товар ишлаб чиқарувчи меҳнат воситаси эгаси ёхуд уни ижарага олиб, ўз билганича ишлатувчи бўлади. Шу билан бирга у ўзи яратган маҳсулотнинг мулкдори, уни ўзи билганича сотиш ёки сотмай турнишга ҳақли. Бозорга чиқарилган товарни оли-сотди қилиш сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига асосланади, уни чеклаш ёки таққилаш ўрнениз ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётни иқтисодий

монополиями ишқор этади, товар ишлаб чиқарувчиларининг бозордаги эркин рақобатини тақозо этади. Бозорда товар эгалари товар сотиш орқали харидорни ўзига қаратишга иштилади. Бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи ўз шартини қўяди, ўз измини ўтказади. Ишлаб чиқарувчи истеъмолчининг талаб-эhtiёжини қондиргандагина даромад қўра олади. Бозор иқтисодиётининг муҳим томони — ишлаб чиқарилган товарга кишилар эhtiёжини қондириш учун зарур миқдор ва турда, яъни бозорда тан олинадиган даражада меҳнат сарфланшидир. Унинг яна бир белгиси айирбошлашнинг эквивалент, яъни сарфланган иқтисодий зарур меҳнатга мувофиқ амалга ошириш ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида айирбошлаш албатта пул воситасида, яъни олди-сотди орқали юз бериши керак, олди-сотди эса эркин ва рақобат асосида ташкил топган баҳолар орқали олиб борилади. Товар ишлаб чиқариш бозор воситалари орқали тартибга солинади. бозорда нимага талаб ошиб бора, шу нарсаи ишлаб чиқариш фойда беради, бинобарин, шу тармоқ кенгайиб боради.

Бозор иқтисодиётига ҳос объектв конуилар бор. Улардан энг муҳими қиймат қонуни, талаб ва тақлиф қонуни, инҳоят, пул муомаласи қонунидир. Бозор иқтисодиётининг муҳим талаби шуки, товар ишлаб чиқарувчи кам меҳнат сарфлаган ҳолда қўшлаб ва сифатли товар чиқаргандагина, яъни кишиларнинг талаб-эhtiёжини тўлароқ қондиргандагина фойда қўриб ишлаши мумкин. аке ҳолда у синади (банкрот бўлади). Бозор иқтисодиётига ҳос белги — бу товар ишлаб чиқарувчиларининг, умуман жамият аъзоларининг ўз даромадига қўра табақалашувидир. Айрим корхоналар, кишилар ва ҳатто давлатлар ўз даромади жиҳатидан тафовутланадики, бу ишлаб чиқариш даражасидаги фарқнинг оқибати ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти

шароитида ишлаб чиқарилган барқарор ўсиши учун бозор кенгайиб, унинг турлари кўпая боради рақобат кураши миқдий доирадан чиқиб, халқаро тус олиши керак.

Тарихан бозор иқтисодиётининг икки тури мавжуд: биринчиси — тартибсиз стихияли ривожланувчи бозор иқтисодиёти. Бундай иқтисод тарихий тараққиётнинг олдинги босқичларида ҳукмрон бўлган. ҳозир ҳам учраб туради. У тармоқ, бир-биридан ажралган, ўзибўларчилик асосида ва кўр-кўрона ривожланувчи, мақсад ва ҳаракати бир-бири билан олдиндан мутлақо келишилмаган ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар фаолиятидан иборат; иккинчиси — тартибга солинувчи, бошқариладиган бозор иқтисодиёти бўлиб, жамият бундай бозорга давлат орқали ва иқтисодий воситалар (нарх, солиқ, процент, фойда, рента, субсидия ва х.к.) билан маълум йўналиш беради, унга онгли равишда таъсир қўрсатади. Ҳозирги босқичда деярли ҳамма мамлакатларда бозор иқтисодиётининг бу тури ҳукмронлик қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш СССРдаги иқтисодий ислохотнинг нихоясидир. У гуманистик ва демократик социализмга боришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Унга ўтиш дархол юз бермайди. Бунинг учун ўтиш даври талаб қилинадики, унинг давомида босқичма-босқич бозор иқтисодиётининг муҳим унсурлари биринкетни жорий этилади. Қўпгина мамлакатларда бозор иқтисодиёти тарихан узок йиллар мобайнида шаклланган, аммо бозор иқтисодиётини юритиш соҳасида инсоният тўнлаган тажрибадан фойдаланиш унга ўтишни жадаллаштириш имконини беради.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИ — қ. СССРда бозор иқтисодиётига ўтиш даври.

БОЗОР КОНЪЮНКТУРАСИ — айрим бозорларда муайян ҳолатларнинг мавжудлиги. Бозор конъюктураси муайян даврдаги бо



зор ҳолати, бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан характерланади. Шунга кўра, бозор конъюктураси ижобий ва салбий, қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин. Бозор конъюктураси талабнинг ошиши билан характерланса, у сотувчи учун қулай, чунки у товарини қимматга сотиб, ортиқча даромад кўради. Агар бозорда таклиф ортиқлик қиладиган бўлса, конъюктураси харидор учун қулай бўлади — товарни арзонга олиб, бундан наф кўради. Бозор конъюктураси айрим товарларга нисбатан ҳам содир бўлиши мумкин. Бозор конъюктураси айрим товар ишлаб чиқариш миқёсига ва сотиб олувчиларнинг харид қобилиятига боғлиқдир, нарх-навога, моданинг ўзгаришига қараб ҳар хил бўлади. Бозорнинг келажакдаги ҳолатини ишлаб чиқаришнинг техникавий аҳоли, унга сарфланган қўшимча ресурслар ва уларнинг қайтим бериш муддатлари, товар захиралари динамикаси, экспорт ва импорт, шунингдек нарх-наводаги ўзгаришлар тенденциясига қараб аниқлаш мумкин. Бу билан товарлар таклифи ўрганилади. Инвестиция суммаси ва структурасига, меҳнат предметиға бўлган талаб ва корхона, ташкилотлар пул сарфининг йўналишиға қараб, шунингдек, аҳоли харид қобилиятини, унинг товарлар билан таъминланиши даражасини ҳисобга олиб талаб ўрганилади.

Бозор конъюктураси эҳтимоллари миллий, регионал ва жаҳон бозорларига, айрим товарларга нисбатан аниқланади. Бозор конъюктурасини олдиндан кўра биلىш иқтисодий таълиққа йўлқмаслик, бозор мувозанатини таъминлаб бориш шарти ҳисобланади. СССРда ички бозор конъюктураси ёки жумҳуриятлардаги бозорлар конъюктураси савдо вазирлиқлари ҳузуридаги конъюктураси ва аҳоли талабини ўрганиш илмий тадқиқот институтларида, ташқи бозор конъюктураси СССР Ташқи иқтисодий

алоқалар вазирлигининг Ташқи савдо конъюктураси ва талабини ўрганиш илмий тадқиқот институтида ўрганилади.

БОЗОР МУВОЗАНАТИ — бозордаги талаб ва таклифнинг миқдоран ва таркиби жиҳатидан бирибириға мувофиқ келиши. Агар шундай мувофиқлик бўлмаса, бозор мувозанати издан чиққан бўлади. Талаб ва таклиф узок вақт бир-биридан ажралиб қолса, бозор ўзининг меъёрдаги ҳолати, фаолиятини йўқотади. Бозор мувозанати талаб ва таклифнинг мутлақ ва абадий мослиги эмас. Бундай мослик умуман олганда ҳамма товарларға нисбатан ва узок даврга хос бўлиши мумкин. Ҳузурий ва айрим товарларға нисбатан мослиқнинг бузилиши муқаррар, чунки эҳтиёжнинг юксалиши оқибатида янги талаб пайдо бўлади ва у дарҳол қондирилмайди.

Бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий йўллари: товар ишлаб чиқаришни талаб даражасига етказиш орқали бозорни тўйдириш; етарли товарлар захирасини барно этиш; талабгир товарлар нархини ошириш, ўтмай турган товарлар нархини пасайтириш; экспорт ва импортнинг ортинги ёки камайиши; аҳоли даромадларининг товарлар ва хизматларини кўпайишиға қараб ортиб бориши; меҳнат унумдорлигининг иш хақиға нисбатан тезроқ ўсиши.

Бозор мувозанати цивилизациялашган жамиятда бозорни тартибға солиш орқали юзаға чиқади.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ — сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий алоқалар. Олди-сотди ҳусусида товар ва пул эгалари ўртасидаги муносабатлар юзаға келадик, уларнинг конкрет ижрочиси корхона, фирма, компания, ташкилот, айрим шахс ва ҳатто давлатлар қиёфасида намоён бўлади. Бозор муносабатлари бозорнинг турларига қараб хилма-хил бўлиши мумкин. Товар бозори, меҳнат бозори, қим-

матли қоғозлар бозори, инвестиция бозори, ниҳоят интеллектуал товар бозоридаги муносабатлар бир тахлитда эмас. Масалан: меҳнат бозоридаги муносабатлар махсус товар—иш кучини олди-сотди қилиш борасида, қимматли қоғоз бозорида муносабатлар даромад (дивиденд) келтирувчи қоғозларни пулга алмаштиришда юзага чиқади. Бир хил айирбошлаш муносабати шахсий эҳтиёжни қондирса, иккинчи хил даромад топишни кўзлайди. Бозор муносабатлари доирасида индивидуал меҳнат сарфлари ижтимоий зарур сарфга тенглаштирилади, меҳнат сарфи харидор томонидан тан олинади ёки эътироф этилмайди.

Бозор муносабатларининг бир катор қондалари мавжуд. Бозор муносабатлари: 1) эркин, ихтиёрий ва тенг ҳуқуқли бўлиши; 2) мавжуд, ташкил топган нархлар ва тарифлар асосида юзага чиқиши; 3) харидор ва сотувчи бир-бирини ўз билганича, ўз ихтиёри билан ташлаб олиши; 4) бозор иштирокчиларидан биронтасининг монопол мавкега эга бўлмаслиги; 5) иштирокчилар ўртасидаги алоқалар соғлом рақобатга асослангани лозим. Рақобат воситаси эса сифатли товарларни ишлаб чиқариши ва уларга кетган меҳнат сарфини камайтиришидир.

Бозор муносабатлари ривожланиши айирбошлашнинг кенгайиши ҳисобига миллий доирадан чиқиб, халқаро алоқаларга айланиши, бозор иштирокчилари табақаланиб боришига, стихияли бозордан тартибга солинувчи бозорга ўтишга олиб келади. Бозор муносабатлари маълум ташкилотлар ва давлат органлари томонидан бошқариб турилади. Бошқаришда ЭҲМ, телекс, телефакс, товарлар картотекаси каби воситалардан фойдаланилади. Бозор муносабатларини амалий ташкил этишда бозор ҳақидаги объектив маълумотлар муҳим роль ўйнайди.

БОЗОР МУҲОФАЗАСИ — миллий бозорнинг ёки айрим товар-

лар бозорининг давлатнинг экспорт-импортни тартибга солувчи тадбирлари воситасида химоя қилиниши. Бозор муҳофазаси четдан товар келтиришни чеклаш, таққиллаш ёки бож тўловини ошириш орқали амалга ошади. Бож ортиб кетса товарларни сотиш харажати кўпаяди, натижада зарар кўрмаслик учун келтирилган товарлар нархи оширилади. Келтирилган товарлар муайян мамлакатнинг ўзида чиқарилган товарларга нисбатан қимматроқ сотилганидан ўтмай қолади. Хорижий товар бозордаги рақобатга бардош бера олмайди ва бозорни тарк этади (келтирилмайди). Ички бозорда мамлакатнинг ўз товарини учун қулай ҳолат (конъюнктура) вужудга келади, товар ишлаб чиқарувчилар яхши фойда кўра бошлайдилар. Муайян давлатнинг бозор муҳофазасини бартараф этиш учун бошқа давлатлар ўз территориясида шу мамлакатдан чиқарилган товарларга бож тўловини ошириб, ўз рақибини ён босишга мажбур қилади. Шу сабабли бож тўловлари ўзгариб туради. Бозор муҳофазасини четлаб ўтишнинг муҳим йўли илгари товар чиқарилган мамлакатга капитал чиқариб, муайян товарни ўша ернинг ўзида яратиш ва сотиш ҳисобланади. Масалан, Япония автомобиль фирмалари ўз товарини АҚШга келтириш йўлидаги юқори бож тўловларига чап бериш учун АҚШда ўз заводларини қуриб, чиқарилган автомобилни шу ернинг ўзида сотади. Бозор муҳофазаси мамлакатлараро савдо жангларида қўлланадиган истехком вазифасини ўтайди. Мамлакатлар интеграцияланиб, миллий бозор чегаралари йўқотилади. Бир неча мамлакатлар учун умумий бозор ҳосил бўлгач, бозор муҳофазаси учун ўрин қолмайди.

БОЗОР РЕГУЛЯТОРИ — ишлаб чиқаришни бозор орқали тартибга солишнинг иқтисодий воситаси. Бозор регуляториши бозор қонунилари юзага чиқаради, улар таъ-

серида нарх-навоҳнинг ўзгариши, ишлаб чиқаришнинг кенгайтиши ёки қисқариши юз беради. Муайян товарнинг бозор нархи ошса, уни ишлаб чиқариш юқори фойда келтиради. Бинобарин, ишлаб чиқариш манбалари фойда кам соҳадан серфойда соҳага қўчади. Манбалар қайта тақсимланиб, ишлаб чиқариш структураси ўзгаради, керакли товарлар қўнлаб чиқарилади. Бозор регулятори қайси товарни ва уни қанча сарф билан яратиш зарурлигини ишлаб чиқаришга етказди, товарлар дунёсини янгилашиб туришга ундайди. Бозордаги талаб ва таклиф нисбати нарх орқали ишлаб чиқаришга таъсир этади. Бозор регуляторига амал қилиш учун бозор монополияси бўлмастлиги, ақсинча, эркин бозор рақобатига йўл берилиши зарур. Бозор регулятори ишлаб чиқариш суръатлари ва структурасини белгиловчи бирдан-бир омил эмас. Ишлаб чиқариш режа воситасида ҳам тартибга солинади. Нимани, қаерда ва қанча ишлаб чиқариш, унга қанча меҳнат сарфлаш зарурлигини режа орқали олдиндан белгилаш мумкин, лекин бунинг учун албатта бозордаги талабни ҳисобга олиш шарт. СССРда *бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг бозор регулятори орқали бошқариш режали бошқариш билан бирга амалга оширилади.*

БОЗОР СЕГМЕНТАЦИЯСИ — маълум белги-аломатларига қараб *бозорнинг* ҳар хил қисмларга ажратилиши, табақалаштирилиши. Бозорда қандай валютанинг юриши, ниманинг яхши сотилиши, харидорларнинг одат-анъаналари ва феъл-атворлари, уларнинг харид қобилиятига мувофиқ товар етказиб турилади. Бозор сегментацияси орқали товарларни кам сарф-харажатлар билан яхши нархда сотиш имкони яратилади.

«**БОЗОР СОЦИАЛИЗМИ**» — корхоналар давлат мулки бўлиб қолгани ҳолда яратиб бериладиган шароитлар уларнинг эркин бо-

зор иштирокчиси бўлишига имконият беришнинг асослашга уринадиган назария. «Бозор социализми» кўпроқ давлат мулкнинг бозор бошқаруви билан қўшилиб кетиши маъносига тушунилади.

БОЗОР ФУНКЦИЯЛАРИ — *бозор* бажарадиган иқтисодий вазифалар. Унга асосан қуйидагилар киради: 1) товар айирбошлаш орқали ишлаб чиқариш билан истеъмолчи бир-бирига боғлаш; 2) истеъмол буюмлари ва хизматларни аҳолига етказиб бериш орқали халқ фарволигини ошириш, иш кучининг такрор яратилишини таъминлаш; 3) ишлаб чиқариш воситаларини корхоналарга етказиб бериш орқали иқтисодиётнинг моддий асосини такроран яратиш ва ривожлантириш; 4) нархларнинг ўзгариши орқали талаб ва таклифни бир-бирига мослаштириш, пулни товарлар билан таъминлаб, пул муомаласининг барқарор бўлишига эришиш; 5) жамият аъзоларининг талаб-эҳтиёжларини ишлаб чиқаришга етказиб, уни шу йўлда ўстиришга эришиш; 6) товарларни ишлаб чиқаришга кетган сарф-харажатларнинг нақадар ўринли эканини, уларни нақадар жамият тан олишини аниқлаш, харажатларни насайтиришга ундаш; 7) халқлар ва давлатлар ўртасидаги бир-бирига боғлиқлик ва тенг ҳуқуқли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш. Бозор функцияларининг барчаси бир-бири билан боғлиқ ва биргаликда амалга ошади. Бунинг учун бозор турлари бир-бирини тақозо этиши шарт.

БОЗОР ҚОНУНЛАРИ — пул воситасида *бозорда* товар айирбошлашнинг моҳиятини ифода этувчи, уни бошқариб турувчи объектив иқтисодий қонуилар. Улар жумласига *талаб ва таклиф қонуни* ҳамда *пул муомаласи қонуни* киради. Бозор қонуилари бозор муносабатлари амал қиладиган қонуилар бўлиб, улар объектив тарзда ҳаракат қилади, шу сабабли уларни эътиборга олмас-

лиқини ҳеч бир иложи йўқ. Ки-шиллар бозор қонулирини идрок этадилар. Ўз фаолиятларини шу қонуилар талабига мослайдилар. Бозорда талаб ошса, нархни ҳам оширадидлар, агар пасайса, нарх-ни ҳам туширадидлар. Жамият бозор қонуиларига риоя қилиб, муомалага фақат керакли мик-дорда пул чиқаради. Агар пул кўпайиб, қимматчилик юз бериб, пул қадри тушиб кетса, ортиқча пул муомаладан чиқарилади, пул билан товар ўртасидаги мувофик-лик таъминланади. Бозор қо-нуиларини англаган ҳолда жа-мият *инфляция*га қарши тадбир-ларни амалга оширади. Бу қону-илардан уларни ифода этувчи иқтисодий (қиймат) дастакларга (нарх, процент, фойда, дивиденд, харажат ва ҳ.к.) таъсир этиб, уларни шароитга мослаштириш орқали фойдаланилади. Бунда бозор қонуиларининг иқтисодиётга таъсири *бозор регулятори* орқали амалга ошуви назарда тутилади.

БОЗОРНИ БОШҚАРИШ — *бо-зор* муносабатларининг муайян мақсад ва маълум йўналишда ри-вожланиб боришига қаратилган махсус фаолият. Уни давлат, корхоналар, бирлашмалар ёки корпорациялар амалга оширади. Бозор муносабати иштирокчилари бозорни бошқариш объекти бўлса, бошқарув органлари унинг субъекти бўлади. Бозорни бош-қариш — бозорни ташкил этиш, уни режалаштириш ва тартибга туширишдан иборат фаолиятни ўз ичига олади. Булар орасида *бозорнинг тартибга туширилиши* бошқаришнинг ҳал қилувчи бўғи-ни ҳисобланади. Бозорни бош-қаришда иқтисодий, ташкилий, маъмурий ва ихёят социал-пси-хологик усуллар қўлланилади.

БОЗОРНИНГ ТАРТИБГА ТУ-ШИРИЛИШИ — жамият номи-дан давлат амалга оширадиган тадбирлар ва иқтисодий дастак-лар ёрдамида *бозорга* фаол таъ-сир этиш, унинг маълум мақсад йўлида амал қилишига эришув. Бозорни тартибга тушириш воси-

талари туркумига давлатнинг то-вар ва хизматлар яратишни кў-пайтириш мўлжалланган даст-турлари, нархларнинг юқори чегарасини белгилаш, корхоналар барқарорлигини таъминлаш, нарх-ларнинг ошиб кетишидан кел-ган фойдани солиқлар орқали жамият ихтиёрига, яъни бюджет-га олиш, товарни бозорга чиқ-ариш ёки чиқармай туришни таъ-минлаш учун товар ишлаб чи-қарувчиларга давлат ҳисобидан субсидиялар бериш ва б. киради. Қимматчиликдан аҳоли кўрган зарарни қоплаш учун компенса-ция бериш, умуман инфляцияга қарши чоралар, бож тўловларини ўзгартириб туриш орқали товар-лар экспорти ва импортига таъ-сир этиш ҳам шу туркумга кира-ди. Бозорни тартибга туширишда албатта *бозор қонуиларини* ҳи-собга олиш шарт, у *бозор му-возанатини* таъминлашга қарати-лади. Бозор мувозанати таъмин-ланмаса, илдам иқтисодий ўсish юз бермайди.

БОЙКОТ (инг. boycott) — норозилик билдириш учун бирон-бир иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан бош тортиш. Иқтисо-дий алоқа юритувчи томонлар-нинг маффаати ўзаро зид келиб қолганда улардан бири бойкот эълон қилади, келишилган *шарт-номани* бажариш тўхтатилади. Савдо-сотиқ ишларида бойкот то-варларни отказиб туришдан бош тортиш, олдин белгиланган нарх-дан воз кечиш кўринишларида юз беради. Бойкот вақтинча тадбир, томонлар муросага келишгач, тўхтатилади.

БОШЛАНГИЧ (ҚЎР) ПАЙ — СССРда давлат корхонасини ак-ционер, кооператив ёки хусусий корхонага айлантириш чоғида ишчи ва хизматчиларнинг корхо-нани сотиб олиш учун қўшган дастлабки пул маблағи. Бошлан-гич (қўр) пай қўшиш корхона эгасига айланишининг шarti ҳи-собланади ва корхона мол-мулки-да унинг илк ҳиссасига теш бўлади. Пай ишчи ёки хизмат-

чининг тўла ҳиссаси эмас, чунки у кейинчалик ортиб боради. Корхона қийматининг бошланғич пайлар йиғиндисидан ортиқ қисмини давлат кредит (қарз)га, насияга беради. Бошланғич пай ишчи ва хизматчиларнинг шу қарзни узишга қўшган ҳиссаси билан биргаликда уларнинг тўла пайини ташкил этади. Агар сотиладиган корхона акционерлашган бўлса, бошланғич пай қўшган киши дастлаб унинг суммасига тенг акцияни, *акция* миқдорига қараб эса *дивиденд* олади. Бошланғич пай давлат мулкидан меҳнаткашлар мулкига ўтишда қўл келадиган восита, давлат мулкини халққа сотишнинг йўлларида бири. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг зарур шарт-шароити ҳисобланади, чунки шу йўл орқали давлат мулки монополияси тугатилади.

БРОКЕР (ингл. broker), мақерлар — фонд, товар, валюта биржаларида олди-сотди битимлари тузишда воситачилик (даллоллик) қиладиган айрим шахс ёки фирма. Улар фонд ва товар биржаларида, валюта, суғурта ва фрахт бозорларида сотувчилар ва харидорлар (мижозлар) ўртасида товарлар, қимматбаҳо қоғозлар, валюта ва бошқа ноёб нарсалар билан олди-сотди қилишга ёрдам беради. Биржа, суғурта, кемачилик, валюта брокерлари каби турлари мавжуд. Брокерлар одатда мижоз топширигига қўра ва унинг ҳисобига иш юритади, кафолат берувчи ҳисобига ўз номидан савдо битимлари тузиши ҳам мумкин. Воситачилик битимлари асосан брокерлик идоралари, фирмалар ёки уларнинг филиаллари орқали расмийлаштирилади. Воситачилик қилгани учун олди-сотдининг муайян проценти миқдоридан ҳақ (брокериж) олади.

Брокерлар бевосита товарларни кўрмай битимлар тузади ва товарни тўғри харидорга жўнатади, томоиларнинг таклифлари ҳам брокерлар орқали ўтади.

Йирик брокерлик жамиятлари харидорга қарз беришда банклар билан ҳамкорлик қилади, айрим ҳолларда ўзлари кредитор бўладилар, битимлар бажарилишига кафиликни ҳам ўз бўйинларига оладилар.

БРУТТО ҚАРЗ — давлат *ташқи* қарзининг умумий миқдори; бошқа давлатларга берилган ва қайтариладиган қарзни ҳисобга олмаган ҳолда, лекин олинган қарзга уни тўлаш муддати тугагунча бериладиган процент ҳам қўшиб ҳисобланган қарз. Брутто қарз қўплиги мамлакат иқтисодининг заифлиги, унинг танг аҳволини билдиради. Аммо бу қарз мамлакатнинг халқаро кредит алоқалари фаол боришини ҳам кўрсатади. Брутто қарзнинг мутлақ ва нисбий миқдори бор. Мутлақ миқдор брутто қарзнинг умумий миқдори (суммаси). Нисбий миқдор мамлакатнинг иқтисодий қуввати ва экспорт имконига нисбатан ҳисобланган брутто қарз. Масалан, А мамлакат бошқалардан 10 млрд. доллар қарз, лекин унинг экспорти 1 млрд. доллар, демак қарзи 10 йиллик экспортига тенг. Б мамлакат ҳам 10 млрд. доллар қарз олган, лекин экспорти 500 миң долларга тенг, ёки қарзи 20 йиллик экспортига тенг. Демак, А ва Б мамлакатлар брутто қарзи мутлақ миқдори тенг. Лекин А мамлакатнинг брутто қарзи нисбий миқдори 2 марта кам. Брутто қарз камайиб бориши мамлакат иқтисодининг ўнгланишидан дарак беради. Унинг ортиб бориши мамлакат қарамлигини кучайтиради (яна қ. *Нетто қарз*).

БЮДЖЕТ (ингл. budget — сумка) — давлат, вилоят, шаҳар, район, муассаса, ташкилот ва бошқаларнинг маълум муддатдаги (йил, квартал, ой) даромад ва харажатларининг пул ҳисоби. Бюджетнинг харажат қисми даромад қисмидан ортиқ бўлса бюджетнинг тақчиллигини билдиради. Бюджет даромадининг харажатдан устунлиги ижобий

қолдиқни ҳосил қилади. Ўзбекистон ССРда 1989 йилда жумҳурият давлат бюджетида харажатларнинг даромадлардан ошиб кетиши 3 миллиард сўмдан иборат бўлди, яъни унинг тақчиллиги бюджетнинг умумий ҳажмига нисбатан 25%дан кўпроқни ташкил қилди. Утган хўжалик йилидаги давлат бюджетининг ижроси ва келгуси йил дастури Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида халқ депутатлари томонидан ҳар йили муҳокама қилиниб, қабул этилади. Буржуа давлатларида бюджетнинг даромад қисми, асосан, солиқлардан ҳосил бўлади ҳамда қуроли кучлар, полиция ашаратини сақлашга ва ижтимоий эҳтиёжларга сарфланади.

СССРда бюджет маблағлари, асосан корхоналарнинг жамғармаларидан, яъни жамиятнинг моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратган соф даромадидан таркиб топади. Бюджет таркибидан аҳолидан ундириладиган солиқларнинг ҳиссаси эса анча паст. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан бу манбанинг ҳиссаси ҳам ортади.

В

ВАЛЮТА (итал. *valuta*, лат. *valere* — кадрланмоқ, қиймат) — мамлакатнинг пул бирлиги ва унинг тини (олтин, кумуш, қоғоз); пулга тенглаштирилган тўлов воситалари; пул ҳисоб-китоблариши тақозо этадиган халқаро иқтисодий айирбошлан ва бошқа алоқаларда қатнашади. Валюта сифатида миллий пул бирлиги (масалан АҚШда *доллар*, Германияда марка) *валюта курси* да ифодаланадиган халқаро баҳога эга. Амалиётда валюта миллий *банкнотлар* шунингдек,

тўлов воситалари ва ҳисоб-китобнинг кредит ҳужжатлари шаклида қўлланади. Бундан ташқари халқаро шартномалар асосида ташкил топган ҳисобларга ёзиб қўйиш ҳам валютага киритилади. Металл пул муомаласи шароитида валюта олтин ёки кумушга майдаланадиган миллий пул кредитлари (олтин ва кумуш валюталар) шаклида намоён бўлган эди. Валютани қимматбаҳо металлларга майдалаш тўхтатилгандан кейин халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган барча миллий валюталар «қоғоз» бўлиб қолди. Халқаро тўлов муомаласи эркин алмаштириладиган ёки *Халқаро валюта фонди* белгиланган курс бўйича эркин алмаштириладиган валюта билан бажарилади. Халқаро валюта фонди АҚШ долларини, Германия маркасини, Франция франкини, Англия фунт стерлингини ва Япония иенасини бошқа ҳар қандай мамлакатлар валютасига эркин алмаштириладиган валютага киритади. Бошқа мамлакатлар валюталари чегараланган ёки бутунлай тикланмайдиган, эркин алмаштирилмайдиган валюталардир.

ВАЛЮТА АУКЦИОНИ — чет эл валютасининг миллий валютага қимосиди савдоси орқали келишилган баҳоларда сотилиши. Валюта аукциониди валюта сотувчиси ва сотиб олувчиси мавжуд. Аукциониди корхоналар (фирма), таъкилот, акционер жамиятлар ва граждандар иштирок этиши мумкин.

Ихтиёрида чет эл валютаси бўлган банклар валюта аукционни ташкил этадилар. Валюта аукциониди бўш турган валюта унга мухтожларга сотилади. Валютанинг сотилиш нархи унга бўлган талаб ва таклифининг нисбатига боғлиқ. Валюта аукционни валюта билан расмий савдо қилиш бўлиб, яширин валюта бозоридан фарқли равишда таъкикланмайди. СССРда валюта аукционини СССР Ташқи иқтисодий фаолият банки ўткази.

унда валютаси бор ва валюта сотиб олишга қурби етадиган корхоналар ва ташкилотлар қатнашади.

ВАЛЮТА БОЗОРИ — чет эл валютаси, *чек, вексель*, перевод (*ўтказма*), *аккредитив* ва бошқа кимматбаҳо қоғозларни сотиш, сотиб олиш ва алмаштириш. Уни миллий ва халқаро банклар, шунингдек, биржалар амалга оширади, турли мамлакатларнинг банклари ўртасидаги алоқалар воситасида вужудга келган жаҳон валюта бозори ташқи савдо, инвестиция, туризм ва бошқа муносабатлар билан боғлиқ пул ҳисоб-китобларини олиб боришга хизмат қилади. Хўжалик ҳаётининг байналмилаллашуви натижасида йирик халқаро валюта бозорлари Лондон, Париж, Нью-Йорк, Франкфурт-Майн, шунингдек, Токио, Сингапур, Гонконг, Баҳрайнда муваффақият билан фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги даврда валюта бозорларидаги битимларга биноан валютани олди-сотди қилиш ҳажми йилига 50 триллион доллардан ортиқ суммани ташкил этади. Валюта бозорида муомалалар валютани нақд отказиб бериш (спот) билан ёки валютани келишилган вақтдаги курс бўйича маълум муддатда (1-3 ой ва ундан кейин) отказиб бериш (форвард) шаклида амалга оширилади. Аксарият муомалалар АҚШ доллар билан олиб борилади.

Валюта бозорида белгиланган курс бўйича сўм валютага алмаштирилиши мумкин. Аммо валюта бозорида қатнашиш учун сўм ҳамма жойда эркин алмаштириладиган бўлиши лозим.

СССР Вазирлар Қенгаши 1990 йил 4 августда Умумиттифок валюта бозорини шакллантириш тадбирлари ҳақида махсус қарор қабул қилди. Бу қарор асосида Москва шаҳрида умумиттифок ҳамда жойларда жумҳуриятлар ва регионлар валюта бозорларини 1991 йилнинг бошидан

ташқил қилиш мақбул деб тошди. Бу бозорларда келишув бозор курси бўйича, талаб ва таклифнинг жорий нисбати асосида амалга оширилади. Бундан ташқари 1991 йилнинг 1 январидан барча корхона ва ташкилотларга чет эл валютасини совет сўмига алмаштириш, сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқи берилди.

ВАЛЮТА ИНТЕРВЕНЦИЯСИ — йирик давлатларнинг валюта бозоридаги муомалаларга миллий ёки чет эл валюталарининг курсини ошириш ёки тушириш мақсадида чет эл валютасининг катта суммасини ёки олтинни сотиб олиш йўли билан аралашуви. Мамлакат ўз валютаси курсини оширишдан манфаатдор бўлса банк ва хазина ўз ихтиёридаги чет эл валютасини сотиб, миллий валютани харид қилади; ўз валютаси курсини камайтирмоқчи бўлса, чет эл валютасини кўп миқдорда сотиб олади, миллий валютани сота бошлайди. Валюта интервенциясини Марказий банклар амалга оширади.

ВАЛЮТА КРИЗИСИ — қ. *Валюта танглиги*.

ВАЛЮТА КУРСИ — мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган баҳоси. Валюта курсининг қатъий кайд этилган ва ўзгариб турадиган (валюта бозоридаги у ёки бу валютага талаб ва таклифга қараб) турлари маъжуд. Капиталистик валюта амалиётида валюта юқорироқ курс (сотувчи курс) бўйича сотилади, сотиб олишда эса пастроқ курс (харидор курси) қўлланилади. Валюта курсининг икки даражаси ўртасидаги фарк (маржа) банкнинг валюта муомаласидан оладиган даромадини ташкил этади.

Валюта курсини расмий қўтариш (ревалвация) мамлакатни капитални четга чиқаришдан манфаатдор қилади, чунки чет эл валютасини арзонроқ харид қи-

лишга имкон туғилади. Ревальвациядан инфляцияга қарини кураида фойдаланилади, уни экспортни камайитириш мақсадларида ҳам ўтказиш мумкин. Чет эл валютаси курсининг валюта биржасида махсус орган томонидан белгиланиши ва махсус бюллетенларда нашр қилиниши валюта котировкаси дейилади. Унинг бевосита (тўғри) ва бавосита қўринишлари бор. Энг кўп тарқалган тўғри котировка, унда чел эл валютасининг бирлиги миллий (мамлакат) пул бирлигида ифодаланлади. Унинг акси бўлса бавосита котировкадир. Марказий эмиссия банки ўринадиган расмий валюта курсини ҳукумат валюта органи белгилайдиган махсус ёки валюта бозорида вужудга келадиган эркин валюта курсидан фарқ қилиш керак.

Мамлакатимизда чет эл валютаси курси СССР Давлат банки томонидан белгиланади. Валюта курси талаб ва таклифнинг жорий нисбати асосида доимо ўзгариб турадиган бирликдир. 1990 йилнинг 1 августида АҚШ 100 долларининг расмий курси 58,17 сўмга, 100 Ғарбий Германия маркаси 36,08 сўмга, 100 Англия фунт стерлинги 107,02 сўмга, 1000 Япония иенаси 3,91 сўмга, 100 Франция франки 10,76 сўмга тўғри келди. Расмий валюта курсидан ташқари махсус курс ҳам амал қилади. У совет ва чет эл фуқароларига валюта хизмати қўрсатишда қўлланади (қ. Доллар).

ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ — валюта ва пул бозорларида халқаро ҳисоб-китоблар, кредит ва валюта ҳаракатларини амалга ошириш йўлида давлат муассасалари, хусусий ташкилотлар, фирмалар, корхоналар ўртасидаги жорий алоқалар; мамлакатлар ўртасидаги турли хил ҳўжалик алоқаларига хизмат қиладиган иқтисодий муносабатлар. Ташқи савдо, четга капитал чиқариш, фойдани инвестициялаш, қара ва субсидиялар бериш, илмий-техника айирбошлаш, ту-

ризм, давлат ва хусусий ўтказмалар ва бошқалар валюта муносабатларининг объекти бўлади. Бу хил муносабатлар бозор иқтисодиётининг кенгайиши билан Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар (Япония, Малайзия, Хитой ва бошқалар) ўртасида жадаллашмоқда.

ВАЛЮТА РЕЗЕРВЛАРИ — қ. Валюта фонди.

ВАЛЮТА ТАНГЛИГИ, в а л ю т а к р и з и с и — пул-кредит системасининг чуқур издан чиқиши; мамлакат ичидаги пул муомаласини ҳамда халқаро ҳисоб-китобларни қамраб олади. Бу жараён олтин стандартини бекор қилишда, қоғоз пул муомаласига ўтишда, узлуксиз инфляцияда ўз ифодасини топади. Умумий ва хусусий валюта танглиги фарқланади. Умумий валюта танглиги иқтисодиётдаги умумий тангликнинг таркибий қисми бўлиб, сурункали давом этади. Валюта танглигининг асосий хусусияти олтиннинг пул сифатида ўз қадрини йўқотиши ва валюталарнинг қадриланишидир. Хусусий валюта танглиги вақтинчалик хусусиятга эга бўлган омиллар (умумий иқтисодий кризис, уруш ва бошқалар) натижасида юзага келадиган алоҳида бир давлатнинг валюта танглигидан иборат. Валюта танглигини бартаф қилишнинг асосий омиллари самарали иқтисодий ислохотлар ўтказиш, пул муомаласини соғломлаштириш, замонавий экспорт базасини ривожлантиришдир.

ВАЛЮТА ФОНДИ — марказий банк ва молия органи ихтиёридаги халқаро ҳисоб-китоб ва тўловлар учун фойдаланиладиган чет эл валютаси ва олтин жамғармалари. Валюта фондлари ташқи иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга оширишда, тўлов баланси дефицитини қоплашга ва валюта бозорида валюта курсини барқарорлаштиришга ишлатила-

ди. Ҳозирги ўзгарувчан валюта курси шароитларида валюта фондидан валюта курсини тушиб кетишдан сақлаш учун фойдаланилади. Валюта курси тушиб кетса, марказий банклар валютани сотиб олади ёки аксинча, уларнинг курси кўтарилса сотади. Мамлакатнинг валюта фондига экспорт-импорт муомаласини молиялашга мўлжалланган ва корхоналар ихтиёрида бўлган чет эл валютаси ва чет эл валютасиданги сўм ҳисобидаги пул воситалари ҳамда фуқароларнинг валюта жамғармалари кирди.

ВАЛЮТАГА ТОВАР СОТИШ — мамлакат ички бозорида конвертирланган чет эл валютасига СССРда ишлаб чиқарилган ва хориждан келтирилган товарларни сотиш; *чакана савдонинг* янги шакли. Бозор иқтисодиётига ўтиш учун валюта тўплаш заруратидан келиб чиққан; валютага мол сотиш билан махсус фирмалар ва савдо уйлари шуғулланади. Уларнинг қўлида ноёб товарлар тўпланиб, сўнгра валютаси бўлган фуқаролар, корхоналар ва ташкилотларга сотилади, лекин харидор валютани каердан олганини (валюта манбаини) кўрсатиши шарт эмас. СССРда чет элда ишлаб валюта топган, чет элдан мерос ҳада олиш орқали валюта тўплаган фуқаролар, товарларини экспорт қилиб халқаро муносабатларга киришган корхона ва ташкилотлар валютага эга. *Экспорт потенциали*ни ишга солишда манфаатдорликни ошириш учун корхона ва ташкилотлар иш ҳақи ёки мукофотнинг бир қисmini валюта шаклида тўлайдилар. Валюта шаклида даромад топган кишилар ўз валютасини мол харид этиш орқали керакли товарга айлантирадилар. Валютага товар сотиш СССРдаги чекланган валюта ресурсларини жамлаш орқали жаҳон бозорига чиқиш учун гоят фойдали тадбир ҳисобланади.

ВЕКСЕЛЬ (нем. Wechsel, айлан — айирбош) — муайян миқдордаги қарзга олинган

пулни белгиланган муддатда кагый тўлаш мажбурияти биланган, конун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдириб расмийлаштирилган қарздорлик ҳужжати. Унинг оддий (қарздор томондан тўлдириладиган) ва ўтказма (қарз берувчининг қарзидан кимга қайтариш ҳақидаги ёзма буйруғи) шакллари бор. Ўтказма вексель кенг тарқалган. СССРда ташқи савдо ва б. халқаро ҳисоб-китобларда векселдан фойдаланилади.

ВЕНЧУР КОРХОНАЛАР — *кичик бизнес*нинг бир тури. илмий инженерлик ишлари, янги техника, технология, товар намуналарини яратиш, ишлаб чиқаришни бошқариш, тижорат ишини ташкил этиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш билан шуғулланади. Венчур корхоналарга *маркетинг, инжиниринг, реклама*, маслаҳат билан шуғулланувчи, харидор топишда, пул билан таъминлашда ёрдам берувчи корхоналар кирди. Улар тарқалишда тижоратда воситачи бўлган корхоналар ҳам бўлади. Венчур корхоналар техниканинг янги йўналишларида иш қўриб, фан техника тараққиётига ҳисса қўшади.

ВЕНЧУР МОЛИЯЛАНТИРИШ — воситачи корхона ва ташкилотлар ёрдамида молиявий маблағ топиб ишлатиш. Воситачи фирмалар маблағга мухтож корхоналарга пулдор шерик ёки қарз олиш манбаини топиб беради. Венчур молиялаштириш юз берганда воситачи ўз хизмати учун ҳақ олади. СССРда ҳам ҳар хил воситачи фирмалар ташкил топмоқда.

ВОСИТАЧИЛАР, даллоллар — юк ташини, сақлаш, сугурта, товарлар сотиш, шунингдек, ишчиларни иш билан таъминлаш каби соҳаларда келишувларни амалга оширадиган алоҳида шахслар ҳамда муассасалар. Ўз ҳисобидан иш қўрадиган, ишлаб чиқариш-истеъмол

запжирида мустақил бўғин ҳисобланган савдогарлардан фарқ қилиб, воентачилар қафолатчи хисобига иш кўрадилар ва эвазига улардан мукофот оладилар. Воентачилар вақтинча ишсизларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга (к. *Брокер*).

Г

ГИПЕРИНФЛЯЦИЯ — ҳаддан ташқари инфляция, нархнинг шиддат билан ўсиши. *пул қадри*нинг ғоят тез пасайиши, пул топишга интилишнинг минимал даражага келиши билан характерланади. Гиперинфляциянинг яна бир муҳим белгиси — корхоналар, ташкилотлар ва аҳоли нима қилиб бўлса ҳам товар сотиб олиш мумкин бўлган, қадри юқори пул — *валюта* йиғи бошлайди. Валюта кадрезаланган пулни муомаладан сиқиб чиқара бошлайди. Агар валюта етишмаса, бир товар бошқасига пулсиз, тўғридан-тўғри айирбошланади. Гиперинфляция шароитида нарх-навоми мутлақо тартибга солиб бўлмайди. Унинг оқибатида мавжуд пул системасининг тамомила барбод бўлиш ҳавфи туғилади, пул ўз вазифаларини бажармай қўяди. Гиперинфляция иқтисодий ҳалокат демакдир. Унинг олдини олиш учун шошилинч равишда ғоят жиддий, инфляцияга қарши чоралар кўрилади.

Д

ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ — давлат томонидан муайян маҳсулот турини тайёрлаш ва уни истеъмолчига етказиб бериш, ишлаб чиқариш, пошшлаб чиқариш ва

илмий тадқиқот характеридаги маълум ишни бажариш бўйича корхона ва хўжаликларга бериладиган топшириқ. У биринчи навбатда ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни қафолатлайди. Давлат буюртмасини бажарувчи корхоналарга марказлашган давлат капитал маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш учун маблағ берилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан давлат буюртмасининг ҳиссаси кескин камаяди. Аммо баъзи доираларда: мудофаа, фан соҳалари, соғлиқни сақлашнинг айрим тармоқлари, болалар истеъмол предметлари ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби соҳалар учун давлат буюртмаси сақланиб қолади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — давлат даромадлари ва харажатларининг пул билан ифодаланадиган йиллик мажмуи. Ўзбекистон ССР давлат бюджети даромадлари 1988 йилда қарийб 11 миллиард сўмни ташкил этди. Бу унинг 1970 йилги даражасидан 3,4 марта кўпроқ. Ўзбекистон ССР давлат бюджетининг асосий қисми моддий ишлаб чиқариш корхоналаридан оборот солиғи ва фойдадан тўловлар, 11,2% эса аҳолидан ундириладиган солиқлар ҳисобига шаклланимқда. Жумхурият давлат бюджетининг 46,0% халқ хўжалигини молиялашга, 51,7% эса ижтимоий-маданий тадбирлар ва фани ривожлантиришга сарфланмоқда. Ҳозир иттифоқ ва жумхурият давлат бюджетлари тақчил бўлиб, унинг харажатлар қисми даромадлар қисмидан устунроқ. Янги солиқлар системасига ўтиш, корхоналар фойдаси ва фуқаролар даромадларидан ундириладиган солиқлар даражасини ошириш давлат бюджетни миқдорига ижобий таъсир кўрсатади.

ДАВЛАТ ЗАЁМЛАРИ — давлат бюджетига маблағ тўплашда кредит сифатида майдонга чиқадиган кредит-молия фаолиятининг

бир кўриниши: бюджетга пул тўплаш мақсадида давлат номидан чиқариладиган ва сотиладиган давлатнинг қарздорлигини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоз. Қарзни қоплаш муддатларига кўра киска муддатли (1 йиллик), ўрта муддатли (2-5 йиллик), узоқ муддатли (5 ва undan ortiq йиллик); даромаддорлигига қараб процентли ва ютуқли; тарқатилиш жойига қараб мамлакатнинг ўзида тарқатиладиган — ички ва хорижий давлатларга кредит тарзида бериладиган — ташқи заёмлар мавжуд. СССРда 1958 йилга қадар чиқарилган ва аҳоли ўртасида ёзилиб тарқатилган давлат заёмлари ва 9(3)% ютуқли заёмлар маблағлари илгари халқ хўжалигини тиклаш ишларига сарфланган. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади. Аҳоли ўртасида сотиладиган 9% ютуқли давлат заёмлари жумҳурият давлат бюджети даромадининг 2% га яқинини ташкил этади.

ДАВЛАТ КОРХОНАСИНИ АКЦИОНЕРЛАШ — СССРда давлат мулкидан қайтишнинг бир йўли. Корхонани давлат мулкидан акционерлар жамоаси мулкига айлантириш. Давлат корхонасини акционерлаш корхона мол-мулкини инвентаризациялаш, қайтадан ҳисоб-китоб қилиб чиқишдан бошланади. Корхонанинг асосий фондлари ва оборот маблағлари миқдори аниқланиб, шу миқдорга тенг сумада *акция* чиқарилади. Акцияни энг аввал корхонада ишловчи ишчи ва хизматчилар, сўнгра бошқа корхона, ташкилотлар, ҳатто банклар ва, шўҳоят, корхонага алоқаси бўлмаган фуқаролар сотиб олади. Агар бу пул корхонанинг қийматини қоплашга етмаса, акциянинг бир қисми насияга сотилади ва уни олганлар давлатнинг қарздорига айланади. Давлат корхонасини акционерлаш орқали мол-мулк давлат иқтисодидан олиниб, қол-

дентивга берилди, у халқ қўлига тегади, халқнинг мулкдан бегоналашувиغا чек қўйилади. Акционерлашган корхона ўзини ўзи бошқаради, эркин, мустақил товар ишлаб чиқарувчига айланади, унинг давлат билан муомаласи солиқ тўлашдан иборат бўлади. Давлат корхонасини акционерлаш иқтисодий демократиялаш, *бозор муносабатлари*га ўтиш учун зарур тадбир ҳисобланади.

ДАВЛАТ МУЛКИ — жамиятдаги мулкчиликнинг шаклларида бири. Давлат мулки икки йўл билан пайдо бўлади: а) ҳусусий мол-мулкни миллийлаштириб, давлат қўлига олиш; б) давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар қуриш. Давлат мол-мулкидан келган даромад бюджетга тушади. Буржуа давлатининг иқтисодийга аралашуви кучайиши билан давлат мулки ривож топади, лекин унинг монополияси ўрнатилгач, рақобатга халақит беради. Натижада давлат мулкини *реприватизациялаш* юзга келиб, бошқа мулк шакллари қу-
...чади.

СССРда давлат мулкининг уч хил: умумиттифок-федератив мулк; жумҳуриятлар мулки; маҳаллий Советлар мулки — коммунал мулк кўринишлари мавжуд. Барча табиий бойликлар, асосий ишлаб чиқариш воситалари, яратилган маҳсулотнинг асосий қисми, шахарлардаги уй-жой фондининг, маданий-маиший бино-ишоотларининг асосий қисми давлат мулкига тегишли. Иқтисодий ўта давлатлаштириш сиёсати СССРда давлат мулкининг мутлақ монополиясига (таъхо ҳукмронлиги) олиб келди, бу нарса ўз моҳияти билан иқтисодий ўсишга тўқинлик қилади. Бозор иқтисодийга ўтиш муносабати билан иқтисодий демократиялаштириш давлат мулки монополиясини тугатишни тақозо қилади. Давлат мулкининг ҳукмронлик доираси кескин қисқаради. Давлат мулки асосан жамоа мулкига, айрим ҳолларда фуқа-

ролар мулкига ва хусусий мулкка айлантирилади, умумийликнинг мулк бўлган воситалар жумхуриялар мулкига ўтади. Давлат мулк доирасида барча табиий бойликлар, ишлаб чиқариш ва транспортнинг ўта муҳим соҳалари қолади. Давлат мулк монополиясини тугатиш, мулкчиликнинг демократиялашуви *бозор иқтисодиёти*нинг талабидир.

ДАВЛАТ ҚАРЗИ — давлатнинг ўз фуқаролари, банклар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, хориж мамлакатлардан қарзи. Ўз манбага қараб ички ва ташқи давлат қарзига бўлинади. Давлат ўз харажатларини даромади билан қоплаб олмай қарз олади, қарз ҳисобидан ўз бюджетининг камомадини вақтинча қоплайди. Давлат заёмлар чиқариб, уларни аҳолига, корхоналар ва ташкилотларга сотади ва улар давлат қарзининг гувоҳномаси бўлади. Вақти келганда давлат ўз бюджет ҳисобидан ўз заёмларининг ҳақини тўлаб қарзини узати. Давлат ўз қарзи учун процент тўлайди. СССРда давлат қарзи заёмлардан тушган пул ва севуда фондидан олинган пулдан иборат, шу фонд ҳисобидан давлат бюджет камомадини қисман қоплайди. Давлат харажатлари қўпайиб кетса, унинг қарзи ортади. 1990 й. СССРда ички давлат қарзи 500 млрд. сўмдан ортиб кетди, ташқи қарзи 48 млрд. долларни ташкил этди.

Давлат қарзининг икки муҳим жиҳати бор. Биринчидан, бу қарз ҳақиқий, қайтарилиши зарур ва амалда қайтариладиган қарзидир. Иккинчидан, бу амалда қайтарилмайдиган ва ўз табиатига кўра даромадларни давлат фойдасига қайта тақсимлаб, умумжамиyat эҳтиёжларини қондиришга пулни сафарбар этиш воситасидир. Иккинчи турдаги қарз ўз кўриниши жиҳатидангина қарз ҳисобланади. Бундай қарз Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган, унинг суммаси го'ят катта (АҚШда бир

неча триллион долларга теги) ва уни давлат тўлаб олгурили ҳақида гап ҳам бормайди. Ҳақиқий давлат қарзини қисқартириш йўли давлат даромадларини ошириш, унинг харажатларини энг зарур миқдорга келтиришдир. Бу ўринда ҳарбий харажатларни қисқартириш алоҳида аҳамиятга эга.

ДАВЛАТЛАШТИРИШДАН ҚАЙТИШ — хўжалик юртишининг давлат шакллари ўрнига бошқа хўжалик шакллариин жорий этиш; иқтисодиётни демократиялаштириш. Давлатлаштиришдан қайтиш давлатнинг иқтисодиётдаги ва энг аввало мулкчиликдаги ҳиссасини камайтириб, жамоалар, хусусий, индивидуал ва аралаш хўжалик шакллариин ривожлантиришни назарда тутади. Соғлом *бозор иқтисодиёти* давлат монополияси билан чиқинмайди, чунки *монополия* рақобатга тўсқинлик қилади. Давлатлаштиришдан қайтиш Ғарб мамлакатларда 80-йилларнинг ўртасидан бошланган ва *реприватизация* шаклини олган. Давлатлаштиришдан қайтиш СССРда бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг муҳим шарти (к. *Приватизация*). У куйидаги йўналиш ва шаклларда боради: давлат корхоналари икарага берилади; давлат корхоналари акционерланиб, уларни ишчи ва хизматчилар жамоалари секин-аста сотиб олиб ўз мулкига айлантиради, майда давлат корхоналари кооперативларга, айрим ёки бир гуруҳ ходимларга сотилади; давлатнинг режалаштириш, нарх белгилаш, ташки савдо ва валюта ишларидаги вазифалари кескин қисқартирилади ва шунинг ҳисобига корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ҳукуки оширилади. Оқибат натижада давлат корхоналарининг ишлаб чиқариш фондлари, ишловчилар сонин, яъни махсудот ва миқлий даромад яратишдаги ҳиссаси камаяди. Айни вақтда бошқа мулкка мансуб корхоналар ҳиссаси ортиб боради.

Давлатлаштиришдан қайтиш асосида *кўп укладли иқтисод* барпо этилади. натижада турли хўжалик шакллари ўртасида *рақобат* юзага келади, бу эса иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ДАЛЛОЛЛАР — к. *Воситачилар*.
ДАРОМАДЛАРНИ ИНДЕКСЛАШ — истеъмол буюмлари нархлар индексининг ошишига мувофиқ равишда аҳолига тўланадиган иш ҳақи, нафақа, стипендия, пенсия ва бошқа тўловлар миқдорининг оширилиши. Масалан, нархлар 10% га ошса, аҳолига тўловлар ҳам шунча ошади. Нарх-наво индекси тирикчилик учун зарур товарлар йиғиндиси — озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзғор товарлари, хизматлар бўйича ҳисобланади (қимматбаҳо буюмлар, автомашина, биллур ва бошқа нодир товарларга қилинадиган харажатлар бу ҳисобга кирмайди). СССР бозор иқтисодиётига ўтиш лароитларида энг аввал кам даромад олувчилар, даромади қатъий йўлган ва қўшимча равишда пул гона олмайдиган аҳоли тоифалари даромади индекслаштирилади.

ДАРОМАДЛАРНИ МУЗЛАТИШ — аҳоли пул даромадларининг ўсишини секинлаштирининг ёки тўхтатиб қўйишга қаратилган сиёсат ҳамда қўлланилган чоратadbирлар системаси. Даромадларни музлатиш икки мақсадни қўзғайди: пулнинг бозор муомаласига тушишини сусайтириш орқали *инфляция*га қарши туриш; аҳоли даромадини ўстирмай давлат, корхона, ташкилотлар даромадини ошириб, қўшимча жамгарма ҳосил қилиш ва шу йўл билан инвестиция учун имкон бериб, иқтисодий ўсишни таъминлаш.

Даромадларни музлатиш ишчи ва хизматчилар маошини оширишни тўхтатиш, донабай иш ҳақи олувчилар учун иш нормасини ошириш, иш ҳақи фондидан умуман аҳолининг пул дарома-

дидан ундириладиган *солиқларни* ошириш орқали амалга оширилади. Даромадларни музлатиш инфляцияга қарши қўриладиган тадбирлар жумласига киради.

ДЕБИТОР (лат. debitor — қардор) — корхона, ташкилот ёхуд маҳкамадан қарзи бўлган юридик ёки жисмоний шахс. Бир корхона ёки ташкилот бошқасидан қарз бўлса у дебиторга айланади. Айрим фуқаролар ҳам корхона, ташкилотларнинг дебиторига айланиши мумкин. Улар зиммасида ҳам дебиторлик қарзи бўлади.

ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗИ — ўзаро хўжалик алоқаларини олиб борувчи корхона, ташкилотларнинг бир-биридан қарзи суммаси. Хўжалик алоқалари бўлган жойда дебиторлик қарзи мавжуд, чунки хўжалик субъектлари бир-биридан олган нарсаларнинг ҳақи дарҳол тўланмайди. Давлат дебиторлик қарзи муддатида қайтариладиган ва тўлаш муддати ўтиб кетган қарздан иборат. Ўз вақтида ундириб олинмаган дебиторлик қарзи уни берган корхонанинг зарарига қўшиб ёзилади. Дебиторлик қарзи ўз вақтида тўланиши бозор иқтисодиётидаги молиявий интизомнинг муҳим талабидир.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ (лат. de... — олд қўшимча, бу ўринда пасаймоқ маъносиде ва лат. valeo — қиймат) — мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, *валюта* резервининг ҳолдан тойиши, халқаро валюта бозорларида миллий *валюта қурсининг* пасайиши билан боғлиқ ҳолда миллий пул бирлиги қийматининг расмий тартибда пасайтирилиши. 1978 йилгача валюталарнинг расмий қиймати уларнинг олтин таъминотини таққослаш орқали аниқланар эди. Девальвация илгари пул бирлиги таркибидаги олтин ҳиссасини камайитриш йўли билан амалга оширилган бўлса, энди халқаро келишувга мувофиқ барча капиталистик валюталардаги олтин

нисбатлари бекор қилингандан кейин пул бирлиги курсининг у ёки бу чет эл валютасига (odatда АҚШ доллари, Германия маркаси, инглиз фунт стерлинги ва бошқалар) нисбатан пасайтирилиши йўли билан амалга ошириладиган бўлди. Девальвация ёрдамида пасайган харид қобилиятига мувофиқ келадиган янги валюта курси жорий қилинади. Девальвация чорасизликдан кўриладиган тадбир бўлиб, унинг давомда oдатда миллий экспортни рабатлантиришга, импортни камайтиришга, мамлакатнинг савдо ва тўлов мувозанатларини бараварлаштиришга, экспорт товарларнинг рақобат қобилиятини оширишга эътибор берилди (1990 й. 1 ноябрдан сўм долларга нисбатан 1,8 сўм=1 доллар нисбатиде девальвация қилинди).

ДЕМОНОПОЛИЗАЦИЯ (лат. de ажратиш, бекор қилиш— олд кўшимчаси, юнон. моно — танҳо ва poleo — сотаман) — иқтисодиётдаги монополия (танҳо ҳукмронлик)дан эркин, тенг ҳуқуқли рақобатга асосланган соҳибкорлик фаолиятига қайтиш (қайта ўтиш). Монополия эркин рақобатга йўл бермай, иқтисодиётда турғунликни вужудга келтиради.

Демонopolизация соғлом иқтисодий беллашувга йўл бериш мақсадларида амалга оширилади. Натижада яқка ҳоким корхоналар ва бирлашмалар ўрнига ўзаро рақобатлашувчи кўйлаб корхоналар пайдо бўлади. Демонopolизация икки йўл билан боради: йирик монопол мавқедаги бирлашмалар, компаниялар тарқатилиб, улардан мустақил корхоналар ажралиб чиқади; яқка ҳоким корхона ёки бирлашмалар, компаниялар сақланган ҳолда улар билан рақобат қила оладиган параллель (бир хилдаги ёки бир-бирининг ўрини босувчи маҳсулот чиқарувчи) корхона ёки бирлашмалар ташкил этилади. Демонopolизация бозор иқтисодиётига ўтишда ёки унинг ўси-

ши учун янги имкон яратишда гоят муҳим.

СССРда демонopolизация йирик давлат корхоналарининг танҳо ҳукмронлигига чек қўйишни билдиради. Унинг асосий йўналишлари: давлат мулкни кичиратириш, давлат корхоналарини жамоаларга, ассоциацияга ва ҳатто фуқароларга сотиш; давлат мулки билан рақобатлашадиган бошқа мулк шаклларига йўл бериш, хилма-хил хўжалик юритиш шаклларини барпо этиш; турли жумҳуриятлар, регионларда жоғлашган, лекин бир хил ёки ўринбосар товарлар чиқарувчи корхоналар рақобатига йўл бериш; чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар яратиш; параллель корхона яратиш мумкин бўлмаган ҳолларда яқка ўзи қоладиган корхоналарни импорт орқали чет эл фирмалари рақобатига дучор қилиш.

Демонopolизация босқичма-босқич амалга оширилади, чунки узоқ йиллар сақланиб келган давлат монополиясини дарҳол тугатиб бўлмайди. СССР Вазирлар Кенгаши 1990 йил 16 августда «Халқ хўжалигини демонopolизациялаш тадбирлари тўғрисида» маҳсуе қарор қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ рақобатни ривожлантириш ва монопол фаолиятни чегаралаш устидан давлат назорати ўрнатиш мақсадида СССР Вазирлар Кенгаши ҳузурида Монополияга қарши кураш комитети тузилди. Шу каби антимонопол органларни жумҳуриятларда ҳам тузиш тавсия қилинган.

ДЕМПИНГ (инг. dumping— ташлаш) — товарларни ташқи бозорда ички бозорга нисбатан арзон баҳода сотиш; ташқи бозорни эгаллаш учун товар баъзан шилаб чиқариш харажатларидан паст (арзон) баҳоларда четга чиқарилади. Бу ташқи бозор учун кураш, рақобатчини сиңдириш воиситаларидан ҳисобланади. Кўрилган зарар ички бозорда юқори нархларда сотилган товардан олинган фойда, давлат бюджети ҳисобига қопланади.

ДЕФЛЯЦИЯ (лат. deflatio — нуфламок) — инфляция даврида чиқарилган муомаладаги қоғоз пулни камайтириш. Давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул-кредит тадбирларини қўллаш билан амалга оширилади. Унга қуйидагилар кирди: солиқларни ошириш, бюджет харажатларини қисқартириш, товар нархлари даражасини пасайтириш, банклар учег ставкасини ошириш, кредитга талабни ва омонатлар ўсишини камайтириш.

Статистик жиҳатдан дефляция муомаладаги пул массаси умумий ҳажмининг ялпи маҳсулот, товар айланishi ва пулли хизматлар қийматлари йиғиндисига нисбати билан ифодаланади. Амалда дефляция инфляциянинг зидди ҳисобланади.

ДЕҲҚОН БОЗОРИ — СССРда шахсий хўжаликда етиштирилган маҳсулотларни олди-сотди қилиш муносабатлари. Деҳқон бозорининг иштирокчилари деҳқонлар, шахсий хўжалиги бор ишчи-хизматчилар ҳамда истеъмолчилар — харидорлардир. Бу бозорга келадиган товарлар асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўлиб, улар деҳқонларнинг шахсий томорқа хўжалигида, шаҳар аҳолисининг ҳовлисида ва дала ҳовли ерларида етиштирилади. Мазкур товарлар оила эҳтиёжидан ортиб қолган ёки маҳсус сотиш учун етиштирилган маҳсулотдир. Деҳқон бозори стихияли бўлгандан режалаштирилмайди, нарх-наво талаб ва таклифга қараб ўзгариб туради, яъни улар бозор иқтисодига ҳос бўлган эркин нархлар ҳисобланади, лекин уларнинг даражасига истеъмоладарларнинг давлат нархи таъсир этади. Давлат ёки кооператив савдодаги товарлар етарли бўлиб, уларнинг нархи паст бўлса, деҳқон бозорининг нархи тушади ёки аксинча. Деҳқон бозоридаги нарх ҳаминша қатъий бўлмай, мавсумга қараб ва ҳатто кун сайин ўзгариб туради. СССР

бозоридаги тақчиллик ва давлат нархларининг ошиб бориши қолхоз бозоридаги қимматчиликка олиб келади. СССРда 1990 й. 6147 деҳқон бозори бўлиб, бу бозордаги нархлар ўрта ҳисобда 2 марта ўсди. 1990 й. октябр ойида энг қиммат бозорлар Москва ва Ленинград, энг арзон бозорлар Олмаота ва Фрунзе бозорлари бўлган. СССРдаги иқтисодий тангликнинг чуқурлашуви деҳқон бозоридаги нархларнинг тез ошиб кетишига туртки беради. 1990 й. октябр ойида 1 кг мол гўштининг нархи Москвада 18-20 сўм, Ленинградда 20-30 сўм, Тошкентда 8 сўм, Олмаотада 6 сўм бўлди.

Деҳқон бозори тартибсиз бўлганидан, бу бозорда *чайқовчилик* ҳам мавжуд. Унинг ўзига ҳос инфраструктураси — савдога хизмат кўрсатиш соҳаси бор. СССРдаги озиқ-овқат тақчиллиги шароитида деҳқон бозорининг аҳоли таъминотидаги аҳамияти ортади. СССРда *приватизация* ўтказилиши майда хўжаликларни кўпайтириб, деҳқон бозорини кенгайишга олиб келади.

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ (лат. diversificatio — ўзгариш, хилма-хил) — корхона (бирлашмаларнинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турининг кенгайиши. Илгари иқтисослашган фирмаларнинг (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия ва ҳоказо) бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларига кириб боришини, улар фаолият соҳаларининг кенгайишини билдиради. Диверсификация натижасида турли-туман товарлар ишлаб чиқарадиган, хизмат кўрсатиш ҳамда илмий тадқиқот ва ишланмалар билан банд бўлган агроаноат комплекси, ўрмон-саноат комплекси каби, аммо ҳаминша ҳам технологик жиҳатдан боғланмаган кенг тармоқли комплекслар вужудга келади.

ДИВИДЕНД — *акционер жамият* фойдасининг акция эгасининг даромадига айланган қисми. Ҳар

йили фойда акционерлар ўртасида (солиқлар тўлаиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратмалар чиқарилиб, резервлар тўлдирилгач, облигациялар бўйича процентлар ва директорларга бериладиган мукофот ҳақ тўлашгандан сўнг) қўшган хиссаларига қараб тақсимланади. Дивиденд миқдори оддий *акциялар* бўйича жамиятнинг ўша йилда қўрган фойдасига боғлиқ; имтиёзли *акциялар*нинг дивиденд миқдори эса *акциялар*нинг номинал баҳосига қатъий процент ставкаси миқдорида олдиндан қайд қилинган бўлади. Энг юқори дивиденд олинганда баъзан уларнинг бир қисми қўшимча чиқарилган бекул *акциялар* тарзида акционерларга тўланади. Дивиденднинг энг кўп қисmini қўлида *акциялар*нинг асосий хиссасини тўплаган кишилар ва корпорациялар оладилар.

ДИЛЕР (dealer) — ишбилармон савдогар; ўз хисобига биржа ёки савдо воситачилиги билан шуғулланади. Дилерлар фон бирожааси аъзолари бўлиб, қимматбаҳо қозғалар, валюталар, қимматбаҳо металлар олди-сотдиси билан шуғулланади. Дилер ўз номидан иш қўради, шунингдек, *брокерлар*, бошқа дилерлар, *миқозлар* ўртасида воситачилик қилиши ҳам мумкин. Дилер баъзан *брокер* сифатида иш қўради, ammo унинг фаолиятида воситачилик эмас, мустақил савдо қилиши устун туради, бинобарин, у сотиб олинган товарларнинг эгаси хисобланади. Дилернинг *брокер* ва *савдо агент*идан фарқи — даромадининг мукофотлар ва тўловлардан эмас, балки сотиб олинадиган ва сотиладиган товарлар нархи ўртасидаги фарқдан тушадиган фойдадан ташкил топишида.

ДОЛЛАР (инг. dollar, нем. Taler — «талер»дан) — 1) АҚШ пул бирлиги, 100 центга тенг, 1786 йилда (қумуш доллар) муомалага киритилган. Олтин, қумуш, мис-никелли (1965 йилдан)

доллар зарб қилинган. АҚШ доллари халқаро валюта хисоб-китобларида кенг қўлланилади. Муомалада 100, 50, 20, 5 ва 2 долларли қозғ пуллар; 1 ва 0,5 долларли тангалар, 0,25, 0,1 долларли ва 5, 2, 1 центли мис тангалар ишлатилади.

2) Канада, Австралия, Янги Зеландия, Либерия, Эфиопия, Малайзия, Сингапур, Сянган, Бруней, Фижиги, Ғарбий Самоа, Гаяна, Барбадос, Тринидад ва Тобаго, Багама ва Бермуд ороллари, Британия Гондураси пул бирликлари.

СССР Давлат банки расмий курслари бўйича АҚШ 100 доллари 58 сўм 17 тишига тенг эди (1990 й. август). Совет ва чет эл граждaнларига хизмат кўрсатишда қўлланилган махсус кўрс бўйича 100 доллар = 581 сўм 70 тиши. 1990 йил 1-ноябрдан бошлаб сўм ташкил қилинадиган алоқаларда чет эл валюталарига нисбатан девальвация қилинди (1,8 сўм = 1 доллар).

ДОТАЦИЯ — давлат бюджетидан қайтариб бермаслик шарти билан маблағ ажратиш; иктисодиётга бюджет орқали таъсир этиш воситаларидан бири. Дотация бюджетнинг даромади хисобидан ажратилади, уни корхона, ташкилот, фирма, корпорация ва маҳаллий бюджет олади. Фаолияти умумдавлат аҳамиятига эришган, лекин ўз даромади билан харажатларини қоплай олмасдан зарарга ишловчи корхона ва ташкилотларга шу зарарни қоплаш учун давлат дотация билан мадад беради. Дотация олувчи корхоналар муҳим маҳсулотлар чиқаради, лекин унинг нархи паст бўлганидан зарар қўради. Агар зарар дотация билан қопланмаса, муҳим маҳсулот ишлаб чиқарилмайди, бу эса халқ хўжалигига путур етказиши мумкин. СССР да дотация уй-жой ва коммунал хўжалиги, маданий муассасалар (масалан, театрлар) зарарини қоплаш учун ҳам ажратилади.

Дотациянинг катта қисми озик-овқат маҳсулотларини аҳолига арзон сотишдан келган зарарни қоплаш учун қишлоқ хўжалиги, озик-овқат саноати корхоналари ва савдо-сотик ташкилотларига ажратилади. СССРда бундай дотация 1990 й. деярли 100 млрд. сўмга етди.

СССРда иттифок бюджети дотацияни жумхуриятлар бюджетига, улар эса ўз навбатида маҳаллий бюджетга ажратади. Бундан мақсад бюджет камомадини қоплаш ёки бюджет маблағларини ишлатишни тартибга солишдир. Дотация умумий ва мақсадли бўлади. Умумий дотация ажратилганда маблағ маҳаллий бюджетларга берилади ва уни ишлатиш маҳаллий ҳокимият ихтиёрида ва унга марказ аралашмайди. Мақсадли дотация берилганда уни маълум ишларни амалга ошириш учун сарфлаш мажбурий ва буни давлат назорат қилади. Дотация бозор иқтисодиёти шароитида чекланган ҳолда қўлланади. Корхона, ташкилотлар зарарсиз ишлаши, кўрган зарарини бюджетдан эмас, балки олинган қарздан қоплаши керак. Бозор иқтисодиётида амал қилувчи нархлар нормал ишлаган корхоналарнинг зарар кўрмаслигини, бинобарин, дотация сўрамаслигини таъминлайди. Дотация ўта муҳим, лекин бозор механизми орқали дарҳол ечиб бўлмайдиган муаммоларни молиялаштириш учун қўлланиши керак.

Е

ЕВРОВАЛЮТАЛАР, Европа валюталари — бир қатор ривожланган капиталистик мамлакатлар ўз чегарасидан ташқаридаги муомалада қарз ва ҳисоб-китоб ҳаракатларида, айниқса, банклараро қарзлар ва

транснационал корпорацияларни кредитлашда фойдаланадиган валюта. *Евродоллар* (Ғарбий Европада муомалада бўлган АҚШ доллари) биринчи ва энг кўп тарқалган евровалюта ҳисобланади. Евродолларнинг ўзига хос хусусияти ва қулайлиги шундаки, у тўла эркин конвертирланиш қобилиятига эга ҳамда чет эл давлатлари валюта захира (резерв)ларида долларларнинг йирик жамғармаси мавжуд. АҚШ валютаси билан унинг чегарасидан ташқарида ҳаракат қилиш бу мамлакатнинг юрисдикциясидан ташқарида бўлади, яъни, бу муомала АҚШнинг кредит-пул соҳасини бошқариш қонун ва қоидаларига бўйсунмайди. Шу бонесуда ҳаракатидан келадиган даромадлар кўп жиҳатдан АҚШ территориясидан амал қиладиган солиқ ундириш системасига бўйсунмайди. Бу эса евродоллар шаклидаги кўпгина ҳаракатларни АҚШ территориясидан ташқарида амалга оширишни кўп жиҳатдан фойдали қилиб қўяди. Евродоллар каби кейинчалик бошқа евровалюталар — евромаркалар, еврошвейцар франклари, евростерлинглар, европеналар пайдо бўлди. Евровалюталар банкнот шаклида бўлиб, муомалада нақд пулсиз (банклардаги ҳисоб варақаларига қўчириш йўли билан) амалга оширилади. Евровалюталар муомаласининг ялпи ҳажми 1988 йил 3 триллион долларга етди. Унинг 70%ни евродоллар ташкил этди.

ЕВРОДОЛЛАРЛАР (eurodollars) — Европа банкларидаги доллар жамғармалари; капиталистик мамлакатлардаги ташкилотлар ҳамда хусусий шахслар томонидан АҚШ доллари ҳисобида қўйилган (1980-йиллар охирида 500 млрд. доллардан ортиқроқни ташкил этган). Капиталистик давлатлар тўлов баланси етишмовчилиги (дефицит)ни қоплаш, миллий пул бозорини тўлдиринида банк томонидан кредит бериш орқали фойдаланилади.

ЕВРОПА ВАЛЮТА СИСТЕМАСИ (ЕВС) — капиталистик мамлакатлар гуруҳининг Европа Иқтисодий Ҳамжамияти («Умумий бозор») доирасида 1979 йилда ташкил этилган регионал валюта системаси. ЕВСга Англия ва Грециядан ташқари Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига кирувчи барча мамлакатлар аъзо бўлиб кирган. Бу ташкилот АҚШ, Япония ва Европа Иқтисодий Ҳамжамияти ўртасидаги савдо-иқтисодий зиддиятлар оқибатида пайдо бўлди. Европа валюта системасининг асосий мақсади Европа валюта барқарорлиги зоналарини яратиш, келажакда эса АҚШ долларининг ҳукмронлигига қарши тура оладиган, Ғарбий Европа мамлакатларининг ўзаро ҳисоб-китобларида уни сиқиб чиқаришга қодир бўлган ўз валюта бирлигини (ЭКЮ)ни вужудга келтиришдан иборат эди. Европа валюта системаси доирасида ҳисоб-китобларни амалга оширишга техник жиҳатдан қўмаклашув Базель (Швейцария) шаҳрида жойлашган Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан амалга оширилмоқда.

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯСИ (ЕИК) — БМТнинг регионал органи, 1947 йилда урушда вайрон бўлган мамлакатларнинг иқтисодий тикланишига ёрдам бериш мақсадларида ташкил этилган. Унга Европадаги 32 та давлат, шу жумладан, СССР, УССР, БССР, шунингдек, АҚШ ва Канада аъзо. Комиссия 1951 йилдан БМТнинг доимий органи ҳуқуқига эга. Асосий вазифаси турли ижтимоий-иқтисодий системадаги мамлакатлар, энг аввало Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо, иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлигини ривожлантиришга қўмаклашув. Комиссиянинг раҳбар органи ҳар йили ўтказиладиган навбатдаги сессия. Комиссия секретариати (котибати) Женева (Швейцария) шаҳрида жойлашган.

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ, «Умумий бозор» — 12 та Ғарбий Европа давлатлари аъзо бўлган иқтисодий уюшма. Ҳамжамиятни таъсис қилиш ҳақидаги шартнома 1957 йил Римда Германия, Франция, Италия, Бельгия, Голландия ва Люксембург томонидан имзоланди. 1973 йилда унга Буюк Британия, Дания ва Ирландия; 1981 йилдан Греция; 1986 йилдан Испания ва Португалия аъзо бўлиб кирди. Уюшманинг мақсадлари: бож иттифоқи ва ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар доирасида капитал, товарлар, иш кучи, хизматларнинг эркин кўчиб юрадиган умумий бозорни шакллантириш; учинчи мамлакатларга нисбатан ягона савдо сиёсатини, шунингдек, валюта, қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳаларида умумий сиёсатни ўтказиш, молия системасини бирхиллаштириш, иқтисодий ва валюта иттифоқини тузиш ва б. 1988 йилнинг июлида Люксембургда Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгаши ва Европа Иқтисодий Ҳамжамияти ўртасида расмий муносабат ўриштириш ҳақида ўзаро декларация имзоланди. Ҳозирги вақтда ҳамкорликка кирувчи давлатлар ўртасида миллий чегаралар раъзий тус олиб, ягона валюта ва ягона нархларга ўтилмоқда. Унинг олий органи Брюссель (Бельгия) шаҳрида жойлашган Комиссия ва Вазирлар Кенгашидир. Страсбургда жойлашган Европа парламенти асосан маслаҳат органи вазифасини ўтайди (қ. *Европа ҳамжамиятлари*).

ЕВРОПА ЭРКИН САВДО УЮШМАСИ (ЕЭСУ) — Европадаги катор капиталистик мамлакатларнинг савдо-иқтисодий ташкилоти. 1960 йилда Буюк Британия ташаббуси билан *Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига* посанги сифатида ташкил этилган. «Умумий бозор»га қўшилиши муносабати билан 1973 йили Буюк Британия ва Дания, 1986 йили Португалия ЕЭСУдан чиқди. ЕЭСУ мамлакат

ларининг ҳаммасида саноат юксак ривожланган ва иқтисодийда ташқи савдонинг ўрни ва ҳиссаси салмоқли: Ҳозирги аъзолари — Австрия, Исландия, Норвегия, Швейцария, Швеция, Финляндия. Бу аъзо мамлакатларнинг ҳаммаси Европа Иқтисодий Ҳамжамияти билан эркин савдо келишувига эга, ҳам ўзаро йирик савдо шерикчилигида. Уюшманинг раҳбар органи — Кенгаш; ижроия органи — Котибат; штаб квартираси Женева (Швейцария) шаҳрида.

ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТЛАРИ—

Ғарбий Европа мамлакатларининг давлатлараро бирлашмаси. таркибида уч Ғарбий Европа регион ташкилотлари: *Европа Иқтисодий Ҳамжамияти*, Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси. Атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти (Евроатом) бор. 1957 йили Римда имзоланган махсус Конвенцияга биноан Европа ҳамжамиятларининг ягона Европа парламент ассамблеяси таъсис этилди (1962 йилдан Европа парламенти), 1967 йили ҳамжамиятларининг Вазирлар Кенгаши ва Комиссиялари тузилди. 1988 йилдан бошлаб Европа ҳамжамиятлари ва Совет Иттифоқи ўртасида расмий муносабатлар ўрнатилган. Европа парламенти Страсбург (Франция)да, Европа ҳамжамиятлари Комиссиялари Брюссель (Бельгия) да жойлашган.

ЕР РЕНТАСИ — бевосита кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан яратилган кўшимча маҳсулотнинг ер эгалари томонидан ўзлаштириладиган қисми. Ер рентаси ерга бўлган мулкчилик муносабатларининг пайдо бўлиши билан келиб чиқади. Унинг асосан, икки тури мавжуд: абсолют рента ва дифференциал рента. Абсолют рента бевосита ерга бўлган хусусий мулкчиликдан келиб чиқади. Ер участкаларининг яхши ёмонлигидан қатъи назар, бу участкалардан фойдаланиш ҳу-

ққини олиш учун ижарачининг ер эгасига тўлайдиган ҳақи абсолют рента ҳисобланади. Дифференциал рента ернинг хўжалик юритиш объекти бўлишидан келиб чиқади. У ернинг хусусий мулк бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар мавжуд бўлади. Дифференциал рента яхши ва ўртача унумдор ерлардан олинган кўшимча маҳсулотнинг ўртача фойдадан ортқ қисмидир.

Дифференциал рента икки тур (I, II) га бўлинади: дифференциал рента I тупроқ унумдорлигининг табиий равишда турлича бўлиши ва ер участкаларининг бозор, йўл, транспорт ва бошқаларга яқин ёки узоқ жойлашганлигига боғлиқ ҳолда олинган кўшимча даромад. Дифференциал рента II ерга кўшимча маблағ сарфлаб, ернинг унумдорлигини ошириш, яъни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, химиялаштириш, суғориш системасини жорий қилиш ва бошқалар эвазига олинади. Дифференциал рента II ер эгаси ва ижарачи томонидан ўзлаштирилади. Абсолют ва дифференциал ренталар билан бир қаторда монопол рента, ундирувчи саноат корхоналаридан, қурилиш участкаларидан олинган ренталар ҳам мавжуддир. Ер эгаси табиий иқлим шароити айрим ноёб кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (анжир, апельсин, мандарин, хўрмо кабилар) етиштиришга жуда ҳам қулай бўлган ер участкаларини ижарага берганда одатдаги рентадан ташқари устама монопол рента олади. Ундирувчи саноат корхоналаридан олинган рента — бу ер эгаларининг турли қазилма бойликлар ишлаб чиқариладиган ерларни ижарага берганларида олинган рента. Бу рентанинг микдори бевосита қазилма бойликлар — нефть, кўмир, газ, темир рудаси каби қон захираларининг ҳажмига, саёз ёки чуқур жойлашганлиги, транспортга қулайлигига боғлиқ бўлади. Қурилиш участкалари рентаси — турар-

жой бинолари; саноат корхоналари қуриш мақсадида ижарага олинган ер учун тўланадиган рентадир.

ЕРНИНГ БАХОСИ, — ер эгаси ердан оладиган даромадини бошқа йўл билан топиши учун зарур бўлган пул миқдори. Ерининг қиймати бўлмаса ҳам ерининг баҳоси бор ва бу баҳонинг ташкил топиши ўз хусусиятига эга. Ҳар бир ер участкасининг баҳоси, асосан, шу ер келтирадиган рента суммасига ва ерга сарфланган пул учун бериладиган банк проценти даражасига қараб белгиланади. Ерининг баҳоси рентанинг миқдорига тўғри пропорционал. Суда проценти даражасига тескари пропорционалдир. Социализмда ер сотилмайди, унга иқтисодий жиҳатдан, яъни унинг сифат кўрсаткичларига баҳо бериш мавжуд. Ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда асосий кўрсаткичлар сифатида ўртача ҳар бир гектар ердан олинган ялпи маҳсулот, пировард маҳсулот ва соф даромад ёки фойда миқдоридан фойдаланилади. Энг кўп ҳосил ва соф даромад ёки фойда берган ер картаси 100 балл билан баҳоланади. Ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ер участкаларини ижарага беришда, қурилиш ташкилотларига ажратиб беришда, қолаверса хўжаликларнинг ердан оладиган фойдасини ва давлатга тўланадиган солиқ миқдорини олдиндан аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

Ер олди-сотди бўладиган жамиятда унинг баҳосига ерининг ҳосилдорлиги, қазилмаларга бойлигидан ташқари унинг иқлими, қайси географик минтақада бўлиши, унинг экологик ҳолати ҳам таъсир қилади. Иқлими яхши, табиати бой, экологик тоза, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктураси ривожланган ерлар баҳоси ғоят юқори бўлади. Экологик танглик шароитида тоза ерлар қиммат туради. Йирик шаҳарларда ерининг баҳоси ғоят юқори юради, чунки ер танқислиги мавжуд бўлади. Ерининг баҳоси

унга бўлган талабга қараб ҳам ўзгариб туради.

Ж

ЖАМОА (КОЛЛЕКТИВ) МУЛКИ — маданийлашган жамиятдаги мулкчиликнинг бир шакли, муайян мақсад йўлида жамоа (коллектив)га бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни ҳамжихатлик билан ўзлаштирилишини билдиради. Капиталистик мамлакатларда жамоа мулки айрим оилаларга ёки ишчи, хизматчилар жамоасига тегишли мол-мулк. Бу ерда мулк эгаларининг ўзлари ишлайди. СССРда жамоа мулки ижара корхоналари, жамоа корхоналари, кооперативлар, жумладан қолхозлар, акционер жамиятлар, хўжалик ширкатлари ва ассоциация (уюшма)лар, ижтимоий ташкилотлар мол-мулкидир. Жамоа мулки давлат мулкни корхона жамоаси сотиб олиши, бадал пули тўйлаб корхона қуриш, акция чиқариб, уни сотиш орқали пайдо бўлади. Жамоа мулки меҳнатчилар мулкидир. Унинг муҳим хусусияти шуки, воситалар ва меҳнат маҳсулини айрим шахс эмас, маълум гуруҳ кишилар ўзлаштиради. Жамоа мулки бошқа мулклар билан тенг ҳуқуқли ҳамда улар билан рақобат қилади. Жамоа мулки бўлган корхона *бозор конъюнктурасига* биноан фаолият кўрсатади. Эҳтисобни қондиригандагина даромад кўради. Жамоа мулки дахлсизлиги давлат қонунилари қаролати билан муҳофаза қилинади. СССРнинг мулк, кооперация ва корхона тўғрисидаги қонуни ана шундай қонулар сирасига қиради.

ЖАҲОН БОЗОРИ — халқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бирига боғланган мамлакатлар ўртасидаги барқарор олди-сотди

муносабатлари. Меҳнат тақсимо-ти байналмилал характерга эга. Баъзи мамлакатларда айрим то-варларни ишлаб чиқариш учун табiiй шартит бўлмайдн (хом ашё, масалан, қазилма бойлик бўл-майди ёки иқлим тўғри келмайди). Бир мамлакатда яратилган маҳсулот бошқасига зарур бўлиб туради. Айрим товарларни мамла-катда ишлаб чиққандан кўра им-порт қилган афзал бўлиб қолади. Шу сабаблар туфайли мамлакат-лараро товар айирбошлаш келиб чиқади, жаҳон бозори пайдо бўла-ди. Жаҳон бозори XVI асрда шакллана бошлаган ва XX аср бошларига келиб бу жараён ту-галланган. Дастлаб жаҳон бозори капиталистик бозор тарзида юза-га келган, яъни унда иқтисодий тузуми капиталистик харак-терда бўлган мамлакатлар ва уларга қарам мустамлакалар-гина қатнашган. Социализм йўли-га ўтган мамлакатлар пайдо бўли-ши билан жаҳон бозорининг маз-муни ўзгарди. Жаҳон бозорида ижтимоий тузуми ҳар хил мам-лакатлар қатнаша бошлади, лекин у ўзининг яхлитлигини йўқотма-ди. Энди жаҳон бозорида давлат-лараро режали товар айирбош-лаш вужудга келди. Жаҳон бозо-ри товар-пул муносабатларининг байналмилал маҳсули; шу му-носабатларнинг ўзи эса умумин-соний воқелик, шунга кўра жаҳон бозори яхлитлигини сақлайди. Умуминсоний иқтисодий алоқа-ларининг мавжудлиги жаҳон бозо-рига барқарорлик бахш этади. Жаҳон бозори товарлар, хиз-матлар, валюта, инвестиция, пл-мий ишланмалар бозорларидан иборат. Жаҳон бозорида айир-бошлаш халқаро нархларда ва халқаро валюта воситасида амал-га оширилади. Жаҳон бозори ҳажми ундаги товар сотилиши суммаси билан ўлчанади. Жаҳон бозори хизмат қилувчи маҳсуе инфраструктурага эга бўлиб, у халқаро уюшмалар, банклар, бир-лашмалар, аукционлар ва ҳар хил фондлардан иборат.

ЖАҲОН ВАЛЮТА СИСТЕМА-СИ — жаҳон бозорининг ривож-ланиши асосида шаклланган ва давлатлараро битимлар билан мустаҳкамланган халқаро пул-кредит муносабатлари. Миллий ва жаҳон захира валюта бирликлари, халқаро валюта воситалари ҳам-да олтин захираларининг таркиби ва тузилиши, валюталарнинг олтин исибати ва курслари меҳа-низми, валюталарнинг ўзаро қий-тарилиши шартн, валюта чекла-ниши ҳажми, халқаро ҳисоб-китоблар шакли, халқаро валюта бозорлари ва жаҳон олтин бозор-лари режими, валюта муносабат-ларини бошқарадиган давлатлар-аро валюта-кредит ташкилотла-рининг мақоми жаҳон валюта системасининг асосий унсурлари-га киради.

ЖАҲОН ПУЛИ — халқаро миқёсда ҳамма учун умумий харид воситаси, умумий тўлов воси-таси, бойлиқнинг умумий моддий тимсоли, байналмилал қиймат ифодаси бўлган пул. Жаҳон пули вазифасини дастлаб маълум вази-даги олтин ёмбилари бажарган, сўнгра халқаро миқёсда обрў-эъ-тиборли миллий пул (доллар, фунт стерлинг) жаҳон пуллари деб эътироф этилган. Маз-кур миллий пуллар конвертирлан-ган валюта ҳисобланади. Мамла-катлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-ки-тоб ва тўлов ҳаракатлари шу пулларда бажарилади. Аммо ол-тин ҳам айрим ҳолларда жаҳон пули ролини ўйнайди. Жаҳон бо-зори кенгайиши билан жаҳон пул-лари обороти ҳам кучаяди.

З

ЗОНА БАҲОЛАРИ — турли та-бiiй иқлим зоналари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дэвлат харид этишининг табақаланган баҳолари. Зона баҳоларини ўрна-тиш қишлоқ хўжалиги маҳсулот-

ларини турли табиий иқлим шароитларда етиштирилишидан келиб чиқади, бу шароитлар бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳар хил харажатлар қилиниш талаб этади ва у ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини иқтисодий фаолиятига объектив таъсир этади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига бир хил иқтисодий шароит яратиш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари табиий-иқлим шароитига кўра зоналар бўйича табақалаштирилади ва у қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг зона харид баҳолари деб юритилади. Зона харид баҳолари ёрдамида табиий-иқлим жиҳатдан қулай шароитдаги хўжаликларда ҳосил қилинадиган дифференциал рента I ва дифференциал рента II нинг бир қисми давлатнинг марказлаштирилган соф даромадига олинади. Зона баҳолари ёрдамида ҳар хил зоналардаги хўжаликларнинг даромадлари тенглаштирилади ва тенг меҳнатга тенг даромад олиш қондасига тўла амал қилиш учун шароит яратилади. Баҳони бу тарзда зоналар бўйича табақалаштириш ҳар хил табиий шароитларда иш юритувчиларини маҳсулот етиштирилиши қўпайтириш учун рағбатлантиради, чуқури шароит оғир зона учун юқори шароит қулай зона учун эса настрок зона баҳолари белгиланади.

И

ИЖАРА, ижора (араб.) — мол-мулкни ёллаш бўйича шартнома. Унга кўра бир томон (ижарага берувчи) иккинчи томонга (ижарачи) маълум тўлов шартига мол-мулкни вақтинча фойдаланиш учун беради. Ижара ҳақи мулк эгаси мол-мулкнинг қийматига ва келтирадиган даромадга боғлиқ

бўлиб, ўзaro келишув билан белгиланади. Қаниталистик мамлакатларда ер, уй-жой, савдо-саноат бинолари, саноат ва савдо корхоналарини ижарага бериш ва билиш кенг тарқалган. Мамлакатимизда НЭП шароитида давлат корхоналарини миллий ва хорижий капиталга соҳибларга ижарага беришга йўл қўйилган эди. Ижара ҳақи дастлабки йилларда ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан тўланар эди. 1924 йилдан, яъни пул ислохоти ўтказилгандан кейин ижара ҳақи фақат пулда тўланадиган бўлди. Ижара муддати 6 йилгача этиб белгиланди.

СССРнинг Давлат корхона (бирлашма)си тўғрисидаги қонунига мувофиқ ҳозир корхоналар бошқа корхона ва ташкилотларга бино, қурилмалар, транспорт воситалари, инвентарь, хом ашё ва бошқа моддий бойликларни вақтинча ижарага топшириш ҳуқуқига эга. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида ижара муносабатларининг янги шакллари пайдо бўлмоқда.

Меҳнат жамоалари, шунингдек, айрим цех ва бригадалар ўз корхонасининг маъмурияти ёки юқори ташкилот билан шартнома тузиб, асосий ишлаб чиқариш ва ишоншлаб чиқариш фондларини, айланма воситаларини маълум муддатга, кўпинча 10—15 йилгача, ижарага оладиган бўлишди. Жамоа улардан самарали фойдаланиш, меъёрдаги ишчи ҳолатида сақлаб туриш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фондларнинг ўсиш суръатини ошириш мажбуриятини олади. Ижара ҳақи корхона жамоаси даромадининг бир қисми бўлиб, ижарачи ва ижарага берувчи ўртасида шартнома йўли билан корхонанинг истикболини ҳисобга олиб ўрнатилади.

80-йилларнинг охирига келиб жумхуриятимиз қишлоқ хўжалигида ижара муносабатлари ривожлана бошлади. Бу муносабатлар асосан ижара пудрати шак

лини олди. Ҳозир мамлакатимизда ижара ва ижара муносабатлари ҳақида қонун қабул қилинган. Мамлакат ва бир қанча жумҳуриятларда ижарачи ва соҳибкорларнинг уюшма (ассоциация)лари тузилган.

ИЖАРАЧИЛИК МУНОСАБАТИ

Мол-мулкни маълум муддатда ва ҳақ тўлаб ишлатиб туриш юзасидан бўлган иқтисодий муносабат; бозор иқтисодиётига хос. Ижарачилик муносабати объекти моддий шаклдаги мол-мулк, унинг субъекти эса мулк эгаси билан ижарачидир. Мулк эгаси ижарага ер, сув, асбоб-ускуна, хўжалик ва уй-жой бинолари ҳамда бутун бир корхоналарни беради. Шунда моддий шаклдаги мулк ўз эгаси учун ижара орқали амалда фойда беради, яъни мулкдор ижарадан даромад ундириб, иқтисодий манфаатини юзага чиқаради. Ижарачи айрим шахс-корхона ва ҳатто давлат тимсолида намоён бўлади. У ижарага олган объектни пул сарфлаб, соҳибкорлик қилади, топган даромадининг бир қисmini ижара ҳақи (пули) сифатида мулк эгасига тўлайди.

Ижарачилик муносабатининг муҳим шарт ижарага олинган мол-мулкка зарар етказмаслик ва ижара ҳақини қанда қилмай тўлаб туришдир. Ижарачилик муносабати бирламчи ва иккиламчи бўлади. Мол-мулк бевосита унинг эгасидан олинса бирламчи ижарачилик муносабати келиб чиқади. Агар мулкни бир ижарачидан бошқаси олса, иккиламчи ижарачилик муносабати пайдо бўлади.

СССРда ижарачилик ижара пудрати шаклини олган, унинг жамоа, оила ва яқка тартибдаги ижара кўринишлари бор. Жамоа ижарачилик муносабати юз берганда цех, участка, бригада, ферма жамоаси давлатдан ваколат олган корхона маъмурияти билан алоқага киришади. Оилавий ижарачилик муносабати корхона жамоаси билан

айрим оила ўртасида бўлади. У савдо, маиший хизмат ва қишлоқ хўжалигида қўлланади. Яқка тартибдаги (индивидуал) ижарачилик муносабати жамоа меҳнатини талаб қилмайдиган жойда қўлланади. Бунда бутун масъулият яқка киши зиммасига юкланади. Бундай муносабат асосан автомобиль транспортида қўлланади. Ижарачилик муносабати табақалашган ижара ҳақи орқали тартибга солинади. СССРда ўтказилмаган *приватизация* туфайли мулк давлатдан олиб халққа берилади, мулкдорлар кўпаяди, шунга кўра ижарачилик муносабати янгиланади, яъни у меҳнаткашларнинг ўзлари ўртасида амал қилади. Давлат иштирокида ижарачилик муносабати доираси қисқарса, жамоалар, уюшмалар ва фуқаролар ўртасидаги ижарачилик муносабати кенгаяди.

ИЖТИМОЙ МУЛК

— социалистик мулкчиликнинг бир тури, ишлаб чиқариш ва меҳнат маҳсулини, умумийлик бойлигини бутун жамият миқёсида ўзлаштирилишини билдиради. Социалистик жамият ижтимоий мулк субъекти бўлади, бу мулкка жамият номидан турли даражадаги (олий, маҳаллий) Советлар эгаллик қилади. Шу жиҳатдан ижтимоий мулк *давлат мулки* тарикасида намоён бўлади. Юксак даражада умумлашган ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсули ижтимоий мулк объектига кириди, улар ўз харақатлари кўлами жиҳатидан тарқоқ равишда, бошқа мулк доирасида амал қила олмайди. Масалан, саноатнинг энг етакчи корхоналари, темир йўл, ҳаво, дарё, деңгиз транспорти, алоқа, космик система, ирригация иншоотлари, бирлашган энергия системалари, харбий объектлар ва х.к. Ер усти ва ер ости бойликлари ҳам ижтимоий мулк ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитларида ижтимоий мулк мавқеи ва ҳолати бошқа мулк билан бир қаторда бўлиши лозим, унинг монополиясига йўл қўймаслик шарт.

ИМПОРТ (лат. *importo* — кiritмаман) — ички бозорда сотиш учун мамлакатга хорижий товарлар киритиш ва хизмат келтириш. Импорт миқдори ва таркиби мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсиротида тутган ўрнига боғлиқ. Мамлакатимиз импортининг асосий қисми (70%) Шарқий Европа мамлакатларига тўғри келади. Импорт таркибини машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, истеъмол моллари ташкил қилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш давомида миллий ва халқаро бозорларнинг туташуви билан импорт доираси ҳам сезиларли кенгайди.

ИНВЕСТИЦИЯ (нем. *investition*, лат. *investere* — кийинтирмак) — ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш (қўйиш). Унинг молиявий ва реал турлари мавжуд. Молиявий инвестиция — акция, облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш; реал инвестиция — мамлакат ичкарисида ва чет элларда ишлаб чиқариш (сапоат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва б.) га капитал қўйиш, шунингдек, ёш суверен давлатларга қарз ва *субсидия* бериш шаклларида амалга оширилади. Инвестицияни давлат, банклар ёки хусусий соҳибкорлар бериши мумкин. Давлат инвестицияси солиқлар, заёмлар, давлат даромадлари орқали молиялаштирилади. Инвесторнинг шахсий маблағлари ёки узоқ муддатли қарз олиш йўли билан жалб қилинган воситалари ва қимматбаҳо қоғозлар чиқариши хусусий инвестициянинг манбан бўлиши мумкин.

ИНВЕСТИЦИЯ БАНКЛАРИ — хўжаликнинг турли тармоқларини молиялаш ва узоқ муддатли қарз беришга ихтисослашган банклар.

ИНЖИНИРИНГ, инженерлик-маслаҳат хизматлари — тижоратчилик қодаларига асосланган инженерлик-масла-

хат хизматлари; ишлаб чиқаришни таъминлаш, махсулот сотишни уюштириш, ишлаб чиқариш объектларини қуриб, ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш. Бу иш билан инжиниринг фирмалари шуғулланади, улар муस्ताкил фирма сифатида бир вақтнинг ўзида бир неча миқозларга хизмат қилади. Экспорт инжиниринг фирмалари бошқа мамлакатларга хизмат кўрсатади. Улар чет элдаги илмий ғоялар ва техник ишланмалар бозорида *лицензия* сотади, техник янгилликларни хорижда жорий этади. Инжиниринг компаниялари даромади кўрсатилган инжиниринг хизматига боғлиқ бўлади. Инжиниринг фирмалари бозорнинг муҳим иштирокчиси ҳисобланади. Халқаро инжиниринг хизмати ишнинг техник, ташкилий ва тижорат томонлари кўрсатилган контракт шаклида расмийлаштирилади, моҳияти билан муайян хизматларга буюртманинг бир кўринишидир.

ИНЖИНИРИНГ ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ — халқаро бозорнинг бир тури, инжиниринг хизматларининг давлатлараро олди-сотди қилиниши. Лойиҳалаш, корхоналарни қуриш, уларни жиҳозлаш, эксплуатация қилиш юзасидан бўлган хизматларни қурилиш, сапоат ёки махсус инжиниринг фирмалари бажаради. Улар хориждаги давлатлар, корхоналар, ташкилотлар билан контракт тузиб ўз хизматиини сотади. Инжиниринг хизматлар бозорида асосий харидор ривожланаётган давлатлар бўлса, сотувчилар ривожланган капиталистик мамлакатлардир. Бу бозорда АҚШ, Германия, Франция, Канада, Буюк Британия фирмалари етакчи мавқега эга. СССР ҳам инжиниринг хизматлар савдосида қатнашади. Аммо унинг инжиниринг хизматлар экспорти ва импортидаги ҳиссаси ғоят паст. СССРнинг техникавий имконияти ортини билан инжиниринг хизматлар бозоридаги мавқеи мустаҳкамланади.

ИНТЕГРАЦИЯ, иқтисодиёт интеграция. (лат. *integer* —

бути) — мустақил хўжалик фаолиятининг миллий, минтақа ва халқаро миқёсда ўзаро бирлашиб, яхлит хўжалик организмининг ташкил этиши. Ишлаб чиқарувчи кучлар ўсиши натижасида меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви интеграцияни юзага келтиради. Агрисаноат, ўрмон-саноат, қурилиш-саноат ва бошқа корхона (бирлашма) ҳамда комплекслар интеграция алоқаларини ташкил этади. Интеграция ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, турли тармоқлараро корхона (бирлашма) ва комплексларда ҳуқуқий жиҳатдан расмийлашади. Иқтисодий интеграция мамлакат тармоқлараро алоқаларидан ташқари давлатлараро байналмилал кўлам касб этади. Бу эса техникани янада ривожлантириш, маҳсулотларни ихтисослашган ҳолда ва етарли миқдорда ишлаб чиқариш, уларни арзонлаштириш, сифатини яхшилашга бўлган эҳтиёжларни қучайтиради.

ИНТЕРНАЦИОНАЛ ҚИЙМАТ — муайян товарларни ишлаб чиқариш учун халқаро ижтимоий ишлаб чиқариш, ўртача халқаро меҳнат унуми ва меҳнат интенсивлиги (шидатни) шароитларида кетган ижтимоий зарурий, жаҳон миқёсда таъминланган меҳнат сарфлари. Интернационал қиймат товарларнинг миллий (айрим мамлакатдаги) қийматини умумий қийматга келтириш орқали юзага чиқади. Товарларнинг миллий қиймати ҳар хил бўлади, лекин уларнинг ҳаммаси эмас, балки жаҳон бозори учун маъқул бўлган қисми таъминлиб, интернационал қийматга тенглашади. Интернационал қиймат шаклланишида халқаро бозорга товарларнинг асосий қисmini етказиб берувчи мамлакатларнинг миллий қиймати асос бўлади. Мазкур товарлар жаҳон бозоридagi талабнинг асосий қисmini қондирганидан уларнинг қиймати интернационал қийматга яқин туради. Жаҳон бозоридagi асосий экспортчи мамлакатларда-

ги сарф-харажатлар интернационал қийматга асос солади. Масалан, нефтнинг интернационал қийматини унинг асосий қисmini етказиб берувчи Форс кўрфазини мамлакатларидаги нефтнинг миллий қиймати шакллантиради. Пахтанинг интернационал қийматини асосий пахта етиштирувчи мамлакатлар — ХХР, СССР, АҚШ, Мисрдаги сарф-харажатлар белгилайди. Интернационал қиймат жаҳон нархларининг асоси. Шу сабабли миллий ва интернационал қиймат ўртасидаги фарқ экспорт ёки импорт зарурлигини аниқлайди. Ўз товарининг миллий қиймати интернационал қийматидан паст бўлган мамлакатлар халқаро савдодан катта наф қўради, миллий қиймати юқорилар эса ютказади. Шу сабабдан интернационал қиймат шаклланиши турли мамлакатлардаги миллий сарф-харажатларни насайтиришга ундаб, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

ИНТЕРФАКС — ахборотлар билан савдо қилувчи фирма, уюшма. Интерфакс СССРда телеграф агентлиги (ТАСС), матбуот янгилиги агентлиги (АПН) билан паралелл иш юритувчи кооператив уюшма. Интерфакс ўз муҳбирлари орқали СССРда қувдалик ва очиқ ахборотлар тўплайди, уни умумлаштиради. Интерфакс ўз маҳсулоти-товари бўлмиш ахборотларни матбуот, радио, телевидение орқали аҳолига етказиши. Фирма тўплаган ахборот давлат, кооператив ташкилотларига, чет эл фирмалари ва ахборот агентликларига, чет эл давлатларига сотилади. Интерфакс тижорат фирмаси, у ўзини ўзи пул билан таъминлаш қондаси асосида иш олиб боради, мустақил, бирорта сиёсий партияга бўйсузмайди.

ИНФЛЯЦИЯ (лат. inflatio — шишиш, қўнчиш, кўтарилиш) — пулнинг қадрсизланиши; муомаладаги пул массасининг товарлар массасидан устулиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Ин-

фляция товар баҳосининг очикчасига ва яширин равишда ошиб кетишига олиб келади. Баҳолар индекси орқали инфляциянинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, унинг жиддийлиги аниқланади. Ортикча миқдорда пул бирликларини муомалага чиқариш, товар ишлаб чиқаришнинг тўлов қобилиятига эга талаб ўсишидан орқада қолиши, бозорда талабга жавоб бермайдиган товарларнинг кўпайиб кетиши ва бошқа омиллар инфляцияни юзага келтиради. Бундан ташқари нарх белгилашнинг монополашуви, кредитнинг ҳаддан ташқари ривожланиб кетиши, давлатнинг улкан ишлаб чиқариш харажатлари, қуролашишга зўр бериши, иқтисодийни ҳарбийлаштиришга кетадиган сарфларнинг давлат даромадларидан устунлиги инфляциянинг асосий сабаблари ҳисобланади. Инфляция снёсий ларзалар ва урушлар шароитида янада ҳалокатли тус олади. Ҳозир мамлакатда мавжуд инфляция халқ хўжалиги тузилишининг бузилиши туфайли истеъмол товарлари танқислиги оқибатида чуқурлашмоқда.

ИНФРАСТРУКТУРА (лат. infra — қуйи, structura — тузилиш, жойлашув) — халқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига хизмат қиладиган соҳалар. У транспорт, алоқа, савдо, моддий-техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш инфраструктураси (беvosита моддий ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган) ва ишлаб чиқариш инфраструктураси мавжуд. Ишлаб чиқариш инфраструктураси соҳаларида яши ижтимоий маҳсулот, миллий даромад яратилади; ижтимоий инфраструктура соҳалари (маориф, фан, соғлиқни сақлаш ва б.) ижтимоий-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, инсон омилини фаоллаштиришга хизмат қиладиган.

ИПОТЕКА (юнон. hypotheke — гаров) — ссуда олиш мақсадида кўчмас мулк (ер, иморат)ни гаровга қўйиш. Ривожланган капиталистик мамлакатлар қишлоқ хўжалигида кенг тарқалган бўлиб, махсус ипотека банслари бор. Ипотека ер мулки ва қишлоқ хўжалигини йириклашувга олиб келади, йирик ер эгалари манфаатларига хизмат қиладиган. Ипотекага мурожаат қилган майда ер эгалари аксарин холларда юқори ссуда, процентлари натижасида хонавайрон бўладилар. СССРда ер олди-сотди ва гаров объекти бўлмаганлиги сабабли ипотека йўқ.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ — аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматларнинг айирбошланиши. Истеъмол бозори турли-туман савдо шахобчаларидан иборат бўлади. СССРда давлат, кооператив савдоси, деҳқон бозори ва чайқов бозори истеъмол бозорини ташкил этади. Бозорда сотувчилар билан харидорлар ўртасида олди-сотди муносабати юз беради. Сотувчилар — товар ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг ваколатини олган корхона, ташкилот ёки айрим фуқаролар бўлса, харидорлар кенг истеъмолчилар оммасидан иборатдир. Сотувчилар товар эгаси, харидорлар эса пул эгаси сифатида бозорда бир-бирига дуч келади. Харидорлар фақат фуқаролардан иборат бўлмайди. Харидорлар таркибига аҳолига бепул хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар (касалхона, етимхона, болалар боғчаси, қариялар уйи ва бошқалар) ҳам киради, улар ҳам кенг истеъмол буюмларини сотиб оладилар. Истеъмол бозорига хар хил хизматлар (маданий, техникавий, тиббий) ҳам сотилади. Бозорнинг ҳажми унда сотилган товарларнинг яши суммаси (масалан, товар обороти) билан белгиланади. Истеъмол товарлари қатъий давлат нархлари, назорат қилинадиган нархлар ва эркин бозор нархларида сотилади. Истеъмол бозори ички ва ташқи

товар манбаига эга бўлиши лозим. СССРдаги истеъмол бозорининг ички товар манбаи давлат, кооператив, акционер, хусусий ва кўшма корхоналар, якка деҳқон хўжалиги, томорқа хўжалигида ва якка тартибда ишлаб чиқарилган товарлар бўлса, унинг ташқи манбаи эса четдан товар келтириш, яъни товарлар импортидир.

Истеъмол бозори ўзининг ҳолатига қараб икки хил бўлади: **тўйинган бозор** (товарлар талабга старли бозор); **тақчил бозор ёки «очқозор»** (товарлар сурункали етишмай қолиб, талабга жавоб беролмайдиган бозор).

Кейинги йилларда халқ хўжалиги структурасининг аҳоли эhti-ёжларига бевосита йўналтирилмаганлиги оқибатида СССР истеъмол бозорида катта товар танқислиги вужудга келди. Унинг асосий сабаби мамлакатда ҳам, жумҳуриятимизда ҳам sanoat-нинг «Б» гуруҳи, яъни халқ истеъмоли предметлари ишлаб чиқариш тармоғи ҳиссаси sanoat ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида 25—26% дан ошмайди. Ишлаб чиқариш самарадорлигига инебатан аҳоли пул даромадлари устувроқ ўсмоқда. Натижада товар билан таъминланмаган катта пул миқдори вужудга келди. 1990 йил 19 октябрда СССР Олий Советида қабул қилинган мамлакатни бозор иқтисодиётига ўтказиш дастурида истеъмол бозорини товар билан таъминлаш масалари: хориждан истеъмол товарлари сотиб олишни кенгайтириш, мамлакат ичкарисида майда корхоналарни кўпайтириш, мудофаага хизмат қиладиган корхоналарни конверсиялаш ҳамда уларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва бошқа тадбирлар назарда тутилган.

Бозор иқтисодиётига тўйинган, хоҳлаган товарлар бор бозор ҳосдир. СССРнинг бозор иқтисодиётига ўтиши товар ишлаб чиқаришни рағбатлантириб, уларни кўпайтириш ва доимий тақчилли бозор ўрнига тўйинган бозорини

шакллантириш мақсадларини кўзлайди.

ИСТЕЪМОЛ НАРХИ — харидорнинг узок муддат хизмат қилувчи товарларни сотиб олиш ва ишла-тиш учун қилган сарфлари; кўп ҳолларда ишлаб чиқариш воситаларига тааллуқли. Истеъмол нархларига машина-усқуналарни сотиб олиш нархи, уларни ташиб олиш, созлаб олиш ҳақи, улар билан ишлашга ходимларни ўргатиш, уларни эксплуатация қилиш, уларга қараб туриш, ремонт қилиш ва суғурталаш каби сарф-харажатларни ўз ичига олади. Товар истеъмол нархининг харидор учун паст бўлиши унинг рақобат қобилиятини оширади.

«ИСТЕЪМОЛ САВАТИ» — муайян озиқ-овқат, sanoat моллари ва хизматларнинг тирикчиликни таъминлашга етарли бўлган миқдори. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво кўтарилиб, баҳолар ўзгаради. Аҳолининг кўрадиган зарарини қоилаш учун ҳукумат томонидан мамлакатда «истеъмол савати» таркиби аниқланади ва уни қўллаш таклиф этилади. Унга мувофиқ хар кварталда «истеъмол савати»га кирган моллар нархининг ўзгаришини ўрганиш, уларнинг индекс-

**ИСТ-
МОИ**
иқти-
модли-
ган а-
тлари,
корхона

п ва шунга
эмалларини
м. Индекс-
оли қатла-
ади.
**ИЖТИ-
Ш** — бозор
шароитида
таъминлан-
лар манфа-
инг давлат.
иқтимоий
ҳимоясига эришилган, бозор муносабатлари системасига ўтиши жараёнидаги энг муҳим муаммолардан бири. Бозор муносабатларини амалга оширишининг дастлабки оқибатлари нарх-наво-нининг кўтарилиши ва инеизлик-нининг ортинига олиб келади. Бундан биринчи навбатда аҳолининг камбағал ва иқтисодий жиҳатдан

заифроқ табақалари кўпроқ зарар кўради. Жумҳуриятимизда 1988 йилда жон бошига ойига 75 сўмдан камроқ даромад тўғри келадиган кишилар сони умумий аҳолининг 45% ни, яъни 9 миллиондан ортиқ кишини ташкил этди. Бу Иттифоқдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Аҳолининг бу қатламини ҳимоялаш тадбирларига ижтимоий истеъмол фондларидан ажратиладиган нафақа, пенсия ва имтиёзларни кенгайтириш, пенсия таъминоти, камабағал ва кўп бошли оилаларга нафақалар, ўқувчиларга стипендия тўлаш соҳасида давлат ижтимоий кафолатлари, пархлар ортшидан кўриладиган зарарни қоплаш (компенсация бериш), даромадларни индекслаш, субсидия учун маблағлар ажратиш ва бошқалар киради. Бу тадбирлар давлат бюджети ва корхоналарнинг соф даромад (фойда) лари ҳисобидан амалга оширилади. Истеъмолчиларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига ажратилган маблағлар илгаригидек ишлаб чиқарувчиларга эмас, балки бевосита истеъмолчиларга ажратилади.

ИТТИФОҚДОШ ЖУМҲУРИЯТЛАР ВАЛЮТА ФОНДИ — СССРдаги ҳар бир мустақил жумҳуриятнинг ихтиёридаги валюта суммаси. Бу фондини жумҳурият ўзи ишлаб топади. Манбага кўра тўрт турга бўлинади: жумҳурият экспортдан келган валюта тушуми; жумҳурият чет эл туризми индустрияси топган валюта даромадлари; жумҳуриятдаги чет эл фирмалари валюта билан берадиган тўловлар (улар билан бирга қурилган қўшма корхоналар фаолиятдан тушган валюта даромадлари); бирон-бир муҳим хўжалик, сийёсий, маданий фаолиятини амалга ошириш учун умумиттифоқ валюта фондидан жумҳуриятга берилган ажратмалар.

Жумҳурият валюта фонди миқдори унинг халқаро муносабатларда нақадар фаол иштирок этишига боғлиқ. Валюта фондини самарали ишлатиш йўллари

республиканинг ўзи танлайди. Аксарият ҳолларда бундай фонд истеъмол товарлари импорти, чет эл туризмини ривожлантириш ёки чет эл технологиясини сотиб олишга ишлатилади. Фонд сарфи давлатнинг қаттиқ назорати остида олиб борилади.

ИШ КУЧИ ҚИЙМАТИ — ишчининг ва унинг оиласининг ҳаёт кечирishi, иш кучини тақдоран ҳосил этилиши учун зарур бўлган барча тирикчилик воситаларининг ялпи қиймати. Унга тирикчилик учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, транспорт, дам олиш, даволаниш, билим олиш, малакани ошириш ва бошқа сарф-харажатлар киради. Тирикчилик харажатлари фақат ишчининг ўзи учун эмас, балки оиласини боқиш учун ҳам керак. Шунга кўра иш кучи қиймати ишчи ва унинг оиласининг тирикчилик қийматидан иборат бўлади. Иш кучи қийматига ҳар хил омиллар турли йўналишда таъсир этади. Меҳнат унумдорлиги ошса, тирикчилик воситалари қиймати, бинобарин иш кучи қиймати пасаяди. Айни вақтда меҳнат мураккаблашади, бу иш кучини қайтадан ҳосил этиш сарф-харажатларини оширади. Бу эса иш кучи қийматини оширади. Иш кучи қиймати меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан ишчи ва унинг оиласи тирикчилик эҳтиёжининг кенгайиши ўртасидаги нисбатга қараб ўзгаради. Агар ишчи ва унинг оиласи эҳтиёжининг ортиб боришига нисбатан меҳнат унумдорлиги тез ўсиб боради иш кучи қиймати пасаяди ёки аксинча.

Фан-техника революцияси шароитида ғоят мураккаб ва илмталаб техника-технологиянинг жорий этилиши ўта малакали иш кучини талаб қилади, иш кучини тақдоран ҳосил этиш сарфларини оширади, айниқса экологик мувозанатни таъминлаш харажатларини кўпайтиради. Шу сабабли меҳнат унумдорлиги ошган шароитда ҳам иш кучи қиймати ўсиш

га мойил бўлади. Иш кучи қийматининг бошқа товарлар қийматидан фарқи шуки, унга тарихий ва миллий омиллар таъсир этади. Шу сабабли у турли мамлакатлар ва регионлар миқёсида табақалашган бўлади. Ҳар бир халқнинг тарихан шаклланган урф-одати ва ҳаёт таомили борки, у табиий иқлим ва миллий-тарихий шароит таъсирида юзага келади ва ҳаётини эҳтиёжларини, биобарин, тирикчилик қийматини хилма-хил қилади. Масалан, нимол ёки жанубда жойлашган мамлакатларда озиқ-овқат, кийиниш ва уй-жой сарфи ҳар хил, натижада, иш кучи қийматида ҳам фарқлар пайдо бўлади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ БОЗОРИ — меҳнат қуроллари ҳамда, хом ашё, ёқилғи ва материалларнинг олди-сотди қилиниши; бозорнинг муҳим бўғинларидан бири. СССРда узок йиллар мобайнида ишлаб чиқариш воситаларининг ҳаракати моддий-техника таъминоти шаклида амалга оширилди. Бу система бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усули устун, товар-пул муносабатлари етарли даражада ривожланмаган давр учун хосдир. Кейинги йиллардан ишлаб чиқариш воситаларини сотиш улғуржи савдосига ўтилиб, ишлаб чиқариш воситалари корхоналарга йирик партияларда, кўтарасига воситачиларсиз сотиладиган бўлди. Бозор муносабатлари ишлаб чиқариш воситаларини барча истеъмолчи корхоналарга, корхона соҳибларига ва аҳолига эркин нархларда сотиш имкониятларини яратишни тақозо этади. Бу эса ўз навбатида замонавий асбоб-ускуналар, техника воситаларини ишлаб чиқариш, уларнинг сифатини яхшилаш ҳамда уларни сотиш инфраструктурасини (ахборот, реклама хизмати) барпо қилиш билан боғлиқ (қ. *Товар биржаси*).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЪМИНОТ ВА ТИЖОРАТ БИРЛАШМАЛАРИ — *картель*, *синдикат*,

трест, *пул*, *концерн*, *консорциум*, *ассоциация* (уюшма) ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликни бошқариш шакллари сифатида юзага келади. СССРда улар моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ вазирликлар ва маҳкамалар вазифаларининг асосий қисмини ўзларига оладилар. Бундай бирлашмаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ишлаб чиқаришни ихтисослашган илмий-техник, ахборот ва юридик хизмат билан қўшиб олиб боради. Бирлашмалар корхоналар томонидан ўзаро ихтиёрийлик қондаси асосида ташкил қилиниб, ўз воситалари ҳисобига ишлайдилар. Улар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлай олмасалар ўз фаолиятларини тугатиб, тарқаб кетиши ёки бошқалари билан қўшилиб кетиши мумкин. Бу бирлашмаларнинг асосий вазифалари — таъминот фаолиятини ташкил этиш, корхоналарга турли соҳалар бўйича хизмат кўрсатишдан иборат. Бундан ташқари *реклама* ва *маркетинг* фаолияти, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан ҳам шуғулланадилар.

ИШСИЗЛИК — аҳоли иқтисодий фаол қисмининг ўзига иш топа олмасдан қолиши, меҳнат резерв армиясига айланиши. Яқин вақтларгача ишсизлик фақат капитализмга хос ижтимоий-иқтисодий ҳодиса деб ҳисобланар эди. 1930 йилнинг охирида СССРда охириги *меҳнат биржаси*нинг ёпилиши билан мамлакатимизда ишсизлик абадий тугатилди деган хулосага келинди. Аммо кейинги даврда социализмда ишсизликнинг мавжудлиги ва айни пайтда унинг ривожланган капиталистик мамлакатларга нисбатан анча устун эканлиги расмий қайд этилди. 1989 йилда АКШда ишсизлик даражаси 5,2%, Канадада 7,5%, Японияда 2,2%, ГФРда 5,5%, Францияда 9,5%, Италияда 11,3%, Бельгияда 9,0% ни ташкил этди. Миллий статистика органлари томонидан эълон қилина-

диган маълумотларда доимий иш топишдан умидини узганлар ва меҳнат биржаларида қайд этилмаганлар ишсизлар сонига киритилмайти, қисман ишсиз меҳнаткашлар, яъни ҳафтанинг бир неча куннда ишга эга бўлганлар ҳам бу ҳисобга қирмайди.

Ҳозир ЎзССРда 1 миллиондан ортиқ меҳнатга яроқли киши ижтимоий фойдали меҳнатда банд эмас. Бу ҳисобга 4 ва ундан ортиқ болани тарбиялаб, шахсий ёрдамчи хўжаликларига меҳнат қилаётган аёллар киритилмаган. Агар бу кўрсаткич меҳнатга лаёқатли ва иш билан банд бўлганлар (давлат корхона ва ташкилотларидаги ишчи ва хизматчилар, жамоа ва шахсий ёрдамчи хўжаликларда банд бўлган қолқозчилар, кооперативларда ва яққа тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлганлар ва б.) га нисбатан олинганда бўлса, жумҳуриятда ишсизлик даражаси 15%дан кам эмас.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида ишсизлик даражаси янада кенгайди. Аммо бу «ортиқча» аҳолини қўйлаб қурилган майдан ва хуёсулий хизмат кўрсатиш корхоналарига жалб қилиш йўли билан ишсизликни камайтириш мумкин. 8-10 йилдан кейин аса жаҳон талабларида маҳсулот етказиб бериладиган корхоналарнинг рақобатга бардош бера олмасдан синиши ва экологик талабларга жавоб бермайдиган корхоналарнинг ёпилиши натижасида ишсизликнинг иккинчи босқичи вужудга келади. Аммо бу вақтга келиб давлат ҳам, кишилар ҳам ишсизликнинг оқибатлари олдини олишга қодир бўлган етарли маблағ жамғаришга эришади.

Иш билан бандлик тўғрисида маълумотлар манбаи аҳолини рўйхатга олиш ва давлат, кооператив корхона ва ташкилотларнинг ҳисоботидир. Меҳнатга яроқли аҳоли таркибида иш билан банд бўлганлар ҳиссаси меҳнат потенциалдан фойдаланиш меъёрини характерлайди. Ишсизлик

даражасини пасайтириш учун иш (меҳнат) ўринларини яратиш, ишга гушпириш аҳоли табиий ўсишидан орқада қолмаслиги лозим. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ЎзССРнинг барча шаҳар ва районларида иш билан таъминлашнинг ягона давлат хизматини ташкил этиш мўлжалланган.

ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ — ишсизларга ижтимоий мадад бериш учун тўланадиган нафақа пули. уни давлат, корхона ёки ташкилотлар тўлайди. Ишсизларга бериш учун ажратилган пул суммаси нафақа фондини ташкил этади, у умумжамоият миқёсида, айрим ҳудудларда, корхона, фирма, ташкилотлар даражасида тақсимланади. Биринчи бор Ғарб мамлакатларида жорий қилинган. Бу мамлакатларда ишсизлик нафақаси давлат бюджети ҳисобидан ёки корхона ва ташкилотларнинг ўз даромади ҳисобидан тўланади. Муайян ишсиз ҳам давлат, ҳам корхона нафақасини олиши мумкин, нафақа миқдори ишсизнинг олдинги иш ҳақига, иш стажига, oilаси таркибига, қанча вақт ишсиз қолганига, тақлиф этилган ишга қўниш ёки қўймаслигига, ўз фирмасига муносабатига ва бошқаларга боғлиқ. Ишсизлик нафақаси вақтинча берилади.

СССРда ҳам бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ҳолда ишсизлик нафақаси расман жорий этилади. СССРда ишдан бўшаганларга янги ишга жойлашиб олгунига қадар ишхона ҳисобидан пул тўланган. Бу ҳам аслида расмий тап олинган ишсизлик нафақаси ҳисобланади. СССРда бозор иқтисодиётига ўтиш дастурида ишсизлик нафақаси кўзда тутилади. Ишсизлик нафақасининг миқдори минимал иш ҳақига қараб ёки иш ҳақининг бир ҳиссаси қилиб берилади. Ишсизлик нафақаси умумдавлат нафақаси; жумҳурият нафақаси; корхона, ташкилотлар нафақаси шаклларида берилиши мумкин. Ҳар бир ишсизга бериладиган нафақа турли жумҳу-

рийлардаги ишсизлик миқёсига, ишсизликнинг давомийлигига, ишсизларнинг ижтимоий аҳволига қараб тўланади. Ишсизлик нафақаси жорий этиш учун ишсизлик мезони қабул қилинади, яъни қонуни ҳужжатларида қимлар ишсиз деб ҳисобланиши белгиланади. Ишсизлик нафақаси миқдори иш ҳақидан кам бўлади, лекин тирикчилик қийматининг ўзгаришига, аниқроғи нарх-навога қараб қайта кўрилади.

ИҚТИСОДИЙ ДАСТАКЛАР —

жамиятнинг ҳўжалик юритиш механизмида амал қилувчи иқтисодий воситалар, ҳўжалик амалиётидаги иқтисодий кўришишлар. Бозор иқтисодиётида улар жумласига нарх, таннарх, фойда, даромад, соф даромад, зарар, дотация, компенсация, субвенция, солиқ, бож пули, қарз, процент, иш ҳақи ва бошқалар қиради. Иқтисодий дастаклар объектив иқтисодий қонуларнинг ҳаракат қилишидан келиб чиқади, бу қонуларнинг амалиётдаги ифодаси ҳисобланади. Масалан, нарх орқали қиймат қонуни ифода этилади. Иқтисодий қонулар бир эмас, балки бир неча иқтисодий дастакларда ўз ифодасини топади. Айни вақтда ягона иқтисодий дастаклар бир неча қонуни ҳаракатини намоён этади. Иқтисодий дастаклар объектив қонуларга асосланганидан улар ҳўжалик механизмида бош ўрин тутади. Жамият иқтисодий дастаклар билан таъсир этиш орқали, улар ёрдамида иқтисодий қонулардан фойдаланади, бозор иқтисодиётини тартибга солиб туради. Нарх даражаси, компенсация, дотация, солиқлар, процентни ўзгартириш орқали ишлаб чиқаришни, экспорт-импортни кенгайтириш ёки қисқартиришга эришилади. Процент даражасини ошириш орқали банкка пул кўпроқ жалб этилади, процент пасайтирилса, унинг зидди бўлган ҳодиса юз беради. Жамият иқтисодий дастаклардан моҳирона

фойдалангандагина бозор иқтисодиётини бошқариб туриши мумкин.

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ — қ. *Интеграция*.

ИҚТИСОДИЙ КОНЪЮНКТУРА — иқтисодиётнинг умумий ҳолати; уни фан-техника таракқиёти, иқтисодий ўсиш, структура силжишлари, молиявий аҳвол, экспорт имқониятлари қабилар характерлаб беради. Иқтисодий конъюнктура ўзгарувчан, салбий ва ижобий бўлади. СССРда 80-йилларда иқтисодий конъюнктура салбий бўлди. Ижобий иқтисодий конъюнктура барпо этишнинг йўлларида бири — бозор иқтисодиётига ўтиш ҳисобланади.

ИҚТИСОДИЙ ҲСИШ СИФАТИ

— иқтисодий ўсишнинг умумлашган сифат характеристикаси, унинг қандай сарфлар билан таъминлангани ва қандай ижтимоий-иқтисодий натижа берганлигини ифодалайди. Иқтисодий ўсиш сифати таркибига: ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад ўсишини таъминлашда сифат омилларининг (меҳнат унвумдорлигининг ўсиб бориши, моддий сарф-харажатларни пасайтириш), ҳисдаси қандай эканлиги; яратилган маҳсулотлар ва хизматлар сифати жамиятнинг талаб-эҳтиёжига нақадар жавоб бериши; ишлаб чиқаришнинг ижтимоий мақсадларга қаратилиши қиради. Агар иқтисодий ўсиш, масалан, миллий даромаднинг ўсиши сифат омиллари ҳисобига юз берса, яъни барча ресурсларни тежаш орқали унга эришилган бўлса, аниқроғи ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали борса, унинг сифати шунчалик юқори бўлади. Миллий даромад ўсишининг 50% ресурсларни тежаш ҳисобига, кейинчалик ўсишнинг 60% яна шу ҳисобдан қўлга киритилган бўлса, иқтисодий ўсиш сифати ошган бўлади. Асримизнинг 80—90-йилларига келиб иқтисодий ўсишнинг янги сифати пайдо бўлди. Бу маҳсулотларнинг инсон учун экологик

тозаллиги, яъни унинг соғлиғига зарар келтирмаслиги, ишлаб чиқаришнинг эса атроф-муҳитга зарар келтирмаслиги, экологик мувозанатни бузмаслигидан иборатдир. Эндилликда иқтисодий ўсиш сифати рафақат иқтимоний-иқтисодий, балки экологик самаранинг ҳам юқори бўлишини билдиради.

К

КАПИТАЛ (нем. Kapital — асосий мулк, лат. capitalis — энг муҳим, асосий, бош) — ёлланма меҳнатни эксплуатация қилиш йўли билан қўшимча қиймат келтирадиган, яъни ўзини ўзи қўнайтирувчи қиймат. У ишлаб чиқариш воситаларининг эгасига иш кучини ёллаш орқали қўшимча қиймат, фойда келтиради, уни бойитади. Бунинг учун ишчи шахсан озод, лекин ишлаб чиқариш воситаларидан батамом маҳрум бўлиши, ўз меҳнат қобилиятини сотиши, корхона соҳиби эса уни сотиб олиши керак. Капитал К. Маркенинг бош асари — «Капитал»да ҳар томонлама чуқур ўрганилган. В. И. Ленин унинг империализм шароитида янада ривожланишини таҳлил қилган. Капитал моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш жараёнида ишчилар меҳнатини эксплуатация қилиш натижасида ишчи кучининг қийматидан ошқича бўлган янги қиймат яратади. Қийматнинг ана шу ортиқча қисмини мулк эгаси ўзлаштиради. Капитал ташқаридан қараганда корхона эгасининг ишлаб чиқариш воситалари ва ишчиларга иш ҳақи сифатида сарфлайдиган пулига ўхшайди, лекин тайёр бўлган товарни сотишда унинг ҳажми илгаригидан анча юқори бўлиб, фарқ фойда миқдорига тегиш бўлади (II-T-III, бу ерда II-пул, T-товар, III-ўсим билан қайтган пул суммаси).

Капитал доимий ва ўзгарувчан; асосий ва айланма капиталга бўлинади; саноат капитали, савдо капитали, севда капитали шаклларида фаолият қилади. Бозор иқтисодиёти шароитларида корхона, фирма, турли жамозаларга тегишли акционерлик капитали, захира капитали, устав капитали сингари кўринишлари мавжуд.

КАПИТАЛ БОЗОРИ, севда капитал бозори — иқтисодий муносабатлар системаси: бўш турган пул воситаларини тўплаш, уларни севда капиталига айлантириш, сўнгра уни ишлаб чиқариш жараёнлари иштирокчилари ўртасида қайта тақсимлаш муносабати. Ўз вазифаси, хизмат аҳамиятига кўра капитал бозори *пул бозори* (киска муддатли) ва капитал бозорига бўлинади. Пул бозори аксарият айланма капитал ҳаракатига хизмат кўратади, капитал бозори эса асосий капитал ҳаракатини ва уни кенгайтириш имкониятларини таъминлайди. Ўрта муддатли (2-10 йил) ва узок муддатли (10 йилдан ортиқ) банк кредитлари бериш билан амалга оширилади. Манбалари ва киритилган соҳаларига қараб халқаро ва миллий капитал бозорлари бўлиши мумкин. *Валюта бозори, Биржа.*

КАРТЕЛЬ (фр. cartel, итал. cartello, carta — қоғоз, ҳужжат) — монополистик бирлашма шакли. Бир тармоқдаги мустакил корхоналар баҳолар, бозор, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида ҳар бир иштирокчининг ҳиссаси, иш кучи ёллаш, патентлар ва бошқа масалалардаги ўзаро битим тузадилар. Монопол фойда олиш мақсадларини қўзлайди. Картель битимлари кўпроқ йирик грест ва концернлар ўртасида тузилади. 2-жаҳон урушигача Германия иқтисодиётида кенг тарқалган эди. Ҳозирги халқаро иқтисодий муносабатлар ва жаҳон бозорида картель битимлари кенг қўлланилади.

КВОТА (лат. quota — қисм, ҳисса) — давлат ва халқаро ташқи-

лотлар томонидан товарларни ишлаб чиқариш, уларни экспорт ва импорт қилиш юзасидан чеклашларнинг жорий этилиши. Квота ўрнатиш халқаро битимларга биноан амалга оширилади. Давлатлараро шартномаларга кўра айрим ёки бир группа товарлар юзасидан квота ўрнатиладики, унга мувофиқ мамлакатлар ёки мамлакатлар гуруҳи фақат белгиланган миқдордаги товарларни ишлаб чиқариши ва четга сотиши мумкин. Бу давлатлараро *картель* битимларида белгиланади. Масалан, нефть казиб олиш ва уни сотиш бўйича тузилган шартномага кўра, унда иштирок этган мамлакатнинг ўз квотаси бўлади ва унга риоя қилади. Квота ўрнатиш шартини бузган мамлакат ёки корхона иқтисодий жиҳатдан жазоланади. Квота ўрнатишдан мақсад жаҳон бозоридаги нархни маълум мақсад йўлида ўзгартириб туриш, чунки квота товар тақлифини чегаралайди, бу билан нарх-навога, бинобарин, фойда кўришга таъсир этади.

КЕЛИШИЛГАН НАРХЛАР

турли ишлаб чиқариш корхоналари ва савдо ташкилотлари ўртасида ҳар икки томоннинг розилиги билан олдиндан келишиб белгиланган нархлар. Келишилган нархлар давлат қатъий нархларидан юқори ёки паст бўлади, улар тез ўзгариб турувчи эркин бозор нархларидан ҳам фарқ қилади. Улар келишилган муддат давомида амал қилади, ҳар икки томон (сотивчи ёки харидор) иқтисодий манфаатига мос тушганда, яъни яхши фойда кўриладиган фаолиятни таъминлагандагина ўрнатилади. *Бозор конъюнктураси* ўзгарган шароитда келишилган нархлар тўхтатилиб, улар қайтадан белгиланиши мумкин. *Монополия* ва товар тақчиллига шароитларида келишилган нархлар (улар одатдаги нархдан юқори бўлади) нархни сунъий ошириб, халқ ҳисобидан фойда кўриш воқеасига ёки корхоналар ва ташкилотларнинг чайқовчилик воси-

тасига айланиши мумкин. Бундай шароитда давлат жамоатчилиги таъйиқ остида келишилган нархларни тўхтатиб қўяди. СССРда 1990 йили худди шундай вазият юз берди. Соғлом бозор иқтисодиёти шароитида узок муддат алоқа қилувчи, бир-бирига ишонган ишожлар ўртасида келишилган нархлар, бозорда эса оммавий тарзда эркин ташкил топган нархлар амал қилади.

КЕНГАЙОВЧИ БОЗОР — олдинсиз обороти ортиб боровчи ва хилма-хил товарлар мавжуд бозор. Бозорнинг ҳамма турлари кенгайовчи бозор бўлиши мумкин. Бозорнинг кенгайиб бориши мутасил ўсиб боровчи ишлаб чиқаришнинг муомалада ифода этилишидир. Бундай жараён юксалиб борадиган иқтисодиётга ҳос Талаб-эҳтиёжнинг ошиши товарлар ишлаб чиқаришнинг кенгайтиради, бозорга кўп миқдорда ва хилма-хил товарлар тушади, бинобарин, бозор ҳажми ортади. Кенгайовчи бозор нарх-навонинг ортиши ҳисобига эмас, балки товар ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳисобига амал қилади. Бозорнинг кенгайиши "миллий, регионал ва жаҳон бозорига ҳос бўлиб қолмай, хатто айрим товарлар бозорига ҳам ҳосдир. Ишлаб чиқаришдаги таркибий силжишлар шароитида миллий ёхуд жаҳон бозорида ўзгариб бўлмасида, айрим товарлар бозори кенгайди. Масалан, 80-йилларда жаҳонда ва айрим мамлакатларда ҳар хил электроника товарлари ва компьютерлар бозори кескин равишда кенгайди. Айрим товарлар бозоридаги ҳар хил ҳолатларга қараб миллий бозор кенгайди. Лекин бундай ҳол устун даражада айрим ёки бир гуруҳ товарлар бозорининг кенгайишига боғлиқ бўлиши мумкин.

КЕЧИҚТИРИЛГАН ТАЛАБ — бозордаги тақчиллик туфайли керакли товар топилмасдан, қондирилиш муддати орқага сурилган талаб. Кечиқтирилган талаб носоғлом иқтисодиёт ва мувозанати бузилган бозорга ҳос. Ке-

чиктирилган талаб ортиб бориши иқтисодий тангликни чуқурлаштиради, инфляция кучайиши ҳавфини туғдиради. Корхона, ташкилотлар ва аҳоли қўлида тўплаган пул товар бозорига таъин ўтказиб, нархни оширишга сабаб бўлади. Кечиктирилган талаб умуман талаб структурасини ўзгартиради. Бир товарга талаб қондирилмаса, у бошқа товарга, одатда, ўринбосар товарга ёки мутлақо бошқа товарларга кўчади. Сотилиши кўпайиб, сероб бўлган товарлар ҳам тақчил молга айланади. Кечиктирилган талаб закирли акс таъсирлар орқали умуман бозорда талабни издан чиқаради. Кечиктирилган талабни қондириш чораларини топиш иқтисодиётни соғломлаштиришнинг шарт-шароити ҳисобланади.

КИМОЎДИ САВДО — қ. *Аукцион.*

КИЧИК БИЗНЕС — бозор иқтисодиёти ривожланган капиталистик мамлакатларда ўзига мустақил майда корхоналарнинг даромад қўзловчи соҳибкорлик фаолияти. Кичик бизнес йирик корхоналар, монополиялар фаолияти учун торлик қиладиган, фойда қўлами камроқ соҳаларда фаолият кўрсатади. Бундай бизнес моҳиятига кўра капиталистик ва майда товар бизнесига бўлинади. Кичик бизнес катта капитал талаб қилмаганидан эпчил бўлади, бир соҳадан бошқасига тез ўтиб, бозор конъюктурасига мослашиб олади. Кичик бизнеснинг яшовчанлиги шундаки, йирик капитални иккинчи даражали соҳаларга қўйиб бўлмайди. Натжиқада бу соҳа кичик соҳибкорларга қолади, техника тараққиёти майда, ўрта корхона доирасида ҳам фойда билан ишлаш имконини яратади. Шу сабабли кичик бизнес янги техникавий товарларни ҳам яратади. Кичик бизнес бозор иқтисодиёти шароитида кичик корхоналар ҳам самарали ишлай олишини кўрсатади. СССРда ҳам кенг истеъ-

мол буюмларини ишлаб чиқаришда турли мулк шакллари доирасида кичик, ўртача корхоналар ташкил этилиб, хусусий соҳибкорлик билан шуғулланиш мумкин.

КЛИРИНГ (ингл. clearing, clear — тозалаш, равшанлаштириш) — товарлар, қимматбаҳо қоғозлар, хизматлар учун ўзаро мажбурият ва талабларни ҳисобга олган ҳолда нақд пулсиз ҳисобкитоблар қилиш системаси. Банклараро клиринг ва халқаро валюта клиринглари бор. Клиринг ҳаракатлари олтин ва чет эл валютасиз бажарилиши мумкин. Капиталистик мамлакатларнинг ички ҳисоб-китобларида чек ва вексель клиринглари қўлланади. Халқаро ҳисоб-китобларда икки ва ундан ортик давлатлар ўртасида бир-бирининг муқобил тўловлари билан ҳисоблашни заруриятдан келиб чиқилган валюта клирингларидан фойдаланилади. Бунда валюта тўлови фақат етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар ўртасидаги фарқ миқдоридоғина амалга оширилади. Клиринг социалистик мамлакатларнинг коллектив валютаси ҳали жорий қилинмаган даврда кенг қўлланади. Дастлаб икки томонлама клиринг мажбур бўлиб, кейинчалик кўп томонлама тус олди. Ҳозирги даврда СССРнинг Хитой, КХДР, Югославия сингари мамлакатлар билан ҳисоб-китобларида клиринг системаси қўлланилади. 1991 йилдан бошлаб СССРнинг ЎИЕК мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларида ҳисоб-китоблар эркин конвертирланадиган валютага ўтказилди.

КОММЕРСАНТ — қ. *Тожир.*

КОНВЕРСИЯ (лат. conversio — ўзгариш) — 1) ҳарбий ишлаб чиқариш ва бошқа хил ҳарбий фаолият соҳаларининг тиңчилик мақсадларига кўчирилиши. Бунда фуқаролик ва ҳарбий соҳалар ўртасида молиявий, меҳнат ва моддий воситаларни тақсимлаш

нисбатлари ўзгаради. Конверсия-га мувофиқ кўпгина йирик ҳарбий заводлар аграр ва озиқ-овқат саноати, тиббиёт, халқ таълими учун зарурий маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ўтказилади.

2) **молия конверсияси** — муайян бир давлат валютасини бошқа мамлакат валютасига айирбошланг; илгари чиқарилган давлат заёми облигациялари шартларини ўзгартириш (кўпроқ қарзнинг процент даражасини пасайтириш ёки қарз муддатини узайтириш), янгилари билан алмаштириш мақсадларида ўтказилади.

КОНВЕРТИРЛАНГАН (эркин алмаштириладиган) **ВАЛЮТА** — ҳар қандай хорижий мамлакатлар валюталарига эркин ва чекланмаган миқдорда алмаштирилиши мумкин бўлган валюталар (масалан, кўпгина ривожланган капиталистик мамлакатлар: АҚШ Канада доллари, Франция, Швейцария франки, Англия фунт стерлинги, Германия маркаси, Япония иенаси ва б.). Алмаштирилиши чекланган, валюта муомалаларида маълум даражада (масалан, ташқи савдо тўловлари билан боғлиқ ҳоллардагина) қатнашадиган валюталар қисман конвертирланадиган (алмаштириладиган) валюталар деб аталади.

КОНВЕРТИРЛАНГАН СЎМ — совет сўмининг бошқа валюталарга эркин алмашадиган обрў-эътиборли валютага айланиши. Конвертирланган сўм 1922 йилги пул ислоҳотида жорий қилинган, унинг кадр-қиймати олтин билан таъминланган, чунки муомалада олтин пуллар бўлган. 30-йилларга бориб олтин пул муомаладан чиқиб кетгач, сўм конвертирланиш хусусиятини йўқотган, СССР эса халқаро бозорга ўз товар ва хизматлари билан чиқа олмаган, халқаро миқёсда ўзини-ўзи яқкалаб қўйган. СССРнинг 90-йилларда бозор муносабатларига ўтишига конвертирланган миллий валюта-нинг йўқлиги катта халақит берди. Шу сабабли оддий сўм

билан биргалликда унга параллель равишда конвертирланган сўмин жорий этиш мўлжалланган. Бу пул халқаро савдо-сотиқ ишла-рида қўлланади. У чекланган миқ-дорда чиқарилади ва унинг қува-ти СССР халқаро бозорга чи-қара оладиган товарлар ва хиз-матлар билан таъминланади. Бундай товарлар ва хизматлар-нинг чекланганлиги конвертир-ланган сўмининг амал қилиш дои-расини ҳам чегаралайди. Совет пули тўлақонли *конвертирлан-ган валютага* айланиши учун СССР товарлари халқаро бозорда рақобат қила оладиган даражада сифатга эга бўлиши керак.

КОНВЕРТИРЛАНМАГАН ВА-ЛЮТА — миллий доирада амал қи-либ, хорижий валюталарга ал-машмайдиган валюта (масалан, сўм, лев.). Бундай валюта маъ-жудлиги халқаро иқтисодий алоқаларни чеклайди. Бозор иқ-тисодиёти кенгайиб ва чуқурла-шиб бориши билан ягона муома-ла воситаси — конвертирланган валюта бўлиши керак. Бунинг учун миллий валюта жаҳон бозо-рида етарли товарлар ва хизмат-лар билан ўз мамлакати томони-дан таъминланиши керак.

КОНСОРЦИУМ (лат. *consortium* — ширкат, уюшма) — фирмалар ёки фирмалар билан ҳукумат ўртасида муайян амалий, жуда кенг қўламдаги иқтисодий лойи-халарни амалга ошириш мақса-дида шартнома асосида тузилган вақтинчалик бирлашма; банклар ёки саноат компаниялари ўрта-сида молия ҳаракатларини ҳам-корликда ўтказиш учун тузилган келишув. Консорциум аъзолари-нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари консорциум тўғрисидаги битимда белгилаб қўйилади. Жавобгарлик даражаси ҳар бир муайян вазият бўйича сезиларли равишда ўз-гариб туриши мумкин. Дастлаб консорциум банк соҳасида май-донга келган. Консорциум импе-риализм даврида банк монополия-сининг бир шакли бўлган. Етақчи

банкларнинг заём ёки акцияларни жойлаштириши; саноат ва бошқа корхоналарни қуришни (мамлакат ичкарисид ва хорижда) банк филиаллари орқали молиялаштириш соҳаларида ҳам ташкил тоиши мумкин. Кейинги йилларда консорциумлар социалистик мамлакатлар, хусусан Совет Иттифоқида ҳам пайдо бўлди. СССРда 80-йиллар охирида халқ хўжалигининг айрим тармоқларида турли ташкилотлар ва банклар кенгайтирилди. Бозор иқтисодиёти шароитларида мамлакатда чет эл фирмалари ва банклари билан ҳамкорликда консорциумлар вужудга келади.

КОНТРАБАНДА (итал. *contrabando*) — давлат чегарасидан моллар, қимматбаҳо буюмлар ва бошқа нарсаларни қонунга хилоф (яширинча) усулларда ўтказиш, шунингдек, тақиқланган молларни олиб ўтиш учун ноқонуний ҳаракатлар қилиш. Божхонадан ўтказилмаган, хусусан, боғхона назоратидан ташқари, яширинча, тоиш қийин бўлган воситалар орқали ёки ҳужжатлар (декларация)да кўрсатилмаган моллар ноқонуний олиб ўтилган ҳисобланади.

СССРда контрабанда учун ССР Иттифоқи боғхона кодекси билан маъмурий жавобгарликка, СССР қонунига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилади. Контрабанда буюмлари, уларни давлат чегарасидан олиб чиқиб кетишга ёки яширишга мўлжалланган воситалар қачон қўлга тушганидан ва кимга тегишли эканлиги аниқлангани — йўқлигидан қатъи назар, мусодара қилинади. Мусодара қилишнинг иложи бўлмаса, айбдор шахслардан контрабанда буюмларининг тахминий қиймати ундирилади, контрабанда учун маъмурий тартибда жарима олинади ва х. к.

КОНТРАКТ (лат. *contractus* — битим, келишув) — мамлакатлар, фирма, корхона ва б. ўрғасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни

ўриатиш, ўзгартириш ёки тўхтайтиш (бекор қилиш) тўғрисидаги икки томонлама ёзма келишув шартнома. Ташки савдода контракт бир томон (сотувчи)нинг иккинчи томон (сотиб олувчи)ни шартномада кўрсатилган товар билан таъминлаш мажбурияти ҳақида шаҳодат берувчи ҳужжат. Унга мувофиқ товар, сотиб олувчи томон ўз навбатида бу мол-мулкни қабул қилиб олиш ва унга қўйилган нархни контрактда белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олади.

КОНТРАКТ НАРХЛАР — олди сотди контракт (битими)да белгиланган нархлар: турли корхоналар, фирмалар ва консорциумларнинг битимларига кўра ички бозорда амал қилувчи нархлардан ва ташки савдо контрактига кўра давлатлараро олди-сотдида қўлланувчи нархлардан иборат бўлади. Бундай нархлар томонларнинг савдолашуви натижасида шаклланади, шу сабабли одатда сир сақланади. Ташки савдо контракт нархлари ички бозор нархларидан фарқланади. Контракт нархларнинг уч тури бор: қатъий белгиланган, қайд этилган нархлар: кейинчалик контракт тузувчилар келишган вақтда қайд этиладиган нархлар; ўзгарувчан, контракт тузувчилар розилиги билан келишилган муддатда ўзгарувчи нархлар. Контракт нархлар контракт амал қилган даврда қўлланади, контракт муддати тугагач ўз кучини йўқотади.

КОНЦЕРН (ингл. *concern*) — ишлаб чиқариш диверсификацияси асосида таркиб топадиган йирик, кўп тармоқли *корпорация*. Улар аста-секин саноат монополиясининг етакчи шаклига айланади. Концерн таркибига (саноат, транспорт, савдо, банк соҳаси) турли тармоқларга тегишли, айрим ҳолларда капиталистик дунёнинг кўпгина мамлакатларида жойлашган ўилаб ва юзлаб корхоналар киради. АҚШ ва бош-

ка бир қанча капиталистик мамлакатларда трестларга қарши қонуничликнинг қабул қилиниши билан трестларнинг концернларга айланиши анча зўрайди. Капиталистик мамлакатларда «трестларга, монополияларга қарши» деб аталувчи бундай қонуналарга кўра бир корпорация ёки трестнинг тармоқни юз фоиз монополия қилиб олиши тақиқланади. Айрим корхоналар расман мустақил ҳисоблансада, аммо концерни бошқарадиган молия магнатлари назоратида бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида жумхуриятимизда моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳозирги тармоқ вазирликлари ўрнида йирик концернлар ташкил қилиниши мумкин.

КОНЦЕССИЯ (лат. concessio — руҳсат, ён бериш) — миллий иқтисодиётни ривожлантириш ёки тиклаш, табиий бойликларни ўзлаштириш мақсадида давлат ёки муниципалитетга қарашли ер участкалари, қазилма бойликлар, корхоналар ва бошқа хўжалик объектларини муайян муддатга йирик миллий ва чет эл монополияларига бериш ҳақидаги шартнома ёки келишув. Концессия капиталистик мамлакатлар ва алоҳида монополияларни хом ашё ва ёқилги-энергетика ресурслари билан таъминлаш воситасидир.

Мамлакатимизда ўз маблағларимиз етарли бўлмаган шароитда халқ хўжалигининг айрим тармоқларини тиклаш ва ривожлантириш учун давлат капитализми шаклида концессиядан фойдаланилди. 1921—1923 йилларда СССРда 123 концессия шартномаси тузилган эди. Аммо бу хўжалик юритиш шакли бизда кенг ривожланмади ва 1937 йилда баътамом тугатилди.

КОРНЕР (ингл. corner — боши берк кўчага қиритиш) — ўлиб сотиш йўли билан устама фойда олиш мақсадида у ёки бу товарни сотиб олиш бўйича капиталистлар ўртасидаги келишув

(битим). Бундай савдо бир неча фирма ва компаниялар ўртасидаги махсус битимга асосланади. Акцияларни сотиб олиш ва илгари қўлга қиритилган у ёки бу компания акцияларининг назорат пакетини қайта сотиш ёки сотиб олиш учун фонд биржаларида ҳам корнер тузилади.

КОРПОРАЦИЯ (лат. corporatio — бирлашма) — ривожланган капиталистик мамлакатларда йирик акционерлар жамияти ва трестлар. Корпорация капиталистик корхоналарнинг асосий шаклидиран биридир. Корпорациялар орасида иқтисодиётда монополмавқега эга бўлган йирик бирлашмалар ҳам бўлиши мумкин.

КОРХОНА АКЦИЯСИ — СССРда корхонанинг фақат ўз меҳнат жамоаси доирасида тарқатилдиган ҳамда бошқа корхона ва ташкилотлар, турли жамиятлар, банклар, шунингдек, кооператив корхона ва ташкилотларга сотилиши мумкин бўлган акциялар. Акцияларни сотишдан тушган маблағлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга, фан-техника ютуқларини амалиётга жорий этишга, маҳсулотлар, машина, асбоб-ускуналар, халқ истеъмол молларининг янги турларини чиқаришни ташкил этишга сарфланади. Корхона акциясини сотишдан тушадиган маблағларнинг бир қисмини меҳнат жамоасининг ижтимоий ривожланишини таъминлайдиган капитал қурилишини молиялаштираш мумкин.

КОРХОНАЛАРНИНГ ВАЛЮТА ФОНДИ — корхона ихтиёрида бўлган чет эл валютасидаги пул маблағлари. Бу фонд корхоналар томонидан экспорт-импорт операцияларини, хизматларни молиялаштиришда қўлланади. У ташқи бозордан келадиган фойдадан, шунингдек, кооперациялашган таъминот, лицензияларни сотиш орқали шаклланади. СССР Ташқи иқтисодий фаолият бан-

кидаги ҳисоб варақаларида туради. Корхона валюта фонди маблағларини юқори раҳбар ташкилотлар, вазирликлар ва бошқа шу каби муассасалар олиб қўйишга ҳақли эмас, у кейинги йилларда фойдаланиш учун жамғариб борилади.

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ —

ишлаб чиқариш ва илмий-техника кооперацияси, ташқи бозорга чиқиш билан боғлиқ бўлган хўжалик фаолияти соҳаси; хорижий фирмалар билан мустақил равишда ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқалари ўрнатилиши; меҳнат жамоаси ишининг муҳим таркибий қисми. Бу фаолият одатда ўз харажатларини валюта билан ўзи таъминлаш ва ўз-ўзини валюта билан молиялаш асосида амалга оширилади. Унинг натижалари корхона хўжалик фаолияти яқунларининг таркибий қисми бўлиб, иқтисодий рағбатлантириш фонднинг шаклланишига ва валюта ажратмасига бевосита таъсир кўрсатади.

КОТИРОВКА (франц. *celer* — рақамлаш, белгилаш) — биржада чет эл валюталари, қимматбаҳо қоғозлар курсини ёки моллар нархини белгилаш ва уларни кайд этиш. Товар котировкасининг 2 тури мавжуд: «муддатли битимлар бўйича» (биржа фаолиятининг ҳарқунги ишида воқеада тузилиб, дарҳол мол етказиб беришни талаб этмайди) ва «реал мол» бўйича (котировка кунда тузилган ва шартномада келишилган баҳолар асосида белгиланади ва мавжуд молни етказиб беришни талаб этади). Биржа котировкаси махсус биржа бюллетенларида ҳамда даврий нашрларда чоп этилади. Чет эл валюталари котировкаси — валюта биржаларининг махсус органлари (одатда, котировка комиссияси) томонидан белгиланган чет эл валюталари курси. Ундаи банк, саноат, савдо монополиялари, чет эл валютасига эга бўлган айрим капиталистлар тур-

ли молия муомалаларида фойдаланадилар. Чет эл валюталари котировкасининг икки асосий — бевосита ва билвосита шакли мавжуд. Бевосита котировкада чет эл валюталари бирлиги (қиймати) миллий валютада белгиланади ва кенг тарқалган. Билвосита котировкада миллий валюталар чет эл валютасида белгиланади. СССРда чет эл валюталари котировкасини СССР Давлат банки ўтказиши ва валюта курси бюллетенида эълон қилиб туради.

КРЕДИТ (лат. *creditum* — қарз) — пул воситаларини, товар ва хизматларни маълум устама (процент) тўлаб қайтариб бериш шarti билан маълум муддатга қарзга бериш. Капитализмда кредит суда капитал харажат шакли бўлиб, банк ва тижорат кредити (корхоналарнинг бир-бирига товар билан қарз бериши) кўринишида амалга оширилади. Қарзга маблағ берувчи томон кредитор, яъни кредит берувчи, суда олувчи томон эса қарздор, яъни кредит олувчи дейилади. Ҳозирги вақтда кредит асосан пул шаклида, тўғридан-тўғри банк орқали берилади. СССРда вақтинча бўш пул маблағлари банклар системасида тўпланади ва умумдавлат суда фондини ташкил этади. Шунинг учун ҳам банклар кредитор вазифасини ўтайди. Банк кредитининг асосий қондалари: муддатчилик, аниқ мақсадга йўналтирилганлик, процент тўлаш, моддий таъминланганлик ва б. Кредитлар икки хил: қисқа муддатли (1 йилгача) ва узоқ муддатли бўлади. Қисқа муддатли кредит корхона ва ташкилотларнинг айланма фондларини шакллантиришга хизмат қилади. Узоқ муддатли кредит эса моддий ишлаб чиқариш тармоқларига капитал маблағлар ажратиш манбаи ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўттиш билан кредит муносабатлари ҳам қайта қурилмоқда (қ. *Банклар*).

КРЕДИТ БИЛЕТЛАРИ К.
Банкнотлар.

КРЕДИТ МУАССАСАЛАРИ — муайян мамлакат территориясида кредит ҳаракатларини амалга оширадиган муассасалар (банклар, сугурта жамиятлари, жамғарма банклари, ломбард ва б.). Уларнинг орасида банклар системаси муҳим ўрнида туради. Ўзбекистон ССРда 1989 йилда кредит муассасаларининг сони 433 та бўлиб, 13 давлат банки, 42 саноат-қурилиш банки, 167 агросаноат банки, 32 уй-жой — социал банки ва 179 та жамғарма банки бўлишлари фаоллият кўрсатди.

КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ — ссуда фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш муносабатлари. Маблағларни жамғариш ва уларни муддатли, қайтариш ва процент тўлаш шарт билан вақтинча фойдаланишга бериш жараёнида жамият, меҳнат жамоалари ва алоҳида хизматчилар ўртасида вужудга келади. Кредит муносабатлари кўп киррали бўлиб, кенг ҳаракат доирасига эга. Улар банклар билан давлат корхона (бирлашма)лари, колхозлар, кооператив корхоналар, меҳнаткашлар, чет мамлакатлар ва уларнинг банклари ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади.

КРЕДИТ ПУЛЛАРИ — кредит алоқаларида ишлатиладиган қоз пуллар. Кредит пуллар олтин ўрнига пайдо бўлган, қарз берувчи ва қарздор ўртасидаги ҳамда банк воситасида амалга ошадиган ҳаракатларда қўлланади. Кредит пуллари 4 тури бор: вексель, банкнот, чек ва кредит картчалари. Вексель товар насияга сотилганда харидор (қарздор) товар эгасига (қарз берувчига) топширадиган қарз ҳақидаги тилхатдир. Вексельда қарз суммаси кўрсатилади. Вексель пул ўрнида юради. Вексель билан қарзни банкка тўлаш мумкин, уни топшириб банкдан пул олиш ҳам мумкин. Вексель кредит пуллари 1/2 шакли. Банкнотни қарз олиш-бериш муносабатларида ишлатиладиган

пул сифатида банк чиқаради. Банкнот қарздорларнинг товарлари ва банкнинг қўлидаги олтин билан таъминланади. Ҳозирги капиталистик мамлакатларда давлатнинг заёмлари ҳисобидан ҳам банкнотлар чиқарилади. Бунда улар халқ хўжалигини кредитлаш билан бирга давлат қарзларини қоплаш учун ҳам чиқарилади, шу сабабли банкнот пул сифатида ўз қадрини сасмай олмайди. Шундай шароитларда кредит муносабатларига чек жорий қилинади. Чек: банкда жорий ҳисоби бор пул эгасининг ёзма тарздаги буйруғи бўлиб, унда кўрсатилган суммадаги пулни банк бошка кишига нақд равишда беради ёки унинг жорий ҳисобига ўтказилади. Чек муомаласи қарз тўланганда, товарлар ва хизматлар сотиб олинганда қўлланади. Чек пул сифатида ҳамма ерда қабул қилинади. Кредит пуллари 2/2 энг янги тури кредит картчалари дур. Бу банк томонидан бирор киши номига берилган пул ҳужжати бўлиб, унда пул эгаси жорий ҳисобидаги сумма кўрсатилади. Товар сотиб олган харидор нақд пул ўрнига савдо корхонаси харид учун берган варақага имзо чекади. Кредит картчасига биноан харидор ҳисобидаги вул суммаси унинг ихтиёридан олиниб, товар сотган корхона ҳисобига ўтказилади. Бунда нақд пулсиз савдо (олди-сотди) юз беради. Кредит пуллари 3/2 юқоридаги шакллари капиталистик мамлакатларда тарқалган.

СССР Жамғармалар банки ёки бошка банкда жорий варақаси бўлган фуқаролар, корхона ёки ташкилотлар чек билан ҳисоб-китоб қилади. Жамғарма эгаси катта суммадаги товарлар учун чек билан ҳақ тўлаши мумкин. Корхона ва ташкилотлар ҳам нақд пулни банкдан чек билан олади. СССРда кредит пуллари турлари кенг ривожланган эмас. Шу сабабли бозор иқтисодиётига ўтиш кредит пуллари кўлаб ишлатишни талаб қилади.

КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗИ — корхона, фирма, жамият, компания ва ҳ. к. томонидан вақтинча жалб этилган ва эгаларига қайтарилиши лозим бўлган пул маблағлари.

КРИЗИС (юнон. krisis — ҳал этиш, оқибат) — иқтисодий танглик, таназул. Кризис иқтисодиётда ҳаддан ошқ кўп ишлаб чиқариш ёки керагидан кам ишлаб чиқариш натижасида юз беради. Бозор иқтисодиётига биринчи турдаги кризис хос. К. Марке ортиқча ишлаб чиқариш кризислари имконияти ҳатто оддий товар хўжалигида ҳам мавжудлигини қайд этган, классик капитализм шароитида унинг муқаррарлигини исботлаб берган эди. Ортиқча ишлаб чиқариш кризислари даврий бўлади, вақти вақти билан такрорланиб туради. Уларнинг сабаби фойда кетида қувиб, товарларни ишлаб чиқаришнинг ўсишига нисбатан аҳоли харид қобилиятининг орқада қолишидир. Натижада харид камайиб, бозор касод бўлади, ишлаб чиқариш қисқаради, корхоналар ёнилиб, ишсизлар кўпаяди. Бундай кризис XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмида юз берган. XX асрнинг 50-80-йилларида ривожланган капиталистик мамлакатларда бозор иқтисодиётини тартибга солиш чоралари фаол қўлланиганидан кризислар тезроқ такрорлансада, уларнинг олдинги даҳшатли кучи қирқилиб, енгил кечадиган ҳодисага айланган.

Кризис бир мамлакатда, айрим тармоқларда ва регионларда ёки кўнчилик мамлакатларда бир вақтда бўлиши мумкин. Тангликдан чиқиб учун зидди кризис чоралари қўлланади. 70-80-йилларда структура кризислари юз берди. Буида эски саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, ундирма саноат тангликка дучор бўлди. Ёқилги энергетика, ҳам анғ кризис пайдо бўлиб, уларнинг еттишмай қолиши бутун ишлаб чиқаришни суестлаштиради. 80-90-йиллар бўсағасида СССРда ва Шарқий Европа мамлакатла-

рида бошланган танглик кам ишлаб чиқариш — тақчиллик кризиси бўлди.

Унинг сабаби иқтисодий муносабатларнинг тараққиёт талабларига, ҳаёт талабига жавоб бермай қолиши, иқтисодий ўсишга йўл очмай, унга тўсиқ бўлганидир. СССРда кризиснинг кўринишлари: миллий даромаднинг ўсиш суръатлари дастлаб сусаяди, сўнг миллий даромад қисқаради; ортиқча пул кўпайиб, инфляция жадаллашади; қимматчилик бошланади; товарлар тақчиллиги ҳаддан ошиб кетиб, *ажсиотаж талаб* ўсади; аҳолини ваҳима босиб, ҳамма нарсани сотиб ола бошлайди. Корхоналар ўртасида натурал айирбошлаш (*бартер*) пайдо бўлади. Бу кризисдан чиқиб ва тараққиёт йўлига ўтиш учун СССРда янги иқтисодий система — бозор иқтисодиёти барпо этилмоқда.

КўП УҚЛАДЛИ ИҚТИСОД — турли мулк шакллари ва ҳар хил хўжалик турларининг яхлитлигидан ташкил тошган иқтисодиёт. Бозор иқтисодиёти хилма-хил, бир-бири билан эркин рақобатлашадиган хўжалик укладларини тақозо этади, ўз табиатиға кўра ҳар хил иқтисодий структураға эға бўлган ишлаб чиқаришдан иборат бўлади. Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида майда товар, коллектив, хусусий, монополашмаган капиталистик, монополистик, давлат монополистик, транснационал укладлар мавжуд. Шунингдек, араланма ва ўткинчи укладлар ҳам бор. Турли мамлакатларда укладлар нисбати ҳар хил. Укладларнинг яхлитлигини бозор муносабатлари таъминлайди. Укладлар бир-бириға товарлар, ахборот, тажриба, иш кучи етказиб беради. Улар ўзаро иқтисодий алоқасиз ривожланмайди, айни вақтда улар рақобатда бўлади. Кўп укладли иқтисодиёт ҳам ракибликни билдиради.

Бозор иқтисодиётиға ўттиш даврида СССР иқтисодиёти ҳам турли мулкчиликка (давлат, кол-

лектив, фуқаролар мулки ва хусусий мулкка) ва хўжалик шаклларига таянади. СССРдаги кўп укладли иқтисодиёт ўз ичига давлат сектори, коллектив-кооператив сектор, индивидуал сектор, хусусий сектор, аралаш сектор ва хорижий секторларни олади. Ҳар бир секторнинг ўзи турли типдаги корхоналардан иборат. Давлат сектори умумиттифок, жумҳурият ва маҳаллий Советларга қарашли корхоналардан, шунингдек, ижарага берилган корхоналардан, жамоа сектори ҳар хил кооперативлар, колхозлар, оилавий корхоналар, мехнаткашлар ассоциациясига қарашли, акционер жамият типидagi корхоналардан ташкил топади. Индивидуал секторга томорқа хўжалиги, якка тартибда ишловчилар, якка деҳқон хўжаликлари киради. Хусусий секторга айрим соҳибкорларга қарашли, ёлланма меҳнатга асосланган ва ўз эгасига фойда берувчи корхоналар қарайди. *Приватизация* асосида давлат секторининг халқ хўжалигидаги (яъни маҳсулот, савдо обороти, маиший хизмат хажми, юк обороти, пассажир обороти) ҳиссаси пасайган ҳолда бошқа секторлар, энг аввало жамоа секторининг ҳиссаси ортиб боради. Кўп укладли иқтисод давлат монополиясининг тугатилишини ва иқтисодиётнинг ҳар хил тоифадаги соҳибкорликка (коллектив, хусусий, индивидуал ва ҳоказо) таялиши ва рақобат йўли билан ривожланишини билдиради.

Л

ЛИЗИНГ — машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоотларини ижарага олиш. Лизинг компанияси асбоб-ускуналар сотиб олиб, уларни ижарачи фирмага одатда 5-8 йилга ижарага беради, у эса ўз

набатида бу мулкдан фойдаланиш жараёнида аста-секин қарзларини тўлаб боради. Лизингда ижарачининг шартнома муддати тугагандан сўнг асбоб-ускуналарни қолдиқ қиймат бўйича сотиб олиши (бу ҳолда эгаллик ҳуқуқи янги соҳибга ўтади); янги келишув асосида шартнома муддатини чўзиш (пролонгация); моддий бойликларни лизинг компанияларига қайтартириш ва бошқалар кўзда тутилиши мумкин. Томонлар лизинг шартномасида кўрсатилган давр мобайнида уни бузишга ҳақи йўқ. Лизинг компаниялари машина ва ускуналар сотиб олиш учун шахсий ва қарзга олинган маблағлардан фойдаланадилар. Давлат, одатда, уларга банкдан қарз олишлари учун имтиёзли шароитлар яратиб беради.

1990 йил октябрдан Москвада СССР, Франция, Германия банклари, идоралари ва компаниялари ҳамкорликда ташкил этган Евролизингнинг қўшма компанияси иш бошлади.

ЛИКВИДЛИК (лат. liquidus — суюқ, оқувчи) — турли корхоналар, бирлашмалар, фирмалар ва банкларнинг ўз қарзини тўлай олиш ёки бошқа мажбуриятларини бажара олиш имконияти. Ликвидлик даражаси қарз миқдори билан ликвид маблағ (қарз тўлашга қодир маблағнинг) миқдори ўртасидаги нисбатга bogлиқ бўлади. Агар қарз ликвид маблағдан кўп бўлса, корхона банкрот бўлади, яъни қарадан қутулиш имконидан маҳрум этилади. Ликвидлик қобилияти қониқарли бўлиб, ўз ҳамкорлари олдида ишонч қозониши, корхона, фирма ва б. зарар қўрмай ишларни учун ўз маблағлари айланганининг меъёрида бўлишига эришмоғи зарур.

ЛИМИТ БАҲОЛАРИ — максимал чегараси аниқланиб, ундан ошдиқ даражада белгилашмайдиган баҳолар; СССРда одатда янги ўзлаштирилган маҳсулотга нисбатан қўлланади. Лимит баҳолар таркибига маҳсулот танишархи

(техникавий лойиҳада мўлжалланган) ва норматив фойда кирди. Лимит баҳолар янги товарни бозорда қайси нархда яхши ўтишини синаб кўришга хизмат қилади. Амалиётда лимит баҳолар қуйи чегараси ҳам аниқлашнинг мумкин. Баҳонинг қуйи ва юқори чегарада ўзгариб туриши бозорга боғлиқ ва шунга қараб янгилик яратган корхонанинг ҳар хил фойда олишини таъминлайди. Лекин янгиликни ўзлаштиришдан келган фойда эски маҳсулотни сотишдан тушадиган фойдадан кўп бўлиши керак. Лимит баҳолари вақтинча қўлланади. Янги товар янги ишлаб чиқиш бошлагач у ўта аҳамиятли бўлса, қатъий давлат баҳолари билан, агар аҳамияти эл қатори бўлса эркин бозор баҳоларига биноан сотиш бошлайди. Лимит баҳолари нархдан хўжаликни бошқариш ва янгиликни рағбатлантириш йўлида фойдаланиш имконини беради.

ЛИМИТЛАР (франц. limite, лат. limes — чегара, чек) — хўжалик фаолияти турли жиҳатларининг миқдоранг чекланиши; уларни давлат ёки йирик бирлашма ўз корхонаси учун ўрнатади. Бунда у ёки бу фаолият чегарасининг энг юқори чегараси, доираси қандай бўлиши аниқланади. Лимитлар буйруқбозлик — бюрократик бошқариш усулининг маҳсули бўлиб, иқтисодий мустақилликнинг чекланганлигидан келиб чиқади. Унинг конкрет сабаблари: моддий-молиявий ресурсларин тежамли ишлатиш учун иқтисодий рағбатларнинг йўқлиги ёки гоёт заифлиги, ўзи кам ёки тақтил бўлган имкониятлардан яна оқилона фойдаланимаслик оқибатида уларнинг етишмаслиги; ресурсларнинг тақсимлашнинг бозор механизми назорат қилмасдан, бу ишни давлат-ниммасига юклатилиши.

Лимитлар капитал маблағлар, лойиҳа ишлари, кредит, суғурта, молиялаштириш ва моддий-техника таъминоти соҳасида амал

қилади. Бозор иқтисодиёти чекланишлар билан сиғишмайди, шу сабабли унга ўттиш билан лимитлар ўта паст даражага келтирилади ва гоёт қатта, муҳим умумдавлат аҳамиятли ишларга нисбатан қўлланади.

ЛИЦЕНЗИЯ (лат. licentia — эркинлик, ҳуқуқ) — техникавий, иқтисодий, илмий янгиликлар эгасининг уларни ишлатиш учун берилган руҳсати; давлат ёки корхона, ташкилотлар томонидан бирон иқтисодий фаолиятни бажаришга розилик бериш, ихтироларга, техник янгиликларга, ишлаб чиқариш тажрибаси, ишлаб чиқариш сирлари, тижорат ахборотларидан маълум вақтга фойдаланиш учун берилади. Лицензия берувчи лицензиар дейилади, лицензия оловчи лицензиат деб юритилади. Янги техника ва технологияга оид лицензиялар уч хил бўлади: оддий лицензия, буида лицензиар айни бир лицензияни маълум ҳудуд доирасида фақат бир эмас, балки бир неча лицензиатга бера олади; маҳсул лицензия, буида лицензиат кашфиёт, техника ёки технологияни ишлатишга танҳо ҳуқуқли бўлади, лицензиар эса уни ўз номидан бошқаларга сота олмайди; тўла лицензия, буида лицензия объектини ишлатиш тўла-тўқис лицензиатлар қўлига берилади, лицензиар эса ундан мустақил фойдалана олмайди. Бундай қоида лицензия берилган муддат ичида амал қилади.

Лицензия ташқи савдо, корхона очиш, қазилма бойликлардан фойдаланиш учун ҳам давлат томонидан берилади. Бозор иқтисодиётига ўта бориб СССР ҳам халқаро лицензия савдоида қатнашади. Бу йўлдан бориб янги техника ва технология СССР га четдан киритилади. Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар четдан лицензия олишади, давлат берган лицензияга биноан ташқи савдода қатнашади. Лицензия сотиш ва сотиб олиш учун СССРда

махсус бирлашма — Лицензия-торг ташкил этилган.

ЛИЦЕНЗИЯ НАРХИ — техникавий ва технологик янгилıklarнинг эгаси томонидан *лицензия* шартномасига биноан бошқаларга фойдаланиб туриш учун сотиладиган нархи. Лицензия нархи лицензияни ишлатишдан тушган қўшимча фойданинг бир қисми бўлиб, уни лицензия эгаси олади, қолган қисмини эса лицензияни ишлатувчи олади. Лицензия нархи унинг эгасига қисман тўланади, бу ройялти деб юритилади. Бир неча бор тўланган ройялти йиғиндиси лицензия нархини ташкил этади. Лицензия нархи уни қўллашдан олдин тўланса бу *паушаль тўлов*и деб юритилади. Лицензия нархи лицензияни қўллаш келтирадиган қўшимча фойда билан бирга лицензия бозоридаги талаб ва таклифга ҳам боғлиқ. Талаб ошса, лицензия нархи кўтарилади, камайса пастга тушади. Лицензия нархи паст бўлиши техник-технологик янгилıklarнинг оммавийлаштириши шарти ҳисобланади.

ЛИЦЕНЗИЯ САВДОСИ — халқаро миқёсда янги техника ва технология билан савдо қилишнинг асосий шакли. Лицензия савдосида ноу-хау ишлаб чиқаришнинг техникавий, конструкторлик ва б. сирлари; маҳсудот ишлаб чиқаришида фойдаланиши мумкин бўлган техникавий, тижорат ва б. bilimлар ҳамда ишлаб чиқариш тажрибаси, Расмийлаштирилган, ammo патентланмаган (бўлади), патентли ва патентсиз *лицензиялар* сотилади. Халқаро тажрибада лицензия битимлари кенг қўлланилади, уларга биноан техник янгилıklar фойдаланиб туриши учун сотилади, уларни қўллаш юзасидан *инжиниринг* хизматлари кўрсатилади. Лицензия ҳақи яқин хил тартибда тўланади: лицензияни ишлатишдан келган даромаднинг бир қисмини вақти-вақти би-

лан унинг эгасига бериб туриш; лицензия ҳақини бирданига тўлаш, буида лицензияга олдиндан қатъий белгиланган ҳақ тўланади.

Лицензия экспорти техник янгилıklarни давлатлараро айирбошлаш йўлидир. Лицензия савдосида мамлакатнинг тутган ўрни унинг илмий-техникавий қувватига, уни ишлага билишига боғлиқ. Халқаро лицензия савдосида АКШ ва Япония пешқадамлик қилади. Фан-техника тараққиёти жараёнида лицензия савдосининг халқаро савдо оборотидаги ҳиссасининг ортиб бориши табиийдир.

М

МАКЛЕРЛАР — қ. *Брокер*.

МАРКЕТИНГ — бозор ҳолатини асослаи ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш ҳамда шу йўсида яхши фойда топишни уюштириш; бозор иқтисодиётининг муҳим усури; маркетинг иши маҳсус маркетинг дастурлари орқали амалга оширилади, уларда харидорларни ва рақобатчиларни ўрганиш асосида товарлар сифатини яхшилаш, товар нархини ўзгартириш, реклама ўтказиш, товарга талаб чакориш, товарларни ўз вақтида етказиб туриш, харидорларга маъқул тушадиган хизмат кўрсатиш каби чора-тадбирлар назарда тутилади. Ишлаб чиқариш маркетинг воситасида голят тез ўзагариб турадиган бозор талабига мослашади ва самарага эришади. Товар ишлаб чиқарувчилар маркетинг туфайли бозор билан узвий боғланишлар, ишлаб чиқариш мабдаларини бозорталаб товарлар яратинга қаратадилар, соҳибкорлик ва тижорат ишларини режалаштиради. Маркетинг

бир қанча жуда муҳим қондаларга асосланади: товар ишлаб чиқариш талаби ва корхона имко. шиятларини ҳисобга олиш; харидорнинг талаб-эҳтиёжи тўла қондирилиши, бўлгуси талаби назарда тутилиши; мўлжалланган бозорда товарлар айтилган вақтда ва белгиланган миқдорда сотилиши; янги товарларни ўзлаштира бориб корхонанинг узок давр мобайнида самарали ишлаши эришиш; корхонанинг ишлаб чиқариш йўналишлари, тўтган йўли бозор шаронтига, харидор талабига мослашиш билан чекланмай, балки талабни ўзи мўлжаллаган йўналишда ўзгартиришни таъминлаши зарур. Маркетинг фақат бозордаги талаб-эҳтиёжини қондириш воситасигина бўлмай, балки ишлаб чиқариш самарасининг ҳам юқори бўлишига қаратилади. Шу сабабли бозор иқтисодиётини бошқариб туришда катта аҳамиятга эга.

СССРда 80-йиллар охирига қадар мамлакатимизда маркетинг усулларининг айрим томонларини жорий этиш масалалари билан СССР ва иттифоқдош жумҳуриялар савдо-саноат палаталари шугулланган. Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда бу услубни ўрганишга киришилди. Маркетинг асосларини ўрганиш чет эл фирмаларида амалиёт ўтиш ва СССРнинг йирик шаҳарларида ташкил қилинган махсус ўқув ва тайёрлов курсларида амалга оширилмоқда.

МЕНЕЖЕРЛАР (инг. manager — бошқарувчи) — ёлланма профессионал бошқарувчилар. Капиталистик мамлакатларда компания, банк, модия муассасалари ва уларга қарашли бўлималарнинг раҳбар ходимлари; облигация заёмлари чиқариш (эмиссия) ва уни капитал бозориде ўтказиш билан шугулланувчи банк синдикатлари раҳбар гуруҳи аъзолари ҳам менежерлардир. Улар капиталистик жамиятдаги махсус ижтимоий қатламни ташкил қила-

ди. Менежерлар маъмурий-хўжалик раҳбарлиги соҳасида маълум мустақилликка эга бўлиб, уларнинг роли ортиб бормоқда. Бозор иқтисоди шароитларида менежерлар хизмати ишлаб чиқаришда ва товарлар муомаласини уюштиришда зарур омил бўлиб қолади.

МЕХНАТ БИРЖАСИ — ишчи, хизматчи ва корхона эгаси ўртасида иш кучини сотиш ва сотиб олиш бўйича келишувни амалга оширишда мунтазам воситачи вазифасини ўтайдиган махсус муассаса. Меҳнат биржаси *ишсизлик*ни ҳисобга олиб боради. Кейинги йилларда капиталистик мамлакатларда қасбга йўллаш қайта иқтисослаштириш ва ишга жойлаштириш бўйича турли хил хизматлар ташкил қилинди. Уларнинг фаолиятлари ишсизларни иш билан таъминлаш, ишлаб чиқарувчи тармоқлар структурасидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб турадиган меҳнат бозори эҳтиёжини қондиришдан иборат. 1922—1925 йилларда мамлакатимизда 300 та меҳнат биржаси мавжуд бўлиб, улар 10 миллиондан ортиқ кишига хизмат кўрсатган. Кейинги даврда бу вазифа билан асосан райишрокомлар қопидаги ишга жойлаштириш бюрolari шугулланди. Ҳозир СССРда ишсизлик мавжуд қанлиги яна расмий тап олинди. Энди иш топишга воситачилик қилувчи муассасалар қайта ташкил қилиниб, уларда иқтисодчилар, социологлар, врачлар ва халқ депутатлари ёрдамида ишсизларга ёрдам пули ва ашёлардан иборат нафақалар бериш, вақтинча иш, ётоқ билан таъминлаш, янги ишчи қасбларига тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа тадбирлар амалга оширилиши керак. Меҳнат биржаси бозор иқтисодиётининг муҳим унсурларидан бири.

МЕХНАТ ЖАМОАСИ АКЦИЯСИ — корхона чиқарган акциянинг ўз ишчи ва хизматчилари жамоаси ихтиёридаги (уму-

ний мулк) қисми; корхонанинг меҳнат жамоаси номидан бошқалардан сотиб олган акцияси. Меҳнат жамоаси акцияси давлат корхонаси, акционер корхона, кооператив, қўшма корхоналар ва қолхозларга тегишлидир. Давлат мулки акционерлашганда, коллектив мулкка айланганда корхонанинг асосий фондлари ва оборот маблағлари суммасига тенг акция чиқарилиб, унинг бир қисми коллективнинг умумий мулки сифатида меҳнат жамоаси акциясини ташкил этади, яна бир қисми ишчи ва хизматчиларнинг ўзига сотилиб, уларнинг шахсий мулкка айланади, қолган қисми бошқа корхона ва ташкилотларга сотилиб кетади. Корхона жамоаси ўзининг умумий пулига бошқаларнинг акциясини ҳам сотиб олади. Натижада меҳнат жамоаси акцияси икки қисмга бўлинади: ўз акцияси; ташқаридан сотиб олинган акция.

Корхона жамоаси ўзининг акциясидан кўрадиган даромади — дивиденд шу жамоанинг ишига боғлиқ. Ўзга корхона акциясидан келадиган даромадга меҳнат жамоаси таъсир эта олмайди. Бу даромадга эга бўлишни меҳнат жамоаси тавakkалига мўлжаллайди. Меҳнат жамоаси акциясига тушган даромади жамоанинг ўзи мустақил ишлатади (қ. *Корхона акцияси*).

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ УЧУН ТЎЛОВ— СССРда корхона (бирлашма)нинг даромад ёки фойдасидан давлат бюджетига ўтказиладиган тўлов. Жамиятнинг ишчи кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатилган ижтимоий-маданий хизматлар харажатларини қоплаш мақсадида ажратилади. Бир ишловчига қатъий тўлов пули сифатида бир йилга жорий этилади. Жойларнинг иш кучи билан таъминланиши даражасига қараб ишчи кучи билан таъминланиш қийин бўлган регионларга 300 сўм ва ортқича ишчи кучлари мавжуд регион-

ларга 200 сўмча қилиб табақалаштирилган.

МИЛЛИЙ БОЗОР— муайян мамлакатнинг миллий чегараси доирасидаги олди-сотди муносабати. Миллий бозор тарихан капитализм маҳсули. Капитализм тараққиёти билан майда маҳаллий бозорларни яхлит миллий бозорга бирлаштиради. Миллий бозор ҳам ҳар қандай бозор каби турли моддий, маънавий ва интеллектуал товарларни айирбошлаш объектига айлантиради. Миллий бозорда шу мамлакат товарлари билан бирга импорт қилинган товарлар ҳам қатнашади. Миллий бозор субъектини шу мамлакат фуқаролари бўлмиш товар эгалари ва пул эгалари ташкил этади, улар ҳар хил синф ва ижтимоий гуруҳлар вакиллари, даромади турлича бўлган кишилардир. Миллий бозор субъектлари корхоналар, фирмалар, бирлашмалар, давлат ва жамоатчилик ташкилотлари ва айрим фуқаролар тимсолида намоён бўлади. Миллий бозор ҳажми муайян мамлакатнинг қатта ёки кичиклигига, унинг иқтисодий даражасига, халқаро савдодаги иштирокига боғлиқ. Мамлакат иқтисодининг миқёси нақадар қатта бўлса, иқтисодий ўсиш нақадар барқарор бўлса, миллий бозор ҳам шу қадар кенгайиб боради. Миллий бозор тарихан ўткинчи, у маълум даврда пайдо бўлган, маълум босқичга келиб йўқолади, chunkи бозор муносабатлари байналмилаллашиб, миллатлараро, умумий бозор вужудга келади. Натижада бозор муносабатлари учун миллий доира торлик қилади ва улар давлатлараро миқёсга чиқади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА— муайян мамлакатнинг пул бирлиги. Мамлакатда ички муомала, қуввати ва ҳолатига қараб ташқи савдо ва халқаро ҳисоб-китоб ишларида қўлланилади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА СИСТЕМАСИ — муайян мамлакат қонулари асосида белгиланган валюта муносабатлари. Миллий валюта системаси миллий валюта бирлиги, расмий олтин валюта захираларининг таркиби, валюталар олтин нисбати ва валюта курсининг шаклланиш механизми, валюталарнинг айланиш шarti, валюта чекланишларининг мавжудлиги ёки йўқлиги, мамлакатнинг ташқи ҳисоб-китоблар тартиби, миллий валюта бозори ва олтин бозорининг режими, мамлакат валюта муносабатларини бошқарадиган миллий муассасаларнинг мақоми ва б. дан иборат. Миллий валюта системаси мамлакат пул системасининг таркибий қисmidир.

МИЛЛИЙ ДАРОМАД — моддий ишлаб чиқариш соҳаларида бир йилда янгидан ҳосил қилинган қиймат ёки ялпи иқтимоий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати ҳегириб ташлангандан сўнг қолган қисми. Миллий даромад моддий нефматлар ишлаб чиқариладиган шароитларда жонли меҳнат томонидан яратилиб, ҳам қиймат — пул, ҳам моддий — буюм шаклига эга бўлади. Миллий даромадан халқ истеъмоли ва ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш мақсадларида фойдаланилади. У халқ хўжалигининг умумлаштирувчи ҳамда халқ турмуш фаровонлигининг асосий кўрсаткичи. Ялпи иқтимоий маҳсулот (ЯИМ) = $C + V + m$ қисмлардан ташкил топади: бу ерда C — истеъмол қилинган ишлаб чиқариш воситалари қиймати ёки моддий харажатлар миқдори; V — зарурий маҳсулот қиймати; m — қўшимча маҳсулот қиймати; $V + m$ — янгидан ҳосил қилинган қиймат ёки миллий даромаддир. Миллий даромад истеъмол ва якамфарма фондларга бўлинади. 1988 йилда мамлакат бўйича 631 миллиард сўмлик жумҳуриятимиз бўйича эса 22,2

миллиард сўмлик миллий даромад яратилди. Миллий даромаднинг 1/5 қисми бевосита аҳоли истеъмоли, уй-жой ва иқтимоий-маданий қурилишга сарфланмоқда.

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ — СССРда корхона ва ташкилотларни хом ашё, материаллар, сотиб олинadиган ярим-тайёр ва тайёр маҳсулотлар билан режали таъмин этиш жараёни. Моддий-техника таъминоти мамлакат ва жумҳурият давлат таъминот комитетлари (Госсиаб) ва уларнинг маҳаллий бошқармалари томонидан амалга оширилган. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида моддий-техника таъминоти системаси тубдан қайта қурилиш лозим. Унинг биринчи босқичида моддий воситаларни марказлашган фондлаштиришдан ва истеъмолчиларни мол билан таъминловчиларга боғлаб қўйишдан воз кечиш, фонд ва нардларсиз, истеъмолчиларнинг буюртмасига мувофиқ, шартнома баҳоларини кенг қўллаш йўли билан эркин сотиш ва сотиб олиш шаклидаги ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосига қатъий ўтишдан иборат бўлиши мўлжалланган. Бу тадбир келгусида ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланган бозорини вужудга келтиради, ишлаб чиқарувчиларининг яқка ҳокимлигига чек қўяди. СССРда бозор иқтисодига ўтиш даврида корхоналарининг моддий-техника таъминотини Госсиаб, Савдо вазирлиги, Агроснаб ташкилотлари негизида тузиладиган Давлат контракт системаси органлари, воситачи улгуржи тижорат корхоналари олиб боради, шунингдек, бундай таъминотда бевосита хўжалик алоқалари йўлга қўйилади, ашёлар сотувчи биржалар очилади.

МОЛИЯ БИРЖАСИ, фонд биржаси — бозор инфраструктурасининг муҳим бўғиши, қимматбаҳо қоғозлар, валюта олдиротдиси бўйича мунтазам

харакатлар ўтказувчи ташкилот. Эркин пуллар эҳтиёждан ортиқча бўлган шароитларда давлат бу пуллари сотиб олиш ишларига арадашади. Банклар пуллардан кредит манбалари сифатида фаол фойдаланади. Улар кредит ёрдамида молия маблағларини тармоқлар ичида ва тармоқлар ўртасида қайта тақсимлайдилар. Пулнинг бошқа йирик харидори акционер жамиятлар бўлиб, улар чиқарадиган акция ва облигациялар корхоналар, банклар, кооперативлар, шунингдек, алоҳида фуқароларга сотилади.

Молия биржаси ўз фаолиятини ташкилий жиҳатдан йирик банк монополилари билан ҳамкорликда олиб боради, йирик компанияларнинг чет эллардаги инвестиция мақсадларига (монополистик экспансия) хизмат қилади. Биржа савдоси конъюнктураси, молия биржасидаги аҳвол жаҳон товар ва валюта бозорларидаги ўзгаришларнинг энг муҳим ва ишончли кўрсаткичидир.

МОЛИЯ БОЗОРИ — жамиятдаги молия хизматлари бозори; молия маблағларини вақтинча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан бўлган муносабатлар. Банкларда, фонд биржасида ва аукционларда ўтказилади. Молия бозори таркиби мураккаб, унга қимматли қоғозлар бозори, валюта бозори, инвестиция бозори, есуда капитали бозори қабилар қиради. Молия бозорида *акция*, облигация, *сертификат*, *валюти* олди-сотди қилинганда улар сотувчи мулкидан харидор мулкига айланади. Улар пул ўрнида юрганган молиявий маблағ вазифасини ўтайди. Кредит пули ёки инвестиция маблағи том маънода сотилмайди. Улар бозорда фойдаланиб туриш учун берилади ва эгаси бу хизмати учун қарз ҳақи — процент олади. Лекин улар қарздор мулкига айланмайди, маълум вақтдан сўнг ўз эгасига қайтарилади. Процент

уларнинг нархи сифатида намоён бўлади. Молиявий бозор ўз эгасига керак бўлмаган маблағларни турли соҳалар ўртасида тақсимлаб ишлаб чиқаришни капитал маблағ билан таъминлаш, бўш турган маблағни хўжалик оборотига тушириш, ташки иқтисодий алоқаларни валюта билан таъминлаш каби муҳим вазифаларни адо этади. У бозор иқтисодиётининг инфраструктураси фаолияти орқали юзга чиқади. Молиявий бозорнинг кенгайиши иқтисодиётнинг ижобий аломатидир.

МОНОПОЛИЯ (юнон. *monopole* — соғаман) — иқтисодиётнинг бирон бир соҳасида танҳо ҳукмронлик. Монополия ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва яратилган маҳсулотлар асосий қисмининг озчилик корхоналар, соҳибкор шахслар ёки давлат қўлида тўпланиши натижасида пайдо бўлади. Монополия кўринишлари қадимдан мавжуд: ноёб маҳсулот етиштириладиган ерлар, қонлар, сув ҳавзалари, ўрмонлар ва бошқа табиий манбалар озчилик қўлида тўпланиб, эгаларига монопол мавқе берган, улар маълум маҳсулотни бозорга танҳо етказиб берувчиларга айланиб, у ерда ҳукмрон бўлганлар, харидорларга ўз шартини қўйиб, элмининг ўтказганлар, товарларин юқори баҳода сотиб, харидорлар ҳисобидан ортиқча даромад кўрганлар. Монополия ерга ҳам жорий қилинган. В. И. Ленин ерга шакли турдаги монополия мавжуд эканлигини кўрсатиб берган: ерга мулк монополияси, яъни ерининг айрим кишилар хусусий мулкига айланиши, уни тасарруф этинг айрим шахслар қўлида тўпланиши; ерга хўжалик монополияси, яъни ер айрим хўжаликлар томонидан банд этилган бўлади ва фақат улар шу ерда дехқончилик қиладилар. Ер монополияси капитализм даврида ҳам мавжуд бўлган, у капитализмнинг дехқончиликда эркин кўчиб юришига, рақобат-

нинг кенгайишига тўқинлик қилиб, *ер ренгаси* ундириб олишга хизмат қилган.

Капиталистик жамғариш жараёнида капитал тўпланиши туфайли йирик корхоналар ва уларнинг бирлашмалари ишлаб чиқариш, савдо-сотик ва кредит сармоясининг кўпчилиги қисмига эга бўлиб, монополияга айланадилар. Монополия иқтисодиётга ҳукмрон бўлган капиталистик бирлашмалар иттифоқидир. Монополиянинг ҳукмронлигини В. И. Ленин империализмнинг туб моҳияти ва асосий белгиси деб қараган. Монополия ўз табиатига кўра ишлаб чиқаришда турғулик пайдо қилади, чунки монопол мавқега таяниб, сарфларни камайтирмай фойда кўриш мумкин, рақобатнинг йўқлиги ёки заифлигидан фойдаланиб бозорда ўз ишмини ўтказиш мумкин. Монополия империализмда ҳар хил шаклга эга: *картель, синдикат, трест, концерн*, конгломерат. Монополия бозор муносабатларини чеклайди, шу сабабли ҳатто буржуа давлатлари антимонопол чора-тадбирларни кўрадилар.

СССРда маъмурий-буйруқбозлик иқтисоди шароитида давлат монополияси пайдо бўлди. Ўта давлатлаштириш асосида давлат корхоналари ўз тармоқларида монополияга айландилар, бошқа мулкка мансуб корхоналар кескин чекланди ва ҳатто таққиланди. 1990 йили СССРда асосий фондларнинг қиймати деярли 3 триллион сўм бўлган бўлса, шундан 2,6 триллион сўм (деярли 90%) давлат мулки эди, бу эса иқтисодиётда давлат монополияси учун асос бўлди. Давлат монополияси СССРдаги иқтисодий таъгиликнинг (қ. *Кризис*) энг асосий сабабчиси. Шу туфайли рақобат йўқолиб кетди, истеъмолчи давлат товарларидан бошқа товарларни келишилган нархда танилаб олишдан маҳрум бўлди. Давлат монополияси ишлаб чиқаришда бамайхотирликни, қийналмай фойда тонишни юзага чиқариб, иқтисодий ўсшни

омилларини жуда заифлаштириб қўйди. Давлат монополияси иқтисодиётдаги демократизмга зид. Шу сабабдан бозор иқтисодиётга ўтиш учун СССРда ҳам *демонополизация*ни амалга ошириш керак, фақат давлат монополиясини тугатишгина рақобатга йўл очиб, иқтисодий ўсишига мадад бериши мумкин.

МУВОЗАНАТ — қ. *Баланс*.

МУЛК ТЎҒРИСИДА СССР ҚОНУНИ — мулкчиликка оид асосий қонуни-қондалар мажмуаси; мулккий муносабатларни тартибга солиш ва бошқариб туришни таъминловчи юридик ҳужжат. СССР Олий Совети сессиясида 1990 йил 6 мартда қабул қилинган. 1990 йил 1 июлидан қучга кирган. Қонун бозор муносабатларига ўтишни мўлжаллаб, мулкчиликнинг турли-туман шаклларида бўлишини қайд этади. Унда ҳар бир мулк шаклининг дахлсизлиги ва тенг ҳуқуқлиги кўрсатилади. Қонунда мулкчиликнинг уч шакли кўзда тутилади: 1) фуқаролар мулки; 2) жамоа (коллектив) мулки; 3) давлат мулки. Қонуннинг II бўлимида фуқаролар мулкнинг ҳуқуқий асослари берилган. Бу қисмда гражданлар мулки объекти майда меҳнат қуроллари, истеъмол буюмлари, шахсий хўжалик маҳсулоти, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўлиши таъкидланади. Мазкур мулк шахсий меҳнатга таяниши, ҳалол даромад ҳисобидан ўсиши кўрсатилади. Мулкни тасарруф этишга фақат фуқароларнинг ўзлари ҳақли экинлиги таъкидланади. Қонуннинг III бўлими жамоа (коллектив) мулкга бағишланган. Бу ерда мазкур мулкнинг мутлақо янги турлари — ижара корхонаси, коллектив корхонаси, акционер жамиятлар, хўжалик жамоалари ва ширкатлари, ҳар хил уюшмалар, жамоат ташкилотлари ва фондлари, диний ташкилотлар мулклари ва, шунингдек, кооператив мулки бўлиши зикр этилади. Қонун давлат мулки

монополиясини тугатишга йўл очиб, давлат мулкнинг бир қисмини сотиб олиш орқали жамоа мулкига айлантиришга руҳсат беради. Бу эса коллектив мулкчилик шакллари хилма-хиллаштириб, бозор муносабатига йўл очади. Акционер мулкига йўл бериш қимматли қозғалар бозори бўлишини таъминлайди, бусиз соғлом бозор муносабати бўлмайди. Қонуннинг IV бўлимида давлат мулк ҳуқуқи баён этилган. Қонун давлат мулкига алоҳида мавқе бермай, унга бошқа мулклар қатори ўрин беради. Қонунда давлат мулкнинг қуйидаги кўринишларида бўлиши айтиб ўтилади: а) умумиттифоқ мулки; б) иттифоқчи жумҳурият мулки; в) мухтор жумҳурият, вилоят, округ мулки; г) маъмурий-ҳудудий бўлимадар — маҳаллий Советлар мулки (коммунал мулк). Қонунда барча жумҳуриятларнинг мулкий мустақиллиги, бинобарин, иқтисодий суверенитетига асос берилади. V бўлимда қўшма корхоналар, хориж фуқаролари ва ташкилотлари ҳамда хорижий давлатлар мулкнинг ҳуқуқий кафолатлари баён этилган. Бундай мулк шакли кафолатлари СССРнинг жаҳон бозорига чиқиши, чет эл капиталининг эса мамлакатга киритилишига йўл очади. Мазкур Қонуннинг VI бўлимида мулк ҳуқуқининг кафолатли ҳимоя қилиниши қайд этилади. Қонун мулкий муносабатларни демократиялаш орқали мулк монополиясини йўқотишга, турли мулк шаклларига оид корхоналарнинг соғлом рақобатига йўл очади. Бу қонунда қайд этилган тартиб, қондалар ер, ижара ва корхона ҳақидаги ва бошқа қонунларда оидинлаштирилган.

МУЛКЧИЛИК — кишилар ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулини ўзлаштириш юзасидан пайдо бўлган ва тарихан аниқ бир шаклда намоён бўлувчи иқтисодий муносабатлар. Мулк объекти инсон яратган

моддий ва маданий бойликлар, табиат бойликлари, интеллектуал меҳнат маҳсули ва инсоннинг меҳнат қобилияти (иш кучи) ҳисобланади. Мулк субъекти жамиятда маълум иқтисодий-иқтисодий мавқега эга бўлган кишилар бўлиб, улар жамоа, синф, табақа ёки бошқа иқтисодий гуруҳларга бирлашган бўлади. Мулкнинг асосий бўғини — бу ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчилик. Воситалар қиммики бўлса, маҳсулот ҳам шунга тегишли бўлади. Воситаларга мулкчилик иш кучи билан ишлаб чиқариш воситалари бирикишининг иқтисодий шакли ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар (меҳнаткашлар) мулкдан бегоналашган бўлса, улар нафақат ишлаб чиқариш воситаси, балки айни пайтда ҳатто яратилган маҳсулотдан ҳам бегоналашади. Мулк тарихан олганда жамоа (коллектив) мулки сифатида юзага келади, сўнг ҳуеусий мулкка айланади ва ниҳоят, меҳнаткашлар уюшмаси мулкига — иқтисодий мулкка ўсиб ўтади (айланади). Ҳуеусий мулк (қулдор мулки, феодал мулки, капиталист мулки) қарам синф вакиллари меҳнатидан фойдаланишга, уларни эксплуатация қилиб, бойлик орттиришга негиз яратади. Иқтисодий мулк — меҳнаткашларнинг ўз мулки, уларнинг ўзлари ҳам мулк эгаси, ҳам ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, бундай мулк шакли иш кучи билан ишлаб чиқариш воситаларининг тўғридан-тўғри бирикишини таъминлайди, эксплуатацияни инкор этади.

Бозор иқтисодиёти мулкчилик шакллариининг хилма-хил бўлишини талаб қилади, турли мулк бўлган товарнинг эгалари бозор муносабатига киришади. Товар муайян мулк объекти бўлгандагина олди-сотди қилинади. Мулкчилик бозор муносабатининг бирламчи асоси, лекин унинг ўзи бозореиз юзага чиқмайди. СССРнинг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида мулкчилик шакллари кўпайиб, фуқаролар мулки, коллектив мулки ва давлат мулк-

кидан иборат бўлади. Мазкур мулк шакллари, ўз навбатида, бир неча мулк турларига бўлинади. Мулк давлатнинг қонуни ҳужжатларида юридик қайд этилади. мулк ҳақидаги қонулар асосида тартибга солинади. СССР ва иттифоқдош жумҳуриятлар-жумладан, ЎзССРнинг мулкчиликка оид қонунилари мавжуд.

МУҚОБИЛ САВДО — товарлар импортини улар суммасига ёки бир қисмига тенг миқдордаги экспорт билан қўшиб бориш. Импорт ва экспортнинг бир вақтда юз бериши давлатларaro ташқи савдо шартномаларида қайд этилади. Муқобил савдонинг бир тури — *баргер* битимларидир. Муқобил савдо бадалини тўлаш шартномаларига биноан ҳам юз беради. Бунда импорт қилинган технология ҳақини унинг ўзи ёрдамида ёки импортернинг бошқа корхонасида ёки импортерга алоқаси бор бошқа корхонада ишлаб чиқарилган товарларни экспортерга етказиб бериш билан қопланади. Дунё бозорига рақобатнинг кучайиб кетиши ва валюта топишининг қийинлашуви импортерларни экспортерлар билан муқобил савдо қилишга мажбур қилади. Шу сабабли халқаро бозорда муқобил савдонинг аҳамияти катта.

Н

НАРКОБИЗНЕС — соф наркотик моддалар ва таркибида шундай моддалар бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали даромад топиш. Наркобизнес ижтимоий зарарли товарларга алоқадор гайри қонуний фаолият бўлиб, *хуфия иқтисодий*нинг таркибий қисмидир. Наркобизнес дастлаб наркотик моддали гиёҳлар ўсадиган мам-

лакатларда пайдо бўлган, сўнгра бошқа мамлакатларга тарқалган. 80—90-йилларда халқаро миқёсда ёйилди. Наркобизнес билан айрим шахслар эмас, балки бутун бир ташкилот-синдикатлар шуғулланади. Наркобизнес аҳли халқаро уюшмаларга бирлашган, уларнинг қўлида наркотикли ўсимликларни етиштириш, ҳосилини қайта ишлаш ва маҳсулотини сотиш жамланган. Уларнинг фаолияти махфий характерга эга, улар ўзига хос мафияни ташкил этади. Бангилик — наркоманиянинг Ғарб мамлакатларида кенг тарқалиши наркотиклар бозорига талабни ошириб юборди, нархлар кескин кўтарилиб, наркобизнес энг катта ва мўмай фойда келтирувчи ишга айланади. СССРда наркобизнес фирмалари ва синдикатлари йўқ, бундай фаолият билан айрим гуруҳ кишилар яширин равишда шуғулланади. Уларнинг асосий наркотик товарлари — наша, кўкнори ва қорадори. Бу гайриинсоний фаолият бўлганидан унга қарши халқаро миқёсда ҳам-жиҳатлик билан курашиб борилади.

НАРХ. б а х о — товар қийматининг пул шакли; бозор иқтисоди мавжуд жамият хўжалик механизмида амал қилувчи иқтисодий дастак. Биринчи мазмунда нарх товар ёхуд хизматда гавдаланган ижтимоий меҳнатни — қийматни пул шаклида ифода этиш, пулда ўлчаш. Нархни қиймат белгилайди, аммо у аниқ бир қийматдан юқори ёки паст бўлиши мумкин, бу эса бозордаги муайян товарга бўлган талаб ва унинг таклифига боғлиқ бўлади. Нарх фақат қийматни эмас, балки талаб ва таклиф, шунингдек, товарнинг ижтимоий фойдалилиги, сифати ва бошқа товарлар ўрнини боса билиши, муомаладаги пулнинг харид қобилиятига ҳам боғлиқ. Шу сабабдан нарх қийматдан миқдоран фарқланади. Бозор иқтисодиёти ривожланиши

билан нарх турлари кўпаяди. Улгуржи, чакана, ички, халқаро нархлар шаклланади.

Иккинчи мазмунда нарх шундай иқтисодий воситаки, унинг таъсирида иқтисодиёт рағбатлантирилади, чунки нарх ошиб кетиши ёки пасайиши товар ишлаб чиқарувчилар олган фойда миқдорини ўзгартиради, фойданинг қилинган сарф-харажатларга нисбатан юқори ёки паст бўлишини таъминлайди; нарх орқали кўшимча маҳсулот пул шаклига кириб, фойдага айланади. Фойдага интилиш эса ишлаб чиқариш сарфларини камайтиришга, товарни кўллаб яратишга ундайди.

Бозор иқтисодиётида нарх уч хил вазифани бажаради: қиймат ўлчови — қилинган харажатлар ва олинган натижа бирон-бир нарх ёрдамида (масалан улгуржи, чакана, ички ёки халқаро нархда) ҳисоб-китоб қилинади; рағбатлантириш омили — фойда товар нархи билан уни ишлаб чиқариш учун кетган харажатлар ўртасидаги фарқка тенг бўлади. Муайян нарх шароитида кўпроқ фойда олиш учун харажатларни камайтириш зарур, шу сабабли корхоналар тежамли иш тутиб харажатни пасайтиришга интилади; даромадларни қайта тақсимлаш воситаси — даромад товарларнинг сотилиш нархига боғлиқ. Муайян харажатлар қилинган шароитда нархнинг қийматдан юқорига ёки пастга қараб ўзгариши фойданинг ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳар хил тақсимланишга олиб келади. Бир товарнинг нархи ошса, унинг эгасига товарнинг нархи пасайган корхона қийматининг бир қисми фойда бўлиб тегади. Нархнинг тебраниши туфайли бир ерда яратилган кўшимча маҳсулот бошқа ерда фойдага айланади. Фойданинг нарх воситасида тақсимланиши, унга интилиш туфайли ишлаб чиқариш ресурсларини бир тармоқдан бошқасига, бир корхонадан иккинчисига кў-

чиб ўтиши содир бўлади, натижада ишлаб чиқариш структураси ўзгаради.

Бозор иқтисодиётида икки хил нарх амал қилади: эркин бозор нархлари; давлат бошқариш турдаги нархлар. Аммо биринчи турдаги нархлар асосий бўлади. Иккинчи турдаги нархлар иккига бўлинади: бири — давлат белгиланган қатъий нархлар, иккинчиси — давлат юқори чегарасини белгиланган ва ундан ошиб кетмайдиган нархлар — лимит нархлари. Давлат нархларнинг ўзига ёки бозорда ташкил топган нарх шароитида олинган фойда миқдорига таъсир этиш орқали бозор иқтисодиётини тартибга солиши. СССР да маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт шароитида давлат нархи режали асосда олдиндан белгиланган, нарх қатъий бўлган. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан маъмурий белгиланган қатъий нарх амал қилувчи доира кескин қисқаради, эркин бозор нархи вужудга келади. Бу билан нарх ўзига ҳос бўлган иқтисодий вазифаларни тўлароқ бажаради.

НАРХ БИЛАН РАҚОБАТЛАШУВ — бозордаги рақобат усулларидан бири; бозор нархини ўзгартiriш орқали рақибни бозордан сиқиб чиқариб, ўз маъқени мустаҳкамлаш. Бир турдаги ёки ўринбосар товарлар эгалари рақобатлашганда нархни пасайтириш орқали харидорни ўзига жалб этишга интилади. Бунда товар сотилиши кўпайганлигидан олинган фойда миқдори ортади. Товари қимматга тушган соҳибкорлар эса нархни пасайтирмаганлиги туфайли бундай фойдага эга бўлмайди, чунки арзонга сотиш унга зарар келтиради. Нарх ёрдамида рақобатлашув асоси товарга кетган ҳар хил меҳнат сарфидир ва бу товар нархининг ўзгаришида фойда этилади. Бу усул азалдан маъжуд. Ҳозирги капиталистик

фирмалар товар, хизматлар нархини яширин пасайтиради, яъни нархга скидкалар беради, чунки улар нарх даражаси ҳақида олдиндан келишиб олган бўлади. Нархни пасайтириш орқали вақтинча оз фойдага ҳам рози бўлиш билан бозорда обрў қозониб, мавқе мустаҳкамланади, бу эса келажакда катта фойда олиш имконини таъминлайди.

СССРда режали нархлар мавжуд. Улар қатъий, узок ўзгармай туради, бу эса корхоналарга нарх билан бозорга таъсир кўрсатиш имконини бермайди. Шу сабабли бозордаги вазиатга қараб ўзгарувчи нархларга ўтиш СССРда бозор муносабатлари қарор топишининг шартидир.

НАРХ ПРОПОРЦИЯСИ — турли товарлар нархлари ўртасидаги иқтисодий жиҳатдан асосланган нисбатлар. Асосланган нархлар нисбатини белгилаш *қиймат қонуни*нинг амал қилишидан келиб чиқади, бу қонунга кўра товарлар мутаносиб тарзда айирбошланади. Нархлар пропорцияси асосида товарларни ишлаб чиқаришга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари ётадики, товарлар нархининг қисқалишида шу меҳнат харажатлари нисбатини ҳисобга олиш талаб этилади. Нархлар пропорцияси шундай бўлиши керакки, товарлар нархлари ишлаб чиқарувчиларнинг шу маҳсулотни ишлаб чиқариши кўпайтиришдан манфаатдорлигини таъмин этиши ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш фаолияти учун имкон яратиши керак. СССРда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига планли харид нархлари нисбатини белгилашда асос қилиб дон маҳсулотлари нархи олинади, яъни бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат харажатлари ва жорий қилинган харид нархи нисбатан бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархлари белгиланади. Маҳсулотларнинг харид нархлари шундай пропорцияда бўлишини маҳсулот-

ларни айирбошлашнинг тенг бараварлик қондаси тақозо қилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан саноат маҳсулотлари (техника, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва х. к.) нархлари ўртасида маълум бир илмий жиҳатдан асосланган пропорцияларнинг бўлиши катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга.

Нархлар пропорцияси яратилган миллий даромадни тармоқлар ўртасида тўғри тақсим қилишга, корхоналарнинг юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдан иқтисодий манфаатдорлигини оширишга кенг шароит яратиб бериши керак. Нархлар пропорциясининг ташкил топишида энг муҳим товарлар (дон, пахта, кўмир, нефть, металл, ёғоч, станоклар, ускуналар) нархларининг ўзгариши ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки бунинг натижасида мазкур маҳсулотларни истеъмол этувчи барча соҳалар товарлари нархи ўзгаради. Нархлар пропорциясига талаб ва таклиф қонуни ҳам таъсир этади. Бунда бир хил ёки ўринбосар товарларга талабнинг ўзгариши нархларнинг ҳар хил даражада ўзгаришига ва нархлар пропорциясининг янгиланишига олиб келади. Бу пропорция меҳнат сарфининг эҳтиёжга мос келиши ёки келмаслигини билдиради. Шу сабабли унинг мақбул бўлиши фойда муҳим. Нархлар пропорцияси икки йўл билан таъминланади: нархлар нисбатини олдиндан белгилаш тарзда белгилаш билан белгиленган турдаги нархлар пропорция яратилган ҳолда нархлар нисбатини белгиламайди, чунки товарлар нархи ма-хилдир); бозордаги нархлар пропорциясининг таъминлигини равишда ташкил топиши (эркин нархлар) — бозордаги товарларнинг ўтиш ёки ўтмаслигига қараб нархларнинг ўзгариб туриши ва шу асосда улар ўртасидаги нисбатнинг шаклланиши. Ҳақиқий бозор иқ-

тисодиётида иккинчи йўл устун туради.

НАРХ СКИДКАЛАРИ — сотувчи томонидан харидорга фойдадан бериладиган сийлов, уни одатда савдо корхонаси (ташкилоти) олади. Савдо саноатнинг товарларини сотиб беришдек вазифани бажаргани учун яратилган фойданинг бир қисмини нарх скидкалари сифатида олади. Нарх скидкалари табиатан қўшимча маҳсулотнинг савдо ташкилотига тегадиган ва пул шаклидаги қисми, лекин унинг ҳаммаси эмас, балки фақат бир қисми савдо фойдасига айланади, унинг бошқа, қисми савдо ташкилотининг муомала харажатларини қоплашга кетади. Нарх скидкалари савдо ташкилотининг товарларини харид этиш ва сотиш нархи ўртасидаги фарққа тенг бўлади. Бундай скидкалар рақобатда қўл келадиган иқтисодий восита ҳам ҳисобланади. Сотувчилар харидорни ўзига жалб этиш, кўпроқ мол сотиш ва кўпроқ миқдорда фойда кўриш учун атайлаб нарх скидкалари беришади. Нарх скидкалари бозорни суст товарларга кўпроқ қўйилади, харидор учун кураш воситаси ҳисобланади.

НАРХГА ҚЎШИМЧА БЕРИШ — товар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш учун олдиндан келишилган нархга қўшимча кiritиб, сийлов бериш. Бундай сийлов харидор нархининг таркибий қисми бўлиб, уни сотувчи (товар ишлаб чиқарувчи) олади. Нархга қўшимча бериш рақобатда сотувчини харидор томонига оғдириш воситаси бўлиб, харидорнинг товарини ишлатишдан оладиган фойдасидан бериладиган сийловдир. Бундай қўшимчалар сотувчи билан харидор ўртасида мунтазам миқозлик алоқасини ўрнатишда қўлланади. СССРда нархга қўшимча бериш ишини давлат амалга оширади, чунки нарх белгилаш давлат монополиясига айланган.

Бозор иқтисодиёти шароитларида нархга қўшимча бериш маҳсулот харид қиладиган ва хизматлардан фойдаланадиган миқозлар (корхона, ташкилот, муассаса) вазифасига айланади. Давлатнинг қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари нархига қўшимча бериши колхоз ва совхозларнинг кўпроқ маҳсулотни давлатга сотишини рағбатлантиради. Пахта харид нархига 1989—1990 йиллари киритилган қўшимча асосан пахтакорларни қизиқтириш учун уларга иш ҳақи қилиб берилди. 1990 йилда қўлда терилган 1 кг пахта учун Ўзбекистонда 25 тиён, машинада терилган 1 тонна пахта учун 10 сўм ҳақ тўланади. Нархга қўшимча бериш *нарх скидкаси* билан қўшиб олиб борилади. Уларнинг қай бирини қўллаш бозор конъюнктурасига боғлиқ.

НАРХЛАРНИ ТУТИБ ТУРИШ — нархлар ўзгаришини вақтинча тўхтатиш, ташкил топган нарх даражасини сақлаб туриш. Нархларни тўхтатиб қўйиш инфляция ва қимматчилик оқибатларини юмшатиш учун қўлланадиган тадбир, нархларнинг эркин ўзгаришига аралашини билдиради. Уни асосан давлат қўллайди. Тўхтатишда нархларни ошириш тақиқланади, нархлар турғулигидан ишлаб чиқарувчилар кўрадиган зарарни давлат бюджети ҳисобидан қоплаш учун бадаллар берилади.

Таққисчилик бор мамлакатларда аҳолини таъминлаб туриш учун энг муҳим товарлар нархи вақтинча оширилмаёди, товарлар қўпайиб бозор изга тушиб олгач, нархлар бўш қўйиб юборилади. СССРда нархларни тўхтатиб қўйиш узок вақт озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан қўлланади. Озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш сарф-харажатлари ошган шароитларда ҳам уларнинг чакана нархи музлатилиб, бир меъёрга сақлаб турилди. Нархнинг пастлигидан кўрилган зарар

давлат дотацияси ҳисобидан қоплашиб келди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолига энг зарур товарлар нархи тутиб турилади. Бундан кўриладиган зарарни бошқа товарлар нарҳини қатта миқдорда оширишдан келадиган тушум ҳисобидан қоплаш мўлжалланади. Нархларни тўхтатиб қўйиш табиатан бозор иқтисодиётига хос эмас, издан чиққан иқтисодиётни тартибга тушириш учун вақтинча қўлланади. СССР бозор иқтисодиётига тугал ўтиб бўлган, тўхтатилган нархлар ҳам эркин қўйилиб, улар ҳам ўзгариб боради.

НАРХЛАРНИНГ ТАБАҚАЛАНИШИ — айнан бир хил ёки ўринбосар товарлар нарҳининг бир-биридан фарқланиши. Нархлар табақаланиши миллий ва ҳатто жаҳон бозори доирасида юз беради. Унинг икки асоси бор: товарни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг ҳар хил бўлиши; турли жойларда талаб ва таклиф нисбатининг ҳар хил бўлиши. Талаб ўзгариб турганидан нархлар ҳам тебраниб, бир-биридан фарқланади, лекин бу фарқ қатта бўлмайди, чунки нарх ўзининг объектив асоси — қийматдан жуда узоқлашиб кета олмайди.

СССРда нархларнинг табақаланиши ишлаб чиқариш харажатларининг ҳар хилигидан, айниқса, уларнинг табиий шароитга боғлиқлигидан, товарларни ташиш ва сақлаш харажатларининг фарқланишидан келиб чиқади. Нархлар табақаланиши минтақа ва зона баҳоларида ифодаланади. Ундирма саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида бир хил маҳсулотнинг нархи табиий шароитга қараб харажатларининг ҳар хил бўлиши туфайли фарқланади. Агар СССРда давлат томонидан белгиланган режали нархлар олдиндан фарқлантирилса, деҳқон бозори ва чайқов бозоридаги нархларнинг табақаланиши сти-

хияли юз беради. Транспорт харажатлари, талаб-таклиф нисбатини, чайқовчилик хавф-хатарининг бир хил бўлмаслиги оқибатида турли жойларда бозор нархлари кескин фарқланади. Нархларнинг табақаланиши бозор иқтисодиёти учун табиий ҳол, уни сунъий чеклаб бўлмайди.

НАРХНИ ЎЗГАРТИРМАЙ РАҚОБАТЛАШУВ — бозордаги рақобат усули; ўз товарларини сотиш шарт-шароитини харидор учун қулайлаштириб, рақибни бозордан суриб чиқариш. Бунда товар нархи пасайтирилмайди, балки харидорга муайян ёки имтиёзли хизматлар кўрсатилади. Товарни элтиб бериш, уни харидор дидига мослаб бериш, товарни ишлатиш юзасидан бепул маслаҳат бериш, харидорга эътибор бериб, унга зарур ёрдамчи хизматлар кўрсатилишига кўмаклашиш амалга оширилади. Одатда буни Ғарбда харидор пули учун кураш деб аталади. Мазкур усул бозорда товарлар мўлқул бўлган жамиятга хосдир. СССРда товар тақчиллиги ҳукмронлигидан харидор учун кураш йўқ. СССРнинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва бозорнинг товарларга тўйиниши билан нархни ўзгартирмай рақобатлашув кучга кириши мумкин.

НАРХНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ — нархларнинг шаклланиб бориши ва қайтадан ўзгариб туриши, нархлар пропорциясининг вужудга келиши. Нарх ташкил топиши 2 йўл билан боради: стихияли эркин бозорда нархларнинг вужудга келиши; нархларнинг режали асосда белгиланиб, қайтадан ўзгартирилиб туриши. Биринчи усул тўлатўқис стихияли, тартибсиз бозор иқтисодиётига хос. Бундай нархлар капитализмга қадар ва класик капитализм даврида бўлган. Иккинчи усул тартибга солинадиган бозор иқтисодиётида ишлатилади. Бозор иқтисодиёти

шаронтида ҳар иккала усул бир-галикда амал қилади, лекин уларнинг нисбати шаронтта қараб турлича бўлади. Нарх ташкил топишидаги омихта услуб хозирги бозор иктисодиётига хос. Пайдо бўлишидаги фарқдан қатъий назар, нархлар энг аввал товарнинг сифатига қараб шаклланади. Нарх қиймат атрофида, ундан юқори ёки пастрок даражада ўрнатилади, лекин ундан узilib қолмайди. Нархнинг ташкил топиши унинг турига қараб ҳар хил бўлади. Бозордаги эркин нархларни ҳеч ким юқоридан белгиламайди, улар савдолашув асосида вужудга келади. Амалда *сотувчи нархи*, *харидор нархи* ёки уларнинг оралиғидан нарх ташкил топади. Турли корхоналар ва ташкилотларнинг одди-сотди нархи ҳам келишув асосида олдиндан белгиланади.

Нарх бир марказдан белгиланганда у режага киритилади ва уни ҳеч ким ўзгартирмайди. Бунда энг аввал ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари ҳисоблаб чиқилади, сўнгра қанча соф даромад олиш зарурлиги аниқланади ва, ниҳоят, нархлар қандай ижтимоий вазифани бажариши лозимлиги ҳисобга олинади. Нарх ўрнатилганда улар ўртасидаги нисбат—улгуржи ва чакана, экспорт ва импорт нархлари, шунингдек, турли товарлар нархи ўртасидаги нисбатлар ҳисобга олинади. Нархлар қатъий (ўзгармайдиган) қилиб ва ўзгарадигани қилиб белгиланади. Нархларни давлат жорий этганда фақат уларнинг юқори чегараси белгилаб қўйилиши ҳам мумкин. Миллионлаб товар турлари пайдо бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз сарф-харажатиغا эга, уларга талаб эса тез-тез ўзгариб турибди. Шундай шаронтта марказдан туриб ҳамма нархларни аниқ белгилаб бўлмайди, нархлар ташкил топиши жараёнини демократиялаштириш зарур бўлади. Бундай шаронтларда нархлар, асосан, товар ишлаб

чиқарувчилар (сотувчилар) билан харидорлар ишига айланиб, шартномага кўра қарор топади. Аммо давлатнинг нарх белгилаши ўзи буюртма берган товарларга нисбатан сақланиб қолади, лекин бозордаги нарх-наво барибир ҳисобга олинади. Эркин шаклланидиган ва марказдан жорий этиладиган нархларнинг биргаликда амал қилиши СССРнинг бозор иктисодиётига ўтиш даврига хосдир. Бу даврда нарх белгиловчи давлат органлари (СССР ва жумҳурият нарх комитетлари) нарх белгиловчи маъмурий идорадан илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи, нарх ўрнатиш масалаларида корхоналарга маслаҳатлар берувчи, тавсиялар ишлаб чиқувчи ташкилотга айланади.

НАРХ-ФРАНКО — товарни харидорга ташиб етказиб бериш сарфларини ҳам ўз ичига олган улгуржи нарх. У одатдаги нардан транспорт сарфларининг киритилганлиги билан фарқланади. Товар нарх-франко билан олинганда харидор товарни ташиб кетиш сарфидан холи бўлади. Товарни сотувчи ташиб етказиш манзили — темир йўл станцияси, кемалар порти, омбор ёки давлат чегараси бўлиши мумкин. Манзилнинг узок-яқинлигига, товарнинг ортиб-тушириб берилишига қараб нарх-франко ҳар хил юради. Нарх-франко харидор учун қулай, уни транспортни ташкил этишдан овоз қилади. Халқаро савдода нарх-франконинг СИФ, ФАС, ФОБ сингари, тижорат шартлари бор. СИФ (инг. Cost, Insurance, Freight — қиймат, суғурта, фрахт) — товарнинг сотилиш нархига товар қиймати, суғурта ва манзил портгача транспорт харажатлари ҳам қиради; ФАС (Free Alongside Ship — кема бўйлаб эркин) — сотувчи ўз товарни учун кема ёлдайди, товарни кемагача ўзи ҳисобидан етказиб ва ортиб беради; ФОБ (Free on Board — кемада эркин) — кемани хари-

дор ёллайди, сотувчи ўз товари учун кемага юклаш даврига қадар жавобгар бўлиб, товар нархи бевосита товар қиймати ва уни юклашгача бўлган харажатлардан ташкил топади.

НАҚД ТЎЛОВЛАР — товар ҳақида етказиб берилганидан кейин сотувчилар тақдим этган ҳужжатлар бўйича шу заҳоти ёки аванс билан тўлаш. Халқаро савдода нақд тўловлар, *чек*, пул ўтказма, *аккредитив* ва инкассо орқали амалга оширилади.

НЕТТО ҚАРЗ — давлатнинг соф ташқи қарзи; ташқи қарз суммасидан бошқа давлатлар тўлаши зарур бўлган суммани чегириб ташлаган ҳолда, қарзга тўланадиган процент қўшиб ҳисобланганда келиб чиқадиган қарз суммаси. Нетто қарз ташқаридан олинган қарз билан бошқалар тўлайдиган қарз ўртасидаги фарққа тенг. Нетто қарз мамлакатнинг ҳақиқий аҳволини баҳолайди, унинг бошқаларга қарамлигини ифодалайди. Нетто қарз қанчалик кўп бўлса мамлакат шунчалик қарам бўлади. Нетто қарз миқдорини қисқартириш учун экспорт ортини, харажатлар камайиши, мамлакатнинг *тўлов баланси* актив бўлиши шарт. Бу қарз турини ҳам мамлакатнинг ишлаб чиқариш қўлами ва экспорт имкониятига нисбатан характерлаш зарур. Нетто қара нақадар кўп бўлмасин, ташқаридан тушуми кўп мамлакатга у хавфли эмас, чунки тушум ҳисобидан қарз тез ўзилади. Нетто қарзини камайтириш учун олинган қарз итеъмоёл учун эмас, балки ишлаб чиқариш ва биринчи навбатда экспорт учун ишлаб чиқаришга қўйилади. Шундагина ташқи қарз мамлакатнинг иқтисодий ўсишига хизмат қилади (яна қ. *Брутто қарз*).

НЕФТЕДОЛЛАРЛАР (инг. *petrodollars*) — нефть чиқарадиган мамлакатлар нефтни четга сотганларида АҚШ доллари билан

оладиган пул воситалари. Нефтедолларлар халқаро бозорда сўда капитали сифатида ишлатилади, маблағлар ривожланган капиталистик мамлакатлар ҳамда нефть чиқарувчи мамлакатларнинг банкларида тўланади.



ОБОРОТ СОЛИҒИ — СССРда жамият соф даромадининг бир қисми. У маълум товарлар тури баҳосига киритилиб, улар сотилгач ҳосил қилинади ва тўла давлат бюджетига тушади. Обороти солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби СССР Вазирлар Кенгаши томонидан ёки унинг топшириғига мувофиқ манфаатдор маҳкамалар билан келишилган ҳолда Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Солиқ ставкаси товарлар гуруҳи ҳамда жумҳуриятлар саноат тармоқлари бўйича табақалашган тартибда хўжалик конъюнктурасини ҳисобга олиб ишлаб чиқилади. 1988 йилда жумҳуриятимизда оборот солиғининг миқдори 3309,6 миллион сўмни ташкил қилди. Унинг ҳиссаси давлат бюджет даромадларида 32,9% ни ташкил қилиб, 1980 йилга нисбатан 17,1% га пасайди. Бу оборот солиғи ундириладиган товарлар тури ва миқдори камайганлиги натижасидир. Оборот солиғи асосан қайта ишловчи саноат тармоқлари ва корхоналаридан ундирилади.

ОИЛА БЮДЖЕТИ — оиланин маълум муддат (ой, квартал, йил)да кутиладиган даромадлари ва харажатларининг тахминий ҳисоби. Оила бюджетининг даромад қисми оила аъзоларининг барча манбалар бўйича даромадлари — иш ҳақи, турли мукофот-

лар, нафақа, стипендия, пенсия, давлат заёми бўйича ютуқлар, шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинган даромад ва бошқаларни; харажат қисми эса озиқ-овқат ва ноозик-овқат товарлари сотиб олиш, уй-жой ва маданий-маиший хизматлар, транспорт, санаторий, дам олиш уйи учун тўловлар, йўланмалар, солиқ тўловлари, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки босқичларида моддий жиҳатдан кам таъминланган оилалар бюджетига нарх-навонинг, ишсизликнинг ошуви салбий таъсир кўрсатади, Давлат томонидан белгиланган ижтимоий ҳимоя воситаларини бундай оилалар эҳтиёжига йўналтириш оила бюджети учун муҳим аҳамиятга эга.

ОЛТИН ЗАҲИРАСИ, олтин запаси — мамлакатнинг марказий эмиссия банки ёки хазинасида куйма (ёмби) ва танга шаклида тўпланган марказлашган олтин резерв фонди. Олтиндан ички пул муомаласида фойдаланилган вақтда олтин заҳираси қарз пулларни таъминлашга, жамғармалар бўйича тўловларга, банкнотларни майдалаш ва халқаро тўловларга хизмат қилган. Ички олтин муомаласи тугатилгандан кейин олтин заҳираси халқаро ҳисоб-китобларда ва валюта жамғармаларини сақлашга мўлжалланган давлат фондига айланади. Барча исоциалистик мамлакатлар олтин заҳирасининг умумий ҳажми 1988 йилда 30 минг тоннани ташкил қилди. Шундан 83% 20 та ривожланган капиталистик мамлакатларга, шу жумладан, 55% тўрт давлат — АҚШ, Германия, Швейцария ва Францияга тўғри келади. Жаҳон олтин заҳирасининг 17% 110 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатларга, шундан 4,6% нефть экспорт қиладиган давлатларга тегишли. Мамлакатимиз жаҳондаги энг йирик олтин заҳирасига эга давлатлар жумласига қиради.

ОРТИҚЧА ПУЛЛАРНИ ҚАНТАРИШ — товар ва хизматлар билан таъминланмаган пулни бозор муомаласига киритмасдан банкда сақлаб қолиш. Ортиқча пулларни қантариш қуйидаги йўллар билан боради: аҳолининг банкка қўйган пули учун тўланадиган процент ҳақини кескин ошириб, ортиқча пулни банкда сақлашни қулайлаштириш; товар заёмлари ва *сертификатлар* чиқариб, аҳолига сотиш, аҳолига янши даромад (дивиденд) келтирувчи *акцияларни* сотиш; давлат мулки бўлган уй-жойларни аҳолига нақд пулга сотиш; давлат корхоналарининг бир қисmini меҳнаткашлар ассоциацияси, кооперативлар, акционерлар коллективи ва ҳатто айрим оилаларга сотиш. Ортиқча пулларни боғлаб қўйиш микёси ва суръати ортиқча пул суммасига, бозорни товарлар билан таъминлаш имконига боғлиқ. Ортиқча пулларни боғлаб қўйиш ҳозирги шароитларда СССР иқтисоди учун муҳим, чунки мамлакатда 200 млрд. сўм ортиқча пул мавжуд (1990, 1 июль).

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ — халқаро регионал банк. 1966 йилда ташкил топган. 47 мамлакат аъзо. Банк фаолиятининг асосий мақсади Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётига ва ташқи савдосига кўмаклашиш, молиявий, техник ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш. Акционер капитали суммаси — 16 млрд. доллар, 1987 йили берилган кредитлар 5,7 млрд. долларни ташкил этди. Банkning ҳар қандай қарорини ҳамкорликда ўз овозига эга бўлган АҚШ ва Япония тўхтатиб қўйиши мумкин. Шунингдек банк ҳузурида икки махсус фонд фаолият кўрсатади — Осиё тараққиёт фонди ва Техника ёрдам махсус фонди. Бу фондлар маблағлари регион мамлакатларининг ўзаро иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга сарфланади. Банк турли объектлар қурилишини молиялашда бир

қатча халқаро ва айрим миллий кредит ташкилотлари (давлат ҳамда хусусий) билан ҳамкорлик қилади. Банкка ривожланган давлатларнинг таъсири катта: маблағларнинг 50 % уларга тегишли. Штаб квартираси Манила (Филиппин) шаҳрида, Олий органи — бошқарувчилар кенгаши. Япония вакили ҳаминша банк Президенти бўлади.

ОСИЁЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

УСУЛИ — қишлоқ дехқончилик жамоаларидан ташкил топган иқтисодий система. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши жараёнида, қуддорлик ва феодал тузумларидан аввал вужудга келган. Марксизм-ленинизм классикларининг ижтимоий-иқтисодий формациялар ҳақидаги таълимотида осибёча ишлаб чиқариш усули ерга ривожланган давлат мулкчилигининг хусусий ва жамоа эгалиги билан қўшиб олиб борилиши, синфий жамият ривожланишининг ilk босқичи сифатида характерланади. К. Маркс ишлаб чиқаришнинг бу усулини нафакат қадимги ва ўрта аср Шарқи — Хиндистон, Хитой, Туркия, Эрон, Миср ва бошқа давлатларга, балки тараққиётнинг маълум босқичларида Колумбия, Америкадаги инклар, ацтеклар, Европадаги этрусқлар давлатларига ҳам хос ҳодиса деб ҳисоблаган. Шунинг учун ҳам осибёча ишлаб чиқариш усулини регионал донрадаги ҳодиса эмас, балки инсоният тараққиётидаги маълум серқирра босқич деб ҳисобланган асос бор. Бу усул шароитида ишлаб чиқаришнинг мақсади эксплуатация воситасида қўшимча маҳсулот яратишга қаратилган.

Осиёча ишлаб чиқариш усули учун эксплуатациянинг икки шакли ҳосдир: рента-солиқ ва меҳнат мажбурияти. Натурал шаклда йиғилган рента-солиқ истеъмол даражаси нисбатан юкори бўлмаган шароитда ҳукмрон синфлар томонидан бутунлай истеъмол қилинмасдан, қисман ижтимоий

вазифаларни моддий таъминлашга ҳам хизмат қилади. Дастлаб бу такрор ишлаб чиқариш жараёнининг меъёрда бориши учун зарур бўлган ишлардан, масалан, суғориш ишшоотларини қуриш ва бошқалардан иборат эди. Кейинчалик дехқон ва ҳунармандларнинг меҳнатидан хўжалик объектларини, ҳукмдорларнинг улкан мақбараларини, эҳромлар, қўрғон ва бошқа ишшоотларни қуришда фойдаланиладиган бўлди. Осибёча ишлаб чиқариш усулининг яна бир муҳим хусусияти осибёчликларга хос фидойиликнинг илгор фан ва техника ютуқлари билан уйғуллашиб кетишидир.

ОЧ ПУЛЛАР, қайноқ пулла р» — 1) қўйилмаларнинг янада ишончлироқ бўлиши ҳамда кўпроқ фойда олиш мақсадида қисқа муддатли асосий чайқов капиталининг мамлакатлараро кўчиб юриши. Сиёсий, иқтисодий сабаблар, девальвация, ревальвация хавфи, валютани чеклаш кўчишга туртки бўлади. Бирор мамлакатга «оч пул»нинг ёпирилиб келиши унинг хўжалик ва молиявий аҳволини кескинлаштиради.

2) бизнинг мамлакатимизда 80-йилларнинг охирида «оч пуллар» сотиб олишга товарларнинг «тишмаслиги ёки бутунлай йўқлиги сабабли пайдо бўлди.

ОЧИҚ БОЗОР — товарларнинг бошқа ердан эркин келтирилиб ва чегараланмаган ҳолда олди-сотди қилиниши. Очиқ бозор хориж моллари учун очик бўлган миллий ёки давлатлараро (регионал) бозордир. Очиқ бозор бож тўлови билан ҳимоя қилинмайди, бу ерга товарлар чекланмай оқиб келади. Халқаро бозор ўз табиати билан очик бозор, унда ҳамма мамлакатлар қатнаша олади. Очиқ бозорнинг ўзига хос муайян шароитлари бўлиши ҳам мумкин. Фарбий Европанинг «Умумий бозор»и унда иштирокчи мамлакатлар учун тўла очик, лекин бошқа мамлакатлар учун

қисман очик. Очик бозор айрим товарларга инебатан ҳам қўлла-нади. Миллий бозор бир товар учун очик бўлса, бошқаси учун ёниқ бўлиши мумкин. Умуман олганда бозор иқтисодиётига эркин ва очик бозор хосдир.

II

ПАЙЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ — жамоа мулкни ташкил этишга хисса қўшиш ва шу хиссага қараб даромад кўриш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар. Пайчилик муносабатининг объекти пай фондидир. Бу фонд жамоа мулки субъектлари қўшган хиссалар жамидан пайдо бўлади. Кооператив (жумладан колхоз) мулки унинг аъзолари берган пайдан ташкил топади. Ҳар хил ширкатлар ва уюшмалар мол-мулки улар аъзолари берган бадал пулдан вужудга келади. Акционер жамият мулки эгаларининг унга қўшган хиссаи улар сотиб олган акция суммасига тенг, у ҳам пайнинг бир тури. Пайчи умумий мулкдаги ўз хиссаининг эгаси бўлиб, уни қайтариб олиши, меросга қолдириши мумкин. Пайчи ўз пайига тегадиган даромадни ўзлаштиришга ҳақли. Пайчилик муносабати социалистик мулкчиликни воқе қилишнинг муҳим воситаси, чунки пайчининг даромад олиши унинг манфаатини юзага чиқаради, унга ҳақиқий мулкдор мақомини беради.

ПАТЕНТ (лат. patens—гувоҳнома, ёрлик) — 1) хусусий тарзда бирор соҳибкорлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат берувчи гувоҳнома. Патентнинг ўзи ёки ундан фойдаланиш (*лицензия*) олди-сотди қилинади.

Соҳибкорлик учун патентларни молия органлари беради. Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан СССРда бундай патентларнинг аҳамияти ортади. Патент билан майда хусусий ишлаб чиқаришга рухсат берилади.

2) Илмий кашфиёт ва ихтирога муаллифликни тасдиқловчи гувоҳнома. Ихтирочининг ўз ихтиросига мутлақ эгаллиги ҳуқуқини беради. Патент олиш учун талабнома ва уни бериш тартиби мамлакатда патент қонунчилиги билан тартибга солинади. Патент давлат томонидан берилади, кашфиёт, ихтирони давлат патенлаштиради. Патент муайян давлат ҳудудидагина амал қилади, унинг амал қилишини белгилашда патентда қонулаштирилган кашфиёт ва ихтиро эскириб, ўз қадриятини йўқотиш даври ҳисобга олинади. Давлатнинг патент хизмати уни бергани учун пошлана (хизмат ҳақи) олади.

ПОЛИС (фр. police, итал. polizza — тилхат) — шахсий ёки мулкий суғурта шартномаси тузилгани ва унинг шартлари ҳақидаги ҳужжат. Полис зарурат туғилганда суғуртачига қарши даъво қўзғатиб зарарни ундириш учун судга тақдим этилади.

ПРИВАТИЗАЦИЯ — давлат мулкни, иқтисодиётдаги давлат секторини хусусийлаштириш. Приватизация давлат мулки монополиясини тугатиш, эркин соҳибкорлик ташаббусига йўл очиш, бозор иқтисодиётини рабатлантириш мақсадида амалга оширилади. Приватизация иқтисодиётни давлатлаштиришдан қайтишнинг бир йўли, у 70—80-йилларда кўнчилик (давлат мулки ривожланган) мамлакатларда ўтказилган. СССРнинг бозор иқтисодиётига ўтиш дастурида ҳам уни амалга ошириш мўлжалланган. Приватизация орқали давлат мулки фуқароларга берилиб, халқ мулкига айланади, ҳар бир киши миллий бойлик.

даги ўз ҳиссасига эга бўлади. Приватизация бу хусусий мулкка эга бўлишгина эмас, шу мулкни ишлатиб иқтисодиётни ўстириш учун ўз зиммасига мажбурият ҳам олишидир. Приватизацияда бутун халқ қатнашади, лекин давлат мулкни сотиб олишда чет эл фуқаролари ва фирмалари ҳам иштирок этади. Приватизация давлат мулкни инвентаризация этгандан, яъни янгидан уни ҳисоб-китоб қилиб, унинг ҳақиқий қиймати миқдорини аниқлашдан бошланади. Уни ўтказиш учун махсус органлар ташкил этилади. Хусусийлаштириш учун ажратилган давлат мол-мулкнинг рўйхати тузилади, давлат мулкни сотиб олиш шарт-шароити аниқланади. Приватизация юз берганда СССРдаги давлат мулкнинг 60—70% бошқа мулкка айлантирилади. Давлат мулкнинг кичик қисми аҳолига бепул берилади, асосий қисми нақд пулга ёки насияга сотилади. Кичик ҳажмдаги, уй-жой нормативларидан оз бўлган квартира шу ерда истикомат қилувчиларга бепул ёки арзимаган пулга берилади, шунингдек фуқаролар кичик ер участкаларини давлатдан бепул оладилар. Майда корхоналар ошқоралиқда халққа амалдаги қийматига биноан сотилади. Давлат корхонаси *акционер жамиятга*, айлантирилиб, унинг акцияси ҳам халққа сотилади. Давлат мулкни фуқароларга сотишдан олдин уларнинг мулкдаги ҳиссаси—пайи аниқланади, шу пайга тенг мулкни сотиб олиши мумкин бўлади. Маъқур пай миқдори фуқаро олган иш ҳақи, ҳар бир кишининг қандай меҳнат қилгани ва шу асосда давлат мулкига қандай ҳисса қўшгани билан аниқланади. Давлат мулкнинг фуқароларга теккан қисмини қандай ишлатиш унинг ўзига боғлиқ бўлади, у ижарага берилиши, кооперативга пай бўлиб кириши, акционер жамиятга ўтказилиши, хусусий ёки оилавий корхонага айлантирилиши мумкин. Приватизация асосида

мулкчилик демократиллашгани, бозор иқтисодиёти учун зарур бўлган турли мулк шакллари, хўжалик турлари пайдо бўлади. СССРда приватизация узок давр талаб қилади, чунки давлат мулкни дарҳол сотиб олишга аҳолининг қурби етмайди ва аҳолида мустақил сохибкорлик тажрибаси йўқ. Приватизация ўз-ўзидан эмас, балки бозор иқтисодиёти учун бошқа шарт-шароитлар ҳозир бўлгандагина иқтисодий ўсишни таъминлайди.

ПРОТЕКЦИОНИЗМ (фр. protectionisme, лат. protectio — ҳимоя) — давлатнинг миллий иқтисодиётни чет эл рақобатидан, ички бозорни чет эл товарларининг кириб келишидан ҳимоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсати. Протекционизм экспортни рабатлантириш, импортни чеклаш ҳамда импорт моллардан бож ҳақларини ошириш ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларда ўз ифодасини топади. Протекционизм саноат тараққиётини ҳимоялашдан ташқари, баъзан қишлоқ хўжалигида (аграр протекционизм) ҳам ўзаро боғлиқ ички ва ташқи сиёсат системаси орқали ҳомийликни амалга оширади. Бунда асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ички бир маромда сақлаб туришда давлат ёрдами, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни давлат томонидан молиялаштириш усуллари қўлланади.

ПУЛ — ҳамма товарлар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент бўлмиш махсус товар, бозор иқтисодиётининг энг асосий воситаси. Пул ўзида бозор иқтисодиёти муносабатларини гавдалантиради ва унинг маҳсулидир. Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан пулнинг аҳамияти ортади. Пул ўз табиатига кўра у ҳил хусусиятга эга; ҳамма нарсага айирбошланадиган муҳим харид воситаси; бойлик тимсоли;

меҳнатни қиймат шаклида ўлчаб берадиган восита.

Пул тарихи жуда қадимий ва минглаб йилларга чўзилган. Бозор иқтисодиётининг кенгайиши билан пул турлари ўрин алмашади. Дастлабки пул қандайдир муҳим товар (қорамол, мўйна, тери ёки бошқа товар) шаклида бўлган, кейинчалик кумуш, олтин, жез пуллар, қоғоз пуллар келиб чиқди. Нихоят 90-йилларга келиб *электрон пуллар* пайдо бўлди.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул 5 вазифани бажаради: қиймат ўлчови—меҳнатни гавдалантирганидан товарлар қиймати миқдори пул орқали ўлчанади. Шу сабабли қийматнинг пул шакли мавжуд; айирбошлаш воситаси—пул ёрдамида товарлар одди сотди қилинади (товарга пул айирбошланса сотиш юз беради), пулга товар айирбошлаш бозор иқтисодиётининг муҳим томони; хазина тўплаш ва жамғариш воситаси—пул ўзида меҳнатни гавдалантиргани учун бойликнинг умумий шаклига айланди, товар айирбошлаш тўхталиши билан пул хазина тўплаш ва жамғариш воситасига айланади (чин маънода хазина тўплаш ишига олтин ва кумуш пуллар хизмат қилган: пул жамғариш учун пул кадрининг сакланиши муҳим аҳамиятга эга); тўлов воситаси—насиёга сотилган товарлар ва хизматлар ҳақи тўланганда, қарз қайтарилганда пул тўлов воситаси ролини бажаради, дунё бозорига чиққанда қийматнинг байналмилал ўлчовига, халқаро харид воситасига ва халқаро тўлов воситасига айланади. Бундай вазифани миллий пул эмас, балки *жаҳон пули* бажаради.

Пул ўз хизмати мазмуни ва миқёсига қараб турли тоналик бўлади: а) хазина билетлари—бу пул оддий муомалада ишлатилади; б) банкнот-кредит пуллари—бундай пул қарз олиш ва бериш жараёнларига қўлланади.

Пул вазифаларидан фойдаланиш йўли билан бозор иқтисо-

диёти тартибга солинади, *пул муомаласини* бошқариш орқали мазкур иқтисодиётнинг соғломлиги таъминланади.

ПУЛ (pool)—капиталистлар ўртасидаги битим шаклидан бири; одатда, вақтинчалик характердаги монополистик бирлашма шакли. Савдо, биржа, патент ва б. пуллар бўлади. Уларда умумий харажатлар ва фойданинг (дастлаб умумий фондга тушадиган, сўнг аввалдан белгиланган нисбат бўйича тақсимланадиган) тақсимот қондаси жорий қилинади.

ПУЛ БОЗОРИ—асосан қисқа муддатли (бир йилгача) кредитлар бозори, ссуда капитали бозорининг бир қисми. Тижорат банклари, давлатлар, фирмалар, хусусий шахсларнинг қисқа муддатли пул маблағлари харақатига хизмат кўрсатади. Вақтинча етишмаётган айланма воситаларни тўлдириш имкониятини беради. Кейинги йилларда банкдан ташқари молия воситачилари (масалан АҚШдаги пул бозори ҳамкорлик фондлари) ҳам иштирок этади. Пул бозорида юқори *ликвидликка* эга бўлган қимматбаҳо қоғозлар—хазина векселлари, айланма депозит дафтларчалари, банк акцентлари, муниципал векселлари, тижорат векселлари ва б. қатнашади. Пул бозори иқтисодиётни бошқарувиинг муҳим объектларидан бири. Пул бозори давлат харажатларини кредитлаш ва бюджет тақчиллигини қоплашнинг манбаи сифатида катта аҳамиятга эга. Халқаро кредит муомаласининг ривожланиши билан жаҳон пул бозори пайдо бўлди (энг йириклари Америка пул бозори, Европа пул бозори ва б.).

ПУЛ МАССАСИ—муомалага чиқарилган металл тангалар ва қоғоз пуллар (хазина ва банк билетлари)нинг жами миқдори. Хўжалик муомаласидаги пул воситаларининг умумий ҳажмига нақд пуллардан ташқари банк-

ларнинг жорий ҳисобидаги пул воситалари ҳам киради.

ПУЛ МУОМАЛАСИ — пулнинг хўжалик фаолиятидаги ҳаракати, товар-пул муносабатларининг ажралмас бир қисми. Товар муомаласи пул муомаласини белгилаб беради. Нақд пулларнинг ҳамда нақд бўлмаган пулларнинг ўз вазибаларини бажаришдаги ҳаракати пул муомаласини келтириб чиқаради. Пул муомаласи умумиктисодий ҳодисалар гуруҳига киради, яъни у товар хўжалигининг объектив иқтисодий воқелиги бўлиб, товар-пул муносабатлари мавжуд бўлган ҳамма ижтимоий-иқтисодий формацияларда амал қилади. Пул ҳаракати банкдан бошланади. Пул муомаласи нақд пул ва нақд бўлмаган муомалага бўлинади. **Н а қ д п у л** банкдан чиққач қорхона, ташкилотлар кассасига ва аҳоли қўлига ўтади. Олди-сотди ва тўлов ҳаракатлари бажарилгач, яна банкка қайтади. **Н а қ д б ў л м а** — **г а н п у л** муомаласига фирма, қорхона, ташкилотларнинг банкдаги ҳисобида турган пул ҳаракати киради ва бундай муомала *чек*, *кредит* ва *карточкаси*, *вексель*, *облигация*, *сертификат* ва бошқа воситалар ҳаракати шаклида олиб борилади. Нақд бўлмаган пул ҳаракати, айниқса, ЭҚМ пайдо бўлиб ҳисоб-китоб, тўлов муомалалари автоматлаштирилгач, алоҳида аҳамият касб этди. Ундан аҳолининг пулдор қатлами ҳам фойдаланади. Пули кам кишилар эса қўлидаги нақд пул билан муомала қилаверади. Пулнинг ҳар бир тури ўзига хос ҳаракат усулига эга: *электрон пул* тез айланади туради. Пулнинг айланади туриши қанча тез содир бўлса, иқтисодиёт шу қадар соғлом ривожланган бўлади. Пул муомаласида узилиш юз берса, яъни у ўз ҳаракатидаги бирор босқичда, масалан, аҳоли қўлида узоқ туриб қолса, хўжалик алоқаларига путур етади. Пул

муомаласининг ўз харажатлари бор. Улар пул эмиссияси сарфи, эски пулларни ташини, жойлаштириш, тарқатиш ва қабул қилиш сарфларидан иборат. Пул муомаласи сарф-харажатларининг хусусияти шуки, уни давлат тимсолида бутун жамият кўтаради. Пул муомаласи тезлиги харажатларга жиддий таъсир этади. Тезлик ошса *эмиссия* сарфи камайди, лекин бошқа сарфлар ошади. Пул муомаласининг бир маромда боришидан жамият манфаатдор бўлади.

ПУЛ МУОМАЛАСИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ — пул муомаласи қонуни бузилмаган ҳолда пул оборотининг меъёردа бориши; пул ҳаракатининг узлуксиз бўлиши. Бундай барқарорлик бозор иқтисодиёти ҳолатининг умумий ифодаси ҳисобланади. Бозор иқтисодиётида маҳсулот товар шаклида бўлади ва пул воситасида айирбошланади. Шу сабабдан пул муомаласининг бориши умумиктисодий ривожланишни, тақрор ишлаб чиқаришни акс эттиради. Пул муомаласининг барқарорлиги ишлаб чиқаришнинг муттасил тақрорланиб туришини, иқтисодий ўсишнинг бир меъёردа боришини билдиради. Муомаланинг барқарорлигини таъминлаш учун энг аввало бозорга етарли миқдорда ва сифатли товарлар чиқарилиши керак, нархлар пул миқдорига қараб ўзгариб туриши шарт. Товарлар тақчиллиги бўлган шароитларда нархни ўзгартириб, пул муомаласи барқарорлигига эришиб бўлмайди, чунки қиммат бўлса-да, пулни моддий жиҳатдан таъминловчи товарлар етишмайди. Бу ерда товарни қўплаб чиқариш ва *ортиқча пулларни қантариш* жуда зарур бўлади. СССРда пул муомаласининг барқарорлигига эришиш бозор иқтисодиётига ўтиш шarti бўлиб, иқтисодий танглиқдан чиқишни билдиради. Айни вақтда пул барқарорлиги бозор муносабатларисиз амалга

ошмайди. Бозор ўзини-ўзи тартибга солиб, пул билан товар массасини бир-бирига боғлайди. Пул товарларга монанд равишда қўнайиб, унинг ҳаракати барқарор боради, ушланиб қолмайди.

ПУЛ РЕНТАСИ — ижарачининг ер участкасидан фойдаланганлиги учун унинг эгасига қиймат (пул) шаклида тўланадиган рента; бозор иқтисодиётига хос рента ҳисобланади. Пул рентаси товар айирбўшлаш қиймат шакли майдонга чиқиши билан вужудга келган. Бунгача ер рентасининг бир қанча шакллари: ишлаб бериш рентаси — баршчина (деҳқоннинг помешчик ер участкасида маълум қуиларда деҳқончилик юмушларини бажариши); маҳсулот рентаси — натура-«оброк» шакли (деҳқоннинг ўзи етиштирган маҳсулотининг бир қисmini ердан фойдаланганлик учун ер эгасига рента сифатида бериши) мавжуд бўлган; пул рентасида ижарачи етиштирган маҳсулотини товар сифатида бозорда сотгандан кейин даромаднинг бир қисmini ер эгасига тўлов сифатида беради. Бозор иқтисодиёти шароитларида рента албатта пул шаклида бўлади. СССРда ҳам рента шундай характерга эга, уни ер эгаси — давлат олади. Қолхозлар, совхозлар, ундирма, ўрмон саноати корхоналари, томорқа соҳиблари, яқка деҳқон-фермерлар рентаини тўловчилар ҳисобланади. Пул рентаси солиқлар, ижара ҳақи шаклида ундирилади.

ПУЛ ҚАДРИ — пулнинг товар ва хизматларни харид этиш, чет эл валюталарига алмаш олиш қобилияти. Пул қадри мамлакат ичида ва чет элда товарлар ва хизматлар билан таъминланади, у мамлакатнинг ўз қарзини тўлашга қодирлиги ва мамлакатнинг олтин ва бошқа қимматбаҳо буюмлари захирасига ҳам боғлиқ. Олтин ва қимматбаҳо буюмлар пул қадрини бевосита эмас, балки билвосита таъминлайди, яъни

уларни четга сотиш ва шу асосда четдан товарлар келтириш билан мамлакат ичида пул қадри мустаҳкамланади. Пул қанчалик қадри, қувватга эга бўлса, у шу қадар бошқа валютага эркин алмаштирилади, унинг валюта курси шу қадар юқори бўлади. Пул қадри мамлакат иқтисодий аҳволининг умумлашган кўрсаткичидир.

ПУЛ ҚЎЙИЛМАЛАРИ — аҳоли, корхоналар ва ташкилотларнинг кредит муассасалари (банклар)да сақлаш учун жойлаштирилган пул воситалари ва қимматбаҳо қоғозлари (акциялар, облигациялар). Аксарият мамлакатларда бу воситалар депозитлар деб аталади. 80-йилларнинг бошларида ҳар бир америкаликнинг 7 доллар даромадидан 1 доллари қўйилмалар бўйича процентларга тўғри келди. Қўйилмалар миқдори бўйича Ўзбекистон иттифоқдаги энг охириги ўриллардан бирида (сўнги статистик кўрсаткичларга асосан) туради. 1988 йилда жумҳуриятимизда 1,8 миң СССР Жамгарма банки муассасалари бўлиб, аҳолининг барча қўйилмалари сони 4,6 млн. га етди. Барча қўйилмалар суммаси миқдори 6,2 млрд. сўми ташкил этиб, ўртача қўйилма миқдори 1331 сўмга тенг бўлди. Мамлакат бўйича аҳоли қўйилмалари ўртача миқдори 1514 сўми (РСФСРда—1519, Украинада—1517, Грузияда—2041, Литвада—2352, Латвияда—1705, Арманистонда—2014, Туркменистонда—1592, Эстонияда—1933 сўми) ташкил қилди. Аҳолининг Жамгарма банкига қўйилмалари процент ҳақини давлат белгилайди. Аҳоли қўйилмалари бўйича процент миқдори қўйилмалар характерига қараб йиллик маблагининг 2—9%ини ташкил этади.

ПУЛНИНГ ҚАДРСИЗЛАНИШИ — пул харид қобилияти ва валюта қуренининг пасайиб кетиши. Пулнинг қадрсизланиши қозғоқ пуллар чиқарилишидан бош-

ланган, чунки бу пуллар қийматнинг фақат қоғоз белгиси бўлиб, улар беқарор бўлади. Пул қадрсизланганда муомаладаги пул кўпайиб, унга нисбатан товар ва хизматлар камайиб кетади, пул бирлигининг харид кучи, унга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори камаяди. Бу ўз навбатида, пулнинг валюта курсини пасайтиради, чунки шу пул бирлигига нисбатан бошқа валюта бирлигига кўпроқ товар сотиб олиш мумкин бўлади. Ўз харажатларини қоплаш учун давлат пул эмиссиясини кучайтириб, муомалага қўшимча пул ташлайди, ишлаб чиқариш эса уни моддий жиҳатдан таъминлай олмайди. Пул кўпайиб, унга нисбатан товарлар камаяди ва пулнинг қадрсизланиши юз беради. Пулнинг қадрсизланиши ҳамма мамлакатларда бўлиб туради, лекин қадрсизланиш даражаси ҳар хил, чунки у иқтисодиётга боғлиқ. СССР сўмининг қадрсизланиши 1965 йилдан бошлаб сезила бошлади, 80-йиллар охирига келиб бу ҳолат ғоят кучайди. Сўмининг қадри 1990 йилда 1961 йилга нисбатан 5 марта пасайди, қимматчилик бошланиб нархлар ўсди. Пул қадрини барқарорлаштириш СССР учун катта муаммага айланади. Бунинг учун эмиссияни кескин қисқартириш, товар ишлаб чиқаришни жадал кўнайитириш, *ортиқча пуллари қанғариш* зарур бўлади.

Р

РАҚОБАТ, конкуренция— мустақил товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасида товарларни қулай шариотда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда, катта ҳажмда сотиш; умуман бозор иқтисодиётида ўз мавқени мустаҳкам-

лаш учун кураш. Рақобат дебел товар ишлаб чиқарувчиларнинг мустақил бўлиши ва ўз манфаати учун кураш-интилишидан иборат. Рақобат бозор иқтисодиётини харакатлантирувчи кучдир, чунки рақобатда ғолиб келиш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, товар сифатини ошириш, товар сотилишини харидор учун қулайлаштириш зарур, акс ҳолда товарларни пуллаб, катта фойда кўриб бўлмайди. *Монополия* рақобатга зид, чунки у товар ишлаб чиқарувчига танҳо ҳукмронликни таъминлаб, ўзаро беллашув учун шариот қолдирмайди. Рақобат *демополизация*ни талаб қилади, ўзаро беллаша оладиган кўпгина корхоналар бўлишини тақозо этади. Рақобатнинг асосий соҳаси — *бозор*, бозорда турли корхоналар товарлари рақобатга киришади. Рақобат фақат товарларни сотувчилар эмас, балки харидорлар ўртасида ҳам юз беради. Корхоналар керакли восита, хом ашё, материаллар сотиб олиш, иш кучини ёллаш учун ҳам курашадилар.

Ўз миқёсига қараб рақобат икки турга бўлинади: бир тармоқдаги, яъни бир хил товарлар чиқарувчи корхоналар кураши; турли тармоқдаги корхоналар кураши. Рақобатнинг, асосан, икки хил: нарх ёрдамида — уни ўзгартириб рақобатлашув; нархни ўзгартирмай рақобатлашув усуллари бор.

Рақобат кураш йўлини ташлан жиҳатдан ҳам ҳалол ва фирром рақобатга бўлинади. Ҳалол рақобат бозордаги курашда қабул қилинган, ҳаммага мақбул усуллар билан, бозор ахлоқи нормаларига асосланади. Фирром рақобатда тақиқланган ва қораланган усуллар, яъни рақобатда қаллоблик, кўзбўямачилик, сўзида турмаслик, алдаш, иқтисодий жосуелик, кўпоровчилик ва хатто жисмоний аъроулик каби жинояткорона усуллар қўлланади. Бозор иқтисодиёти фақат ҳалол рақобатни тан олади. Ра-

қобат иқтисодийetni соғломлаштириб туради.

СССРда давлат монополиясининг ўрнатилиши, рақобат мусобақасининг йўқлиги иқтисодийetni тангликка олиб келди. Рақобатни тиклаш мақсадида мамлакатимизда 1990 йилдан ҳар хил мулкчиликка ва хўжалик фаолияти шаклларига рухсат этилди. Айниқса халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган турдош корхоналар кўпайтирилади, хориж товарларини келтириб, миллий товарларни рақобатга чиқарадиган шароит яратилади.

РЕГИОНАЛ БОЗОР — маълум ҳудуд доирасида товарларни олди-сотди этиш муносабатлари. Регионал бозор бир мамлакат доирасидаги регионлар ўртасида ёки бир неча чегарадош давлатлар ўртасида меҳнат тақсимотининг, бинобарин, ишлаб чиқариш ихтисослашувининг натижасидир. Ихтисослашган мамлакат ёки ҳудудлар товар айирбошлаб, бир-бирининг иқтисодийетини тўлдирди, уларнинг ўзаро қарамлиги кучаяди. СССРда регионал бозор жумҳуриятларининг биргаликдаги бозорини билдирадигани, бу бозор СССР миллий бозорининг ажралмас қисми. Масалан, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозғистоннинг регионал бозори. Бу бозор регионда жойлашган корхоналарнинг мустакил тарзда ва давлат органлари орқали бирига товарлар етказиб беришини тақозо этади. Регионал бозор бир неча, лекин кўпчилик бўлмаган давлатлар ўртасидаги бозорни ҳам билдиради. Масалан, Ғарбий Африка, Шимолий Африка, Марказий Америка мамлакатларининг регионал бозори. Регионал бозор миллий бозордан жаҳон бозорига ўтишдаги бир босқич. У хўжаликнинг аввал регионал доирада ўзаро бирлашинини, кейинчалик у тобора байналмилаллашиб яхлит хўжаликка айланишини билдиради. Регионал бозорлар жаҳон бозоридан муайян да

ражада иқтисодий ва маъмурий тўсиқлар билан мухофазаланлади.

РЕЗЕРВ ВАЛЮТА — халқаро ҳисоб-китоб ишларида, жумладан, савдо-сотик, кредит ва инвестиция ишларида қўлланадиган, жаҳон бозорида тан олинган, лекин келиб чиқиши миллий бўлган валюта. Масалан, доллар АҚШ миллий валютаси, лекин у айни вақтда халқаро валюта ўрнида ҳам ишлатилади. Доллардан ташқари марка, йена, Швейцария франки ҳам резерв валюта ҳисобланади. Резерв деб тан олинган миллий валютанинг кадр-қиймати, бошқа валютадаги курси барқарор бўлиш керак.

РЕКЛАМА (фр. *reclame*) — товар ёки кўрсатиладиган хизмат тўғрисидаги холис ахборот; талабни кўпайтириш мақсадларида харидорларга товарларнинг хоссалари, афзалликларини ва сотиб олиш шартларини етказиш ва ошқор этиш. Рекламани махсус фирмалар ҳақ олиб ташкил этади ёки товар сотувчи фирма уюштиради. Реклама матбуот, радио, телевидение орқали олиб борилади, махсус реклама фильмлари намойиш этилади. Реклама қилиш мақсадида плакатлар, буклетлар, товар каталоглари кўркам қилиб чиқарилади ва тарқатилади. Реклама ўтказишда сайловолди йиғилишлари ва катта томошалардан фойдаланилади. Реклама воситалари одамлар гавжум жойда кенг қўлланади. Ташқи савдо рекламаси кўрғазмалар ўтказиш, ярмаркаларда иштирок этиш, товарларни намойишкорона сотиш, махсус реклама фильмларини чиқариш орқали боради. Реклама ҳақи ахборот ташкилотлари учун гоят яхши даромад манбаидир. Товарларнинг сотилиши ва фирма мавқеанинг мустаҳкамланиши реклама харажатларининг ортиб боришига боғлиқ. Бозор иқтисодийети шароитида реклама хизматларининг аҳамияти кучайиб, реклама харажатларининг

муомала харажатидаги хиссаси ортиб боради.

РЕКЛАМАЦИЯ (лат. *reclamatio* — қатъий норозилик) — товар сотиб олувчининг товар етказиб берувчига (ёки аксинча) тегишли мажбуриятларни бажармаганлиги тўғрисида ёзма равишда билдириладиган эътирози. Рекламация турли сабабларга кўра: маҳсулот сифати, миқдори ва бутлиги, давлат стандарти, техника шартлари, намунаси келишилган шартларга мос келмаганда, товарлар вақтида етказиб берилмаганда, тўлов қондаси бузилганда ва бошқа ҳолларда берилди. Тузиладиган савдо битимларида рекламация баёни ва уни кўриб чиқиш тартиби бирма-бир айтиб ўтилади. Шарқий Европа давлатларининг бир-бирига товар етказиб беришнинг умумий шартларида товар сифати ҳақида эътирозна бериш муддати тошпирилган санадан бошлаб 6 ой давомнда, товар миқдори ҳақидаги эътирозна эса 3 ой давомнда бўлиши регламентлаштирилган (тез бузиладиган товарлар — янги сабзавот ва меваларга муддат кескаррок). Эътирознада товар номи, миқдори, шартнома номери, транспорт, рекламация сабаблари (товар камомади, сифатсизлиги, нобутлиги ва х. к.), арзиномачи талаблари (вақтида етказиб берилиши, нуқсонларнинг бартараф этилиши, нархини тушириш, ортинча тўланган суммани қайтариш, жарима тўлаш, зарарни қоплаш) кўрсатилиши керак. Товар сифати ёки миқдори бўйича эътирознамани сотувчи кўриб чиқиши ва сотиб олувчига кечиктирмасдан 60 кун давомнда, комплектли завод ва курилмалар бўйича рекламация олишган санадан бошлаб 90 кун давомнда жавоб бериши шарт.

Шартнома тузган томонлар рекламацияни дўстона ҳал этишга ҳаракат қиладилар, агар бунинг иложи бўлмаса, жабрланган томон ҳал қилишни сўраб жавоб

гар мамлакат ҳакамлиги (арбитражи)га, баъзи капиталистик мамлакатлар битим шартларига кўра бетараф мамлакатлар (масалан, Швеция — Стокгольм) ҳакамлигига арз қиладилар. Кўп ҳолларда даъвогар сотиб олувчи, жавобгар — сотувчи бўлади. Шунинг учун совет ташкилотларининг ташки савдодаги шерикларига даъвоси чет эл ҳакамликларида кўриб чиқилади. Айрим ҳолларда шартномачи томонлар ташувчи — киракашлар (совет ёки чет эл транспорт корхоналари, кема эгалари, портлар, темир йўл, автотранспорт ташкилотлари ва х. к.)га ҳамда суғўртачи (СССРда «Ингосстрах» суғурта жамияти)га эътирознама билдиридилар.

РЕНТА ДАРОМАДЛАРИ — ер эгаларининг қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланишга бериш натижасида оладиган даромадлари. Рента даромадлари ерни ишлатиш жараёнида яратилган қўшимча маҳсулотларнинг бир қисми бўлиб, у пул тарзида ва қуйидаги шаклларда ер эгалари томонидан ўзлаштирилади: абсолют рента; дифференциал рента I; дифференциал рента II. Булардан ташқари, ерларни ишлатиш учун уйдирувчи саноат корхоналарига (турли қазилма бойликлар захирасига эга бўлган ерларни), тураржой бинолари, саноат ва бошқа корхоналар қуриш мақсадида берилганда ердан фойдаланувчилар фойдадан тўлов бериши натижасида ҳам рента даромадлари ташкил топади. Ижарачиларнинг фойдали қазилмалар ишлаб чиқаришдан, ижарага олинган ер участкаларида қурилган тураржой биноларидан, саноат корхоналаридан оладиган даромадларнинг бир қисми ер участкаларидан олинадиган рента даромадлари маънаб хисобланади. Рента даромадларининг миқдори ер участкаларининг унумдорлик даражасига, фойдали қазилмалар олишнинг қулайлигига, фойдали

қазилмалар захираларининг ҳажмига, сифатига ва шу каби бошқа омилларга боғлиқдир (яна қ. *Ер рентаси*, *Пул рентаси*).

РЕНТАБЕЛЛИК (нем. *rentabel* — фойдали, даромадли) — тармоқ ёки корхоналарнинг фойда олиб ишлаши; фойда олиш даражасини кўрсатади. Процент ҳисобида ифодаланadi. Рентабеллик маълум давр (ой, квартал, йил)да қўлга киритилган фойда миқдорининг шу вақтда фойдаланилган йиллик асосий ишлаб чиқариш фондлари ва оборот воқиталари қиймати йиғиндисига ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш харажатлари — таънархга нисбати сифатида ҳисобланади. Амалиётда халқ хўжалигининг турли тармоқларида умумий, ҳисобкитоб, маҳсулот рентабеллиги кўрсаткичлари қўлланиб, тармоқларнинг хусусиятлари ҳисобга олинади. Рентабеллик амалда фойдалиликни бидириб, корхона ва тармоқлар фаолиятининг асосий мезонларидан биридир. Бозор механизми норентабель корхоналарнинг ёпилишига ёки ижара хўжаликларга айланишига олиб келади.

РЕПРИВАТИЗАЦИЯ — давлат мулкни, давлатлаштирилган хўжаликни қайтадан хусусийлаштириш. Давлат корхоналари денационализациялаштирилиб, хусусий соҳибкорлар, акционер жамиятлар ихтиёрига берилади. Бу билан давлатлаштирилган ишлаб чиқаришдан хусусийлашган ва соғлом рақобатга таянган иқтисодиётга ўтилади. Иқтисодиётни давлатлаштириш ўз даврида объектив зарурат бўлса, ишлаб чиқарувчи кучлар ўсиши билан у иқтисодий тараққиётга халал беради, натижада реприватизация заруратга айланади. Реприватизация ҳозирги жаҳон иқтисодиётига хос ҳодиса, иқтисодиётни демократиялаштириб, иқтисодий ўсишга йўл очиб бериши билан ҳозирги даврдаги бозор иқтисодиёти талабларига мос тушади ва халқаро характерга эга.

C

САВДО АГЕНТИ — бир ёки бир қанча корхоналар товарларини шартнома асосида сотадиган вакил; ишлаб чиқариш мураккаб бўлмаган товарларни юқори рақобатли бозорлар (масалан, тўқимачилик)да сотишда кўп нарса сотувчининг удабуронлигига боғлиқ бўлади, шунинг учун бундай бозорларда савдо агенти фаолият кўрсатади. Савдо агенти саноат агентига нисбатан мустақилроқ мавқега эга, у товар сотиш шартларини ва бозорни пухта ўрганadi, нархларни ўзи белгилайди, савдо агенти рақобатчиларнинг маҳсулотлари билан савдо қилиши мумкин, айрим савдо агент (фирма)лари ишлаб чиқарувчиларга қарз ҳам беради.

САВДО КАПИТАЛИ — товар муомаласи соҳасида амал қилувчи *капитал* саноат капиталининг алоҳидаги шган қисми. Тарихан савдо капитали саноат капиталидан анча иттири вужудга келган ва ҳатто унинг туғилишига кўмаклашган.

Капитализмгача формацияларда савдо капитали савдогарлик капитали шаклида ҳаракат қилган. К. Маркс капиталининг бу шаклини сўх ўрлик капитали билан бир қаторда «капиталининг алмисоқдан қолган шакли» деб характерлаган эди. Савдо капитали товар-пул муносабатларини ривожлантириш орқали капитализмдан илгариги ижтимоий формацияларга путур етказадиган равишда таъсир ўтказган. Капиталистик ишлаб чиқариш яши товар ишлаб чиқариш бўлгани сабабли, нисбатан кенг бозорларни тақозо этади, савдо капиталининг кўмаги билан шундай бозорлар вужудга келтирилади. Савдо капитали қуйидаги вазифаларни бажаради: айирбошлашни кенгайтириб, бошқа соҳаларнинг бир соҳа маҳсулотларига бўлган та-

лабини қондиради; сотишни, товарларнинг утишини кўнайтириш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва рағбатлантиради. Савдо капитали турли формацияларда ва ҳаттоки ҳозирги замон капитализмида ҳам товарларнинг «мудраб ётган негизини» ривожлантиради, аммо асло товарни ҳосил қилмайди.

Савдо капитали саноат капиталига нисбатан иккиламчидир, chunkи биринчидан, ишлаб чиқариш муомаладан устуи, шундай бўлсада, улар расман тенг ҳуқуқли ҳисобланади, бу тенглик, шунингдек, савдо фойдаси билан саноат фойдасининг тенглигида ифодаланади. Савдо капитали индивидуал капиталнинг эмас, балки ижтимоий капиталнинг алоҳидалашган товар шаклидир. Савдо капитали айни бир вақтда бир неча капиталнинг айланишини амалга ошириб, муомала харажатларини ҳам, муомала учун зарур бўлган капитални ҳам, муомала вақтини ҳам камайтиради. Савдо капитали муомаладаги капитал қийматини ҳам, қўшимча қийматини ҳам ҳосил қилмайди, лекин муомала капиталини ва муомала вақтини қисқартиришга кўмаклашади, шу вақт ичида қўшимча қиймат ҳосил қилинади. Савдо капитали одди-сотдига ихтисослашганлиги туфайли бозорни билибгина қолмай, уни кенгайтиришга ҳам кўмаклашади.

Ҳозирги замон капитализми шароитида савдо капитали фаолиятида муайян ўзгаришлар содир бўлмоқда. Савдо капиталининг харажатлари таркибида қўшимча харажатларнинг улуши тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳол ишлаб чиқаришининг савдо соҳасида давом этаётган жараёнлари — товарларни кадоқлаш, ўраш, сақлаш ва ташиш сингари ишларга қилинадиган харажатларнинг кўпайишида, реклама йўналишидаги сарфларнинг кўпайишида кўринади. Бундан ташқари, саноат капиталининг юқори даражадаги тўпланиши туфайли саноат ўзи ишлаб чиқарган

махсулотларини бевосита истеъмолчиларга етказиб бериш тенденцияси кучаймоқда, яъни йирик саноат савдо капиталининг хизматидан воз кечмоқда, СССР бозор иқтисодиётига ўтганда *приватизация*лаш юз бериб, савдога қўйилган маблағ қисман хусусийлашади ва шу асосда савдо капиталининг қайтадан пайдо бўлиши эҳтимоли бор.

САВДО КВОТАСИ — ташқи савдода иштирок этишнинг миқдорий чегараси. Савдо квотаси экспорт ёки импорт этиладиган товарларнинг миқдори, структураси, уларни сотиш ёки сотиб олишнинг пул билан ҳисобланган миқдорини билдиради. Савдо квотаси ташқи савдо битимига қўшилган мамлакатлар, корхоналар ёки ташкилотларнинг биргаликдаги келишуви, қарорига биноан белгиланади ёки бир томонлама ўрнатилади. Бир томонлама жорий этилганда экспорт, импортига ўз ихтиёри билан қисқатириш ёки норозилик билдириш учун қўлланади. Савдо квотасига биноан экспорт, импорт *лицензия*лари, берилади.

САВДО УЙИ — савдо корхонасининг махсус тури: ихтисосланган ёки сертармок бўлади. Ихтисосланган савдо уйи айрим товарлар билан, масалан, уст кийим, оёқ кийим, газлама ва х. к. билан, универсал савдо уйи ҳар хил товарлар билан савдо қилади. Савдо уйи тарихан савдо капитали маҳсули, шу сабабдан у айрим савдогарлар онлаларига қарашли бўлган.

СССРда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида савдо уйи икки усулда ташкил топади: давлат универсал магазинлари акционер савдо уйига айлантирилади, масалан, савдо уйининг ташкилотчиси савдо, молия, ташқи савдо вазирликларидан ва чет элдаги савдо фирмаларидан иборат бўлади; давлат савдо корхоналари фуқароларга ёки уларнинг уюшмасига сотилади. Шу йўл орқали аввалгидек онлавий савдо

уни тикланади, савдодаги хусусий тижорат ишига йўл берилади. Хусусий савдо уни пайдо бўлиши иқтисодиётдаги кўп укладликка олиб боради, чунки ишлаб чиқаришда бўлгани сингари савдода ҳам турли мулк шакллари қарор топади. Кўп тармоқли ташки савдо фирмаси ҳам савдо уни деб юритилади. Улар ўз номидан ёки аксарият ўз ҳисобидан *экспорт-импорт*, товар айирбошлаш ва б. ташки савдо алоқаларини олиб боради. Ташки савдо уйлари савдо корхоналарини сотиб олиш, жиҳоз-ускуналарни ижарага топириш, кредитлар бериш, ички улгуржи ва чакана савдо бўйича ҳаракатларни амалга ошириш, суғурта, сервис-таъмир ишлари, маҳсулотларни жойлаш, маслаҳатлар ва б. хизматлар кўрсатиш билан молия ва ишлаб чиқариш фаолиятида ҳам қатнашади.

САВДО ФОЙДАСИ — товарларни истеъмолчига етказишда сотиб олиш баҳоси билан сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ ҳисобига олинган фойда. Токапиталистик товар-пул муносабатлари шароитида савдо фойдаси нотенг айирбошлаш асосида олинган. Капиталистик жамиятда савдо фойдаси *қўшимча қиймат*нинг ўзгарган шакли бўлиб майдонга чиқади. Капитализмда ишлаб чиқаришда ёлланма ишчилар механизми билан яратилган қўшимча қийматнинг бир қисми савдо фойдасининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Савдо фойдасининг шаклланиши ўртача фойда қонуни ҳаракати билан бошқарилади. Ҳозирги замон капитализмида ҳалигача савдо фойдасини тенг бўлмаган айирбошлаш ҳисобига кўпайтириш ҳоллари сақланиб қолмоқда. Савдо фойдаси: савдо соҳасидаги ишчи ва хизматчилар билан савдо капиталистлари; моддий соҳада ишчи ва хизматчилар билан савдо капиталистлари; оддий (майда) товар ишлаб чиқарувчилар билан сав-

до капиталистлари; истеъмолчилар билан савдо компаниялари ўртасидаги капиталистик эксплуатация муносабатларини ифодалайдиган иқтисодий тушунчадир. Социализм шароитида, айниқса бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида савдо фойдасининг иқтисодий табиати ва мазмуни, ташкил топиш механизми сифат жиҳатдан ўзгаради. Социализмда савдо фойдаси қўшимча маҳсулотнинг бир қисми бўлиб, унинг ташкил топиши социалистик давлат томонидан режали ва мутаносиблик асосида амалга оширилади ҳамда у баҳонинг қийматдан оғиши билан боғлиқдир. Савдо фойдасининг ҳажми савдонинг қандай ҳолатда ташкил этилганлигига, муомала ҳаракатларининг миқдори ва пасайишига ҳамда товарларни истеъмолчиларга етказиб бериш муддатига боғлиқ. Биринчи галда савдо фойдаси ишлаб чиқаришнинг натижаси бўлган маҳсулот сифатига боғлиқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида савдо фойдасининг ўсишига савдо билан саноат корхоналари, индивидуал меҳнат фаолияти билан шугулланувчилар, кооператив корхоналар ўртасидаги шартномавий алоқалар таъсир ўтказиши. Савдо фойдасининг ўсиши, шунингдек, савдо ишнинг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам боғлиқ.

САЛЬДО (итал. saldo — ҳисоб, қолдик) — муайян вақт оралиғидаги пул тушумлари ва ҳаракатлар ўртасидаги фарқ. Бухгалтерия ҳисобида дебет ва кредит томонларининг жамловчи суммалари ўртасидаги фарқ, шунингдек, балансининг актив ва пасив томонлари суммалари ўртасидаги фарқ сифатида кўринади. Бухгалтерия ҳисобида қўлланилган барча ҳисоб варақалари бўйича сальдо ҳар ойнинг биринчи санаида аниқланади. Тайёр маҳсулотни чиқариш ва юклаш бўйича ҳаракатларда сальдо ҳисоби си-

фатида завод омборидаги тайёр маҳсулотнинг қолдиғи, халқаро ҳисоб-китобларда экспорт ва импорт миқдори ўртасидаги фарқ қабул қилинган (агар экспорт миқдори импорт миқдоридан устун бўлса актив, акси эса пассив сальдо ҳисобланади).

САНИРАЛАШ — корхона, бирлашма, компания, фирма, банк ва бошқа ташкилотларни *банкротликдан* қутқариш мақсадида уларни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш. Саниралаш бир қатор чора-тадбирлардан иборат бўлади: қўшимча маблағларни жалб этиш учун янгидан акция ва облигациялар чиқариб, уларни сотиш; молиявий ночор бўлган корхона, фирма, ташкилотга бериладиган банк кредитлари (қаралари) ва давлатнинг субвенцияларини кўпайтириш; корхона чиқарган облигациялар учун тўланадиган процент миқдорини қисқартириш ва облигация пулини тўлаш муддатини чўзиш; қисқа муддатда тўлаш шарти билан олинган қарзни кечиктириш, яъни уни узоқ муддатда қайтариладигай қарзга айлантириш; пули йўқ корxonани тугатиб, унинг қўлидаги моддий фондлар — машина, ускуна, иншоотлар ва бошқаларга таяниб, янги корхона очиш; банкрот бўлган ёки унинг арафасида турган корхоналарни молиявий жиҳатдан бақувват корхоналарга бирлаштириш, уларни ўз ҳомийлигига ўтказиш. Саниралаш бозор иқтисодиёти учун табиий нарса, чунки бозор қонуниятларига кўра бир корxonанинг гуллаб-яшнаб кетиши, бошқасининг танг аҳволга тушиши юз беради. Саниралаш орқали ҳам давлат бозор иқтисодиётига таъсир этади.

СЕРТИФИКАТ (фр. *certificat* — тасдиқлайман, гувоҳлик бераман) — давлат заёми облигациясининг маҳсус тури, қарзга пул берганлик ҳақидаги гувоҳно-

ма. Сертификат кредит ташкилоти, масалан, банк томонидан чиқарилади. СССР Жамғарма банки 1988 йилдан бошлаб чиқарган. Сертификат банкка қарз берганликни тасдиқловчи гувоҳнома бўлиб, бу билан омонат эгаси ўз пулини банкда узоқ вақт сақлайди ва одатдавидан кўпроқ пул ҳақи — процент олади. Сертификат орқали пул банкка жалб этилганда кредит ресурси кўпаяди, аҳолидаги ортқича пул товар бозорига чиқмай туради, бу чора ҳам *инфляцияга* қарши кураш тадбирларидан бири. Шунингдек ташки иқтисодий алоқаларда товар сифати гувоҳномаси, сугурта қилинган мулкка етган зарар тафсилоти, ҳажми ва сабабларини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳам сертификат деб аталади.

СИНДИКАТ (лат. *syndicatus* — қараб чиқаман, текшираман) — монополистик бирлашманинг *картелга* нисбатан юқорироқ шакли. Унда тармоқ корxonалари юридик ва ишлаб чиқариш мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда буюртмаларни тақсимлаш, хом ашё сотиб олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун ўзларининг тижорат фаолиятларини бирлаштириб, ягона идора тузadилар. Синдикат Франция ва Россияда кенг тарқалган эди. СССРда синдикат 1922-30-йилларда маҳсулотни улгуржи сотиш, хом ашё хариди, савдо ишларини режалаштириш бўйича саноат трестлари гуруҳини бирлаштирган, хўжаликни ташкил этиш тиши бўлган.

СОЛИҚ ДЕКЛАРАЦИЯСИ — солиқ тўловчи (солиқ субъекти)нинг маълум вақт давомида олган даромад миқдорини билдирувчи ҳужжат, ёзма баёнот ва гувоҳнома. Солиқ декларациясида солиқ тўловчи жами даромад суммасини, каердан, қанча даромад олганлигини қайд этади. Солиқ декларацияга қараб белгиланади.

Солиқ декларациясида даромад нақадар тўғри кўрсатилганлигини солиқ инспекцияси назорат қилади. СССР бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида *приватизация* юз бериб, хуёусий сохибкорлик пайдо бўлиб, кооператив, акционер ва қўшма корхоналар кўпайгач, солиқ декларацияси жорий этилади.

СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ — солиқ тўловчиларга давлат томонидан берилган енгилликлар: солиқлар миқдорини камайтириш, солиқ тўлаш шартини енгиллаштириш ёки солиқдан тўла озод қилишдан иборат. Солиқ имтиёзлари солиқ ундириладиган даромад турларини кескартириб, умумий камайтирилган даромаддан солиқ олиш, солиқ олинмайдиган минимал даромадни белгилаш, солиқ ставкалари (даромадга нисбатан солиқнинг нисбий миқдори, яъни процентдаги ифодаси)ни камайтириш, солиқни тўлаб бўлиш муддатини қулай қилиш орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзлари солиқ тўловчиларга нисбатан табақалаштирилади, муайян иқтисодий ёки ижтимоий мақсадни қўзғайди. Агар корхона, ташкилотлар ва фирмаларни ўз ишлаб чиқаришини ўстиришдан манфаатдор этиш қўзланса, солиқ миқдори камайтирилади, натижада улар ихтиёрида қоладиган фойда кўнаяди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун маблағ сарфлаш (инвестиция)ни кўпайтиради. Экспортни рағбатлантириш учун ҳам солиқ имтиёзлари берилди. Ижтимоий муаммоларни ечиш учун шу мақсад йўлида сарфланган даромадлардан солиқ олинмайди ёки кам миқдорда ундирилади. 1990 йилнинг 1 июлидан кучга кирган СССРнинг СССР граждандаридан, ажнабий граждандардан ва граждандлиги бўлмаган шахслардан олинандиган даромад солиғи тўғрисида» қонунида аҳоли даромадларидан ундириладиган солиқларнинг янги

тартиби жорий қилинди. СССРда аҳолининг айрим гуруҳлари, масалан, энг кам даромад олувчилар солиқдан озод қилинади, бошқалари, масалан, қарамоғида 3 ва ундан ортик киши бўлган ишчилар, хизматчилар, уларга тенглаштирилган фуқароларга, кўп болалилар, Улуг Ватан уруши катнашчиларига солиқ тўлашда имтиёзлар берилди. Шахсий хўжаликларда кишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришдан тушган даромад ҳам солиқдан озод қилинади. Солиқ имтиёзлари давлат қўлида бозор иқтисодиётини тартибга солишга хизмат қилади. Улар орқали иқтисодий фаолиятнинг маълум турлари рағбатлантирилади, жамиятда ижтимоий мувозанат таъминланади. Шароитга қараб солиқ имтиёзлари қайта қўриб турилади. Айрим имтиёзлар бекор қилинса, янгилари жорий этилади.

СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ — бозор инфраструктурасининг муҳим унсурини, молия органлари таркибидаги бўғини. Солиқ инспекцияси солиқларни ундириш, уларни ўз вақтида ва тўғри тўлашиб боришини назорат қилади. Солиқ инспекцияси Молия вазирлиги номидан солиқ тўловчилар билан алоқада бўлади. СССР бозор иқтисодиётига ўтиши билан солиқларнинг роли ортади. Шу муносабат билан кенг тармоқли солиқ инспекцияси ташкил этилди.

СОЛИҚ ИСЛОҲОТИ — солиқ системасини қайта қуриш ва уни янгилаш; молиявий муносабатларнинг ўзгариши туфайли юзага келади. Солиқ ислохоти қиёман ёки тўлиқ бўлиши мумкин. Қиёман солиқ ислохотида солиқ системасининг айрим томонларини ўзгартирилади, масалан, солиқ олиш тартиби, солиқ меъёри ва б. Тўлиқ солиқ ислохоти ўтказилганда солиқ системаси комплете

равинда қайта қўрилади, унинг ҳамма унсурлари, чунончи, солиқ субъекти ва объекти, солиқ ундириш қондалари, солиқ солиш нормалари, солиқ имтиёзлари, солиқ тўлаш муддатлари қайта қўрилади. Солиқ ислохоти иктисодиётда чуқур ўзгариш юз берган кезларда амалга оширилади.

СССРдаги солиқ системаси бозор иктисодиёти талабига мос келмай қолганини сабабли 1990 йилдан бошлаб қисман солиқ ислохоти ўтказилди. Ислохотда корхона ва ташкилотлар учун солиқ тўлашнинг асосий объекти қилиб *фойда* белгиланди. Фойдadan тўланадиган солиқ корхонанинг бюджет билан алоқасидани асосий йўналишга айлантирилди. Аҳолидан ундириладиган даромад солиғи янада табақалантирилди, даромад ошган сари оширилган солиқ нормалари жорий этилди. Энг юқори солиқ нормаси оширилган ҳолда солиқдан озод этилган даромад чегараси ҳам кенгайтирилди. СССРда солиқ орқали иктисодий фаолликни кучайтириш солиқ системаси учун асос қилиб олинган.

СОЛИҚ НОРМАСИ— солиқ объектининг муайян бирликларига нисбатан ундириладиган солиқ миқдори; пул суммаси ҳисобида ундирилади. Масалан, иш ҳақи ёки фойданинг пулда ҳисобланган ҳажми, импортнинг пулда чақилган қиймати, еригектар ҳисобидаги сатҳига ҳисобланган солиқ ва х.к. Солиқ нормаси икки усулда белгиланади: *қ а т ь и й н о р м а л а р* — солиқ объекти миқдorigа нисбатан ўзгармайдиган нормалар; масалан, импорт солиғи нормаси ўзгармас бўлади, ҳар қандай шароитда солиқ импорт қийматининг маълум қисмига (% билан ҳисобланган) тенг бўлади; *прогрессив и й о р м а л а р* — солиқ объекти миқдorigа қараб ортиб борувчи нормалар; масалан, даромад ойи-

га 500 сўм бўлса, солиқ 10% даражасида белгиланади, агар 2000 сўм бўлса солиқ 25 % миқдоридан белгиланади.

Солиқ меъёри шароитга қараб ўзгариб боради; аке ҳолда у ўзининг пул ундиришдан ёки даромад топиши рағбатлантиришдан иборат бўлган вазифасини бажармай қўяди. Агар солиқ нормаси ғоят паст бўлса, давлат бюджетини даромад билан тўлдирish кийин бўлади, аксинча, ғоят юқори бўлса, бюджетга пул қўй тушади, лекин солиқ субъекти даромад топишга камроқ интилади, чунки даромад кўп бўлгани билан унинг катта қисми солиқ тарикасида олиб қўйилади ва унга даромад кам қолади. Оширилган солиқ меъёри солиқ тўловчи даромадини камайтириб, унга ишлаб чиқаришни ўстириш учун инвестицияга имкон бермайди, шунингдек уни ўз даромадини яшириб, солиқдан бўйин товлашга ундайди. Солиқ меъёри қулай бўлиши керак. Шундагина у иктисодий ўсшни рағбатлантиради ҳамда бюджетга пулнинг бир маромада келиб туришини таъминлайди.

СССРда даромад солиғи тўғрисидаги Қонунга биноан фуқароларнинг 100 сўмга қадар бўлган ойлик даромади солиқдан озод этилади, 101 сўм даромаддан 0,29 сўм, 150 сўм даромаддан 14 сўм 70 тийин солиқ ундирилади ва х. к.

СОЛИҚ ОБЪЕКТИ— солиқ солинадиган даромад ёки мол-мулк. СССРда иш ҳақи, фойда, соф даромад, гонорар (ижод ҳақи), ер, импорт ва бошқалар солиқ объектини ташкил этади. Солиқ объекти икки турга бўлинади: турли манбалардан келган пул даромадлари; даромад келтириши мумкин бўлган мол-мулк. Солиқ объекти миқдoran кўпайса, солиқ нормалари ўзгармаган ҳолда ундириладиган солиқларнинг умумий миқдори ҳам ўзгаради.

СОЛИҚ СИСТЕМАСИ— муайян шароитда давлат фойдасига ундириладиган солиқлар тури мажмуи; уларни йиғиб олиш йўллари ва усулларининг ташкил этилиши. Солиқ системасига солиқ турлари, солиқ имтиёзлари, солиқлар миқдори (ставкаси), солиқ ундириладиган даромадларни аниқлаш кабилар қиради. Солиқ системасининг вазифалари: солиқ тўловчилар билан давлат ўртасида даромадларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш; иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги фаолиятни рағбатлантириш ёки чеклаб қўйиш; аҳолининг муайян табақаларига ижтимоий имтиёз бериш. СССР солиқ системаси корхона, ташкилотлар фойдаси (даромад) дан ундириладиган солиқлар, бож пули, аҳоли даромад солиқлари, кишлоқ хўжалиги солиғи, импорт, ер ва транспорт воситаси солиқлари, кооперативлардан олинadиган даромад солиғи, якка тартибда меҳнат қилувчилардан олинadиган солиқлардан иборат. Хусусий сохибкорликка руҳсат берилиши муносабати билан унинг даромадидан келадиган тушумлар ҳам солиқ системаси унсурига айланади. Солиқ системасида солиқ имтиёзлари, солиқ унсурлари алоҳида ўрин туради. Солиқ системаси ўзгариб туради. Солиқ ислохотлари ўтказилиши билан солиқ системаси унсурлари янгиланади, улар ўртасидаги нисбатлар, боғланишлар ўзгаради, бир солиқ турлари бекор бўлиб, бошқа янги солиқ турлари киритилади. Солиқ системасининг янгиланиши бозор иқтисодиёти ривожини аке эттиради, уни тартибга солиш усулларини такомиллаштиради.

СОЛИҚ СУБЪЕКТИ— солиқ тўловчилар, яъни солиқ ундириладиган корхона, ташкилот ва фуқаролар. Солиқ субъекти турли топфадаги корхоналар ва ижтимоий аҳоли ҳар хил бўлган кишилардан иборат. Уларнинг мол-мулки ва даромади ҳам тур-

лича бўлади. СССРда солиқ субъектини давлат, кооператив, қўшма, хусусий корхоналар, ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар ташкил этади. Улар турли мулк шакллариининг субъектлари хисобланади. Иқтисодиёт тобора кўп укладли бўла боргач, солиқ субъекти доираси кенгайди, уларнинг ижтимоий мавқеи ўзгаради. айниқса фуқаролар бир ижтимоий топфадан бошқасига ўтиб туради. Солиқ субъекти аҳолининг ўзгариши солиқ системасига таъсир этади.

СОЛИҚЛАР— давлатнинг корхона ва ташкилотлардан ҳамда аҳолидан ундирадиган пул маблағлари. Солиқлар миллий даромадни иқтисодий ва ижтимоий таъминловчи вазифаларига мувофиқ тақсимлаш ва қайта тақсимлашни таъминловчи молия механизмининг муҳим воситаларидан бирidir. Корхона ва ташкилотлар фойдасидан ундириладиган даромад солиқлари ва аҳоли даромадларидан ундириладиган солиқлар мавжуд бўлиб, асосий ўринни биринчи гуруҳ солиқлари эгаллайди. Ҳумхуриятимизда давлат бюджети даромадларининг 11% ини аҳолидан ундириладиган солиқлар, 32,9% ини оборот солиғи, 15,3 % ини эса давлат корхона ва ташкилотлари фойдасидан тўловлар ташкил этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан солиқлар сис-темати қайта қурилиб, юқори даромадлардан ундириладиган солиқларнинг ҳиссаси сезиларли ортимоқда.

СОТУВЧИ НАРХИ— сотувчининг ўз товарига қўйган нархи; бозорда сотиладиган товар қийматининг амалдаги пул ифодаси. Талаб тақлифга нисбатан устуни бўлган шароитларда олди-сотди муносабатларида сотувчи нархи амал қилади. Сотувчи нархи бо-

зордаги дастлабки нарх, у сотувчига ўз сарф-харажатларини қолаб, даромад олиш имконини беради. Агар сотувчи товарини айтганига сота олаётган бозорда сотувчи нархи амал қилган бўлади. Аммо савдолашув натижасида товар сотувчи нархидан паст, *харидор нархи* билан сотилиши мумкин, буида сотувчи мўлжалланган даромадини ола билмайди. Бозор қонунияти шундаки, сотувчи юқори нархда сотишга, харидор эса паст нархда сотиб олишга интилади. Бу ерда уларнинг манфаати тўқнашади, аммо бозор баҳолярининг сотувчи нархи тарзида шаклланиши шу турдаги товарларни ишлаб чиқаришни ўстиришни рағбатлантиради.

СОФ ДАРОМАД — миллий даромадининг бир қисми; унда моддий ишлаб чиқариш соҳасида ишловчилар яратган қўшимча маҳсулот гавдаланади. У давлат корхоналарида, кооперативлар, қолхозлар, деҳқон хўжаликлари ва яққа тартибдаги меҳнат фаолиятида яратилади. Давлат корхоналарида яратилган соф даромадининг бир қисми фойда, оборот солиғи, иқтисодий сугурга ажратмалари шаклини олади. Соф даромадининг бир қисми давлатнинг марказлашган соф даромадини ташкил қилади. У оборот солиғи, фондлар, меҳнат ва табиий ресурслар учун тўловлар ва бошқа турдаги тўловлар шаклида қарор тонади. Кооперативлар, қолхозлар ҳам асосан даромад солиғи тўлаш шаклида марказлашган давлат соф даромадини яратишда қатнашади (қолхозларда соф даромад қисман натурал шаклда ҳам эга бўлади), соф даромадининг қолган қисми корхоналар иқтисодида қолдирилади.

СОЦИАЛИСТИК СОҲИБКОРЛИК — социалистик мулкчилик ва бозор мунсабатлари шароитида, жамият эҳтиёжларини қондириш орқали даромад топиш

мақсадидаги соҳибкорлик фаолияти. Социалистик соҳибкорлик эксплуатация орқали фойда қўришни инкор этади. Фойда топиш социалистик коллективнинг яхши ишлаши, хўжаликни тежамли юритишига асосланади, топилган фойда социалистик давлатга ва корхона жамоасига тегади. Социалистик соҳибкорликнинг иқтисодий асоси — бу социалистик мулкчилик, яъни меҳнатчининг ўзининг мулк эгаси бўлиши ҳамда меҳнатга асосланган ўзлаштиришнинг бўлишидир. Социалистик соҳибкорлик турли қўриқлардаги давлат мулки, ҳар хил жамоа (шirkат) мулки ва индивидуал мулк доирасида амалга ошади, у бозор иқтисодиётигагина эмас, балки бевосита иқтисодий ишлаб чиқаришга, хос қонуналарга ҳам бўйсунди. Социалистик соҳибкорлик, биринчидан, давлат буюртмаларига қараб, иккинчидан, бозордаги талаб-эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда товар ишлаб чиқариш билан фойдага эга бўлишни билдиради. Социалистик соҳибкорлик корхоналарининг мулк эгаси сифатида ёки мулкдан фойдаланувчи хўжалик субъекти сифатида тўла мустақил бўлишни талаб қилади. Социалистик соҳибкорлик энг аввало жамоавий соҳибкорликдир, чунки унинг натижасидан жамоа баҳраманд бўлади. Социалистик соҳибкорлик ҳамма ходимларнинг тежамкор, ишнинг қўзини билалдиган, пул ҳисобига етадиган, иқтисодий саводли бўлишини тақозо этади. Социалистик соҳибкорлик иқтисодиётдаги монополизмни инкор этиб, эркин соғлом рақобатчилик асосида даромад топа билишни аниқлатади. У бозор қонуналаридан оғлиқ фойдаланилгандагина самарали бўлиши мумкин. Социалистик соҳибкорликнинг индивидуал шакли ҳам бор, лекин у ҳукмрон маққага эга эмас. СССРда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ҳусусий соҳибкорликка ҳам йўл берилди. Соҳибкорлик турлари теги шароитда ривожланади.

аммо жамоавий соҳибкорлик иқтисодидеда асосий роль ўйнайди.

СОХИБКОРЛИК — пул топиш мақсадида ва масъулиятни зиммага олган ҳолда бирон иқтисодий фаолият билан шугулланиш; ташаббускорона ва антибюрократик хўжалик фаолияти услуби; муттасил янги имкониятлар кидириш, маҳоратни ишга солиб, қўйилган вазифаларни бажариш учун турли манбалардан ресурсларни жалб этиш ва ундан фойдаланишга асосланади. Соҳибкорликда иқтисодий фаолият натижалари учун маъмурият эмас, балки жамоа ва шахс масъул ҳисобланади. иш жойида исрофгарчиликка, ноомилкорликка, уқу везаликка, ўғриликка йўл қўймайди. Жумхуриятимизда майда ва ўрта савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналарининг хусусийлаштирилиши муносабати билан хусусий соҳибкорлик анча ривожланади.

СПОНСОР (инг. sponsor) — биройта тadbир ёки фаолиятни амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатувчи ҳомий. Спонсор одатда пулдор, обрў-эътиборли шахс, фирма, корпорация, концерн, ташкилот идора бўлиши мумкин. Аксарият спонсор миллий ёки халқаро миқёсдаги тadbирларга молиявий ҳомийлик қилади, хар хил тadbирлар, учрашувлар, кўрғазмалар, томошалар ўтказишда уларнинг ташкилотчиларига пул билан ёрдам бериб, харажатининг ҳаммаси ёки бир қисмини қўтаради. Спонсорлик жамоатчилик эътиборини ўзига қаратиб, янада обрў орттириш орқали ўз мавқенин мустаҳкамлаш, ўз ишини ёки товарларини реклама қилиш, янги соҳаларни уюштириб, шу соҳаларга ўз маблағини қўйиш; хар хил хайр-эҳсон ишларига бош қўшиб, муруватга қақирин, умуминсоний муаммоларни ечишга қўмаклашиш мақсадларини қўзлайди. Спонсорлик капиталистик мамлакатларда кенг тарқалган ва

халқаро характерга эга. СССРда спонсор вазифасини айрим дароқадли ва валютага эга корхоналар ва ташкилотлар олиб боради. Айрим тadbирларни ўтказишда СССР корхоналари чет эл фирмалари билан биргаликда спонсорлик қиладилар.

СССР ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ БАНКИ — иқтисошлаштирилган давлат тижорат банки. Халқаро валюта муомаласи, товарлар экспорти ва импорти бўйича ҳисоб-китоблар, корхона (бирлашма) ва ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини кредитлаш, яъни валюта режасининг бажарилишини назорат қилишни амалга оширади. СССР Ташқи иқтисодий фаолият банки кўпгина чет эл банклари билан алоқалар олиб боради. 80-йиллар охирида 1 мингдан ортиқ чет эл банклари билан алоқалар олиб борди. Банк Москва шаҳрида жойлашган. Банк ишига Рус бoшчилигидаги бoшқарув раҳбарлик қилади.

СССРда БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАВРИ — бозор иқтисодиётининг амал қилиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни ҳозирлаш даври (дастлаб «500 кун» деб белгиланган). Бозор иқтисодиётига ўтиш янги иқтисодий системага ўтишни билдиради ва у дарҳол юз бермайди. Узoқ давр амал қилиб келган ва хўжалиқнинг ҳамма соҳасини қамраб олган тоталитар, ҳамма соҳани давлатлаштиришга, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодий муносабатларни дарҳол тугатиб бўлмайди ва айни вақтда жамият учун янгилик бўлган бозор муносабатларини ҳам бирданга шакллантириб бўлмайди. Бир иқтисодий системадан иккинчисига ўтиш секин-аста юз бериши қонуний бўлганидан, бозор иқтисодиётига ўтиш ҳам маълум даврни талаб қилади.

Тарихан бозор муносабатлари асрлар мобайнида шаклланган.

СССРда ўтиш даври қисқа вақтга мўлжалланган, чунки бозор иқтисодиётини ташкил этиш соҳасида инсоният тўплаган бой тажрибадан фойдаланиб, ўтиш даврини қисқартириш мумкин. Ўтиш даврида эски тоталитар система тугатила бориб, янги бозор муносабатлари аломатлари пайдо бўла бошлайди. Лекин бу бозор муносабатларининг бошланиши бўлади. Ўтиш даврида бозор *инфраструктураси* яратилади, бозор иқтисодини таъминловчи қонуни ҳужжатлари қабул қилинади, турли савдо уйлари, воситачи фирмалар, хусусий корхоналар, акционер жамиятлар, консорциумлар, қўшма корхоналар, майда ишлаб чиқарувчилар уюшмалари яратилади. Бу даврда давлат мулкни хусусийлаштириш, уни акционерлаш бошланади, парх-наво ва солиқлар соҳахоти тайёрланади, хусусий соҳибкорлик, чет эл инвестициясининг тартиб-қоидалари ишлаб чиқилади. Ўтиш даврида иқтисодиётга оид қонулар мажмуаси қабул қилинади, аҳолини иқтисодий ҳимоялаш тартиби, уни маблағ билан таъминлаш манбалари аниқланади; аҳолини янги шароитга қўйиштириш йўллари топилади ва иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга оид битимлар тузилади. Ўтиш даврида банк системасини ислоҳ қилиш чоралари, давлат харажатларини тартибга солиш дастурлари, шунингдек кендик тарздаги инфляцияга қарши тадбирлар ишлаб чиқилади. Ўтиш даври тадбирлари айни вақтда иқтисодиётни соғломлаштириш, барқарорлаштириш тадбирлари бўлади. Ўтиш даврида эски, тараққиётга ҳов муносабатлар ўрнига янги прогрессив муносабатлар тўлиқ келиб улгурмайди. Шу сабабли иқтисодиёт дарҳол ўнгалиб кетмайди, хўжалик алоқалари бузилиб, ишлаб чиқариш қисқариши, аҳолининг турмуш даражаси пасайиши ҳам ақтимондан холи эмас. СССРда ўтиш даври чўзилиб кетиши ҳам мумкин. Ўтиш даврига хос

тангликдан чиқиш бозор муносабатларига ўта билишга, яъни ишлаб чиқариш учун янги рағбат омиллари яратилишига боғлиқ бўлади.

СССРНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ДАСТУРИ —

бозор иқтисодиётига ўтишни таъминловчи чора-тадбирлар мажмуаси; 1990 йил 19 октябрда СССР Олий Совети сессиясида қабул қилинган. Дастурнинг уч муҳим белгиси: бозор иқтисодиётига ўтиш халқ ҳисобидан эмас, балки давлат ҳисобидан бўлади; бозор иқтисодиёти фуқароларнинг иқтисодий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилашига асосланади, уларга иқтисодий фаолият учун эркинлик беришга таянади; бозор иқтисодиётига хур жумхуриятлар иқтисодий мустақиллигини тўла таъминланган ҳолда ўтилиши керак.

Дастурда мол-мулкни давлатдан олиб халққа бериш, шу мақсадда *приватизация* ўтказиш, ҳар бир кишининг мулкка бўлган ҳуқуқини амалга ошириш, яъни давлат корхоналари, давлатга тегишли уй-жойни фуқароларга сотиш, майда ва хусусий соҳибкорликка йўл очиш, бу билан иқтисодий ташаббус, ишбилармонликни юзага чиқариш, рақобатга руҳсат бериш назарда тутилган. Дастур фуқароларга иқтисодий фаолият эркинлигини беради, қандай иш билан шуғулланиш шахсининг ихтиёрида бўлади. Ўз ихтиёри билан у соҳибкор, ёлланма ишчи, акционер, яққа дехқон, дўкончи, яққа тартибда ишловчи бўлиши, чет элда ишлаши ёки ўқиши мумкин. Унга қўра иқтисодиётни ўнглаш учун энг аввало пулни соғломлаштириш, унинг харид қобилиятини таъминлаш зарур. Шу мақсадда давлат мол-мулкни аҳолига сотиш, пуллик хизматларни қўпайтириш, пул омонати учун банк берадиган процентларни кескин ошириш, хусусий соҳибкорлик ва импорт ҳисобидан товарларни

қўпайтириш, валютани совет пулига сотишни жорий этиш орқали мамлакатдаги пул миқдори билан товарлар миқдорини, товарларга талаб ва таклифни мувозанатлаштириш мўлжалланган. Давлат белгилайдиган маъмурий нархлардан секин-маъна эркин бозор нархларига ўтиш кўзда тутилади. Энг зарур истеъмол товарларига давлатнинг қатъий нархлари сақланиб, пулдор аҳоли оладиган товарлар нархи бўш қўйиб берилади, уларнинг талабга қараб ўсишидан тушадиган пул эвазига зарур товарларга дотация берилиб, арзонга сотилади. Товарлар қўпайгач энг зарур товарлар ҳам бозордаги эркин нархда сотилиши керак.

Дастурга биноан даромад топишни чеклаш беор қилинади. Яхши ишлаган тадбиркорнинг яхши пул топишига шароит ҳозирланади. Даромад нафақат иш ҳақидан, балки сохибкорлик фойдасидан, банк процентидан, акция дивидендидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш камбағал, қўн болали oilаларга нафақа бериш, уларга арзон квартира сотиш, ишсизларга нафақа жорий этиш, уларни қайта ўқитиб, янги касб бериш орқали ишга жойлаш каби йўналишларда боради. Дастур корхоналарга тўла иктисодий эркинлик беради. Нимани, қанча ишлаб чиқариш, уни кимга ва қайси нархда сотишни корхонанинг ўзи ҳал қилади. Корхона ўзига керакли воситаларни ҳам эркин нархларда сотиб олади. Аммо дастлабки даврда (1992 йил июлига қадар) корхоналар ташкил топган хўжалик алоқаларини сақлаб қолишади, яъни олдинги миқозлари билан алоқа қиладилар. Корхонанинг қандай бўлишини унинг коллективи ҳал қилади. Корхона приватизация этилиши, акционерлашуви, кооператив ёки қўшма корхонага айланиши мумкин. Корхона қарз учун банкка тўлайдиган процент анча оширилади, у бюджетдан дотация олмайд, унга давлат берадиган

капитал маблағ кескин камайтиради ва рақобатга дуч келади. Корхонанинг ўзи бевосита хориж билан алоқа қила олади, унинг валюта фонди бўлади ва валюта бозорида эркин қатнашади.

Дастурнинг муҳим хусусияти шуки, у жумхуриятларнинг суверенитетини таъ олиб, бозор иктисодиётига ўтиш ишини жумхуриятларнинг ўзига ҳавола қилади. Ҳар бир жумхурият ўз миллий бойлиги эгаси ва уни ўз билганича ишлатишга ҳақли деб эътироф этилади. Дастурга кўра жумхуриятларнинг ўзлари солиқ белгилаш, приватизация, кўпчилик товарлар нархини тартибга солиш усулларини ташлаб оладилар. Дастур жумхуриятларнинг суверен давлатлар иттифоқига бирлашиб, янги Иттифок шартномаси асосида иктисодий жиҳатдан уюшувини мўлжаллайди. Дастур комплекс характерда, унинг тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Бу билан бозор иктисодиёти учун энг зарур шарт-шароит ҳозирланади.

ССУДА — ҳақ (процент) тўлаш шарти билан қарзга берилган пул ёки моддий маблағлар. Ссуда берилганда қарз қилинган нарса ўз эгасидан қарз сўраганга ўтади, қайтариш муддати келганда яна эгасига қайтиб келади. Ссуда жуда кўҳна ҳодиса. Натурал ишлаб чиқариш ҳукмрон жамиятда асосан моддий маҳсулот тарзида берилган. Пул пайдо бўлгач, унинг асосан пул шакли кенг қўлланилди. Тарихан ссуда берувчилар ва уни олувчилар ҳар хил синф ва ижтимоий топфага мансуб бўлганлар, уларнинг таркиби жамоалар, жамоа аъзолари, қулдорлар, феодаллар, қосиблар, деҳқонлар, капиталистлар, ёлланма ишчилардан иборат бўлган; маълум синфнинг тимсоли бўлган давлат ҳам ссуда олган. Капитализм пайдо бўлиши билан ссуда пули банклар қўлида тўпланади, ссуда олувчилар сохибкор капиталистлардан иборат бўлади. Капитализмда ссуда пули

суда капитали шаклига киради. Яъни у капитал сифатида ишлатилади.

СССРда суда пули банкларда жамланади ва турли мулкчиликка оид корхоналар, ташкилотларга ва айрим фуқароларга, шунингдек, давлатга берилади. Давлат суда ҳисобидан ўз харажати вақтинча қоплаб туради. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан корхона ва ташкилотлар аксарият банкдан суда олиб фаолият қиладилар, лекин банк суда ҳақини оширади. Фуқаролар ҳам ўз эҳтиёжлари учун ёки хусусий соҳибкорлик билан шуғулланиш учун суда оладилар. Чет элдан суда олиш ҳам кенг жорий этилади. Приватизация юз берганда давлат мулки бўлмиш фондларнинг бир қисми корхона ва ташкилотлар, шунингдек, айрим оила ва фуқароларга қарзга сотилади. СССРда суда пул шаклида амал қилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хўжалик алоқаларида узилмиш юз бериб, пул ўз қаддини йўқотади, айрим ҳолларда айирбошлаш натурал шаклга кириши, корхона ва ташкилотлар ўртасида яширин равишда моддий (натура) шаклида бир-бирига суда бериш келиб чиқиши мумкин, ammo бозор иқтисодиётига батамом ўтилгач, суда фақат пул шаклида амал қилади.

ССУДА КАПИТАЛИ БОЗОРИ — қ. *Капитал бозори*.

ССУДА ФОНДИ — қарзга берилган ва банкларда тўпланган пул маблағлари. СССРда бу маблағлар корхона, ташкилот, давлат ва аҳолига тегишли бўлади. Ўз эгаларига вақтинча керак бўлмайди ва бошқаларга қарзга берилади. Хўжалик оборотида муқаррар равишда ҳамisha вақтинча бўш пул маблағи вужудга келади, чунки пулнинг корхона, ташкилот, давлат ва фуқаролар ихтиёрига келиб тушиши билан уни ишлатиш бир вақтда юз бермайди. Суда фонди аморти-

зация, иш ҳақи фонди, оборот маблағлар, фойда ва бюджет маблағларининг бўш турган қисмларидан ҳосил бўлади. Суда фонди пул шаклида йиғилади, лекин бу фонд жами маҳсулотнинг бир қисmini акс эттиргани учун моддий жиҳатдан таъминланган бўлиши керак. Суда фондининг қиймат (пул) ҳажми билан моддий ифодаси мос келмаса уни амалда ишлатиб бўлмайди, чунки қарзга олинган пулга ҳеч нарса топилимай, пуллигича қолади ва ишлаб чиқаришга хизмат қилмайди. Суда фонди доимо ҳаракатда бўлиши зарур. У қарзга берилади, яъни қайтиб жамланади. Шу тариқа суда фонди хўжалик оборотида, такрор ишлаб чиқаришда қатнашиб туради.

СТАГФЛЯЦИЯ (лат. *stagnatio* — ҳаракатни сўндираман ва *inflatio* — шишмоқ, пуфланган) — иқтисодиётнинг ҳам турғунлик, ҳам инфляция билан характерланувчи ҳолати. Стагфляция белгилари: иқтисодий ўсиш гоят суст боради ёки юз бермайди, *ишсизлик* кўпаяди, *тирикчилик қиймати* ўсади, *инфляция* кучаяди, ишлаб чиқариш қувватлари тўла ишлатилмайди, *инвестиция* жараёни сустлашади, ижтимоий беқарорлик ортади. Стагфляция иқтисодиётдаги турғунлиكنи билдирadi. Стагфляция Ғарб мамлакатларида 70-йилларда, СССРда 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошида юз берди. Стагфляциядан чиқиш учун инвестиция, техника, технология ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш системасини янгилаш, ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш, янги маҳсулотларни ўзлаштириш, оммавий равишда иш кучини қайтадан янги шароитга мослаб тайёрлаш керак.

СУБВЕНЦИЯ (лат. *subvenire* — ёрдамга келмоқ) — давлат бюджетидан муҳим хўжалик ва ижтимоий-маданий тадбирларини амалга ошириш учун маҳаллий

ҳокимият органларига ажратилган пул маблағи. Давлат маъқуллаган иқтисодий ва маданий ривожланиш дастурлари, лойиҳалари субвенция орқали пул билан таъминланади. Шу мақсадда давлат бюджетда махсус субвенция фонди ташкил этилади. Бу фонддан ажратилган маблағ бошқа мақсадда ишлатиладиган бўлса, қайтариб олинади. Субвенция маҳаллий хўжалик ва ижтимоий соҳани молиялаштириш усули сифатида кенг қўлланмайди. Унинг ўрнига кўпроқ *дотация* усули қўлланадиган бўлган.

СУБСИДИЯ (лат. *subsidium* — ёрдам, нафақа) — давлат бюджет ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ. Субвенция бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситаси ҳисобланади. унинг мақсади ишлаб чиқариш, экспорт, илмий техникавий ишлар, ижтимоий муаммолар ечимини таъминлаш учун молиявий ёрдам кўрсатишдир. Давлат иқтисодиётини ўзи ишлаб чиққан дастурлар ёрдамида тартибга солиди. Дастурларда тараққиётнинг истиқболли йўналишлари белгиланади ва уларга риоя қилган корхоналар зарар кўрмаслиги учун бюджетдан субвенция берилади. Ута муҳим илмий-техникавий ишларини, экологик муаммоларини, экспорт масаласини ҳал этишда қатнашадиган корхоналар субвенциядан фойдаланади. Субвенция банкрот ёки бунинг арафасидаги корхоналарини *саниралаш* (молиявий соғломлаштириш) учун ҳам қўлланади. Субвенция экспортни кўнайитириш ёки қисқартириш учун, товарлар захирасини ҳосил этиш учун ҳам ишлатилади. Бозорда товарлар кўнайиб кетса, ишлаб чиқаришда уларнинг захирасини яратиш учун корхоналарга субвенция берилади. Бу билан товарларни вақтинча сотмай туриб, захира ҳосил этиш харажатларини қоплашга ёрдам берилади. Масалан, донни бозорга чиқармай сақлаб тургани учун дехқон-

лар бюджетдан субвенция олиши мумкин. Субвенция икки йўл билан берилади: бевосита бюджетдан қайтариб бермаслик шарт билан пул ажратини; давлат ҳисобидан ҳар хил имтиёз бериш (корхона маҳсулотининг оширилган нархда давлат томонидан харид этилиши, солиқлар ва бож тўловлари миқдорини камайтириш, давлат ҳисобидан арзонгаровга қара бериш, мол-мулкни суғурта қилиш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш). Давлат қўлида тўпланган пул маблағлари субвенция орқали иқтисоднинг маълум йўналишдаги ривожини рағбатлантиришга қаратилади. Субвенциялаш деярли ҳамма мамлакатларда қўлланилади.

СУПЕРМАРКЕТ — харидорнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишига асосланган кенг тармоқли магазин. АҚШда кенг тарқалган. Супермаркет товарларнинг деярли ҳамма турлари билан, жумладан, импорт товарлари билан савдо қилади. Лекин кўпроқ энг зарур буюмларни сотади. Супермаркет харидорларга бепул маслаҳатлар беради, товарларни зарур бўлса буюртмага кўра харидор уйига етказиши, харидорга маданий-манший хизмат кўрсатади, бошқа товарларни сотиб олишига кўмаклашади.

СЎМ БИЛАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ — СССРда корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолиятини устидан пул воситасида назорат юритиш, *хўжалик ҳисобининг* муҳим қондаси. Сўм билан назорат қилишнинг уч кўриниши бор: давлат назорати; корхона ва ташкилотларнинг бир-бирини назорат қилиши; корхонанинг ўзидаги назорат. Назорат объекти корхонанинг иқтисодий-молиявий фаолияти, назорат субъекти молия органлари, банклар, корхона режа-иқтисод бўлимлари. Назорат корхона ва ташкилотга бйркитилган моддий ва пул маблағла-

рини самарали ишлатиш, давлат бюджети ажратган, банк қарзга берган пулни мақсадга мувофиқ сарфлаш, бюджетга солиқларни ва бошқа тўловларни ўз вақтида қайтариб, процент тўлаб туриш, бошқа корхона ва ташкилотлар билан вақтида ҳисоб-китоб қилиш, ўз ихтиёрида қолган даромадни тўғри тақсимлаб ишлатиш устидан олиб борилади. Назорат корхона маблағлари ҳаракатини кузатиб туриш, корхонага имтиёз бериш ёки унга нисбатан чеклаш чораларини (масалан, кредитни қисқартириш) қўллаш усуллари билан олиб борилади. Бозор иқтисодиёти шароитида корхона ёки ташкилот тўла мустақил ҳисобланади, ўзини-ўзи назорат қилади ёки уни бошқалар (шериклар, мизкозлар, молия органлари) назорат остига олади. Давлат назорати фақат корхонанинг солиқларни тўлаш доираси билан чекланади.

T

ТАБАҚАЛАШГАН СОЛИҚ СОЛИШ — ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, ишлаб чиқарувчиларнинг ўз меҳнатларидан манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида саноат тармоқлари, турли мулк шакллари, солиқ тўловчилар ва солиқ объектлари хусусиятларига индивидуал ёндошиб, даромадлардан солиқ ундириш. Масалан, Германияда майда корхоналар учун солиқ ставкаси йирик фирмаларга нисбатан 50% кам, фойда миқдори 2—5 миллион марка бўлган корхоналар эса йирикларига нисбатан 30% кам солиқ тўлайди.

Жамғарма берадиган, олган фойдасини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлайдиган корхоналарга имтиёзли солиқ

белгиланади. СССРда бозор муносабатларини шакллантириш ва уни ривожлантиришнинг муҳим йўли давлат мулкни *демонополизация*лаш, кўп қиррали мулк шаклларига ўтиш ва унинг негизида кичик корхоналар ташкил қилишни кескин қўпайтиришдир (100 кишигача ишчиси бўлган ва йиллик маҳсулот сотиш ҳажми 2 миллион сўмгача бўлган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланади). Шу даражадаги корхоналарни ташкил қилишни рағбатлантириш мақсадида улар икки йилгача ва ундан ҳам кўпроқ муддатга, баъзан бутунлай солиқдан озод қилинади ёки уларга имтиёзли солиқ белгиланади. Фуқаролардан олинadиган даромад солиқлари ҳам оила даромади (оила бюджети)ни ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган.

ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР УЧУН ТЎЛОВ — ер, сув, қазилма бойликларидан фойдаланганлик учун корхона (бирлашма) даромади ёки фойдасидан давлат бюджетига тўлов; жорий нормативлар бўйича белгиланади. Тўловдан тушадиган маблағлар биринчи навбатда табиат муҳофазаси тadbирларига сарф қилинади. Тўловнинг бу тури меҳнат сарфланмасдан, табиат ресурслари маҳсулдорлигидаги фарқлар туфайли вужудга келадиган дифференциал рентаи давлат ихтиёрига олишнинг бир воситасидир.

ТАВАККАЛ КАПИТАЛ — капиталистик мамлакатларда фантехника янгиликларини жорий этиб, янги технологияни ўзлаштириб, бозор рақобатига бардош берадиган янги товарларни ишлаб чиқариш учун таваккалга қўйилган (сарфланадиган) капитал. Таваккал капитал эгаси маълум иқтисодий хатарни ўз зиммасига олади, чунки янги ишга солинган капиталнинг нақадар фойда бериши ёки бермаслиги олдиндан аниқ маълум бўлмайди. Лекин капитал тусмолланиб, кўркўрона қўйилмайди, балки у янги-

ликка бўладиган талабни, бозорнинг умумий ҳолатини ҳисобга олади, бизнес соҳасида маслаҳат берувчи фирмалар хизматидан фойдаланади. Таваккал капитални одатда *майда бизнес* вакиллари ёки уларга алоқадор йирик фирмалар қўяди. Бундай капитал унчалик катта бўлмаган капитал талаб қиладиган ва иш ўнгидан келганда ўзини тезда оқлайдиган соҳаларга ташланади. Унинг муҳим хусусияти шундаки, ўзлаштирилиши узок вақтга қўзилмайдиган ва катта пул талаб қиладиган соҳаларга қўйилмайди. Таваккал капиталнинг пайдо бўлиши фан-техника инкилоби билан боғлиқ, уни капиталнинг тўпланиши юзига чиқаради, чунки катта бўлмаган капитални топиш осон ишга айланади. Таваккал капитал бир соҳада иш бермаса, бошқа соҳада катта фойда келтириб, олдинги зарарни ортиги билан қоллай олади. Таваккал капитал фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда катта роль ўйнайди.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ҚОНУНИ— бозор иқтисодиётининг объектив қонуни; товарларга талаб ва товарлар таклифи ўртасидаги муносабат ва узвий алоқаларни ақс эттиради. Талаб ва таклиф қонунига кўра, бозордаги талаб ва таклиф фақат миқдоран эмас, балки ўзининг таркиби жиҳатидан ҳам бир-бирига мос келиши керак ва шундагина бозор муносабатига эришилади. Талаб ва таклиф қонуни қотиб қолган, ўзгармас боғланишларни эмас, балки ҳам талаб, ҳам таклифнинг эластик ўзгарувчан бўлган шароитида улар ўртасидаги муносабат сақланишини билдиради, уларга таъсир этувчи омилларнинг ҳар хил йўналишда ҳаракат қилишини англатади. Талаб ва таклиф қонуни ишлаб чиқариш қонуни бўлмай, айирбошлаш қонуни ҳисобланади, у бозор муносабатлари моҳиятини, бозорнинг ўзидаги ўзгаришлар сабаб-оқибатларини билдиради.

Аммо талаб ва таклиф қонуни ишлаб чиқаришга бефарқ бўлмай, унинг ўзгаришига талаб орқали таъсир кўрсатади. Талаб ва таклиф қонуни бозорни бошқарувчи куч даражасига кўтарилади, унга кўра, бозордаги ўзгариш дарҳол ишлаб чиқаришга етказилиши керак. Бозордаги талаб ва таклифнинг нисбатига қараб ишлаб чиқаришнинг суръатлари ва структураси ташкил топади. Мазкур қонун бозор муносабатининг моҳиятини ақс эттиради, уни билиш ва ундан фойдаланиш бозор иқтисодиётини бошқариш учун гоёт муҳим. Жамият бу қонундан бозор муносабатига алоқадор омиллارга таъсир этиш орқали фойдаланади. Қонунда ифода этилган иқтисодий заруратга монанд иш тўтилсагина жамият фаолияти қонун талабига мувофиқ келади. Бозор иқтисодини тартибга солиш учун жамият талаб ва таклиф қонуни нимани тақозо этишини ҳисобга олиши зарур, унинг талабига биноан товарлар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг уюштирилиши керак. Бозор муносабатини бузишса, жамият уни тиклаш чораларини кўради, жамият талаб ва таклифнинг шакллантирувчи омилларга таъсир этиб, уларнинг муносабатини таъминлаши мумкин. СССРда талаб ва таклиф қонунининг амал қилиш шароити чекланган, чунки бозор муносабатининг ўзи чегараланиб, гоёт сует ривожланган. СССРнинг бозор иқтисодиётига ўтиши талаб ва таклиф қонунининг тўлақонли амал қилишига йўл очади.

ТАННАРХ — қорхонанинг маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг пулда ифодаланиши; ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигининг муҳим сифат кўрсаткичи. Таннарх асосида ишлаб чиқариш харажатлари ётади. Таннарх маҳсулотнинг вужудга келишида сарфланган ишлаб чиқариш воситаларининг қиймати: иш ҳақи харажатлари, бошқарув ва б. харажатлардан таркиб топади. Таннарх нархлар шаклла-

нишининг муҳим унсuri бўлиб, маҳсулот улгуржи баҳоси таркибига киради. Халқ турмуш даражасининг юксалиши маҳсулот таннархисининг пасайишига кўп томонлама боғлиқ. Бунга эса, асосан, меҳнат самарадорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш йўли билан эришиш мумкин.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР — корхона, фирма, ташкилот ва давлатнинг чет эллар билан иқтисодий муносабатлари товар, хизмат, пул ва меҳнат воситалари, технологик, бошқариш ва илмий-ахборот тажрибалари, туризмнинг мамлакатлараро ҳаракатида намоён бўлади. Халқаро савдо ташқи иқтисодий алоқалар системасида етакчи ўринни эгаллайди. Барча мамлакатлараро иқтисодий алоқалар умумий ҳажмининг деярли 2/3 қисmini савдо-сотик ташкил қилади. Ташқи иқтисодий алоқалар давлат пайдо бўлиши билан бир вақтда юзага келиб, минглаб йиллик тарихга эга. Илгари у асосан ташқи савдо шаклида амалга оширилган бўлса, капитализмнинг монополистик босқичга ўтиши билан (19-асрнинг охири ва 20-асрнинг бошларидан) четга капитал чиқариш муҳим аҳамият касб эта бошлади. Унинг заминида чет элдаги ишлаб чиқариш пайдо бўлди, халқаро саноат уюшмалари шаклланди ва улар кейинчалик транснационал корпорациялар шаклини олди.

Мамлакатимизда ҳозир ташқи иқтисодий алоқалар системасини қайта қуриш жараёни бормоқда. Ташқи алоқаларда тармоқ ва корхоналарнинг ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда. Амалда ҳозир ҳар бир корхона ташқи бозорга чиқishi мумкин. Ташқи ҳамкорлигининг шакллари: корхоналарнинг тўғридан-тўғри алоқалари, ўзаро қўшма корхоналар қуриш, ихтисослашув ва ишлаб чиқариш кооперацияси, валюта муносабатларини кенгайтириш. Эркин ал-

маштириладиган совет сўмини босқичма-босқич муомалага киритиш масаласи кун тартибига қўйилган.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРДА МОЛИЯ-КРЕДИТ МЕХАНИЗМИ — ташқи иқтисодий муносабатларга хизмат қилувчи молия-кредит воситалари, бу алоқаларни бошқариш чора-тадбирлари; ўзаро манфаатдорлик асосида валюта-молия ва савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш ва уларнинг самандорлигини оширишнинг муҳим курули. Бу механизм экспорт ва импорт структурасини такомиллаштириш учун муҳим иқтисодий шароит яратди. Ташқи иқтисодий фаолиятини фаоллаштиришда молия-кредит механизмнинг янги унсuri — валюталар муҳим роль ўйнайди. СССР Ташқи иқтисодий фаолият банки корхоналарга экспорт ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиш ва ривожлантириш учун чет эл валютасида 4 йил муддатга қарзлар бериши мумкин. Молия-кредит механизми фаол бож сиёсатини юритишда муҳим роль ўйнайди. Бу сиёсатнинг моҳияти халқаро савдода тенглик ва ўзаро манфаатдорлик қондасига риоя қилиш, товарлар экспорти ва импортини рағбарлантириш, ҳимият иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ

— давлатнинг ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини оширишга йўналтирилган мақсадлар қондалар ва уларни амалга ошириш воситалари системаси. Мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши вазифаларини ақс эттиради.

ТАШҚИ САВДО — чет мамлакатлар билан савдо-сотик ишларини юритиш, хорижга товар чиқариш (*экспорт*) ва хориждан товар киритиш (*импорт*)ни ўз ичига оладиган савдо. Айрим ҳол-

ларда у ёки бу мамлакатнинг ташқи савдоси фақат экспорт ёки импортдан иборат бўлиши мумкин. Ташқи савдо халқаро меҳнат тақсимотига асосланади. Ташқи савдо қўлдорлик тузумидаёқ вужудга келиб, феодализмда маълум даражада ривожланди. капитализмда эса жуда юксак даражага эришди.

Мамлакатимизда хўжалик механизмини қайта қуриш муносабати билан ташқи иқтисодий комплексни бошқаришни такомиллаштиришга, чет эл билан савдо-иқтисодий, валюта-молиявий ва илмий-техника алоқалари олиб борадиган вазирликлар ва маҳкамалар ишини мувофиқлаштириш даражасини яхшилашга эътибор берилмоқда. Экспорт учун товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатдорлигини оширишга ва импорт ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланишга қаратилган қатор тadbирлар ҳам белгиланган. СССРнинг «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида» қонунига мувофиқ 1990 йилнинг апрелидан бошлаб рақобатбон маҳсулот ишлаб чиқарадиган барча корхоналар ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Экспорт қилувчи корхоналарни ҳисобга олиш системаси жорий қилинди. Ташқи савдо бўйича жумҳуриятлар мустақиллигининг оширилиши муносабати билан 1990 йилнинг июнида Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузурда ҳам ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бошқармаси («Ўзглавлегснабсбит») ва Ўзбекистон ССР ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар давлат комитети ташкил этилди. Уларнинг асосий вазифаси жумҳурият ҳудудида етиштириладиган пахта, пилла, ипак, қорақўл, сунъий ва синтетик тоналар ҳамда бошқа маҳсулотларни сотишда Ўзбекистон ССР манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Енгил саноат корхоналарини ҳам ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар билан янада барқарорроқ таъмин-

лаш, жумҳуриятнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, савдо-содик, илмий-техник ва маданий алоқаларини янада ривожлантириш ҳам кенг мақсад қилиб қўйилган. Мамлакат ҳозир 145 дан ортиқ чет давлат билан савдо алоқаси ўрнатган. Ташқи савдо обороти ҳажми 130 млрд. сўмдан ортиқ. Бу миқдорнинг 67% социалистик мамлакатлар, 22% ривожланган капиталистик мамлакатлар ва 11% ривожланмаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади (1990). Ташқи савдо муносабатлари СССР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва б. идоралар, вазирликлар томонидан амалга оширилади.

ТАШҚИ САВДО БАЛАНСИ—

экспорт ва импорт ўртасида пул шаклида ифодаланган нисбат; ташқи савдо ҳолатини характерлайди. Савдо баланси икки турга бўлинади: актив баланс— экспорт импортдан ортиқ ва мамлакатга ташқаридан валюта оқиб келиб, молиявий аҳвол фаоллашади; пассив баланс— импорт экспортдан устун, мамлакатдан валюта чиқиб кета бошлайди, молиявий аҳвол заифлашади, мамлакатнинг четга қарздор бўлиб қолиш хавфи юзага келади. Экспорт ва импорт нисбати, биринчидан, олди-сотди қилинади, иккинчидан, тури, миқдорига ва уларнинг нархига боғлиқ бўлади. Кўпроқ қимматбаҳо товарлар экспорт қилиниб, арзон товарлар импорт қилинса савдо баланси фаоллашади ёки аксинча. Савдо баланси ҳолати мамлакатдаги миллий ишлаб чиқариш даражасига, мамлакатнинг халқаро савдодаги иштирокига, мамлакат товарларининг дунё бозорида рақобатлаша олишига боғлиқ. Агар товарлар сифатли бўлиб жаҳон бозорида яхши сотилса, экспорт қўнайиб, баланс актив қиёфа касб этади. Аке ҳолда савдо баланси пассив бўлади. Савдо баланси ҳолати мамлакатга валюта келиб туришини изоҳлайди, мамлакатнинг тўлов балансини шакл-

лантиради. СССРда ишлаб чиқарилган товарларнинг халқаро бозордаги рақобат қобилияти паст бўлганидан унинг савдо баланси пассивлашиб, мамлакатнинг *ташқи қарзи* ортиб борди. Савдо балансини активлаштириш учун бозор иқтисодиётига ўтиш асосида сифатли, халқаро бозор талабига жавоб берувчи товарлар ишлаб чиқаришга катта рағбат берилди.

ТАШҚИ САВДО ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАР ДАВЛАТ КОМИТЕТИ—

Ўзбекистон ССРнинг суверен хуқуқларини таъминлаш ҳамда жумҳуриятнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техник ва маданий алоқаларини янада ривожлантиришга оид ишларни мувофиқлаштириш мақсадида 1990 йилнинг июнида ташкил этилган. Ушбу комитет хорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш, бозор шароитини ўрганиш, жумҳурият территориясида ташқи алоқалар қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш ва манфаатдорлигини оширишни, махсулот етказиб бериш бўйича белгиланган режа ва битимларни ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади. Комитет хорижий шериклар иштирокида қўшма корхоналар, уюшмалар, савдо уйлари, акционер жамиятлар ташкил этиш, шунингдек, ўзаро манфаатли шартларда маданий, спорт, туризм ва бошқа хил алоқаларини йўлга қўйишга қўмақлашиш каби вазифаларни амалга оширади.

ТАШҚИ САВДО КОНТРАКТ БАҲОЛАРИ— мамлакатлараро савдо битимларида экспорт ва импорт қилинадиган товарларга белгиланадиган баҳолар; валютада ифода этилади. Улар одатда халқаро пул бўлган валютада, масалан, халқаро долларда белгиланади ва савдо битими (контракт) амал қилган даврда ўзгармай ту-

ради. Агар халқаро баҳолар кескин ўзгариб кетса, ташқи савдо контракт баҳолари ҳам қайта кўрилади. Мазкур баҳолар келишган томонлар миллий валютасида ҳам белгиланиши мумкин. Умумжаҳон бозор иқтисодиётида умумий пул-валюта билан олди-сотди қилишга ўтилади ва шакланган жаҳон баҳоларига қараб савдо шартномалари тузилади. СССРнинг Шарқий Европа мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларига оид контракт баҳолар ҳам халқаро баҳоларни ҳисобга олиб белгиланади.

ТАШҚИ САВДО ФИРМАСИ—

СССРдаги ишлаб чиқариш, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларининг *ташқи савдо* билан шуғулланувчи таркибий бўлими. Ташқи савдо фирмаси экспорт имкониятлари бор бирлашмаларда тузилади, бирлашма номидан экспорт-импорт ишларини юритади (иқтисодий мустақил эмас). Фирма қуйидаги вазифаларни бажаради: ташқи савдо битимларини тузади; ўзининг экспорт товарлари рекламасини уюштиради; четга чиқарилган товарларга техникавий хизмат кўрсатади; ўз экспорт товарларига тааллуқли жаҳон бозори конъюнктурасини ўрганади; ташқи савдо алоқаларининг самарадорлигини таъминлайди. Бирлашмалар ва корхоналар ташқи савдо фирмаси тузиш учун ташқи бозор рақобатига бардош бера оладиган товарлар чиқариши, мунтазам ташқи савдо алоқаларига эга бўлиши, халқаро бозорда фаол қатнашиши зарур.

ТАШҚИ ҚАРЗ— давлатнинг хорижий мамлакатлар қарз берувчи (кредитор) банк ва молия муассасаларидан заём ва кредитлар олиши натижасида пайдо бўлган қарзи. Кейинги йилларда ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзлари 1 триллион доллардан ошиб, йирик халқаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммога айланди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасида жойлашган

бу давлатлар ташқи қарздорлигининг асосий сабаби империалистик давлатларнинг илгариги мустамлакачилик ва ҳозирги неокOLONиализм сиёсатидир. Ривожланаётган мамлакатлар ташқи қарзни тўлашга жамғариш фондининг 1/5 қисмини ва экспорт тушумларининг 1/3 қисмини тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Аммо шу билан ҳам қарзларининг даражаси камаймаяпти (к. *Давлат қарзи*).

ТЕХНОЛОГИЯ БЕРИШ (СОТИШ)— чет мамлакатлар илгор технологиясининг ўзлаштирилиши. Бу қатор мамлакатларнинг қолоқликни тугатиб, саноатнинг замонавий тармоқларини ривожлантиришига, ички бозорнинг муҳим товарларга талабини қондиришга, импортга қарамликни камайтиришга имкон беради. Бу соҳада, айниқса, Япония намуна бўлади: у лицензиялар сотиб олишга кўнгинга маблағ сарфлади ва шу йўл билан тезда иқтисодий юксалишга эришди. Ривожланаётган мамлакатлар учун илгор технологияни эгаллаб, ўз саноатини яратиш вазифасини ҳал этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Амалда технологияни сотиш тўғрисидаги шартномага барча турдаги лицензия битимлари қиради: илмий техника ва ишлаб чиқариш кооперациялари (илмий тадқиқот ва лойиҳалаш қоллективларининг қўшма тузилмаларини ҳам ичига оладиган) соҳаси; турли қорхоналар қурилиши учун комплекти билан ускуналар етказиш тўғрисидаги шартномалар, жумладан ижара шартномаларида; пудрат усулидаги турли шартномалар. Капиталистик мамлакатларда технологияни ўтказиш хилма-хил кўринишларга эга: хусусан, трансмиллий корпорациялар технологияни беришини ўз бақчи фирмалари орқали, шунингдек, қўшма ҳамкор қорхоналар орқали амалда синамоқдалар.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ— қўйилмалар (депозитлар) шаклидаги пул капиталлари ва жамғармалар ҳисобига барча тармок қорхоналари учун универсал банк ҳаракатларини амалга оширувчи кредит муассасаси. Тижорат банки кредит системасининг атакчи бўғинидир. Унинг ҳаракатларида саноат ва савдо қорхоналарини кредитлаш асосий ўринни эгаллайди. Банк, шунингдек, комиссия муомалаларини ҳам олиб боради (к. *Банклар*).

ТИЖОРАТ СИРИ — ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқнинг бевосята иштирокчиларигагина маълум бўлган ва бошқаларга эълон қилинмайдиган маълумотлар. Тижорат сир қорхона, фирма, консорциум ёки яқка ишлаб чиқарувчи ўз товарларини арзонга тушириши, уларнинг сифатини ошириши, қимматроқ сота билиши, катта фойда кўриб, гуллаб-яшнашининг шарт. Янги техника, технология, ишлаб чиқаришни янги ҳасига ташкил этиш, янги материалларни қўллаш, бошқаларда бўлмаган, ҳаётий цикл узун бўлган товарларни ўзлаштириш сир тугилади, чунки булардан бошқалар хабардор бўлса нарх пасайиб кетади, бозорда янгиликни бошқалар ҳам таклиф этади, натижада фойда камаяди. Тижорат сир харидорлар, умуман миқозлар билан бўлган алоқага ҳам тааллуқли. Келишилган битишувлар суммаси, сотиш шартлари ва нархлар ҳам сир сақланади. Тижорат сир қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Тижорат сир рақибларга ошқора бўлиб, улар янгиликларни ўзлаштириб оlesa, янгилик эгаси бундан кўрган зарарни улар томонидан қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Тижорат сир бозор муносабатлари учун табиий ҳол. Тижорат сирини сақлаш мақсадида қорхона, фирма ва консорциумларда махсус хавфсизлик хизмати ташкил этилади. Бу хизмат қорхона мулки бўлган янги-

ликларни рақибларнинг иқтисодий жосуслигидан химоя қилади. Хавфсизлик хизмати корхона харажатларини ошириб юборади, лекин фойдани таъминлашдаги ўрни билан ўзини оқлайди.

ТИРИКЧИЛИК МИНИМУМИ— меҳнаткашлар ва уларнинг оила-си тирикчилигини энг паст даражада таъминлаш учун зарур бўлган истеъмол моллари ва хизматлар миқдори. У малакали ишчилар ва улар оила аъзоларининг ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг эришилган даражасига мувофиқ келади-ган ижтимоий зарурий эҳтиёжларини қондиришни таъминлашга етарли бўлиши керак. Тирикчилик минимуми жамият тараққиётининг маълум шароитда ижтимоий зарурий турмуш даражасининг пастки чегарасини белгилайди. Уни аниқлаш услуби энг кам истеъмол бюджети тузилишига асосланади. Баъзи мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра ҳозирги вақтда тўрт кишидан иборат оила даромадлари тирикчилик минимуми даражаси бир ойга 320 сўм атрофида ва ҳар бир оила аъзоси ҳисобига 80 сўмга, бошқа ҳисобларга кўра 400 ва 100 сўмга тўғри келади.

ТИРИКЧИЛИК ҚИЙМАТИ— тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган истеъмол товарлари ва хизматларнинг қиймати; пул шаклида ифодаланади. Тирикчилик қиймати айрим кишининг ёки оиланинг муайян турмуш даражаси шароитида нормал кун кечириши учун кетадиган сарф-харажатларни ўз ичига олади. Харажатларнинг асосий кўринишлари: оққатланги харажати; кийини харажати; тураржой ва коммунал хизмат учун сарфлар; пулли маданий-маиший хизматлар учун сарфлар; даволаниш, физкультура, спорт билан шугулланиш учун сарфлар; транспорт сарфи (шахсий транспорт сарфи ҳам қиради). Тирикчилик қий-

мати, биринчидан, истеъмол этилиши зарур товарлар ва хизматлар миқдори билан, иккинчидан, уларнинг нархи билан белгиланади. Эҳтиёж юқалиши билан истеъмол доираси кенгайиб, унга янги товар ва хизматлар қириб келади. Бу билан тирикчилик қиймати доираси кенгайди. Унинг ўсишига умуман нархларнинг ортиши, сифатли, бинобарин, нисбатан қиммат истеъмол буюмларнинг кўпроқ ишлатилиши таъсир қилади. Умуман олганда тирикчилик қиймати ўсишга мойил, чунки аҳолининг эҳтиёж доираси тез кенгайиб, кўпроқ ва сифатлироқ истеъмол буюмларини талаб қилади. Тирикчилик қиймати ўзгарувчан, у иш кучини тиклаш сарф-харажатларининг ўзгариши билан боғлиқ. Малакали ходимларнинг сони ва салмоғи ортиши билан тирикчилик қиймати ўсади, чунки уларнинг иш кучини такрор яратиш кўпроқ маблаг талаб этади. Турли мамлакатларда тирикчилик қиймати фарқ қилади, негаки ҳар жойда яшаш-меҳнат шароити, тарихан ташкил топган истеъмол анъаналари ҳар хил. Бирон-бир товар ёки хизмат учун сарф муайян мамлакатдаги тирикчилик қийматига кирса, у бошқа мамлакатда бунинг таркибига кирмай, аксинча унга бошқа товарнинг қиймати кириши мумкин. Одатдаги ўртача тирикчилик қиймати мамлакатнинг иқтисодий даражасига ҳам боғлиқ. Капиталистик мамлакатларда тирикчилик қиймати статистикаси билан қасаба союзлари шугулланади, улар олинган иш ҳақининг тирикчилик қийматига нақадар мос эканлигини назорат қилиб, ишчилар манфаати учун курашда ундан фойдаланадилар. СССРда тирикчилик қиймати амалда ўрганилмайди, чунки мамлакатимизда иш кучи товар эмас, бинобарин, унинг қиймати йўқ деган ғайриилмий хулосага асосланиб, тирикчилик қиймати ўрнига истеъмолчи бюджети ишлаб чиқилган ва ундан режалаштиришда фойдаланилади. Бундай бюджетда ҳам

тирикчилик воситалари миқдори ва қиймати ҳисобга олиниб, тирикчилик учун йилига қанча пул кераклиги аниқланади.

Тирикчилик қиймати одатда жорий баҳолар асосида ҳисоблаб чиқилади: товарлар ва хизматлар миқдорини улар бирлигининг нархига кўпайтириб, умумий суммаси аниқланади.

ТОВАР — бозорда олди-сотди орқали айирбошланадиган меҳнат маҳсули. Товар шундай маҳсулотки, у ўзини ишлаб чиқарувчиларнинг эмас, балки бошқаларнинг талаб-эҳтиёжини қондириш учун яратилади. Шу сабабли у айирбошланади. Товар моддий шаклдаги маҳсулот бўлиши шарт эмас, хизматлар ҳам товар шаклига кирилади. Турли моддий шаклдаги интеллектуал меҳнат маҳсули, илмий-техникавий гоёлар ва ишланмалар, номоддий шаклдаги хизматлар (даволат, ўқитиш, музика, рақс ижро этиш, қўшиқ куйлаш каби), ҳар хил қимматли қоғозлар (акция, облигация, сертификат, валюта) ҳам товар бўлади. Товар бозорда пул воситасида айирбошланади, яъни олди-сотди қилинади. Ҳар хил товарларнинг ўз бозори бор. Масалан, галла, пахта ёки металл, ускуналар, қимматли қоғозлар бозори мавжуд. Товар бозор иқтисодиётининг ажралмас унсуридир. У қадим замонларда пайдо бўлган. Дастлаб айрим маҳсулот тасодифан айирбошланиб, товар шаклига кирган. Шундан бошлаб товар маҳсулотнинг бозор иқтисодига ҳос иқтисодий-иқтисодий шаклига айланган. Иқтисоднинг шу тури ўсиши билан кўплаб маҳсулотлар товарга айлана борган. Капитализм босқичига келиб бозор иқтисодиёти ўз чўққисига ва товар барча маҳсулотларнинг умумий шаклига айланади. Социализм ривож шариоатида ҳам товар шаклини қолади, маҳсулотлар товар шаклида бўлади.

ТОВАР БЕЛГИСИ — муайян фирма товарларига қўйилган ва уни бошқа фирмалар маҳ-

сулотларидан фарклантирувчи белги. Товар белгиси ёки (савдо маркаси) фақат айрим фирмага қарашли бўлади, уни бошқалар ўз товарига қўя олмайди. У маҳсул давлат муассасасида рўйхатдан ўтказилади. Товар белгиси ҳар бир фирма учун индивидуал, бошқалардан ажралиб турадиган, харидор учун тушунарли, харидорни ўзинга жалб этадиган бўлиши керак. Товар белгиси баддий тасвир, сўз ёзуви билан биргаликда акс эттирилади. Белги эгаси уни бошқаларга бериши мумкин, бунинг учун ҳақ олинади. Товар белгиси сотилиши ҳам лицензия битимларига кўра амалга оширилади.

ТОВАР БИРЖАСИ — бир ёки бир неча хил товар билан улгуржи савдо-сотиқни амалга оширувчи тижорат корхонаси. Бозор иқтисоди *инфраструктурасининг* ажралмас қисми. Товар биржаси корхона ва ташкилотлар ўртасидаги олди-сотди алоқаларини юргизади. Аксарият ҳом ашё ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (дон, шакар, пахта, кофе ва б.)ни сотиш билан шугулланади. Товар биржаси икки турга бўлинади: о ч и к б и р ж а — буидай биржада унинг аъзолари билан бир қаторда бошқа соҳибкор ёки тожирлар ҳам савдо қила олади; ё п и к б и р ж а — бу ерда биржанинг аъзоси бўлганларгина савдо битими тузади.

Биржа аъзолари уни ташкил этишга пул қўйишади, яъни биржа акционер жамият сингари ташкил топади. Аммо улар ўз маблағларига дивиденд олишмайди. Товар биржаси олди-сотдисидан молнинг нақд бўлиши шарт эмас, баъзи ҳолларда товарнинг хусусияти, жумладан уни ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги эътиборга олинади.

Биржа савдолашувида ташкил тошган нархлар биржа *котировкалари* деб юритилади ва улар ҳар куни эълон қилинади. Йирик биржалардаги товар нархи жаҳон бозори нархини ифода этади.

Биржада сотиладиган моллар турли биржа товарлари ҳисобланади. Улар туркумига рангли металллар, ипак, пахта, дон, шакар, кофе, каучук ва бошқалар кирadi. Биржалар товарлар сотиш бўйича ихтисослашган. Масалан, Нью-Йорк, Бомбай, Искандария биржалари пахта, Чикаго биржаси галла савдоси билан шуғулланади, Лондон биржаси эса рангли металллар билан савдо қилади. Товарлар биржасида даллоллар (улар брокер деб аталади) олди-сотди битимларини ташкил этишади. Биржани кенгаш ва унинг президенти бошқаради.

Товар биржаси даромади биржа муомаласи иштирокчилари тўлайдиган хизмат ҳақидан ташкил топади. Товар биржаларисиз бозор иқтисодиётини юритиш қийин. Шу сабабли 1990 йил сентябрь ойида СССРда биринчи бўлиб Москвада товар биржаси ташкил этилди (бундай биржалар 20-йилларда кўп бўлган, жумладан, Тошкент ва Самарқанд биржалари). Москва товар биржаси таъсисчилари корхоналар, вазириликлар ва ташкилотлар бўлиб, улар ўз маблағлари билан биржа устав фондиди барпо этишда катнашдилар. Биржанинг хизмат ҳақи, фойда кўриш усули, ўз миқозлари билан муносабатлари шайми таъдиқланган. Москва товар биржаси ўзининг биринчи савдо муомаласини 1990 йил сентябрь ойида ўтказди. Москвада ҳам ашё биржаси ҳам очилган. Тошкентда пахта биржасини очиш мўлжалланмоқда.

ТОВАР БОЗОРЛАРИ КОНЪЮНКТУРАСИ — бозор аҳволи, шаришти; айрим жаҳон товар бозорларида турли омиқларнинг (иқтисодий, иқтимоий-сиёсий, табиий) ўзаро таъсири натижасида вужудга келган ҳамда талаб ва таклифнинг мавжуд ва тахмин қилинаётган исбатларида намоён бўладиган ҳолати. Конъюнктурани тахлил қилишда ишлаб чиқариш ҳажми, структураси ва ҳолати; муайян товар ва унинг

ўринбосари истеъмоли; захира даражаси; нархлар ўзгариши; бозор иштирокчилари; ишлаб чиқариш-маиший, илмий тадиқот, патент-лицензия, реклама ва бошқа фаолиятлар чуқур ўрганилади. Товар бозорлари конъюнктурасини мунтазам ўрганиб бориш савдо фаолиятининг муваффақияти учун зарурдир. Муайян товарлар бозори конъюнктураси хар дақиқада барқарор ёки ўзгарувчан, нархи баланд ёки паст, шиддати кучли ёки суёт бўлиши мумкин. Товарлар бозори конъюнктураси умумхўжалик конъюнктураси билан ўзаро боғлиқ. Ундан оқилона фойдаланилганда муайян сотувчи ёки сотиб олувчи ўзига қулай бўлган бозор конъюнктурасида олди-сотди қилади.

ТОВАР ЗАЁМИ — тақчил товарларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи, процент тўлашмайдиган заём. Товар тақчиллиги кучайиб, инфляция зўрайган шароитда муайян муддатга мўлжаллиниб чиқарилади. СССР товар заёмлари 1990 йилдан бошлаб чиқарилган. Заём аҳоли ўртасида сотилади. Товар заёми автомашина, телевизор, холодильник, видео ва радиоаппаратура, мебель ва бошқа тақчил товарлар заёмидан иборат бўлади. Заём эгаси унда кўрсатилган товарнинг ҳақини олдиндан тўлаб қўяди. Яъни авансланган тўлов юз беради — насияга пул беради. Пул олдиндан тўлансада, унга процент берилмайди, чунки пул эгаси заёмда шартлашилган вақт келганда товарлар олади. Товар заёми 2 хил бўлади; кўрсатилган суммада товар олиш ҳуқуқини берувчи заём (нарх ўзгарган тақдирда ҳам эски нархга биноан товар олиш ҳуқуқини беради); белгиланган суммага қўшимча пул тўланадиган заём (олиш пайти келганда, агар товар нархи ошган бўлса, заём эгаси олдинги ва сўнги нарх ўртасидаги фарқни тўлайди). Товар заёми

чиқарилиши антиинфляция тадбирлари доирасига киради. бу тадбир ёрдамида ортиқча пул қантариб қўйилиб, бозорга тушмай туради. Товар заёми чиқариш мувозанати бузилган бозорни тартибга солиш воситаларидан бири ҳисобланади.

ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — бозорда олди-сотди қилиш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш. Товар ишлаб чиқариш натурал хўжалик ўрнига келади. Натурал хўжаликда маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ўз истеъмоли учун ишлатилади. Товар хўжалигидаги маҳсулот эса бошқаларга сотиш ва унинг ўрнига бошқа маҳсулотни олиш учун яратилади. Товар ишлаб чиқариш азалдан бор. Бозор иқтисодиёти бўлган ҳамма ерда товар ишлаб чиқариш мавжуд. Товар ишлаб чиқариш ибтидоий жамият емирилиши даврида пайдо бўлган, ҳозир гоят ривожланган шаклга эга.

Товар ишлаб чиқариш умуминсоний иқтисодий ҳодиса. Товар ишлаб чиқаришнинг икки умумий асоси бор: ижтимоий меҳнат тақсими; товар ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳидалашуви, уларнинг иқтисодий мустақиллиги. Товар ишлаб чиқариш, деб ёзган эди В. И. Ленин, шундай хўжалик системасидирки, бунда «маҳсулот яққа, алоҳида ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилади ва уларнинг ҳар бири биров хил маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашади, шунинг натижасида ижтимоий талабни қондирмоқ учун маҳсулотни бозорда сотиш ва сотиб олиш зарур (маҳсулот сотилгани ва сотиб олингани учун товар бўлади)» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 1-том, 92-93-бетлар). Товар ишлаб чиқаришда бозорда сотиш, айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот товар шаклини олар экан, ишлаб чиқарилган товар муайян ҳоҳсаларга эга: биринчи-

дан, сотиб оладиган кишининг қандайдир эҳтиёжини қондиради; иккинчидан, у бошқа буюмга айирбошлана оладиган буюмдир. Шуларга мувофиқ, товар истеъмолий қийматига ва алмашув қийматига эга. У ёки бу жамиятда товар ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, тутган ўрни, ривожланганлик даражаси ва амал қилиш чегараси шу жамиятнинг мулкий муносабатларига, ижтимоий меҳнат тақсими ва ишлаб чиқариш ихтисослашувининг теранлик даражасига боғлиқ. Жамиятда товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши жараёнида ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви — вақтни тежаш юз беради. Товар ишлаб чиқариш *қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, пул муомаласи* иқтисодий қонуни тартибга солиб туради. Товар ишлаб чиқаришнинг ички зиддияти мавжуд. Бу зиддият товарларнинг бошқалар учун яратилиши билан, уларни ишлаб чиқарувчиларнинг бошқалардан мустақил бўлиши, иқтисодий жиҳатдан алоҳидалашуви ўртасидаги исмувофиқлик бўлиб, у амалиётда товар истеъмолий қиймати билан қийматининг бир-бирига мос келмаслигида, аниқроғи, товарларнинг тез сотилиб, тақчил молга айланиши ёки яхши сотилмай бозори қасод бўлишида ифода этилади. Бу зиддият товарларни керагича, сифатли ва арзонга ишлаб чиқариш орқали ечилади. Масаланинг ана шундай ечими товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиб боришини таъминлайди. Натижада умуман бозор иқтисодиёти илгарилаб боради.

ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ТАБАҚАЛАШУВИ — товар ишлаб чиқарувчилар (корхона, фирма, индивидуал ишлаб чиқарувчи) ижтимоий-иқтисодий аҳволининг ҳар хил бўлиши ва шу жиҳатдан уларнинг бир-биридан фарқланиши. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг табақалашуви бозор иқтисодиёти учун табиий, бинобарин қонуний ҳодиса, у *қий-*

мат қонуни амал қилишининг оқибати. Унинг асоси — индивидуал меҳнат сарфларидаги тафовутдир. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи индивидуал меҳнат сарфлайди. Қиймат қонунига биноан эса жамиятда қиймат ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари билан белгиланади (ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари — бу муайян жамият эҳтиёжини қондиришга лаёқатли сарфлар бўлиб, бу сарфларни жамият эътироф этади ва товарлар сотилганда бу сарфлар қопланиши керак). Бу қонунга мувофиқ индивидуал меҳнат сарфлари ижтимоий зарурий меҳнат сарфларига тенглаштирилиши шарт. Индивидуал меҳнат сарфлари бир-биридан ҳар бир товар ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнат унумдорлиги даражаси, моддий ресурсларни тежаш даражасининг турлича бўлиши билан фарқ қилади. Қиймат қонунига биноан агар алоҳида товар ишлаб чиқарувчи (корхона) ларнинг индивидуал меҳнат сарфлари ижтимоий зарурий меҳнат сарфларидан ортик бўлса, яъни товар қимматга тушса, товар ишлаб чиқарувчилар фойдани кам олади ёки зарар кўради ва хонавайрон бўлади. Агар индивидуал меҳнат сарфлари ижтимоий меҳнат сарфларидан паст бўлса, яъни товар араонга тушса, бундай товар ишлаб чиқарувчилар қулай иқтисодий мавқега эга бўладилар, яъни товарни сотиш натижасида яхши фойда кўрадилар ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб борадилар. Демак, товар ишлаб чиқаришда қиймат қонунининг амал қилиши натижасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан табақалашуви вужудга келади. Табақалашуви фақат сарф-харажатлардаги фарққа эмас, балки бозор талабига мослаша билишга ҳам боғлиқ. Бозор ҳолатини ҳисобга олиб харидорлар, бинобарин, яхши фойда келтирувчи товарларни ўз вақтида ярата билганлар бойиб боради, бунга уқуви бўлмаганлар эса заифлашади.

Амалиётда табақалашуving асосий кўрсаткичлари: *рентабеллик* ва зарар кўриш даражаси; қарадорлик даражаси; мол-мулки миқдори; сохибкорлик дунёсидаги ишонч ва обрў даражаси; мустақиллигини сақлаб қолиши ёки банкрот бўлиши.

Табақалашуви иқтисодиётда кучиларнинг танланиши ва мустаҳкамланиши, заифнинг сурилиб қолишини билдиради. Табақалашуви рақобатни кучайтиради, кучиларга ҳавас ортириб, уларга етиш учун интилиш пайдо этади. Шу асосда у бозор иқтисодиётининг ўсишига таъсир кўрсатади.

ТОВАР МАҲСУЛОТИ — яратилган маҳсулотнинг бозорга мўлжалланган, яъни айирбошланидиган қисми. Маҳсулотнинг бир қисми корхонанинг ихтиёрида қолиб, ўз эҳтиёжини қондириш учун хизмат қилади, қолган қисми товар маҳсулоти бўлиб, бошқалар эҳтиёжини қондиришга мўлжалланади, шу сабабдан у бозорда олди-сотди қилинади. Товар маҳсулоти сотишдан тушган пул корхона қўлига тушади. Товар маҳсулоти улгуржи баҳолар билан ҳисоблаб чиқилади.

ТОВАР МУОМАЛАСИ — пул воситасида товарларнинг бир-бирига айирбошланиши. Инсоният тараққиётида пулнинг пайдо бўлиши натижасида товар муомаласи — бир товарни бошқасига тўғридан-тўғри алмашуви (Т-Т шакли)дан пул ёрдамида алмашуви (Т-П-Т шакли)га айланган. Товар муомаласида товарларни айирбошлаш икки мустақил жараёнда содир бўлади: товарларни сотиш (Т-П) ва сотиб олиш (П-Т). Товар муомаласи юз берганда мулк эгаси ўзгаради. Товар ўз эгасининг мулкидан харидор мулкига, пул эса харидор мулкидан товарни сотувчи мулкига ўтади. Товар муомаласи миқёсини олди-сотди ҳажми белгилайдики, бу товарлар миқдорига ва ҳар бир товарнинг нархига боғлиқ. Товарлар қанчалик кўп яра-

тилса, уларнинг муомаласи дон-раси шунчалик кенг бўлади. Товар муомаласи иштирокчилари — сотувчилар ва харидорлар. Уларнинг мавқеи ҳар хил, улар турли мулкнинг эгалари. Сотувчи товарнинг эгаси ёки унинг номидан бозорда товарни таклиф этувчи бўлади. Тарихан товар муомаласи иштирокчилари турли синф ва тоифаларга мансуб кишилар, турли корхона, ташкилотлар (кулдор, феодал, косиб, деҳқон, ишчи, капиталист, монополия, давлат корхонаси, ширкат, жамоат ва х. к.) бўлган.

Ҳозирги товар муомаласи иштирокчилари фирма, корпорация, концерн, бирлашма, давлат корхонаси, яқка деҳқон хўжалиги, томорқа хўжалиги, индивидуал корхона, кооперативлар, жамоат ташкилотлари, давлат маҳкамалари кабилардир. Товар муомаласи ўзининг тарихий ривожланишининг бошланғич босқичларида фақат нақд пулга асосланган бўлса, кейинги босқичларида эса нақд пулезис ҳисоб-китоб қилишдан ва кредит системасидан ҳам фойдаланилмоқда. Товарлар ҳам нақдинага, ҳам насияга сотилади. Товар муомаласи жараёнида товарларнинг қийматини ҳаракат қилиб қолмай, балки шу билан бирга уларнинг истеъмол қийматининг ҳам ҳаракати кузатилади. Истеъмол қийматларининг ҳаракати товарларни ташишда, сақлашда, жойлашда, ўрашда акс этади. Булар муомала соҳасида товарларни ишлаб чиқаришнинг давоми бўлиб, сотиладиган товарлар қийматини янада оширишни шарт қилиб қўяди.

Товар муомаласининг ижтимоий-иқтисодий маъмуни ва амал қилиш хусусиятлари ҳар бир жамиятнинг мулкчилик муносабатларига боғлиқдир. СССРда турли мулк шаклларининг мавжуд бўлишидан товар муомаласи давлат билан корхоналар ўртасида, корхона билан таъминот ташкилоти, корхоналар билан савдо ташкилотлари ўртасида, корхоналар билан аҳоли ва аҳоли билан савдо

ташкилотлари ўртасида амал қилади. Товар муомаласининг алоҳида бир шакли *ташиқ савдо*дир.

Товар муомаласи муҳим вазифаларни бажаради: қийматни пул шаклига айлантириш; товарни истеъмолчига етказиб бериб, ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғлаш; аҳоли истеъмолини қондириш, шу орқали иш кучини қайтадан тиклаб, уни такроран ҳосил этишга шароит ҳозирлаш; яроқсиз ишлаб чиқариш воситалари ўрнини янгилари билан тўлдириб, ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароитини ҳозирлаш; миллатлар, элатлар, давлатлар, регионлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш. Товар муомаласи милдий (бир мамлакат) ва байналмилал (халқаро) доирада амал қилади.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан товар муомаласи байналмилаллашиб боради. СССРнинг бозор иқтисодиётига ўтиши билан товар муомаласи ихчамлашади, моддий-техника таъминоти тугатилиб, эркин савдо унинг асосий шаклига айланади, товар муомаласининг янги иштирокчилари — акционер жамиятлар, қўшма корхоналар, хусусий корхоналар, хорижий фирмалар пайдо бўлади, биржалар очилади. Мамлакатда 1990 йилдан валютага савдо қилиш жорий этилди, нафақат совет пули, балки чет эл валюталари ҳам товар муомаласида қатнашадиган бўлди. СССРнинг халқаро товар муомаласида фаол қатнашуви мўлжалланади.

ТОВАР СИФАТИ — товарнинг муайян эҳтиёжларни қондира оладиган хоссалари мажмуи; бозорда товар сотилишининг асосий кўрсаткичи. Товар сифати дастлаб лойиҳалаштиришда мўлжалланади, ишлаб чиқаришда амалда ҳосил этилади, сўнгра истеъмолда синаб кўрилади. Узок вақт мобайнида ишлатилувчи товар сифати хизмат қилиш муддатига, фойдаланиш, ремонт қилиш, созлаш харажатлари, уларнинг энергия сарфи, қўлланиш хавф-

сизлигига қараб белгиланади. Тезда истеъмол этилувчи товар сифати унинг фойдали, киши соғлиги ва атроф муҳитга таъсири, уни ишлатишнинг қулайлигига, эстетик талабга жавоб беришига қараб аниқланади. Товар сифати ички ва халқаро бозор талабига қараб ҳам аниқланади. Бунда асос қилиб товар сифатига бўлган стандарт талаб қабул қилинади. Товар сифати товарнинг рақобатчилик қобилиятини билдиради.

ТОВАР ТАҚЧИЛЛИГИ — бозорда товарларнинг мунтазам ва сурункасига етишмай, уларга бўлган талабнинг доимо қондирилмай келиши. Ҳар қандай товарнинг камёб бўлиши товар тақчиллигини яратавермайди. Товарнинг ўткинчи шаклдаги ёки вақтинча етишмаслиги тақчиллик эмас, агар бундай аҳвол доимий характер касб этса, шундагина тақчиллик келиб чиқади. Эҳтиёж юксалиб борганидан уни қондириш учун янги янги товарлар яратилади, уларга талаб пайдо бўлади, лекин талабни буткул дарҳол қондиришга ишлаб чиқариш қодир бўлмайди, чунки янгилик бирдан ўзлаштирилмайди, бунга ишлаб чиқариш қувватлари ҳали етарли бўлмайди. Талабнинг пайдо бўлиши билан уни қондириш орасида узил-кисил бўлади, аммо бу вақтинчалик ҳодиса бўлганлигидан тақчилликни вужудга келтирмайди. Агар талабнинг юзага келиши билан уни қондириш орасидаги вақт чўзилиб кетса, товар тақчиллиги пайдо бўлади. Товар тақчиллиги учун янгича талаб юзага чиқариши шарт эмас. Агар ишлаб чиқаришда танглик юз бериб, у одатдаги талабдан ҳам орқада қолса, товар тақчиллиги ўз-ўзидан юзага чиқади. Товар тақчиллиги доимий тус олган жамият иқтисодиёти тақчиллик иқтисодиётига айланади. Товар тақчиллиги кучсиз ва кучли, ўткир бўлиши мумкин. Бу нарса товарларнинг нақадар етишмаслигига

боғлиқ. Агар талабнинг оз қисми қопланмай турса, кучсиз тақчиллик мавжуд бўлади, аксинча муайян товарларга бўлган талабнинг тобора кўпроқ қисми қондирилмаса ўткир тақчиллик келиб чиқади. Бундай товар тақчиллиги ҳатто муҳим ўрибосар товарларнинг ҳам етишмаслигини билдиради. Товар тақчиллигининг сабаби фақат ишлаб чиқаришнинг талабни қондиришга ожизлиги билан боғлиқ бўлмай, уни товарларнинг бозорга вақтида келтирилмаслиги, товар нархининг ғоят пастлиги ёки чайқовчилик мақсадида товарларни атайлаб беркитиб туриш ҳам келтириб чиқаради. Лекин булар асосий сабаб эмас. Муҳими шуки, товар тақчиллиги иқтисодиётнинг беқарорлиги, ундаги мутаносибликнинг бузилиши, тақрор ишлаб чиқаришнинг издан чиқishi оқибатида. Товар тақчиллигини бартараф этишнинг ҳар хил усуллари бор. Товар ишлаб чиқариш, товар импорти бозор талабига қараб кўнайтирилади, бунинг иложи бўлмаса тақчил товарлар нархи кескин оширилиб, уларга талаб камайтирилади; аҳоли пул даромадлари, бинобарин, харид қобилияти ўзгартирилганда тақчил товарларга талаб қисқаради. Биринчи йўлдан борилганда аҳоли турмуш даражаси пасаймайди. Қолган йўллардан борилса тақчилликнинг камайishi ёки йўқолиб кетиши аҳоли ҳисобидан бўлади, чунки унинг истеъмоли қисқаради.

Иқтисодиётнинг инсонпарварлик қондалари товар тақчиллигини фақат товарларни кўнайтириш ва унинг сифатини ошириш ҳисобидан йўқотишни талаб қилади.

ТОВАР ҚИЙМАТИ — товарда мужассамлашган ижтимоий меҳнат; товарлар айирбошланишида ифода этилади, товар нархининг объектив асоси ҳисобланади. Товар — меҳнат маҳсули. Уни

яратиш учун кўринишидан катъи назар, умуман инсон меҳнати сарфланадики, у инсон куч-қувватининг, аниқроғи унинг мушак, асаб ва миясининг энергия сарфидан иборат бўлади. Мана шу умуман меҳнат сарфи товарлар айирбошланганда уларни бир-бирига тенглаштириш учун асос бўлади ва товар қийматини ташкил этади. Товарга сарфланган меҳнат икки хил бўлади: буюмлашган, моддийлашган меҳнат, яъни ишлаб чиқариш воситаларида гавдаланган ва товарга кўчирилган меҳнат (бу ҳам оддий жонли меҳнат бўлган, кейин воситаларга кўчиб, моддийлашган); ишлаб чиқарувчининг товар яратишда сарфлаган жонли меҳнати (куч-қуввати сарфи). Моддийлашган ва жонли меҳнат биргалликда товар қийматини ташкил этади. Қиймат миқдорини айрим ишлаб чиқарувчининг индивидуал меҳнати эмас, балки ижтимоий зарурий меҳнат сарфи, яъни товарнинг аксарият қисмини яратиш учун кетган, яъни ўртача меҳнат малакаси, меҳнат шиддати ва техника даражаси шароитида сарфланган ва эҳтиёжни қондирганлиги учун жамият томонидан эътироф қилинган меҳнат белгилайди. Қиймат товар нархининг асоси. *Нарх* қиймат атрафида тебраниб туради, лекин ундан узилиб, мутлақо йироқлашиб кетмайди. Қиймат миқдори меҳнат унумдорлигига нисбатан тескари мутаносибликда ўзгаради. Меҳнат унумдорлиги ошиши билан товар бирлигининг қиймати пасаяди, чунки меҳнат тежалиб, унинг сарфи қисқаради, ҳам моддийлашган, ҳам жонли меҳнат камроқ сарфланган ҳолда товар кўпроқ ишлаб чиқарилади. Товар қийматининг пасайиши муайян миқдорда меҳнат сарфланган товарлар кўп ишлаб чиқарилгани ва шу асосда бозорнинг товарга тўйдирилишини билдиради. Бу жараён жамиятда иқтисодий равиқ юз берганлигини кўрсатади.

ТОВАРЛАР ИМПОРТИ — чет эл товарлари, шунингдек товарлашган хизматларни мамлакатнинг ички бозорига киритиш. Агар экспорт қиймати жиҳатидан импортдан устун турса, у ҳолда мамлакатнинг товар баланси актив ҳисобланади.

Мамлакатимизга товарлар импорти, биринчи навбатда, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларни, яъни техника-технологияни киритишни талаб этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида товарлар импорти меҳнат тақсимотини чуқурлаштириш йўналишида олиб борилади. Импорт сиёсати, шунингдек, валюта маблағларидан жуда тежаб-тергаб, ўз ўрнида ва ишнинг кўзини биллиб, хўжайинларча фойдаланиш, унча зарурати бўлмаган (масалан, енгил автомашина, видеомагнитофон ва шу каби) маҳсулотларни харид қилишдан воз кечиш йўлини тутишни талаб этади.

ТОВАРЛАР ТАКЛИФИ — бозорга чиқарилган ёки келтирилиши мумкин бўлган жами товарлар миқдори ва структураси. Товарлар таклифи ишлаб чиқариш миқёси ва унинг таркибига боғлиқ, лекин яратилган маҳсулот миқдори унга тенг эмас. Маҳсулотнинг фақат бир қисми бозорга чиқарилади ва у товар маҳсулот дейилади, унинг қолган қисми ишлаб чиқаришнинг ўзида қолади, у таклифини юзага чиқармаслиги мумкин. Товарлар таклифи маҳсулотнинг товарлиқ даражасига боғлиқ. Товарлар таклифи, шунингдек, маҳсулотни бозорга нест-нобуд қилмай, айниқса озиқ-овқат маҳсулотларини, етказиб беришга ҳам боғлиқ. Масалан, СССРда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли 25—30% ни нобудгарчиликдан сақлай олмаслик товар фондини тўлдириш имкониятини бермайди.

Ишлаб чиқариш бозор талабига кўра ўз миқёси ва струк-

турасини ўзгартириб, товарлар таклифини кўпайтиради.

Товарлар таклифининг ҳажми ва таркиби бор. Унинг ҳажми сотишга чиқарилган товарлар суммаси билан белгиланади. Бу эса, ўз навбатида, товарлар миқдорига ва уларнинг нархига боғлиқ. Шунга қараб товарлар таклифи миқдори ҳар хил бўлади. Ишлаб чиқариш билан нарх бир йўналишда ошса, товарлар таклифи тўхтовсиз кўнади. Агар улар қарама-қарши йўналишда ўзгарса, уларнинг нисбатида қараб, товарлар таклифи турлича кўриниш олади. Ҳамилтадаги товарлар таклифи миқдори муайян бўлгани ҳолда, айрим гуруҳ ёки турдаги товарлар таклифи ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, озиқ-овқат товарлари таклифи ўзгармаган ҳолда, унинг таркибида чорвачилик товарлари ёки сабзавотчилик товарлари таклифи турли даражада ўзгариши мумкин. Товарлар таклифига хос бўлган ҳаракат унинг мослашувчан ва тез ўзгарувчан бўлишини билдиради. Товарлар таклифи фақат мамлакат ёки регион доирасидаги ишлаб чиқаришга, балки *товарлар экспорти* ва *импорти*га ҳам боғлиқдир. Экспорт товарлар таклифини қисқартирса, импорт уни кўпайтиради. Товарлар таклифи бозор талабига мос ўзгариши керак. Агар таклиф талабдан охиб кетса, бозор касод бўлади, ресурслар ҳаракати секинлашади, ишлаб чиқаришда танглик бошланади. Шу сабабли жамият бозордаги товарлар таклифини ҳам тартибга солиши керак.

ТОВАРЛАР ЭКСПОРТИ — товарларни ташқи бозорда сотиш учун чет элга чиқариши. Экспорт *ташқи савдонинг* таркибий қисмидир. Экспорт қилинадиган товарлар жумласига муайян мамлакатда ишлаб чиқарилган, шунингдек, илгарироқ чет эллардан келтирилган ва ишлаб охирига етказилган ёки қайта ишланган, баъзан эса қайта ишланмаган

(реэкспорт) ва ташқи бозорда сотиладиган товарлар қиради. СССР экспорт структурасида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тайёр маҳсулотлар, ярим фабрикатлар, машиналар ускуналар, халқ истеъмол қиладиган саноат буюмлари улушини кўпайтиришда мамлакат иқтисодиётининг ўсиши халқ қилувчи улуш қўшади. Экспорт структурасини яхшилаш маҳсулот сифатини тубдан ошириш, жаҳон бозорига унинг рақобат қилиш қобилиятини таъминлашга асосланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш корхоналарга тўғридан-тўғри ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқини беришни, чет эл капиталдан фойдаланишни, ҳамкорликдаги корхоналар фаолиятини кенгайтиришни талаб этади, бу тадбирлар эса товарлар экспорти самарасини оширишга ёрдам беради.

ТОВАРЛАРГА ТАЛАБ — тўловга қобил эҳтиёж; бозор иқтисодиётининг энг муҳим категорияларидан бири. Бозорга чиққан ва керакли миқдордаги пул билан таъминланган эҳтиёжни ифода этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кишиларнинг шахсий ва ишлаб чиқариш эҳтиёжи, гарчи улар умумий тушунчалар бўледа, талаб шаклига қиради, чунки улар олди-сотди орқали қондирилади. Товарларга талаб эҳтиёждан келиб чиқади, харида ажратилган пул шаклида ифода этилади. Эҳтиёжнинг таркиби ва уни қондира олишининг муайян даврдаги имкониятларига қараб, товарларга талаб ҳар хил бўлади. Товарлар дунёсидаги хилма-хилликка мос равишда талаб структураси ҳосил бўлади. Бу ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабга ҳамда истеъмол товарлари ва хизматларга бўлган талабга ажралади. Ўз навбатида, бу гуруҳдаги талабларнинг ҳар бири жуда кўп шахобчаларга бўлинади. Масалан, озиқ-овқат товарлари, саноат моллари, маиший

ва ижтимоий хизматларга бўлган талаб товарларга талаб структурасини ташкил этади.

Товарларга талаб ўзининг характери ва ҳаракати жиҳатидан ўсаётган, барқарор қондирилган, қондирилиши кечиктирилган, қондирилмаган, нормал ва ваҳима талабларига бўлинади. Маълумки, кишиларнинг эҳтиёжи улар меҳнатининг характери, шароити, шиддатига, уларнинг жинси, ёши, қаерда яшаши (яшаш жойи), дини, урф-одатларига боғлиқ. Эҳтиёж турли-туман бўлган шароитларда кишиларнинг пул даромади, бинобарин, харид қобилияти ҳам ҳар хил бўлади. Шуларга қараб, талаб ижтимоий табақалашган бўлади. Товарларга талаб қотиб қолмайди, у мойил, яъни тез ўзгарувчан бўлади. Талабнинг ўзгарувчанлигига таъсир кўрсатадиган омиллар: эҳтиёжнинг юксалиши; нарх-навонинг ўзгариши; аҳоли, корхона, ташкилотлар пул даромадидаги, бинобарин, уларнинг харид қобилиятидаги ўзгаришлар; олдинги даврларда бозор талабининг нақадар қондирилганлиги; талабни қондиришнинг кечиктирилиши ва б.

Санаб ўтилган омиллар орасида нархлар ва харид қобилияти талабни тез ўзгаришга олиб келади. Товарларга талаб миқдори пул даромадлари, харид қобилияти ҳажмига тўғри мутаносибликда, нарх-наво даражасига тесқари мутаносибликда ўзгаради. Нарх ўзгармаган ҳолда харид қобилияти ошса, товарларга талаб кўпаяди. Аксинча харид қобилияти ўзгармаган ҳолда нарх ошса, товарларга талаб қисқаради, агар нарх камайса, товарларга талаб ортади.

Талабга регионал, миллий, байналмилал омиллар таъсир этади: регионал омил — иқлим шароити, ишлаб чиқариш структураси, маҳаллий урф-одатлар; миллий омил — мамлакат доирасида эҳтиёжнинг юксалиш даражаси, умуман истеъмол даража-

си, миллий, диний анъаналар ва кўникмалар; байналмилал омил — бирон мамлакатдаги янги товар истеъмолнинг бошқа мамлакатлар аҳолисига етиб бориб, уларнинг талабига таъсири, халқаро товар рекламаси ва ахборотнинг мавжудлиги ва б. Натижада бир мамлакатнинг ишлаб чиқариши яратган товарларга талаб, шу товар йўқ мамлакатда ҳам унга талаб уйғотади.

Товарларга талабнинг шаклланишига таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олиб, товарлар оқимини ўзгартириб туриш бозорни тартибга солишда яхши самара беради.

ТОВАРЛАШГАН ХИЗМАТ — товар сифатида олди-сотди қилинувчи хизматлар, яъни пулди хизматлар. Товарлашган хизмат икки хил бўлади: ишлаб чиқариш хизматлари — уларни корхона-ташкilotлар харид этиб, фойдаланади (масалан, юк транспорти, алоқа хизмати, фан-техника, воситачилик хизмати); ижтимоий хизматлар — маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, пассажир транспорти кабилар (масалан, пул тўлаб ўқини, даволашиш, спорт, туризм билан шуғулланиш кабилар). Бепул ижтимоий хизматлар товарлашган маҳсулот таркибига қирмайди. Бозор иқтисодиёти шароитларида товарлар дунёси муомаласида товарлашган хизматлар обороти кучайиб боради. Товарлашган хизмат миқдори сотилган хизматларнинг муғлақ ҳажми ёки аҳоли жон бонига тўғри келадиган ҳажми билан белгиланади. Товарлашган хизмат ҳажми ва турларининг кўлиги жамиятнинг иқтисодий етуклигини, куч-қудратини ишбий жиҳатдан характерлайди.

ТОВАРНИНГ РАҚОБАТЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИ — муайян товарнинг миллий, регионал ёки жаҳон бозоридида бошқа товарлар рақобатига бардош бера олиши. Бу

хусусиятни харидорга товар нархнинг маъқуллиги, сифати, истеъмолчининг саломатлигига таъсири, экологик характеристикаси, нақадар узоқ хизмат қила оlishи кабилар белгилайди. Товарнинг рақобатчилик қобилияти уни ишлаб чиқарган корхонанинг, товар яратиладиган мамлакатнинг обрў-эътиборини билдиради, уларга бозорнинг ишончини оширади. Бу қобилият қанчалик юқори бўлса, товар шунчалик тез ва кўп сотилади, ишлаб чиқарувчи шунчалик кўп фойда қўради. Товарнинг рақобатчилик қобилияти, шунингдек, бозорнинг мол билан таъминланishiга ҳам боғлиқ. Тақчил бозорда товарлар сифатига эътибор кам бўлади. Аксинча товарларга тўйган бозорда товарнинг рақобатчилик қобилиятига — сифатига бўлган талаб ортади. Озиқ-овқат товарлари етарли бўлса, уларнинг тўйимлиги (керакли моддаларга бойлиги), биологик тозаллиги, уларнинг яхши ва узоқ сақланиши рақобатчилик қобилиятини таъминлайди. Агар автомобиллар етарли бўлса, нафақат уларнинг тезлиги, тежамли ва арзонлиги, балки машина дизайни (кўрими), хавфсизлиги, қулайликлари (теуний иқлим ҳосил этиш, электроника жиҳозлари билан таъминланиши) бозорда рақобатини таъминлайди.

Халқаро бозорда СССРда ишлаб чиқарилган кўпгина товарларнинг рақобатчилик қобилияти насл. СССРнинг бозор иқтисодиётига ўтиши рақобатга йўл очиб, товарларнинг рақобатчилик қобилиятини оширишга, мамлакатнинг халқаро бозорда ўз обрўсини топишига имкон бериши мумкин.

ТОВАРНИНГ ҲАЁТИЙ ЦИКЛИ — товарнинг бозорда сотилиб, сотувчига фойда келтириб туриш даври; бозорда товар умрининг узун ёки қисқалигини билдиради. Товарнинг ҳаётий цикли товарнинг бозорга кириб келишидан бошланиб, унинг хари-

дор томонидан тан олинishi, товар мавқенининг юксак даражага кўтарилиши, бозорнинг товарга тўйинishi, ва ниҳоят, товар мавқенининг пасайиб кетиш давридан иборат бўлиб, товарнинг бозордан чиқиб кетиши билан якунланади. Юқоридаги босқичларга монанд равишда товарнинг сотилиши ва ундан келган фойда дастлаб орта бориб, ўз чўққисига етади, сўнгра пасайиб минимал даражага келади. Бир товар ҳаётий циклининг узилиши бошқа товар ҳаётий циклининг бошланишини билдиради. Товарнинг ҳаётий цикли узун ёки қисқалиги товарнинг сифатига, бозор талабини қондира оlishига боғлиқ.

ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ — бозор иқтисодиётининг моҳиятини ташкил этувчи муносабатлар; товар ишлаб чиқариш, товарларни айирбошлаш ва пул муомаласига ҳос муносабатларнинг яхлитлиги. Товар ишлаб чиқариш соҳасидаги муносабатлар товарни яратиш ва уларга моддий ва жонли меҳнат сарфланиши, бу меҳнат сарф-харажатлари ижтимоий зарурий даражада бўлиши, товарнинг истеъмол қиймати ва қийматларининг бирлигини таъминлаши, шунингдек жонли меҳнат сарфларини ижтимоий зарурий сарфга келтириши, товарлар қийматининг меҳнат унумдорлигига тескари муносабатликда ўзгариши каби алоқаларини билдиради. Уларга ҳос белгилар: рақобатлашув, тижорат сирларини сақлаш, меҳнат сарф-харажатларини камайтириб бориши таъминлаш ва энг муҳими — товар ишлаб чиқарувчиларнинг мустақил ва алоҳидалашган бўлиши, уларнинг бозорга қараб товарларини яратиши, бозор талаб-эҳтиёжи қондирилгандагина уларнинг даромад топишидир. Товар ишлаб чиқаришга ҳос муносабатлар қиймат, жонли ва буюмлашган меҳнат, аниқ ва абстракт меҳнат, иш вақти, меҳнат унумдорлиги каби тушунчаларда ифода этилади.

Яратилган товарларни айирбошлаш борасидаги муносабатлар сотувчи ва харидор ўртасидаги олди-сотди муносабатдир. Турли товар ишлаб чиқарувчилар бозорда айни бир вақтда ҳам сотувчи, ҳам харидор вазифасини ўтайдилар. Бозор алоқалари керакли товарларнинг зарурий миқдорда ва тенгма-тенг тарзда айирбошланишини билдиради. Харидор ва сотувчи бир-бирини эркин таялаб олиши, айирбошланишнинг бозорда ташкил топган нархларга биноан юз бериши товар муомаласининг муҳим талабидир. Товар муомаласи айирбошлаш қиймати, нарх, бозор, тенгма-тенглик, талаб, таклиф тушунчаларида ўз ифодасини топади.

Товарлар бевосита эмас, балки пул воситасида айирбошланади, лекин барибир унинг мезони товарга сарфланган меҳнат бўлаверади. Пул қийматини ўлчаш воситаси бўлиб, товарлар олди-сотдида воситачилик қилади. Ҳамият пул муомаласини уюштириб, унинг сарф-харажатларини ўзи қоплайди. Пул муомаласининг ҳолати иқтисодий вазиятни ақс эттиради. Унинг мазмуни пул обороти, пул қадри, инфляция, дефляция, пул севдаси, валюта бозори каби тушунчаларда мужассамлашади. Товар-пул муносабатлари умуминсоний ҳодиса, лекин улар абадий эмас, балки тарихан ўткинчи муносабатдир. Улар шировард натижада бевосита иқтисодий муносабатлар билан алмашади.

ТОЖИР, (коммерсант — савдо-сотик ишлари билан шуғулланувчи шахс. Тожир ўз номидан ёки бирор фирма номидан иш юритади. Фирма номидан иш юритганда тожир фирманинг ёлланган ходими сифатида фаолият кўрсатади. Мустақил тожир ўз маблағига эга бўлади ва уни ишлатиб фойда кўради; бу ўз моҳияти билан савдо фойдасидир. Тожир савдо-сотик ишларида воситачилик ҳам қилади ва ўз хиз-

мати учун комиссия ҳақ (даллол пули) олади. Воситачилик хизмати харидор ва сотувчи бир-бирини топишида қўл келади. Тожир ички ва ташқи савдо юритиш, айрим ёки бир гуруҳ товарлар савдо-сотиги бўйича ихтисослашган бўлади. Масалан, тожир мўйна, антиқа буюмлар, патент, лицензиялар ёки бошқа товарларнинг биронтасини сотишга ихтисослашади. Тожирларнинг ихтисослашуви бозорда товарларнинг қўнаиб кетиши, уларга бўлган талаб ва таклифни илғаб олишнинг қийинлашуви билан боғлиқ. СССР бозор муносабатларига ўтиши билан совет тожирини пайдо бўлади.

ТОРАЮВЧИ БОЗОР — олди-сотди, айирбошлаш ҳажми кичикариб борадиган бозор. Тораювчи бозор айрим ёки бир гуруҳ товарлар ва хизматлар бозорига тааллуқлидир. Бунда товарга талаб камайиб, унинг нархи тушиб кетади, олди-сотди миқёси кичикаради. Тораювчи бозор товарнинг талабга жавоб бермаслиги, шунингдек, харид қобилиятининг пасайиши билан боғлиқ. Агар аҳоли даромади ўстирилмаса, унга товар зарур бўлсада, уни харид этиш учун қурби етмаганлигидан бозор тораяди. Тораювчи бозор, одатда, иқтирозга дуч келган тармоқлар товарларининг бозорига ҳос бўлади. Тораювчи бозор аҳолининг харид қобилияти пасайиб, олди-сотди ҳажми кичикариб кетадиган чуқур иқтисодий кризислар даврига ҳам ҳосдир.

ТРЕСТ (ингл. trust) — саноат монополияларининг 20-йиллардаги энг юқори шакли. Унда маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш, корхоналарининг молияси тўла бирлаштирилади. Трест муайян тармоқда ҳукмронлик қилувчи ягона улкан ширкатчилик жамияти бўлиб, АҚШда кенг тарқалган эди. Ҳозир кам учрайди.

ТЎЛОВ БАЛАНСИ — мамлакатнинг чет элга тўлайдиган пули

билан унга чет эздан тушади-
ган пул ўртасидаги нисбат. Мам-
лакатнинг хорижий сарфлари тў-
лов йўли билан қопланади. Тў-
лов туркумига ташқи қарз, унинг
проценти, четдан олинган то-
варлар ва хизматлар ҳақи, хори-
ж инвестицияси, хорижда
дипломатик ишларини, иқтисодий
алоқаларни юритиш, фуқаролар
нинг чет элга пул ўтказишлари
ва б. қиради. Четдан келадиган
тушумлар бошқа давлатлар
қайтарган қарзлар, уларнинг
проценти, хориждаги корхоналар
ва ташкилотлардан ўтказилган
фойда, экспорт қилинган товар-
лар ва хизматлар ҳақи, бошқа
юртлик фуқаролар, корхоналар,
ташкилотлар ва шунингдек, халқ-
аро ёки регионал ташкилот-
лар ўтказган пулдан иборат бў-
лади. Четга бериладиган тў-
ловларга нисбатан четдан кела-
диган тўловлар кўп бўлса, тўлов
баланси фаол бўлади. Бунда мам-
лакатга валюта кўпроқ оқиб ке-
лади, унинг валюта фонди ўса-
ди, акс ҳолда тўлов баланси пас-
сив бўлади, валюта чиқиб кета-
ди ва валюта фонди қисқаради.

Тўлов баланси мамлакатнинг
халқаро миқёсдаги иқтисодий
мавқени кучли ёки заифлигини,
халқаро ҳамжиҳатлигидаги обрў-
элитиборини ифодалайди.

У

УЛГУРЖИ БАҲОЛАР — корхо-
налар ёки мол етказиб берувчи-
ларнинг катта миқдордаги ўз мах-
сулотини бошқа корхона (бирлаш-
ма) ва ташкилотларга кўтарасига
сотадиган баҳолари. Улгуржи ба-
ҳолар маҳсулотни ишлаб чиқа-
риш ва уни сотиш учун кетган
меҳнат харажатларини, унинг не-
тёмол ҳусуусиятларини, сифати-
ни ва тўловга қобил талабни ифо-
далаши керак. Улар ишлаб чиқа-
риш самарадорлигининг ошиши-
фан-техника тараққиётининг

жадаллашуви, хўжалик ҳисоби-
нинг мустақамлашишига им-
кон яратади. Корхона ва тармоқ
улгуржи баҳолари мавжуд. Бир
турдаги, маҳсулотга мамлакат
бўйича бир хил улгуржи баҳо-
лар белгиланади. Аммо айрим
маҳсулотларга минтақа баҳолари
қўйилиши мумкин.

«УМУМИЙ БОЗОР» — *Европа*
Иқтисодий Ҳамжамияти.

УМУМИТТИФОҚ БОЗОРИ —
СССРнинг миллий бозори; турли
жумҳуриятлардаги товар ишлаб
чиқарувчилар ўртасидаги олди-
сотди муносабатларининг маж-
муи. Ҳар бир жумҳуриятдаги
корхоналар умумиттифоқ бозори-
да бир-бири билан олди-сотди
алоқаларини ўриатади. Чунки
улар меҳнат тақемоти орқали
ўзаро узвий боғланган, мазкур
алоқалар тоталитар иқтисодиёт
шароитида юқоридан туриб режа-
лаштирилган, корхоналар бир
бирига қатъий бирктиб қўйил-
ган. Улар ўзларига маҳсулот ет-
казиб турувчи ёки харидор кор-
хоналарни эркин танлаш ҳуқуқи-
дан маҳрум бўлганлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида
корхоналар алоқаси горизонтал
тарада, бевосита уларнинг ўзи
томонидан ўриатилади. Корхона-
лар умумиттифоқ бозорида ўзига
мижоз танлайдилар, уларнинг
савдо-сотиқ алоқалари келишил-
ган ёки эркин ташкил тошган
нархларга биноан амалга ошади.
Корхоналар умумиттифоқ бозори
учун ишлайди. Корхоналар чуқур
ихтисослашганидан жумҳурият-
лар бозори улар учун торлик
қилади, яъни улар товарига хар-
идор жумҳурият доирасидагина
эмас, балки ундан ташқарида
ҳам бўлади. Умумиттифоқ бозори-
нинг таркибий қисми *регионал*
*бозорлар*дир.

Умумиттифоқ бозори ҳар кан-
дай бозор сингари ички тузи-
лишга эга. У товарлар, валюта,
қимматбаҳо қоғозлар, меҳнат, на-
мий-техникавий ишлабмамар, ин-
вестиция бозорларидан ташкил

топади. Унинг кенгайтирилган товар ишлаб чиқарувчилардан иборат. Бу бозор ўз инфрасруктурасига эга. Умумиттифоқ бозорининг хусусияти шуки, ҳали у шаклланиб улгурмаган.

УМУМИТТИФОҚ ВАЛЮТА БОЗОРИ — СССРда валюталарни олди-сотди этиш муносабатлари. Уни махсус ташкилот уюштиради. СССР Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 4 август «Умумиттифоқ валюта бозорини шакллантириш тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ Москва шаҳрида ташкил этилган. Марказнинг бош вазифаси — бозор курслари бўйича чет эл валюталари билан бўладиган муомалани (олди-сотди) амалга ошириш, жумхурият ва регионал валюта биржалари ишларини мувофиқлаштириш. Таъсисчилар — СССР Давлат банки, жумхурият банклари, ихтисослашган ва тижорат банклари, бошқа кредит ва молия муассасалари.

Ф

Фойда — қўшимча маҳсулотнинг пул шакли; корхона (бирлашма), тармоқ ва бутун халқ хўжалиги ишлаб чиқариш-хўжалиқ фаолиятининг умумлаштирувчи кўрсаткичи. Фойда даромаднинг бир қисми, СССРда давлат бюджети даромадларининг асосий манбаларидан бири (бюджети даромадларининг қарийб 1/3 қисми фойдадан тўловлар ва ажратмалар ҳисобига шаклланади) сифатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодалайди. Корхонанинг молиявий аҳоли, иқтисодий раббатлантириш фондлари шакллантириш имкониятлари, бюджет ва юқори турувчи органга тўловлар бўйича мажбуриятларининг бажарилиши фойда ҳажмига боғлиқ. Фойда янги маҳсулот қиймати билан уш ишлаб чиқариш ва сотиш хара-

жатлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Агар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари янги маҳсулот қиймати (даромад)дан устун бўлса, фойда ўрнига зарар қўрилади. Фойданинг мувозанат, ҳисоб-китоб ва қолдиқ шакллари мавжуд. Маҳсулот таннархини пасайтириш, жадаллаштириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш фойда ўсишининг асосий омиллари ҳисобланади.

ФОНД БИРЖАСИ — қ. *Молия биржаси*.

ФОНДЛАР УЧУН ТЎЛОВ — корхона (бирлашма)нинг даромад ёки фойдасидан давлат бюджетига ишлаб чиқариш фондлари миқдорига қараб бериладиган тўлов. Фондлар учун тўлов асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормаланадиган айланма воситалар учун узок муддатга (беш йилликка) жорий этиладиган барқарор нормативлар бўйича белгиланади. Айрим ҳолларда беш йилликнинг ҳар бир йили бўйича тўлов даражаси табақалантирилади. Тўлов асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма воситаларнинг қийматига ҳамда банк қарзига кирмайди. Фондлар учун тўлов алоҳида корхона ва бирлашмаларда уларнинг рентабельлик даражасига қараб фондлар қийматининг 2-8% миқдорига табақалантирилади.

Фондлар учун тўлов асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки баҳоси (қиймати) миқдорига (эскиришини ҳисобга олмасдан) белгиланади. Бу эса корхона (бирлашма)нинг асосий фондларининг ўз вақтида янгилашиб туриши ва ишлаб чиқаришнинг техник даражаси кўтарилиб боришидан манфаатдорликка олиб келади.

ФРАХТ БОЗОРИ — халқаро миқёсда юк ташин ёки фойдаланиш учун кемаларни ёллан; транспорт (кема) хизматининг олди-сотди қилиниши, жаҳон товар бозорининг бир тури. Фрахт

бозори моддин шаклдаги товар эмас, балки хизматлашган товар бўлмиш транспорт хизмати бозоридир. Фрахт бозорида амал қилувчи нарх фрахт ҳақи (чартер) ёки тарифидир. Фрахт ҳақи юкни кемада хоҳлаган йўналишда ташиш учун қўлланади. Фрахт тарифи юк ёки йўловчиларни кемада фақат бир йўналишда ташишда ишлатилади. Фрахт ҳақи ва тарифи кемачи компаниялар ва буюртмачилар ўртасидаги келишувга қараб белгиланади. Бунда ташиш сарф-харажатларидан ташқари кема хизматида бўлган талаб ҳам ҳисобга олинади. СССР ҳам халқаро фрахт бозорида қатнашиб (Бутуниттифок «Совфрахт» бирлашмаси), бундан даромад кўради. Фрахт ҳақи маҳсул шартномада юк оғирлиги ёки ҳажми бирлигига қараб белгиланади. Кема қатнов учун фойдаланилганда рейс учун ёки келишилган муддат учун келишилган ҳақ суммаси тўланади.

ФРАХТ ТўЛОВЛАРИ (голл. vracht, нем. fracht) — транспорт воситалари эгасига юк ёки пассажирларни ташиш бўйича кўрсатилган хизмат учун тўлов. Фрахт тушунчада турли хил транспорт турларида юк ташишда қўлланилади, асосан, деңиз транспортига тааллуқлидир. Фрахт юкларни тушириш, юклаш, жойлаштириш ва ташишни ўз ичига олади. Фрахт ҳақи ички юк ташишда тарифлар бўйича, ташқи юк ташишда эса асосан шартнома (чартер)да келишилган тартибда тўланади.

ФУҚАРОЛАР ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИГИ — фуқароларнинг ўз ихтиёрига кўра иқтисодий фаолият билан шугулланиш эркинлиги. Фуқаролар иқтисодий эркинлигининг бирдан-бир асоси уларнинг мулк эгаси бўлишидир. Фуқаро коллектив, акционер мулкнинг шериги, давлат мулкнинг эгаларидан бири ёки хусусий, индивидуал мулкнинг эгаси бўлгандагина иқтисодий эркинликка чиқади. Мулксиз фуқаро

эркин эмас, у қарам, мустақил фаолият юрита олмайди. Иқтисодий эркинлик, биринчидан, фуқароларнинг ўз иш қучишнинг эгаси, иккинчидан, ишлаб чиқариш воситасининг эгаси бўлишини, учинчидан, ўз меҳнати маҳсулини ўзи ўзлаштиришини тақозо этади. Шундай шароитда фуқаролар ўз қобилиятига яраша меҳнат фаолиятини танлашда, ўз даромадларини ишлатишда, хоҳлаган товарни истеъмол қилишда мустақил бўладилар. Фуқароларнинг иқтисодий эркинлиги мутлақ эмас, балки нисбийдир, уни фуқаро яшаб турган иқтисодий муҳит белгилайди. Фуқароларнинг иқтисодий эркинлигини амалга оширишда бозор муносабати иштирок этади. Фуқароларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини бозор тан олмаса, у яратган маҳсулот соғилмайди, бинобарин у керакли даромад олиб, ўз эҳтиёжини қондира олмайди. Фуқароларнинг иқтисодий эркинлиги юзага чиқиши учун энг аввал уларнинг меҳнат фаолияти жамиятнинг бозордаги талабига мос тушиши керак, бинобарин, фуқаро ўз иқтисодий эркинлигини таъминлаш учун нафақат мулкий муносабатда, балки бозор муносабатда ҳам ўз ўрнини топиши керак. Акс ҳолда фуқароларнинг иқтисодий эркинлиги чала бўлади. Тўлиқ иқтисодий эркинлик иқтисодий ташаббусга йўл очади, шу йўл билан фуқаро ўз манфаатини юзага чиқариши мумкин.

X

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИ (ХВФ) — халқаро валюта-кредит ташкилоти. 1944 йили ташкил этилган, 1989 й. 152 мамлакат аъзо бўлган, капитал 120 млрд. долларни ташкил этди. Валюта фондининг икки асосий вазифаси бор: ўз аъзолари бўлмиш мамлакатларнинг валюта алоқаларини (валюта айирбошлаш, ва

люта билан тўловларни амалга ошириш ва х. к.) бошқариб туриш; умумий кредит маблағларидан аъзо мамлакатларга қарз бериб, уларнинг тараққиётига қўмақлашиш. Валюта фондининг капитали унга аъзо мамлакатларнинг бадал пулидан ташкил топади. Унинг ўсиши янги аъзоларнинг бадал пули ва кредит учун олинган процентлар ҳисобига юз беради. 1947-1989 йиллар мобайнида унинг капитали 16 марта қўлайди.

Валюта фондига қўшилган давлатлар ўз валюталари курсини халқаро ёки регионал валюта ларга нисбатан белгилайди ва бу курс маълум чегарада ўзгаради. Бу билан давлатларaro бир-бирига пул тўлашда валюта курсининг ўзгариши катта салбий оқибат келтирмайди ва валюта алоқаларини ўзаро манфаатли қилади. Валюта фондининг кредити умумий капитал ҳисобидан ва маълум мақсад учун берилади. Кредит олувчи давлат қарз учун унинг 6-7% га тенг суммаси хар йили тўлаб туради. Кредит миллий валютага хорижий валютани сотиш тарзида берилади. Кредит қайтарилганда қарздор мамлакат хорижий валютага қайтадан ўз валютасини сотиб олади. Кредит олинган қарз Валюта фонди тавсияларига биноан ишлатилгандагина берилади. Валюта фонди аъзолари айни вақтда Халқаро реконструкция ва тараққиёт банкининг аъзолари ҳисобланади ва шу банкдан кредит олади: 1946-1989 йиллар мобайнида мазкур банк ўз аъзоларига берган кредит суммаси 160 млрд. долларни ташкил этди. Банк маблағлари унинг устав капиталдан (аъзолари қўшган пулдан), ўз облигациясини халқаро бозорда сотишдан келган пулдан ва ниҳоят банкининг ишлаб топган даромадидан иборат. Валюта фонди валюта-кредит муносабатларининг байналмилаллашувини билдиради. У халқаро миқёсдаги молиявий ҳамкорлик

ни уюштиради, пул маблағларини бир ерда жамлаб, уларни ишлаб чиқаришга қўйишга, бу билан иқтисодий ўсишни таъминлашга ҳисса қўшади. Валюта фондига кейинги йилларда Венгрия, Вьетнам, Чехо-Словакия, Польша ва Руминия аъзо бўлди. СССРнинг ҳам шу фондга аъзо бўлиш тadbирлари кўрилмоқда. ХВФнинг ташкилотлари Вашингтон (АҚШ) да жойлашган, Париж (Франция) ва Женева (Швейцария) да бўлимлари бор.

ХАЛҚАРО ИНЖИНИРИНГ — чет элда саноат ва бошқа объектларни лойиҳалаш ва қуриш бўйича инженерлик-маслаҳат хизматлари (к. *Инжиниринг*).

ХАЛҚАРО НАРХЛАР — жаҳон бозорига чиққан товарлар байналмилал қийматининг пул шаклидаги ифодаси. Халқаро нархлар жаҳон бозоридан сотувчилар ва харидорлар ўртасида савдолашув орқали ташкил топади. У халқаро аҳамиятга молик конвертирланган валюта (масалан, доллар) билан белгиланади. Товарлар байналмилал қиймати уларни ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ҳаражатлари, товарнинг халқаро қийматидан ташқари бозордаги талаб ва таклиф нисбатига, қайси валюта билан ҳисоб-китоб қилинишига, савдо битими шартига, нархдаги ғимтиёларга ва б. ға боғлиқ бўлади. Шунинг учун сотилиши шароитига қараб айни бир товар нархи хар хил бўлади. Масалан, агар товар эркин, конвертирланган валютага сотилса арзон юради, битимга биноан конвертирланмаган валютага сотилса ёки ҳисоб-китоб *кширинг* асосида бўлса, у қиммат юради. Халқаро нархлар ўз ҳусусиятидан қатъи назар, бозор иқтисодиёти қонунарига мувофиқ ўзгариб туради. Бозор иқтисодиётига ўтish муносабати билан СССРнинг ҶИЭК мамлакатлари билан савдо-сотиғи ҳам халқаро нархлар асосида (1991 йилдан бошлаб) олиб борилади.

СССРдаги турли жумхуриятлар ўртасида товар айирбошлаш ҳам халқаро нархлар инобатга олиниб белгиланган нархлар билан амалга оширилади. Халқаро нархлар келажакда бирдан-бир нархга айланади.

ХАЛҚАРО САВДО — мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотиқ; товарларни четдан олиб келиш (*импорт*) ва четга чиқариш (*экспорт*) билан характерланади. Халқаро савдонинг иқтисодий асоси халқаро меҳнат тақсимотидир. Халқаро савдо қуддорлик тузуми давридаёқ пайдо бўлиб, тоқалистик формацияларда товар ишлаб чиқаришнинг ҳамда товар-пул муносабатларининг ривожланишига сабаб бўлган. Халқаро савдо капиталистик ишлаб чиқариш усулининг тарқиб топишида зарурий тарихий шарт-шароит тайёрлади. К. Маркс таъкидлаб кўрсатганидек, капиталистик тузум халқаро савдонга яшай олмайди. Жаҳон бозори капиталистик ишлаб чиқариш усулининг базаси ва ҳаётини муҳитидир. Ҳозирги замон капитализми шароитида капиталистик мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштироки халқаро савдонини кенгайтирмоқда. Шунинг учун халқаро бозорнинг роли ошмоқда, бу эса бозорда рақобат курашининг кескинлашувиغا олиб келмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтти мамлакатимиз иқтисодий алоқалари географиясини кенгайтиришни талаб этади. Халқаро савдонини олиб боришда СССРда давлат монополиясига барҳам бериш керак. Мамлакат учун халқаро савдо самарасини оширишда импортга олинган товарлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, экспорт учун юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ҳам ишб экспортини имконияти борица камайитириш муҳим тадбирлар ҳисобланади.

ХАЛҚАРО САВДОЛАШУВ — халқаро миқёсда турли фирма,

консорциум ёки корхоналарнинг буюртмаларни бажариш юзасидан рақобат асосида савдолашуви, ўзаро беллашуви. Буюртмачи товларлар сотиб олиш, бирор ишини бажариш, хизмат кўрсатиш юзасидан савдолашув эълон қилади. буюртмани бажаришни истаганлар унда иштирок этади. Халқаро савдолашув 2 хил бўлади: очик савдолашув — савдолашувда иштирок этишни хоҳлаганлар чекланмаган ҳолда қатнашадилар, лекин рақобат асосида улар танлаб олинади. Очик савдолашув ошкора равишда ҳаммага эълон қилинади; ёпиқ савдолашув — савдолашувга чекланган миқдорда иштирокчилар таклиф этилади. Ёпиқ савдолашув очик-ойдин эълон қилинмайди, унга танилган, обрў-эътиборли фирмалар индивидуал тарзда таклиф этилади. Бу ерда буюртма учун курашувчи фирмалар ўртасидаги рақобат унча сезилмайди. Тортишув шартига қараб халқаро савдолашув ошкора ва пинҳоний бўлади. Ошкора савдолашувда буюртма ҳажми, тури, бажариш шартини очик эълон қилинади. Битми тузилгач ким қанча буюртма олганлиги ҳам ошкор этилади. Пинҳоний савдолашувда буюртмачи ўз таклифини эълон қилмайди. Акеница буюртмани бажарувчилар ўз таклифини беришади. Савдолашув тугагач, ким қанча ва қандай шарт билан буюртма олгани ҳам сир тутилади. Бозор иқтисодиёти табиатига очик ва ошкора савдолашув мос келади.

ХАЛҚАРО ТЕНДЕРЛАР (ингл. *tend* — хизмат кўрсатмоқ) — халқаро бозорда машина-ускуналарни харид этиши, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, илжинириг хизмати кўрсатиш учун конкурсе асосида буюртмалар бериш. Харидор ёки буюртмачи энг аввал конкурсе эълон қилиб ҳаммани ўз шартлари билан таништиради. Шунга асосан конкурседа иштирок этувчи фирмалар, консорциумлар

ёки корхоналар ўз тақлифларини — тендерларини харидор-буюртмачига юборади. Тендерни ижнинининг фирмалари ҳужжатлаштиради. Савдолашув ёки келишув асосида конкурс иштирокчиларидан бири ёки бир нечтаси таялаб олинади. Ғолиб конкурс иштирокчиси билан харидор ва буюртмачи ўртасида шартнома тузилади. Халқаро тендерлар жаҳон бозоридаги рақобатнинг ҳозирги даврдаги кўринишидир.

ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР БАНКИ — давлатлараро банк: марказий банклар билан тижорат муомаласини олиб боради, халқаро валюта ҳамкорлигини ташкил қилишда қатнашади. 1930 йилги Гаага конвенциясига мувофиқ Англия, Франция, Германия, Бельгия, Италия марказий банклари ва АҚШнинг учта хусусий банки, Морганлар банкирлик уйи ва япон хусусий банклари бошчилигида таъсис қилинган. Ҳозирги аъзолари: Европадаги 30 мамлакатнинг марказий банклари, шунингдек, АҚШ, Канада, Япония, Австралия ва Жанубий Африка Республикаси. Уставига кўра бу банкнинг вазифаси аъзо мамлакатлар марказий банклари ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш, халқаро молиявий ҳисоб-китобларга қулай шартнома яратишдир. Банк жаҳон капиталистик валюта системасини қўллаб-қувватлаш бўйича капиталистик мамлакатлар халқаро келишув марказига айланди. Банк амалда оширадиган ҳаракатлар мутлақо махфий. У амалда Халқаро валюта фондига ва Халқаро реконструкция ва тараққиёт банкига Европадаги кўмаклашувчи орган сифатида ҳаракат қилмоқда. Банкнинг олий органи аъзо банклар раҳбарларининг умумий йиғилишидир. Швейцариянинг Базель шаҳрида жойлашган.

ХАРИД БАҲОЛАРИ — тайёрлов таъсислотлари қолхоз, совхоз ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналаридан, шунингдек, аҳо-

лидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиши бўйича режалаштирилган давлат баҳолари. Харид баҳолари, одатда, марказлашган тартибда маҳсулот ишлаб чиқаришга иқтисодий асосланган харажатларни қоплаш; кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш учун зарурий жамғаришни таъминлаш; қишлоқ хўжалик ходимларини моддий рағбатлантириш заруратларини ҳисобга олган ҳолда иттифоқдош жумҳуриятлар ва алоҳида табиий-иқтисодий зоналар бўйича белгиланади. Ноқулай табиий шароитда хўжалик юритиш ҳамда маҳсулот сифати билан боғлиқ ҳолларда харид баҳоларига устамалар қўзда тутилади. Бозор механизми шакллана бориши билан шартнома бўйича белгиладиган баҳолар ҳиссаси ортиб қатъий харид баҳолари доираси эса торайиб боради.

ХАРИДОР НАРХИ — бозорда товарга харидор тақлиф этган нарх; бозорда сотилган товар қийматининг амалдаги пул ифодаси ҳисобланади. У одатда *сотувчи нархидан* наст белгиланади. Агар товар шу нархда сотилса харидор нархига амал қилган бўлади, аммо бунинг содир бўлиши шарт эмас. Бозорда тақлифга инебатан талаб кам бўлганда харидор нархи кучга киради. Савдолашув орқали товарлар сотувчи нархи билан харидор нархининг оралигидаги нарх билан сотилади. Сотувчи ва харидорнинг нарх келишуви муносабатлари эрини савдодаги асос эмас балки ҳар хил савдо битимларида ҳам ифода этилади.

ХОЛДИНГ-КОМПАНИЯ (ингл. holding — эга) — бошқа банклар, фирмаларни назорат қилиш ва ҳаракатини қузатиб бориш учун уларнинг акциялари назорат пакетиغا эгаллик қилувчи компания. Холдинг-компания мустақил банклар ва банкка кирмаган фирмалар, корхоналар акциялари назорат пакетиغا эгаллик қилиб,

уларнинг фаолиятини назорат қилади ва бошқариб туради, ортиб борадиган фойдани ўз сохибкорлик фаолиятига ишлатади. Холдинг-компанияни монополистик бирлашмалар (терет, концернлар)нинг раҳбарлари ёки уларнинг ишончли вакиллари бошқаради. Холдинг-компаниялар капиталистик иқтисодиётни ташкил этишнинг юқори босқичида туради. Расман масъулияти чекланган корхоналар мустақил акционер жамият тарзида фаолият олиб боради. Аммо улар фаолиятида банклар, молия муассасалари муҳим аҳамиятга эга.

ХОМ АШЁ ВА ЕНГИЛ САНОАТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ВА ТАҚСИМЛОВЧИ БОШ БОШҚАРМА («Узглавлеснабсит») — жумҳурият ҳудудида еттиштириладиган пахта, шилла, шпак, қорақўл, сунъий ва синтетик тоалалар ҳамда бошқа маҳсулотларни сотиш ва енгил саноат корхоналарини хом ашё материаллар ва бутловчи буюмлар билан янада тўлиқроқ таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузурида 1990 йил июнида ташкил этилган жумҳурият муассасаси.

ХУФИЯ ИҚТИСОДИЁТ — давлат статистикаси томонидан ҳисобга олинмаган, режа ташкилотлари томонидан режалаштирилмаган, солиқ тўламайдиган, қойуларга бўйеусимайдиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти. Хуфий иқтисодиёт корхоналари давлат корхоналарининг ишлаб чиқариш воениталаридан кенг фойдаланадилар. Хуфий иқтисодиёт белгилари асосан товар ва аҳолига хизмат турларини хуфийна ишлаб чиқариш (живирин цехлар, фабрикалар), қўшиб ёлиш, давлат мулкни талон-тарож қилиш, олиб сотарлик, таъмагирлик, фоҳиша-бозлик, қаллоблик, порохўрлик ва бошқаларни ўз ичига олади. Айрим ҳисоб-китобларга қараганда хуфий иқтисодиёт ҳажми

мамлакат бўйича 150 — 350 миллиард сўм, даромади 66 — 146 миллиард сўм ва 20 миллиондан ортиқроқ киши иштирокини ташкил этади. Хуфий иқтисодиёт расмий иқтисодиётдаги ҳисоб-китобларни чағитиб, халқ хўжалиги мувозанатларининг бузилиб кетишига олиб келмоқда. У айниқса тақчиллик мавжуд бўлган жойда кенг томир ёяди. Иқтисодиётимизнинг ҳозирги ривожланиш даражаси хуфий иқтисодиёт доирасининг кенгайишига қулай имконият яратмоқда. Уни бартараф қилишнинг йўллари тақчилликни тугатиш, ишлаб чиқариш структурасини халқ эҳтиёжларини тўлароқ қондириш томон буриш, бошқаришнинг иқтисодий усуллариغا, бозор муносабатларига дидлик билан ўтиш ва бошқалардир.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ — корхоналарининг хўжалик мустақиллиги; ўз харажатларини ўзи қоллаш, ўз-ўзини молиялаш, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижаларидан моддий манфаатдорлик ва жавобгарлик каби қондаларни талаб қилади. Хўжалик ҳисоби ишлаб чиқариш харажатларини натижалар билан қиймат шаклида қиёслаш имкониятини берадиган бошқариш усули. Хўжалик ҳисоби корхона (бирлашма)лар ва бошқа хўжалик бўғинларининг фойда келтириб ишлашини кўзда тутати ва товар-пул муносабатларига асосланади. Корхоналарнинг пул маблағлари давлат банкнинг ҳисоб-китоб варақасига ўтказиб қўйилади. Бу эса уларнинг тўғри сарфлашини назорат қилиб туриш имконини беради.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ ДАРОМАДИ — тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиялашга ўтказилган корхона (бирлашма) даромадини бюджет, юқори турмуш ораган (вазирлик ёки маҳкама) ва банк кредитига процент тўлови мажбуриятларини бажаргандан

кейин бутунлай меҳнат жамоаси ихтиёрида қоладиган қисми. Хўжалик ҳисоби даромадининг корхона (бирлашма) ихтиёридан ташқари олиб қўйилиши ёки қайта тақсимланиши мумкин эмас. Бу даромад ҳисобига меъёринома (норматив) бўйича иш ҳақи ва ишлаб чиқариш, фан-техникани ривожлантириш, ижтимоий ривожлантириш, моддий рағбатлантириш фондлари, шунингдек, молиявий захира (резерв) ва бошқа фондлар таркиб топади. Хўжалик ҳисоби даромади корхонанинг хўжалик мустақиллигини ошириб, ишлаб чиқариш пировард натижаларини яхшилашдаги масъулият ва манфаатдорлигини кучайтиради.

Ч

ЧАЙҚОВЧИЛИК — турли молларни арзон олиб, қиммат сотиш билан даромад топишни кўзлайдиган фаолият, маи этилган тижорат иши; хуфий иқтисодиётнинг бир қисми. Чайқовчилик объекти тақчил товарлардир. Унинг асосий сабаби товар тақчиллиги ҳисобланади. Дефицит кучайган сари чайқовчиликнинг иқтисодий базаси кенгайверади. Чайқовчилик билан шугулланувчи, олиб сотарликни касб қилиб олган шахсеу профессионал гуруҳ чайқовчилар деб юритилади. Чайқовчилик билан оқда сонда шугулланувчи шахслар ҳам мавжуд. Булар учун чайқовчилик ёрдамчи фаолият ва қўшимча даромад топиш манбаи ҳисобланади.

Чайқовчилик объекти бўлган товарлар ҳар хил. Энг аввал яширин сотиш учун қудай бўлган ва яхши фойда келтирувчи майда-чуйда товарлар олибсотар қўлига тушади. Пулдор аҳоли учун зарур ва манмаиллини кўрсатувчи ёки обрўталаб товарлар борки, улар алоҳида чай-

қовчилик объекти бўлади. Улар таркибига чет элда янги чиққан товарлар, автомобиллар, дала ҳовлилар, зийнат буюмлари ва ҳатто машҳур санъат арбоблари иштирок этувчи томошалар билетлари ҳам киради. Қундалик турмуш учун зарур деб тошилган товарлар (мебель, гилам, электртоварлар) билан ҳам чайқовчилик қилинади. Ўғирлик йўли билан тошилган товарлар ҳам чайқовчилик доирасига киради. СССРда чайқовчилик молларининг 70% импорт товарларидан иборат. Чайқовчилик объекти тез ўзгаради. Арзимаган оддий мол тақчил бўлса, дарҳол у чайқовчи қўлига ўтади. СССРда чайқовчиликни мол билан таъминловчи асосий соҳа бу давлат савдоси ва кооператив савдодир. Савдо ходимлари товарларнинг нархини ошириб, чайқовчига сотиб даромад оладилар. Ўз навбатида чайқовчилар товарларни янада юкори нарҳда сотиб мўмай фойда кўрадилар. СССРда фақат саноат молларини қимматга сотиш чайқовчиларга 1989 й. 1 млрд. сўмлик даромад келтирди.

Чайқовчилик товарлари нархи ҳар хил бўлади. Бу товарнинг тақчиллигига ва чайқовчиликнинг нақадар тақчил бўлишига боғлиқ. Агар хатар кучли бўлса, пора бериб қутулиш учун нарх гоаят юкори қўйилади. Бир хил товарлар давлат нархига инебатан 2-3 баравар юкори сотилса, бошқа товарлар (масалан, энг ноёб дори-дармонлар) 20-100 баравар қиммат сотилади. Чайқовчилик гайриқонуний фаолият бўлганидан давлат унга қарши курашади. СССР Олий Кенгаши ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши 1990 й. ноябрда чайқовчилик учун жазолашни кучайтиришга қаратилган шахсеу қонулар қабул қилди. Чайқовчилик бозор иқтисодига зид ҳодиса. Уни издан чиққан ва тақчиллик иқтисодиёти яратади. Соғлом бозор иқтисодиёти чайқовчилик билан сиғишмайди, чунки бундай бозор товарларининг сероб бўлиши, ха-

ридор хоҳлаган товарини савдолашиб ола билиши демакдир.

ЧАКАНА БАХОЛАР — давлат ва кооператив савдоси, деҳқон бозорида истеъмол моллари сотиладиган нархлар. Уларнинг асосини давлат чакана баҳолари ташкил қилади. Чакана баҳоларнинг айрим кўринишлари: деҳқон бозори нархлари, аҳолига кўрсатиладиган хизмат тарифлари ва баҳолари. Чакана баҳолар аҳоли мавжуд (реал) даромадларини шакллантиришда ва турмуш даражасини яхшилашда жиддий роль ўйнайди. СССРда бозор муносабатларига ўтишда қатор маҳсулотларнинг чакана баҳолари ошади, чунки кўпчилик чакана баҳолар талаб ва таклиф қонуниятини, иқтисодий меҳнат харажатларини тўла акс эттирмайди.

ЧЕГАРА ОЛДИ САВДОСИ — халқаро товар айирбошлаш тури; мамлакат ташқи савдосининг тарқибий қисми. Савдо ва тўлов битимлари, йиллик протоколлар асосида қўшни давлатлар чегара олди музофотларининг савдо ташкилотлари ва фирмалари томонидан амалга оширилади. Совет Иттифоқи чегара олди савдосида бозор фонди бўйича ажратиладиган маҳаллий ресурслар, товарлар ҳисобидан иштирок этади. Бундан ташқари чегара олди охиёлари аҳолисининг халқ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳамда машина, асбоб-ускуна ва бошқа товарлар харид қилиш мақсадида корхона (бирлашма) ва ташкилотлар томонидан иқтисод қилинган хом ашё ва материаллар билан савдо қилинади. Бир қатор озик-овқат ва истеъмол молларини айирбошлаш Белоруссиянинг Брест вилояти ва Польшанинг Белосток воеводлиги, Украинанинг Львов вилояти ва Венгриянинг Сабольч-Сатмар вилоятлари ўртасида, шунингдек Қозоғистон ва Ўзоқ Шарқ билан чегарадош бўлган Хитой Халқ Жумҳурияти ўртасида мав-

жудир. Ўзбекистоннинг Афғонистон билан чегарадош Сурхондарё вилоятида эса чегара олди савдоси қўшни мамлакатда меъёрдаги сиёсий барқарорлик юзасига келиши билан йўлга қўйилиши мумкин.

ЧЕК — махсус пул ҳужжати; чекни имзолаганининг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкка берган ёзма фармойишини ифода этади. Ривожланган банк системаси шароитларида кредит муомаласи қуроли сифатида кенг қўлланилади. Капиталистик мамлакатлар, айниқса АҚШ ва Буюк Британияда ички тўлов оборотида кенг тарқалган, яъни тўловларининг асосий қисми чек билан тўлаш асосида олиб борилади. Чек ташқи тўловлар оборотида ҳам ишлатилади. СССРнинг ички бозорида ҳисобкитоблар, воситаси тарзидаги чекдан фойдаланиш қўламини тор эди. Корхона, хўжалик ташкилотлари банкдаги ўз ҳисобидан нақд пул олишда, хўжаликнинг айрим харажатлари (транспорт, алоқа корхоналари билан ҳисобкитоб қилиш)ни тўлашда, аҳоли қимматбаҳо товарлар сотиб олишда чекдан фойдаланган. Бозор иқтисодиёти шароитларида чекдан фойдаланиш нақд пул билан қилинадиган ҳисобкитобларни кўп даражада камайтиради.

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ СЎМ — кадр-қиймати жиҳатидан чет элнинг конвертирланган валютасига тенг келадиган сўм. Чет эл валютасидаги сўм СССРнинг ўзида хоҳлаган пайтда маълум кўрега биноан чет эл валютасига алмаштирилиши мумкин. У импорт қилинадиган товарларни СССРнинг ўзида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун киритилган. Давлат четдан товар олиш учун ажратилган валюта ҳисобидан мамлакатда шу товарни чиқарувчи корхоналар маҳсулотини чет эл валютасидаги сўм билан сотиб олади. Чет эл

валютасидаги сўм оддий сўмдан анча юқори. 1:10 ёки 1:15 нисбатига ҳам юради. Чет эл валютасидаги сўм, масалан галла импортини қисқартириш мақсадида колхоз ва совхозлардан энг сифатли бугдойни харид этиш учун ишлатилади. Чет эл валютасидаги сўм эгаси ўз пулига четдан валютага олинган ёки четга чиқарилиб валютага сотиладиган товарларни олиши мумкин. Агар чет эл валютасидаги сўм эгасига керак бўлмаса, уни валюта аукционига орқали ким ошди усулида сотиши мумкин. Чет эл валютасидаги сўмнинг пул оборотиغا киритилиши бозорда рақобатга бардош бера оладиган ишлаб чиқаришни яратиш мақсадларини кўзлайди.

III

ШАРТНОМА — томонлар ўртасида ўрнатилган, ўзгартирилган ёки тўхтатилган (бекор қилинган) ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисидаги келишув, битим. Томонлар бarchа муҳим бандлар бўйича келишган ҳолдагина (қонуни талаб этган тарзда) шартнома қабул қилинган ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги шартнома кўрсатилган маҳсулотни етказиб бериш бўйича тузилади. Шартнома кўпинча мол етказиб берувчи ва истеъмолчи ўртасида ҳам имзоланади. Бунда мол етказиб берувчининг мажбуриятлари истеъмолчига маҳсулотни ажратилган фондлар (лимитлар) бўйича ва шу билан бирга лимитсиз савдо тартибида шартномада кўрсатилган ҳажм, мол хиллари, муддат ва шаклларда етказиб беришдан иборат бўлади. Истеъмолчи эса етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиб олиш, маҳсулотлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва бош-

қаларни ўз устига олади. Таъминот органлари, вазирлик ва маҳкамалар шартномаларнинг эркин ва ўз вақтида тузилишини ва уларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш, шартнома муносабатларини такомиллаштириш бўйича иш олиб бордилар.

ШАРТНОМА МУНОСАБАТЛАРИ — товар ишлаб чиқарувчилар бўлимига корхоналар ўртасида битимга биноан амалга ошадиган иқтисодий алоқалар. СССРда шартнома муносабатлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида ва ишлаб чиқарувчи корхоналар билан савдо корхоналари ўртасида амал қилади. Иқтисодий алоқалар олдиндан тузилган хўжалик шартномаларига кўра олиб борилади. Шартномада ўзаро келишган томонлар (бир корхона бир неча корхона билан келишган бўлиши мумкин) бир-бирига маҳсулот етказиб бериш муддати, уларнинг миқдори, сифати, таркиби, нархи, пул тўлаш тартиби ва муддати ҳақида шартлашиб оладилар. Корхона ўз ишнинг шартномага қараб режалаштиради. Агар шартнома муносабатлари бузилса ёки бажарилмаса корхона ўзига керакли нарсаларни ола билмайди ва маҳсулотни сота олмайди, унинг фаолияти издан чиқади, бу эса ўз навбатида бошқа корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ҳам таъсир қилади. Шартнома муносабатларидаги мажбуриятларни вақтида ва тўла бажариш иқтисодий ўсишнинг муҳим шarti. Шартнома муносабатлари корхоналарнинг горизонтал, яъни бир-бири билан бевосита алоқа ўрнатилган усули бўлиб, бозор иқтисодиётида асосий алоқа ҳисобланади. Шартнома муносабатлари томонларнинг иқтисодий мажбурияти бўлганидан уларни бажармаслик қонуни ёки шартномада белгиланган тартибга кўра иқтисодий жазоланади (жарима, неустойка), мажбуриятни бажармаган корхона ўз мижозига ёки шеригига кел-

тирган зарарни давлат ҳакамлиги қарорига биноан қоплайди.

ШАРТНОМА НАРХЛАРИ — товарларни ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан уни истеъмол этувчи (харидор) ўртасидаги битимга биноан ҳар иккала томоннинг розилигига қараб белгиланган нарх. Ички ва халқаро шартнома нархлари мавжуд. Ички шартнома нархлари белгиланганда келишган томонларнинг маънафати ҳисобга олинади. яъни товарлар ҳам сотувчи, ҳам харидор наф қўрган нархларда сотилади. Ички шартнома нархлари эркин бозор, рақобат бор жойда яхши натижа беради. Товарларни ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқда монополия мавжуд бўлган шароитларда бундай нархлар кенг истеъмолчиларни талаш воситасига айланади. Бозор иқтисодиёти шароитларида ички шартнома нархлари рақобат воситасига айланиб, анти-монополь характерга эга бўлади. бозордаги талаб ва таклифга қараб белгиланади. Натижада нархларнинг тўхтовсиз ошиб боришига тўсиқ қўйилади, чунки нархларнинг ўз чегараси бўлиб, уларни харидорнинг сотиб олиш (харид) қобилияти белгилайди. Халқаро ёки ташқи шартнома нархлари турли давлатлар ёки турли мамлакатлардаги корхона, ташкилотларнинг бевосита ташқи алоқаларига хизмат қилади. Ташқи шартнома нархлари *контракт нархлар* деб юритилади. Улар жаҳон бозори конъюктурасига қараб вақт-вақти билан ўзгариб туради.

ШАРҚИЙ ЕВРОПА УЧУН РЕ-КОНСТРУКЦИЯ ВА ТАРАҚҚИ-ЁТ ЕВРОПА БАНКИ — Шарқий Европа мамлакатларига, жумладан, СССРга кредит бериш орқали уларнинг тараққиётига кўмаклашувини кўзда тутган Европа банки. 1990 йил январь ойида ташкил топган. Мазкур банк 42 давлат иштирокида тузилган. Дастлабки капитални 12 млрд. доллар. Мам-

лакатлар берган бадаллар ҳисобига ташкил топган. Бадалнинг 51 % ни Ғарбий Европа мамлакатлари, 10 % ни АҚШ, 8,5 % ни Япония, 6,5 % ни СССР берган. Банк берадиган кредит, асосан, иқтисодиётнинг хусусий секторини ўстириш, давлатнинг *приватизация* дастурини амалга оширишга қаратилади, бозор иқтисодиётига ўтишга молиявий жиҳатдан ёрдам беради.

ШАХСИЙ МУЛК — СССРда фуқаролар мулкнинг бир тури, уларнинг шахсий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи мулк. Шахсий мулк субъекти айрим фуқаролар, унинг объекти эса истеъмол буюмлари, тураржой ва б., умуман, шахсий эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган воситалардир. Шахсий мулк ишлаб топилган даромад, меросга олинган ёки инъом сифатида олинган мол-мулк ҳисобидан, иш ҳақи, нафақа, стипендия, томорқа хўжалигидан тушган даромад, акциядан келган дивиденд, лотерея ва заём ютуқлари эвазига қўнайиб боради. Бозор иқтисодиёти шароитларида шахсий мулк дивиденд, банк процентлари, хусусий сохибкорлик даромади каби янги манбаларга таянади. Шахсий мулк объектлари эҳтиёжни қондириш доirasидан чиқиб, даромад топиш йўлида ишлатилса, улар хусусий мулкка айланиб кетиши мумкин. Аҳоли фаровонлиги ўсиши билан шахсий мулк қўпаяди, унинг миллий бойлик таркибидаги ҳиссаси ортиб боради. 1990 йил 1 июндан кучга кирган «СССРдаги мулкчилик тўғрисида»ги СССР қонунида шахсий мулк, умуман фуқаролар мулки манбалари ва унинг давлат (жамиyat) томонидан кафолатлари белгилаб берилган.

ШОУ-БИЗНЕС — ҳар хил пуллик томошалар кўрсатини йўли билан даромад топиш. Шоу-бизнес билан махсус фирмалар, ма-

даний-мусликавий уюшмалар ёки айрим бизнесменлар шуғулланади. Шоу-бизнесдан тушадиган даромад аҳолидан олиннадиган томоша ҳақи (билет ҳақи), фирмалардан тушадиган реклама пули, томошабинларга савдо-маиший хизмат кўрсатиш ҳақи ва б.дан шаклланади. Шоу-бизнесда битишув шартномаларига биноан машҳур ижрочиларнинг чиқишлари уюштирилади. Контрактлар *шоу-биржа* орқали тузилади. Шоу-бизнес байналмилал характерга эга, маданий эҳтиёжларнинг юксалиши билан унинг миқёси давлатлараро характер касб этади ва ғоят даромадли фаолиятга айланади. СССРнинг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан ижодий уюшмалар ва машҳур ижрочилар халқаро шоу-бизнесда қатнашадилар.

ШОУ-БИРЖА — турли мамлакат (регион)лардаги яқка мусликавий ижрочилар, ижрочилар коллективи (ансамбллар) билан шартнома тузиш юзасидан ўтказиладиган биржа. Шоу-биржада икки томон — ижрочилар ва *шоу-бизнес* ташкилотчилари қатнашади. Ижрочилар ўз маҳоратини намойиш қиладилар, шоу-бизнесчилар эса экспертлар шитироқида уларга баҳо беришади, маъқул тоиниша шартнома тузишади. Шартномада ижрочилар гастролларининг ўтказиш шартлари, муҳими — ижрочилар учун бериладиган гонорар (ижод ҳақи) келишиб олинади. Шоу-биржа интеллектуал товарлар бозорининг бир тури. Дастлаб шоу-биржа СССРда биринчи марта 1990 й. сентябрь ойида ўтказилган.

Э

ЭКСПОРТ (ингл. export, лат. exportare — четга чиқариш) —

товарлар, хизматлар ва капитални мамлакат ташқарисига чиқариш. Моддий неъматларни четга чиқариш — товар экспорти; хориждаги шерикларга ишлаб чиқариш ёки истеъмолга оид тўловли хизмат кўрсатиш — хизмат кўрсатиш экспорти, мамлакат ташқарисида капитал қўйиш (корхона ва объектлар қўриш ва ишга тушириш) — капитал экспорти турлари бор. Мамлакатимиз экспортининг 70 фоизи социалистик мамлакатларга чиқарилади. Экспортнинг асосий қисмини ёқилғи ва электроэнергия, машиналар, асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари ташкил этади.

ЭКСПОРТ ПОТЕНЦИАЛИ

— чет элга товар чиқариб сотиш имконияти; корхоналар, тармоқлар ва айрим бир мамлакатнинг хорижга товар чиқариб, чет эл бозорида рақобат қила билиш қобилиятини, шу ҳисобига валюта тўлай олиши, даромад ола билишини англатади. Экспорт потенциали ишлаб чиқаришнинг техника ва технологиясига, иш кучининг сифати, меҳнат ва технология интизоминга, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва халқаро бозор талабларига мослаша билишига боғлиқ, чунки буларнинг ҳаммаси сифатли ва бозорда ўтандиган товарлар тайёрлаш омилларидир. Ишлаб чиқариш байналмилаллашиб борган сайин экспорт потенциалининг аҳамияти ортади, чунки экспорт потенциалини тўла ишга солган мамлакат ёки корхона, фирма, концерн яхши фойда кўради. Уларнинг харажати байналмилал сарфдан кам бўлса наф кўрилади. Экспорт потенциалининг ишга солиниш кўрсаткичи яъни маҳсулот таркибиде экспорт қилинган товарлар ҳиссаидан иборатдир. Шу кўрсаткич қанча юқори бўлса экспорт потенциали шу қадар ишга солинган ҳисобланади. СССР экспорти мамлакат яъни ижтимоий маҳсулотининг кичик бир қисмини ташкил этади, унинг

ҳажми АҚШ экспортдан 3 баробар, Япониядан 4 баробар кам. Ёки бу соҳада СССР кўрсаткичи Голландияники билан тенг. СССР корхоналарининг экспорт потенциали паст, чунки уларнинг товарлари халқаро бозор рақобати-га чидай олмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида экспорт имкониятини ошириш учун корхоналар, бирлашмалар, колхоз, совхозларга ўз валюта фондини барпо этишга имкон берилади. Корхонага тегадиган валюта ҳиссаси кўпайса, уни ишлаб топиш учун корхона ўзининг экспорт имкониятини тўлароқ ишга солади. СССР экспорт потенциалининг кучайиши ва мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг дунё бозорига дадил кириб бориши учун совет сўмини конвертирланган валютага айлантириш шарт.

ЭЛЕКТРОН ПУЛ — ҳисоб-китобларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида бажариш учун қўлланадиган *кредит пуллари*нинг энг сўнги тури; кредит карточкаларига ўхшаган пул. Капиталистик мамлакатларда 80-йиллар охирида пайдо бўлган, лекин у кенг ишлатилмайди. Электрон пул электрон карточка бўлиб, унинг хотирасига пул эгасининг жорий ҳисобидаги пул суммаси ёзилган бўлади. Пул тўлаш учун электрон карточка ЭҲМга киритилади ва карточка автоматик равишда тўлашни зарур пул суммасини ўчириб, уни пул оладиганларнинг электрон ҳисобига ёзиб қўяди. Электрон пул муомаласи бундай пул билан боғлиқ барча операцияларни компьютерлашни, бинобарин, катта сарфни талаб қилади. Шу сабабдан электрон пулни қўлаш лойиҳалари капиталистик мамлакатларда тузилган ва ишлатилади. СССРда электрон пул жорий этиш ҳозирча кўзда тутилмаган.

ЭМБАРГО (испан. embargo) → 1) давлат томонидан бирор товар-

ни четдан келтириш ёки четга чиқаришни тақиқлаб қўйиш; айрим мамлакатлар ёхуд мамлакатлар гуруҳи билан савдо муносабатларини тўла тақиқлаш; иқтисодий ёки сиёсий сабабларга кўра ҳукумат томонидан жорий этилади. Дастлаб АҚШ, Буюк Британия ва улар билан иттифоқчи мамлакатлар баъзи совет товарларининг ўз мамлакатларига киритилишига, СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга «стратегик» товарларнинг экспорт қилинишга эмбарго жорий қилдилар. Ҳозирги вақтда ҳам АҚШ ва бошқа мамлакатларда баъзи товарларни социалистик мамлакатларга экспорт қилишни тақиқлашга амал қилиниш давом этмоқда. Мамлакатдан айрим товар ва маҳсулотларни олиб чиқиб кетишга ҳам эмбарго жорий қилиниши мумкин.

2) Бошқа мамлакатнинг ҳукуқни бузиш ҳаракатларига жавобан ҳукумат томонидан бошқа мамлакат ёки ўз кемаларининг мамлакат портидан чиқишини тақиқлаш.

ЭМИССИЯ (лат. emissio — чиқармоқ, ишлаб чиқармоқ) — муомалага банк билетлари, пул ва қимматбаҳо қоғозлар чиқариш. Пул эмиссиясини давлатнинг эмиссия банклари амалга оширади. Қимматбаҳо қоғозларни эса йирик бирлашмалар, ширкатчилик жамиятлари чиқариши мумкин. Эмиссия асосан давлат бюджетидаги камомадни тўлдириш, издан чиққан пул муомаласини тислаш мақсадларида ўтказилади. Умумий ҳажми ҳукумат томонидан белгиланади. 1988 йилда мамлакатимизда пул эмиссиясининг кўлами 20 миллиард сўмга етди. Шундан 1,5 миллиард сўм жумҳуриятимиз ҳиссасига тўғри келади. Эмиссия товарлар билан таъминланмаган пул миқдорининг янада ошишига, пул кадр-сизланишининг кучайишига, нарх-навонинг ошишига олиб келади. Шу сабабли эмиссия ва

ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўрта-сидаги мувозанатни таъминлаш заруриятига асосий эътиборни қаратиш лозим.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР, қўшма соҳибкорлик зоналари — хориж капиталининг эркин амал қилиши учун ажратилган махсус ҳудуд. СССР Вазирлар Кенгаши қарорига мувофиқ мамлакатимизда 1990 йилдан чет эл капиталига қулай фаолият шaroитини берадиган махсус шаҳарлар. Бу зоналар мамлакатимиз ҳудудида товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолият турлари бўйича чет эл фирмалари ташаббусини фаоллаштиришга қаратилган. Эркин иқтисодий зоналар иқтисодий ўсишни таъминлаш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ечиш учун ташкил этилади. Эркин иқтисодий зоналарда бож пули олинмайди ёки жуда оз миқдорда белгиланади, *экспорт-импорт* устидан назорат бекор қилинади. 1985 йили АҚШда 130 шундай зона мавжуд бўлган. Экспортга мўлжалланган саноат зоналари борки, у ерда хорижий капиталга солиқ имтиёзи берилади, бож пули камайтирилади. Бундай имтиёз миллий капиталга ҳам берилади. Бундан мақсад муайян жойда чет эл капитали фаолиятини кучайтириб, хорижий технологияни жорий этиш, экспортни кўпайтириб, валюта тоғини ёки импорт қилинадиган товарлар ўрнини босиш учун товар ишлаб чиқариш ва б. Эркин иқтисодий зоналар ўзининг фаолияти йўналишига қараб бир қанча турларга бўлинади.

Эркин иқтисодий зона туркумига банк ва сугурта зоналари кирди, бу билан банк муомалалари ва сугурта ишлари учун имтиёз ва капиталнинг кириб келишига қулай шароит яратилади. Эркин иқтисодий зоналарининг махсус тури — **технологик зоналар**дир. Бундай зоналарда янги техника ва технологияни яратиш учун имтиёзлардан хорижий, шунингдек

миллий корхоналар ва ҳар хил ташкилотлар ҳам фойдаланади. Комплексе характердаги алоҳида иқтисодий зоналарда савдо, саноат, технология ишлари учун қулайликлар барпо этилади. Бундай зоналар алоҳида, ҳамма учун очик территориялар деб аталади. ХХРда 70-йиллардаги иқтисодий ислохот давомида 22 та комплекс зоналар пайдо бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан СССРда ҳам эркин иқтисодий зоналар очилади. Ўзбекистонда шундай зона халқаро туризмини ривожлантириш мақсадида Самарқанд, Бухоро, Хивада очилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон эркин иқтисодий зонага гоят муҳтож, чунки ҳозирги шароитларда жумҳуриятнинг иқтисодий равиқи учун хорижий капитал ва технология жуда зарур. Эркин иқтисодий зона ташкил этиш халқаро иқтисодий муносабатларда фаол қатнашишнинг шарт-шароитларидан бири ҳисобланади.

ЭРКИН САВДО ЗОНАЛАРИ — мамлакатнинг солиқ тўлашда махсус имтиёз тартиби амал қиладиган алоҳида территорияси. Унга киритилган товарлар бож тўловидан озод этилади, божхона назоратидан холи бўлади. Ҳозир жаҳонда 500 дан ортиқ эркин савдо зоналари бўлиб, улар асосан ривожланган капиталистик мамлакатларда жойланган. Эркин зоналарининг бир қанча турлари бор: эркин ташки савдо зоналари, эркин саноат зоналари, эркин бож территориялари, махсус иқтисодий зоналар, эркин соҳибкорлик зоналари, экспорт учун ишлаб чиқариш зоналари ва х. к.

Ҳозир СССР бўйича Виборг, Новгород, Находка ва бошқа бир қанча шаҳарлар эркин савдо зоналари деб белгиланган, ЎзССРда бундай зоналар ҳали белгиланмаган.

Я

ЯККА ТАРТИБДАГИ МЕХНАТ ФАОЛИЯТИ — фуқароларнинг товар ишлаб чиқариш ва аҳолига қўллик хизмат кўрсатиш бўйича меҳнат фаолияти. Якка тартибдаги меҳнат давлат, кооператив ва бошқа ижтимоий корхона, ташкилот, муассасанинг фуқаролар билан бўладиган меҳнат муносабатларига алоқадор эмас. Бу фаолият фуқаролар ва оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланиб, ёлланма меҳнатдан фойдаланишни инкор этади. Якка тартибдаги меҳнат фаолиятида шахсий мулкка қарашли бўлган ёки шартнома бўйича буюртмачидан олинган ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланилади. Бу меҳнат фаолияти меҳнатга яроқли аҳолининг билан таъминлашда, аҳолига хизмат кўрсатишни кенгайтириш ҳамда истеъмол бозорини товар билан тўлдиринида муҳим аҳамиятга эга. Меҳнатни бундай ташкил қилиш солиқ ундиришнинг икки шакли: хўжалик фаолияти натижасига кўра прогрессив даромад солиғи ёки патент учун тўлов ёрдамида бошқарилади. 1988 йилда якка тартибдаги меҳнат фаолиятида банд бўлган кишилар сони мамлакатда 1 миллионга етди, жумҳуриятимизда эса 32 минг кишидан ошди. Бу фаолият қишлоқ хўжалигида, бадний-хунармандчилик ва аҳолига манший хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг тарқалди. Доридармон ва заҳарли моддалар, қурол тайёрлаш, қиморхоналар, ҳаммом ва бошқа шу каби муассасаларни якка тартибдаги меҳнат фаолияти сифатида очиб таъкидланган.

ЯЛШИ ИЖТИМОЙ МАҲСУЛОТ — мамлакатда (жумҳуриятда) бир йилда яратилган барча маҳсулот ва хизматларнинг барқарор улгуржи баҳоларда ҳисобланган (оборот солиқларисиз)

қиймати. Бу кўрсаткичдан иқтисодий ривожланишнинг даражаси ва суръатларини аниқлаш, иқтисодиётнинг структураси ва маҳсулотни қай мақсадларда сарфлашни ифодалаш учун фойдаланилади. 1988 йилда мамлакатимизда 1525 миллиард сўмлик, жумҳуриятимизда эса 50 миллиард сўмга яқин ялши ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ялши миллий маҳсулот ва ялши ижтимоий маҳсулот ўртасидаги фарқ шундан иборатки, биринчиси ширвард маҳсулот ва хизмат қийматини ўз ичига олади. Ҳозирча бу кўрсаткич жумҳуриятимизда қўлланмайди.

Ў

ЎЗ ВАЛЮТА САРФИНИ ЎЗИ ҚОПЛАШ — СССРдаги корхона ёки ташкилотларнинг ўз валюта сарф-харажатларини ўзи ишлаб топган валюта ҳисобидан қоплаши. Корхона хом ашё, ёқилғи, машиналар сотиб олиш, ўз коллективининг ижтимоий эҳтиёжини қондириш, техникавий маҳсулотлар хизматидаги ўз транс-порт хизматидаги фойдаланиш учун чет элда валюта сарфлайди. У керакли товарлар ёки хизматларни мамлакат ичида ҳам валютага сотиб олиши мумкин. Мамлакат ташқарисидан ёки ичкарисидан сарфланган валюта харажатларини корхона маҳсулотини экспорт қилиш ёки чет элда хизмат кўрсатишдан тушган валюта, товарларни мамлакат ичида сотишдан келган валюта ҳисобидан қоплайди. Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг валюта фонди ташкил этилади, валюта сарфини ўз ҳисобидан қоплаш корхона мустақил товар ишлаб чиқарувчи бўлишининг муҳим аломати ҳисобланади.

ЎЗ ХАРАЖАТЛАРИНИ ЎЗИ

ҚОПЛАШ — хўжалик ҳисобининг муҳим принципи. Унга кўра хўжалик ҳисобидаги корхоналар ўзининг барча харажатларини ўз маҳсулотини сотишдан тушган маблағ билан қоплайди. Бундай корхоналар ўз маҳсулотини сотишдан тушган пул ишлаб чиқариш учун кетган харажатлардан кўп бўлади. Фақат рентабелли корхонагина ўз харажатларини ўзи қоплай олади. Агар корхона ишлаб чиқарган маҳсулотини сотишдан тушадиган пул кетган харажатларини қопламай, иқтисодий зарар келтирса, белгиланган давр мобайнида давлат бюджетидан ёки бевосита раҳбарлик қилувчи вазирликдан йилдан-йилга камайиб борадиган ёрдам (дотация) олади. Бундай ҳолатда иқтисодий зарарни йўқотиш, корхонанинг рентабелли ишлашини таъминлаш чоралари кўрилади. Пул тушумини оширишга товар маҳсулотининг миқдорини кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, техника, технологияни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тежамкорликка риоя қилиш орқали эришилади.

Агар белгиланган муддатларда ана шу мақсадларга эришилмаса корхонани тугатиш масаласи кўйилиши мумкин. Ўз-ўзини молиялаш ўз харажатларини ўзи қоплаш қондасининг янада ривожланган шакли бўлиб, бу шароитда корхона ўз манбаларидан нафақат оддий, шу билан бирга кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга кетган барча сарфларни, шунингдек, жамоанинг иқтисодий эҳтиёжларига кетган харажатларини ҳам қоплайди.

ЎЗARO ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ

КЕНГАШИ — социалистик давлатларнинг қўл томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. 1949 йилнинг январида Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехословакия ва Совет Иттифоқи вакиллари томонидан

таъсис этилган. 1950 йилнинг сентябридан унга Германия (ГДР), 1962 йил июнидан Мўғулистон, 1972 йил июлидан Куба, 1978 йил июнидан Вьетнам аъзо бўлиб кирди. 1964 йилдан Кенгашнинг қатор органлари ишида Югославия ҳам икки томонлама манфаатдорлик асосида қатнашиб келмоқда. Кузатувчи сифатида Кенгашнинг айрим органлари ишида Лаос, Ангола, Корея (КХДР), Ҳабашистон вакиллари қатнашмоқда. Кенгаш суверен тенглик асосида таркиб топган. У социалистик мамлакатларнинг иқтисодий интеграциясини мувофиқлаштиради. Аъзо бўлган ҳар бир мамлакат иқтисодий имкониятларидан, аҳоли сонидан, ташкилот бюджетига бадали миқдоридан қатъи назар бир овозга, тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Кенгашнинг мақсад ва қондаларини тан оладиган ҳар қандай мамлакат унга аъзо бўлиши мумкин. Кенгашнинг олий органи сессия, у ҳукумат бошлиқлари даражасида ҳар йили мажлис ўтказилади. Унинг қарори тавсия характерига эга. Кенгаш органлари ишига Ижроия комитети раҳбарлик қилади, унга Секретариат ва махсус масалалар бўйича Комиссия кўмаклашади. Кенгаш доирасида ишлаб чиқаришнинг иختисослашувини чуқурлаштириш назарда тутилган, ШИЕК иқтисодий, илмий-техник, савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар бўйича ҳамкорликни амалга ошириб келди. Унга аъзо мамлакатлар ўртасида кредит (қара) муносабатлари ҳам муҳим ўрин тутади. ШИЕК иқтисодий муносабатларида имтиёзли шароитда бериладиган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар қўлланади. Леосий кредит берувчи Совет Иттифоқидир. Кредит ҳақи одатда 2 фонздан ошмайди, баъзан процентсиз кредит ва заёмлар ҳам берилган.

Халқаро иқтисодий ҳамкорлик банки асосий кредит-молия институти бўлиб хизмат қилади. У 1964 йилдан бошлаб қўп томонлама ҳисоб-китобларини ўтма сўм-

да, икки томонлама ва қўп томонлама клиринг принципида олиб боради. 1971 йилнинг январидан Халқаро инвестиция банки фаолият кўрсатмоқда. УИЕКга килрувчи мамлакатларда юз бераётган чуқур сиёсий, ижтимоий воқеалар туфайли 1991 йилдан эътиборан бу халқаро ташкилот фаолиятини тубдан қайта қуриш мўлжалланмоқда.

ЎЗ-ЎЗИНИ МОЛИЯЛАШ — хўжалик юритиш системаси; корхона (бирлашма), фирмаларнинг хўжалик фаолияти учун зарур бўлган пул маблағларини ўзи топиб, ўзи мустақил ишлатиши. Бу қонда корхона (бирлашма)ларининг давлат бюджети, вазирлик, банк ва мол етказиб берувчилар олдидаги тўловлар мажбуриятини; фан ва техникани ривожлантириш, корхоналарни техник қайта қуриш ва реконструкция қилиш харажатларини жамоа ишлаб топган маблағлар ҳисобидан молиялаштириши. жамоз аъзоларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ривожлантириш тадбирларининг бутун комплексини амалга ошириши назарда тутати. Бу шароитда хўжалик юритиш омилли сифатида фойда ёки ялли даромад асос қилиб олинади. Фойда ва даромад ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожлантириш харажатларини молиялашнинг бош манбаи, улардан олинандиган солиқ ва ажратмалар давлат даромадларининг муҳим унесури сифатида майдонга чиқади. Ўз-ўзини молиялаш шароитида ресурслар ва даромадлар ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро боғлиқлик юзага келиб, улар устидан корхона мустақил назорат ўриатади. Хўжалик юритишнинг бу шаклида амортизация ажратмаларининг бир қисми ва фойда (даромад)нинг давлат бюджети, вазирлик олдидаги тўлов мажбуриятларидан ортган қисми тўланигича корхона ихтиёрида қолади. Корхонанин фойда ёки даромадини катта миқдорда давлат бюджетига ёки юқори таш-

килот ҳисобига ўтказиб юбориш ман этилади.

Мамлакатимиздаги корхоналар ва бирлашмалар 1989 йилнинг бошидан тўла хўжалик ҳисоби. ўз-ўзини молиялаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш қондасига ўтиб ишлаш мўлжалланган эди. Хўжалик юритишнинг бу системасида корхонанин даромадлари, ходимларни рағбатлантиришнинг барча шакллари, уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш бутунлай корхона фаолиятининг пиروард натижаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг сифат ва миқдорига боғлиқ бўлади. Корхонанин муваффақиятли фаолият кўрсатиши хўжалик мустақиллиги ва ташаббусини кенг ривожлантириш, ички хўжалик ҳисоби, моддий-техника таъминотини ташкил қилишни яхшилаш, бригада, цех ижара пудратининг кенгайиши, иқтисодий тадбирларининг умумий савиясини кўтаришни тақозо этади.

Қ

«ҚАЙНОҚ ПУЛЛАР» — к. «Оч пуллар».

ҚИЙМАТ — товар ишлаб чиқарувчиларининг товарда гавдаланган ва унда моддийлашган ижтимоий меҳнати. Товар қийматининг меъёри уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ижтимоий зарурий меҳнат миқдори билан белгиланади, ижтимоий нормал шароитда мамлакат бўйича ўртача меҳнат маҳорати ва шиддати даражасида товар ишлаб чиқариш учун кетадиган ижтимоий зарурий иш вақти билан ўлчанади. Товар қиймати меъёри уни тайёрлашга кетган меҳнат миқдорига тўғри пропорционал, меҳнат унумдорлигига эса тескари пропорционалдир. Ҳозирги вақтда бозор муносабатларининг ривож-

ланиши билан баҳоларнинг таркиб топиши такомиллашиб, улар борган сари товарга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат харажатларига яқинлашади. Лекин улар ўртасидаги фарқ айрим товар турларига нисбатан талаб ва таклиф, бозор конъюнктураси ва ижтимоий ҳимоя омилларини ҳисобга олган ҳолда сакланиб қолади. (қ. *Товар қиймати*).

ҚИЙМАТ ҚОНУНИ — товар ишлаб чиқаришнинг объектив иқтисодий қонуни; товар ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқаларни, товар ишлаб чиқариш шароитида ижтимоий меҳнатни тақсимлаш ва рағбатлантиришни бошқаради. Бу қонунга мувофиқ товарларни ишлаб чиқариш ва айирбоқлаш уларнинг қиймати асосида амалга оширилади. Қийматнинг миқдори эса ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари билан ўлчанади. Меҳнатнинг табиий ўлчови иш вақтидир. Аммо қийматни оддий меҳнат эмас, балки ижтимоий меҳнат яратади, яъни қийматнинг миқдори у ёки бу ишлаб чиқарувчининг яқка меҳнат харажатлари билан эмас, ижтимоий зарурий иш вақти билан ўлчанади. Ижтимоий зарурий иш вақти К. Маркс таъбири билан айтганда, ишлаб чиқаришнинг мавжуд ижтимоий меъёридаги шароитида ва шу жамиятда меҳнат маҳорати ва жадаллашувининг ўртача даражасида бирон истеъмол қиймати яратиш учун талаб қилинадиган иш вақтидир.

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ — даромад келтирувчи қимматбаҳо қоғозлар — акция, облигация, вексель, чек, депозит, сертификатларнинг олди-сотди қилиниши. Қимматбаҳо қоғозлар бозори амалда фонд биржалари, аукционлар ва банклардан иборат бўлади. Бу бозорда ҳам сотувчилар ва харидорлар муносабатида бўлади, улар ўртасида маклерлар-брокерлар (даллошлар) вентачилик қилади. Қимматли қоғозлар келтирадиган даромадига қараб ҳар хил нарҳда сотилади.

Қимматбаҳо қоғозлар бозори миллий ва жаҳон бозоридан иборат. Нью-Йорк фонд биржаси амалда халқаро қимматли қоғозлар бозоридир. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида махсус биржа чайқовчилари борки, улар акция курси ўзгаришини олдиндан пайқаб, акцияларни катта миқдорда сотиб олиб, сўнгра уни қимматга сотиб катта даромад кўришади. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида пул маблағларининг корхоналар ва тармоқлар ўртасида тақсимланиши, нархнинг ўзгариши туфайли, уларнинг бир соҳадан бошқасига кўчиши юз беради. СССРнинг бозор иқтисодиётига ўтишида қимматбаҳо қоғозлар бозори ҳам пайдо бўлади.

ҚИСМАН КОНВЕРТИРЛАНГАН ВАЛЮТА — фақат маълум тўлов муомаласи учун ишлатиладиган ва бошқа валютага чекланган тарзда алмашадиган валюта.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР — бошқа мамлакатлар иштирокида бунёд қилинган корхоналар. Улар ўзаро манфаатдорлик негизида ҳукуматлараро шартномалар асосида ташкил қилиниб, илмий-ишлаб чиқариш, илмий-техник ва бошқа вазифаларини ечишга қаратилган. Қўшма корхоналар санат, кишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо, фан ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида таркиб топиши мумкин. Бу корхоналар, асосан, чет эл техникаси ва технологияси асосида барпо этилиб, маҳаллий хом ашё ва ишчи кучи ҳисобига ишлайди. Корхона ўзининг мустакил балансига эга ва тўла хўжалик ҳисоби асосида фаолият юритади. Бадал тўлови ҳисобига молиявий фонд яратади. Жумҳурийатимида АҚШ, Италия, Хиндистон, Болгария, Хитой ва бошқа катор давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар, объектлар қурилиб, ишга туширилмоқда.

ҚЎШМА СОҲИБКОРЛИК ЗОНАЛАРИ — қ. *Эркин иқтисодий зоналар*.

**Бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантиришга оид қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлар рўйхати
(1991 йил 1 январига)**

- Кам таъминланган оилаларга болалар учун нафақа тўлаш муддатини узайтириш тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (23.11.1989).
- СССРда хорижий фирмалар, банклар ва ташкилотларнинг ваколатхоналарини очиш ва уларнинг фаолияти тартиби тўғрисида Низом. СССР Министрлар Советининг қарори (30.11.1989).
- СССР ички истеъмол бозорини химоялаш ва СССР давлат чегарасидан совет валютаси ва халқ истеъмоли молларини ўтказишда суниестемолларнинг олдини олиш тадбирлари тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (7.12.1989).
- Ўзбекистон ССРда ижара тўғрисида Низом. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони (29.12.1989).
- Давлат солиқ хизмати тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (24.01.1990).
- Ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотларни кимошди савода аҳолига сотишни ташкил қилиш тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (27.01.1990).
- Истеъмол бозорини, пул муомаласини тартибга солиш ва нарх-навога давлат назоратини кучайтиришнинг кечиктириб бўлмайдиган чоралари тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (5.02.1990).
- ССР Иттифоқи ва иттифокдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонуни асослари. СССР Олий Советининг қарори (28.02.1990).
- СССРда мулкчилик тўғрисида. СССР қонуни (6.03.1990).
- Иттифок тасарруфидаги корхона (бирлашма)ларни ва уларнинг мол-мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (20.03.1990).
- СССР Иттифоқи, иттифокдош ва автоном республикалар иқтисодий муносабатларининг асослари тўғрисида. СССР қонуни (10.04.1990).
- СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва оиласи кичик гражданларига солинадиган солиқни босқичма-босқич бекор қилиш тўғрисида. СССР Қонуни (23.04.1990).
- СССР гражданларидан, ажнабий гражданлардан ва гражданлиги бўлмаган шахслардан олинadиган даромад солиғи тўғрисида. СССР Қонуни (23.04.1990).
- СССРда гражданларнинг пенсия таъминоти тўғрисида. СССР Қонуни (15.05.1990).
- СССР Матлубот кооперациясининг фаолияти масалалари. СССР Министрлар Советининг қарори (17.05.1990).
- Давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти тўғрисида. СССР Қонуни (21.05.1990).
- СССРда корхоналар тўғрисида. СССР Қонуни (4.06.1990).
- «СССРда кооперация тўғрисида»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. СССР Қонуни (6.06.1990).
- СССРда бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтишнинг концепцияси тўғрисида. СССР Олий Советининг қарори (13.06.1990).
- Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан ундириладиган солиқлар тўғрисида. СССР Қонуни (14.06.1990).
- Акционер жамиятлар ва жавобгарлиги чекланган жамиятлар тўғрисида Низом. СССР Министрлар Советининг қарори (19.06.1990).
- Қимматбаҳо қоғозлар тўғрисида Низом. СССР Министрлар Советининг қарори (19.06.1990).
- Ер тўғрисида. ЎзССР Қонуни (20.06.1990).
- Давлат мақсадли процентсиз заёмлари ва СССР Давлат хазина маж-

буриятлари чиқариш шартларини ўзгартириш тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (7.07.1990).

СССР худудида чет эл валютасига чакана савдо ва хизмат кўрсатишни такомиллаштириш тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (20.07.1990).

Совет Иттифоқининг ташқи иқтисодий ишларига ўзгартиш киритиш тўғрисида. СССР Президентининг Фармони (24.07.1990).

Давлат солиқ хизмати тўғрисида Низом. СССР Министрлар Советининг қарори (26.07.1990).

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан болали оилаларни ижтимоий химоялаш бўйича кўшимча тадбирлар тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (2.08.1990).

Умумиттифоқ валюта бозорини шакллантириш тадбирлари тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (4.08.1990).

Кичик корхоналарни барпо этиш ва ривожлантириш тадбирлари тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (8.08.1990).

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига янги давлат харид нархларини жорий қилиш тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (9.08.1990).

СССР Иттифоқи давлат мулки фондини барпо этиш тўғрисида. СССР Президентининг Фармони (9.08.1990).

Халқ хўжалигини демонополизациялаш тадбирлари тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (16.08.1990).

Аспирантлар, олий ўқув юрглариининг талабалари, ўрта махсус ўқув юрглари ва ҳунар-техника билим юрглари ўқувчиларининг стипендияларини ошириш тўғрисида. ЎзССР Президентининг Фармони (4.09.1990).

СССРда мулкчилик ҳуқуқининг дахлсизлигини муҳофаза қилиш тадбирлари тўғрисида. СССР Президентининг Фармони (12.10.1990).

Халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари тўғрисида. СССР Олий Советининг қарори (19.10.1990).

Фуқаролар жамғармаларини СССР жамғарма банки муассасаларида сақлашдан манфаатдорлигини ошириш тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (25.10.1990).

СССРда чет эл инвестициялари тўғрисида. СССР Президентининг Фармони (26.10.1990).

Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш қондалари тўғрисида. Ўзбекистон ССР Олий Кенгашиининг қарори (29.10.1990).

Ўзбекистон ССРда мулкчилик тўғрисида. ЎзССР Қонуни (31.10.1990). Савдодаги суниестемоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида. ЎзССР Қонуни (31.10.1990).

Чайқовчилик, гайриқонуний савдо фаолияти ва савдодаги суниестемолликлар учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида. СССР Қонуни (31.10.1990).

Давлат корхоналарининг уларда барпо қилинган кооперативлар билан ўзаро муносабатлари тўғрисида. СССР Министрлар Советининг қарори (2.11.1990).

СССРда инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун асослари. СССР Олий Советининг қарори (10.12.1990).

СССР Давлат банки тўғрисида. СССР Қонуни (11.12.1990).

Банклар ва банк фаолияти тўғрисида. СССР Қонуни (11.12.1990).

СССРда ногиронларни ижтимоий жиҳатдан химоя қилишнинг асосий негизлари тўғрисида. СССР Қонуни (11.12.1990).

Савдо солиғини жорий этиш ҳақида. СССР Президентининг Фармони (29.12.1990).

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ҚИСҚА РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТИ

Автаркия	— автаркия, ёпиқ (биқиқ) хўжалик
Ажиотажный спрос	— ажиотаж, шов-шув талаб
Аккредитив	— аккредитив, нақд пулсиз тўловлар
Акционерное общество	— акционер жамият, акциядорлар жамияти, шерикчилик асосида ва соҳибкорлик мақсадида уюшган жамият
Акция	— акция, қимматбаҳо қоғоз
Аренда	— ижара
Аукцион	— кимошди савдо
Банки коммерческие	— тижорат банклари
Банкноты	— банкнотлар, банк билетлари, қимматбаҳо қоғозлар
Банкротство	— банкротлик, синиш, ишқирозга учраш
Бартер	— бартер, валютасиз бевосита мол айирбашлаш
Безработица	— ишсизлик
Бизнес	— бизнес, корчалонлик
Биржа	— биржа, бозор, тижоратгоҳ
Биржевой курс	— биржа курси, қимматбаҳо қоғознинг муомаладаги қиймати
Брокер	— брокер, воситачи, даллол
Валюта	— валюта, мамлакатнинг пул бирлиги ва тиши (олтин, кумуш, қоғоз), қадри баланд пул
Вексель	— вексель, қарздорлик ҳужжати
Встречная торговля	— муқобил савдо
Гиперинфляция	— гиперинфляция, пул қадрининг ғоят тез пасайиши
Государственный заказ	— давлат буюртмаси
Дебитор	— дебитор, қарздор
Девальвация	— девальвация, пул бирлиги қийматининг расмий пасайтирилиши
Деловые люди	— ишбилармон кишилар, тадбиркор кишилар
Демонопользация	— демонополизация, тафҳо иқтисодий ҳукмронлиқнинг бекор қилиниши
Демпинг	— демпинг, арзонга сотиш, нархни ташлаш
Денежные обращения	— пул муомаласи
Дефицит товаров	— товарлар тақчиллиги
Дефляция	— дефляция, муомаладаги қоғоз пул массасини камайтириш
Диверсификация	— диверсификация, фаолият соҳаси ва маҳсулотлар турининг кенгайтириши
Дивиденд	— дивиденд, акционер жамият фойдасидан акция эгаларига тегадиган улуш
Дилер	— дилер, ишбилармон воситачи, савдогар
Договорные цены	— шартнома нархлари
Долг брутто	— брутто қарз, яъни қарз

Долг нетто	— нетто қарз, соф ташқи қарз
Дотация	— дотация, маблағ ажратилиш, харажатлар бир қисмининг давлат томонидан қопланиши
Займы государственные	— давлат заёмлари
Закупочные цены	— харид баҳолари
Замораживание доходов	— даромадларни тутиб туриш, даромадларни турғулаштириш
Защита рынка	— бозор муҳофазаси
Зона свободной торговли	— эркин савдо зонаси
Инвалютный рубль	— чет эл валютасидаги сўм
Инвестиция	— инвестиция, маблағ, узоқ муддатли капитал киритиш
Индексация доходов	— даромадларни индекслаш, даромадларни нарх ошишига мувофиқлаштириб кўтариш
Индивидуальная трудовая деятельность	— яқка тартибдаги меҳнат фаолияти
Инженерно-консультативные услуги	— муҳандислик-маслаҳат хизматлари
Интерфакс	— интерфакс, информация билан савдо қилувчи уюшма
Инфляция	— инфляция, пулнинг қадри пасайиши
Ипотека	— ипотека, кўчмас мулкни гаровга қўйиш
Капитал	— капитал, сармоя
Квота	— квота, фаолият доирасини белгилаш, чеклаш
Клиринг	— клиринг, нақд пулсиз қўй томонлама савдо-сотик
Коллективная собственность	— жамоа (коллектив) мулки
Коммерсант	— тожир
Коммерческая тайна	— тижорат сирини
Конкуренция	— рақобат
Контрабанда	— контрабанда, чегарадан молларни поқонуний олиб ўтиш
Контракт	— контракт, шартнома, келишув
Концерн	— концерн, йирик қўй тармоқни саноат бирлашмаси
Конъюнктура	— конъюнктура, умумий аҳвол, ҳолат ўзгаришлари
Корнер	— корнер, устама фойда олиш мақсадларини кўзлабдиҳган тижорат
Котировка	— котировка, нарх белгилаш ва ушн эълон қилиш тури
Кредит	— кредит, насия, қарз
Кризис	— кризис, танглик, инқироз
Лизинг	— лизинг, узоқ муддатли машина ва ускуналар ижараси тури
Лимиты	— лимитлар, ҳўжалик фаолияти жиҳатларининг миқдоран чекланган меъёрлари
Лицензия	— лицензия, руҳсатнома
Малый бизнес	— кичик (майда) бизнес
Маркетинг	— маркетинг, замонавий савдо-сотик, ишлаб чиқаришнинг бозор талабига мослаштириш усуллари

Международные торги	— халқаро савдолашув
Международные цены	— халқаро нархлар
Менеджеры	— менежерлар, замонавий ёлланма иш бошқарувчилар
Монополия	— монополия, якка хукмрошлик
Налоги	— солиқлар
Обесценение денег	— пулнинг қадрсизланиши
Общесоюзный рынок	— умумиттифоқ бозори
Оптовые цены	— улгуржи баҳолар
Отложенный спрос	— кечиктирилган талаб
Покупательная способность денег	— пулнинг харид қобилияти
Пособие по безработице	— ишсизлик нафақаси
Посредники	— воситачилар
«Потребительская корзина»	— «истеъмол савати»
Пошлина	— бож, хизмат ҳақи
Предприниматель	— соҳибкор, уддабурон киши, корхона эгаси
Прибыль	— фойда
Приватизация	— приватизация, давлат мулкни хусусийлаштириш, мулкни жузъийлаштириш
Прожиточный минимум	— тирикчилик минимуми
Пропорция цен	— нархлар мутаносиблиги, нархлар пропорцияси
Протекционизм	— протекционизм, ҳомийлик, четдан мол келтирилишини чеклаш ва экспортни рағбатлантириш сиёсати
Разгосударствление	— давлатлаштиришдан қайтиш, давлатдан ажратил
Реклама	— реклама, тижорат ахбороти, товар тарғиботи
Рекламация	— эътирознома, даъвонома
Рента	— рента, мулкни ижарага беришдан олинadиган даромад тури
Рентабельность	— рентабеллик, фойдалилик, самарадорлик
Реприватизация	— реприватизация, давлат мулкни қайта хуфусийлаштириш
Рисковый капитал	— таваккал капитал
Розничные цены	— чакана нархлар
Рынок капитала	— капитал бозори
Рынок мировой	— жаҳон бозори
Рынок национальный	— миллий бозор
Рынок открытый	— очик бозор
Рынок предметов потребления	— истеъмол моллари бозори
Рынок региональный	— регионал бозор, музофот бозори
Рынок средств производства	— ишлаб чиқариш воситалари бозори
Рынок расширяющийся	— кенгаювчи бозор
Рынок сужающийся	— тораяувчи бозор
Рынок финансов	— молия бозори
Рыночная интервенция	— бозор интервенцияси, бозорни эгаллаш
Рыночное равновесие	— бозор мувозанати

Сальдо	— сальдо, қолдиқ, пул тушумлари ва харажатлар ўртасидаги фарқ
Санация	— саниралаш, йирик корхоналарни синишдан сақлаш мақсадида давлат ҳисобидан амалга ошириладиган ёрдам, чора-тадбирлар
Себестоимость	— таниарх
Сегментация рынка	— бозор сегментацияси, сотиладиган мол ва хизматларга кўра табақалашган бозор
Семейный бюджет	— оила бюджети
Сертификат	— сертификат, гувоҳнома
Собственность	— мулк, мулкчилик
Совместные предприятия	— қўшма корхоналар
Спекуляция	— чайқовчилик, олиб-сотарлик
Спонсор	— спонсор, молиявий ёрдам кўрсатувчи ҳомий
Спрос и предложения	— талаб ва таклиф
Стоимость	— қиймат
Стоимость рабочей силы	— иш кучи қиймати
Субвенция	— субвенция, ёрдам пули
Субсидия	— субсидия, молиявий ёрдам
Таможня	— боғжона
Теневая экономика	— хуфия иқтисодиёт, яширин иқтисодиёт
Товар	— товар, мол
Товарная биржа	— товар биржаси, товар бозори
Товарный знак	— товар белгиси
Торговля лицензией	— лицензия савдоси, руҳсатномаларни сотиш
Торговый агент	— савдо вакили
Торговый капитал	— савдо капитали
Уровень жизни населения	— аҳолининг турмуш даражаси
Устойчивость денежного обращения	— пул муомаласи барқарорлиги
Функции рынка	— бозор вазифалари
Хозрасчетный доход	— хўжалик ҳисоби даромади
Холдинг	— холдинг, бошқаришда билвосита иштирок этиш
Цена	— нарх, баҳо
Цена покупателя	— харидор нархи
Цена продавца	— сотувчи нархи
Ценовая конкуренция	— нарх рақобати
Чек	— чек, маҳсус пул ҳужжати
Чистый доход	— соф даромад
Шоу-бизнес	шоу бизнес, пуллиқ томошалар кўрсатиб даромад топиш
Шоу-биржа	шоу-биржа, турли мамлакатлардаги ижрочилар, ансамбллар билан шартнома тузиш кўрик-бозори
Экономическая свобода граждан	— фуқаролар иқтисодий эркинлиги
Эмбарго	— эмбарго, чеклаш, тақиқлаш
Эмиссия	— эмиссия, пул ва қимматбаҳо қоғозлар босиб чиқариш

МАҚОЛАЛАР РЎЙХАТИ

А

Автаркия	5
Ажнотаж талаб	5
Аккредитив	5
Аккредитив ҳисоб-китоблар	6
Акционер жамият	6
Акция	6
Акцияларнинг назорат пакети	7
Аудитор фирма	7
Аукцион	8
Аҳоли пул даромадлари	8
Аҳоли пул харажатлари	9
Аҳолини иқтисодий ҳимоялаш	9
Аҳолининг турмуш даражаси	10

Б

Баланс	10
Банк билетлари	10
Банк процент ставкаси	10
Банк ўтказмалари орқали ҳисоб-китоблар	11
Банкдаги пул жамғармалари- нинг кадрезланиши	11
Банклар	11
Банкнотлар	12
Банкротлик	12
Бартер	12
Бартер битими	13
Бизнес	13
Биржа	13
Биржа курси	14
Битимлар	14
Бож	14
Бож иттифоқи	14
Божхона	15
Бозор	15
Бозор интервенцияси	16
Бозор инфраструктураси	16

Бозор иқтисодиёти	16
Бозор иқтисодиётига ўтиш даври	17
Бозор конъюнктураси	17
Бозор мувозанати	18
Бозор муносабатлари	18
Бозор муҳофазаси	19
Бозор регулятори	19
Бозор сегментацияси	20
«Бозор социализми»	20
Бозор функциялари	20
Бозор қонуллари	20
Бозорни бошқариш	21
Бозорнинг тартибга туширилиши	21
Бойкот	21
Бошланғич (қўр) пай	21
Брокер	22
Брутто қарз	22
Бюджет	22

В

Валюта	23
Валюта аукционни	23
Валюта бозори	24
Валюта интервенцияси	24
Валюта кризиси	24
Валюта курси	24
Валюта муносабатлари	25
Валюта резервлари	25
Валюта танглиги	25
Валюта фонди	25
Валютага товар сотиш	26
Вексель	26
Венчур корхоналар	26
Венчур молиялаштириш	26
Воситачилар	26

Г

Гиперинфляция	27
---------------	----

Д

Давлат буюртмаси	27
Давлат бюджети	27
Давлат заёмлари	27
Давлат корхонасини акционерлаш	28
Давлат мулки	28
Давлат қарзи	29
Давлатлаштиришдан қайтиш	29
Даллоллар	30
Даромадларни индекслаш	30
Даромадларни музлатиш	30
Дебитор	30
Дебиторлик қарзи	30
Девальвация	30
Демонополизация	31
Демпинг	31
Дефляция	32
Дехқон бозори	32
Диверсификация	32
Дивиденд	32
Дилер	33
Доллар	33
Дотация	33

Е

Евровалюталар	34
Евродолларлар	34
Европа валюта системаси	35
Европа Иқтисодий Комиссияси	35
Европа Иқтисодий Ҳамжамияти	35
Европа Эркин Савдо Уюммаси	35
Европа Ҳамжамиятлари	36
Ер рентаси	36
Еринг баҳоси	37

Ж

Жамоа (коллектив) мулки	37
Жаҳон бозори	37
Жаҳон валюта системаси	38
Жаҳон пули	38

З

Зона баҳолари	38
---------------	----

И

Ижара	39
Ижарачилик муносабати	40
Ижтимоий мулк	40
Импоррт	41
Инвестиция	41
Инвестиция банклари	41
Инжиниринг	41
Инжиниринг хизматлар бозори	41
Интеграция	41
Интернационал қиймат	42
Интерфакс	42
Инфляция	42
Инфраструктура	43
Ипотека	43
Истеъмол бозори	43
Истеъмол нархи	44
«Истеъмол савати»	44
Истеъмолчини ижтимоий химоялаш	44
Иттифоқдош жумхуриятлар валюта фонди	45
Иш кучи қиймати	45
Ишлаб чиқариш воситалари бозори	46
Ишлаб чиқариш-таъминот ва тижорат бирлашмалари	46
Ишсизлик	46
Ишсизлик нафақаси	47
Иқтисодий дастақлар	48
Иқтисодий интеграция	48
Иқтисодий конъюнктура	48
Иқтисодий ўсиш сифати	48

К

Капитал	49
Капитал бозори	49
Картель	49
Квота	49
Келишилган нархлар	50
Кенгаювчи бозор	50
Кечиктирилган талаб	50
Кимовиди савдо	51
Кичик бизнес	51
Клиринг	51
Коммерсант	51
Конверсия	51
Конвертирланган (эркин алмаштирилладиган) валюта	52
Конвертирланган сўм	52
Конвертирланмаган валюта	52

Консорциум 52
 Контрабанда 53
 Контракт 53
 Контракт нархлар 53
 Концерн 53
 Концессия 54
 Корнер 54
 Корпорация 54
 Корхона акцияси 54
 Корхоналарнинг валюта фонди 54
 Корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти 55
 Котировка 55
 Кредит 55
 Кредит билетлари 55
 Кредит муассасалари 56
 Кредит муносабатлари 56
 Кредит пуллари 56
 Кредиторлик қарзи 57
 Кризис 57
 Кўп укладли иқтисод 57

Л

Лизинг 58
 Ликвидлилик 58
 Лимит баҳолари 58
 Лимитлар 59
 Лицензия 59
 Лицензия нархи 60
 Лицензия савдоси 60

М

Маклерлар 60
 Маркетинг 60
 Менежерлар 61
 Меҳнат биржаси 61
 Меҳнат жамоаси акцияси 61
 Меҳнат ресурслари учун тўлов 62
 Миллий бозор 62
 Миллий валюта 62
 Миллий валюта системаси 63
 Миллий даромад 63
 Моддий-техника таъминоти 63
 Молия биржаси 63
 Молия бозори 64
 Монополия 64
 Мувозанат 65
 Мулк тўғрисида СССР қонуни 65

Мулкчилик 66
 Муқобил савдо 67

Н

Наркобизнес 67
 Нарх 67
 Нарх билан рақобатлашув 68
 Нарх пропорцияси 69
 Нарх скидкалари 70
 Нархга қўшимча бериш 70
 Нархларни тутиб туриш 70
 Нархларнинг табақаланиши 71
 Нархни ўзгартирмай рақобатлашув 71
 Нархнинг ташкил топиши 71
 Нарх-франко 72
 Накд тўловлар 73
 Нетто қарз 73
 Нефтедолларлар 73

О

Оборот солиғи 73
 Ойла бюджети 73
 Олтин захираси 74
 Ортиқча пуллари қантариш 74
 Осиё тараққиёт банки 74
 Осиёча ишлаб чиқариш усули 75
 «Оч пуллар» 75
 Очқ бозор 75

П

Пайчилик муносабатлари 76
 Патент 76
 Полис 76
 Приватизация 76
 Протекционизм 77
 Пул 77
 Пул 78
 Пул бозори 78
 Пул массаси 78
 Пул муомаласи 79
 Пул муомаласининг барқарорлиги 79
 Пул рентаси 80
 Пул кадри 80
 Пул қўйилмалари 80
 Пулнинг қадрсизланиши 80

Р

Рақобат 81
 Регионал бозор 82
 Резерв валюта 82

Реклама	82
Рекламация	83
Рента даромадлари	83
Рентабеллик	84
Реприватизация	84

С

Савдо агенти	84
Савдо капитали	84
Савдо квотаси	85
Савдо фойдаси	86
Сальдо	86
Саниралаш	87
Сертификат	87
Синдикат	87
Солиқ декларацияси	87
Солиқ имтиёзлари	88
Солиқ инспекцияси	88
Солиқ ислохоти	88
Солиқ нормаси	89
Солиқ объекти	89
Солиқ системаси	90
Солиқ субъекти	90
Солиқлар	90
Сотувчи нархи	90
Соф даромад	91
Социалистик соҳибкорлик	91
Соҳибкорлик	92
Спонсор	92
СССР ташқи иқтисодий фаолият банки	92
СССРда бозор иқтисодиётига ўтиш даври	92
СССРнинг бозор иқтисодиётига ўтиш дастури	93
Ссуда	94
Ссуда капитали бозори	95
Ссуда фонди	95
Стагфляция	95
Субвенция	95
Субсидия	96
Супермаркет	96
Сўм билан назорат қилиш	96

Т

Табақалашган солиқ солиш	97
Табиий ресурслар учун тўлов	97
Таваккал капитал	97
Талаб ва таклиф қонуни	98
Тавнарх	98
Ташқи иқтисодий алоқалар	99

Ташқи иқтисодий алоқаларда молия-кредит механизми	99
Ташқи иқтисодий сиёсат	99
Ташқи савдо	99
Ташқи савдо баланси	100
Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар давлат комитети	101
Ташқи савдо контракт баҳолари	101
Ташқи савдо фирмаси	101
Ташқи қарз	101
Технология бериш (сотиш)	102
Тижорат банклари	102
Тижорат сири	102
Тирикчилик минимуми	103
Тирикчилик қиймати	103
Товар	104
Товар белгиси	104
Товар биржаси	104
Товар бозорлари конъюнктураси	105
Товар заёми	105
Товар ишлаб чиқариш	106
Товар ишлаб чиқарувчиларнинг табақалашуви	106
Товар маҳсулоти	107
Товар муомаласи	107
Товар сифати	108
Товар тақчиллиги	109
Товар қиймати	109
Товарлар импорти	110
Товарлар таклифи	110
Товарлар экспорти	111
Товарларга талаб	111
Товарлашган хизмат	112
Товарнинг рақобатчилик қобилияти	112
Товарнинг ҳаётий цикли	113
Товар-пул муносабатлари	113
Тоғир	114
Тораювчи бозор	114
Трест	114
Тўлов баланси	114

У

Улғуржи баҳолар	115
«Умумий бозор»	115
Умумиттифоқ бозори	115
Умумиттифоқ валюта бозори	116

Ф

Фойда	116
Фонд биржаси	116

Фондлар учун тулов 116
Фрахт бозори 116
Фрахт тўловлари 117
Фуқаролар-иқтисодий эркинлиги 117

Х

Халқаро валюта фонди 117
Халқаро инжиниринг 118
Халқаро нархлар 118
Халқаро савдо 119
Халқаро савдолашув 119
Халқаро тендерлар 119
Халқаро ҳисоб-китоблар банки 120
Харид баҳолари 120
Харидор нархи 120
Холдинг-компания 120
Хом ашё ва енгил саноат маҳсулотларини таъминловчи ва тақсимловчи бош бошқарма 121
Хуфий иқтисодиёт 121
Хўжалик ҳисоби 121
Хўжалик ҳисоби даромади 121

Ч

Чайковчилик 122
Чакана баҳолар 123
Чегара олди савдоси 123
Чек 123
Чет эл валютасидаги сўм 123

Ш

Шартнома 124
Шартнома муносабатлари 124
Шартнома нархлари 125
Шарқий Европа учун реконструкция ва тараққиёт Европа банки 125

Шахсий мулк 125
Шоу-бизнес 125
Шоу биржа 126

Э

Экспорт 126
Экспорт потенциали 126
Электрон пул 127
Эмбарго 127
Эмиссия 127
Эркин иқтисодий зоналар 128
Эркин савдо зоналари 128

Я

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти 129
Ялпи ижтимоий маҳсулот 129

Ў

Ўз валюта сарфини ўзи қоплаш 129
Ўз харажатларини ўзи қоплаш 130
Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши 130
Ўз-ўзини молиялаш 131

Қ

«Қайноқ пуллар» 131
Қиймат 131
Қиймат қонуни 132
Қимматбаҳо қозғалар бозори 132
Қисмат конвертирланган валюта 132
Қўшма корхоналар 132
Қўшма соҳибкорлик зоналари 132

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ОИД АДАБИЁТЛАР

- Андреев В. К. и др. Управление предприятием. Словарь-справочник.— М., 1990.
- Еловников Л. Н. Экономика для всех.— Омск, 1990.
- Жизнин С. З., Крупнов В. И. Как организовать свое дело. Малый бизнес в США.— М., 1990.
- Золотарев В. П. и др. Экономический словарь.— 2-е изд. перераб. доп.— Минск, 1990.
- Краткий словарь терминов используемых во внешнеэкономической практике.— М., 1990.
- Краткий экономический словарь-справочник — М., 1990.
- Крупнов В. И., Крупнова Н. А. Менеджмент в бизнесе.— М., 1990.
- Кузнецов В. С. Мировая валютная система капитализма.— М., 1990.
- Основы внешнеэкономических знаний.— М., 1990.
- Переход к рынку. Концепция и программа.— М., 1990.
- Справочник экономиста-международника.— Киев, 1990.
- Татенци Кадаума. Вечный дух предпринимательства. Практическая философия бизнесмена.— пер. с англ.— М., 1990.
- Трудный поворот к рынку.— М., 1990.
- Филип Котлер. Основы маркетинга.— пер. с швед.— М., 1990.
- Паблик рилейшнз. Что это такое. — пер. с англ. — М., 1990.

Ахмаджон Ұлмасов
Нурислом Тўхлиев
Бозор иқтисодиёти
Қисқа дугат-маълумотнома

ИБ № 83 ББК 65.9(2)421я2

Мухаррирлар А. Саъдуллаев, Ф. Орифжонова
Муқова расмони Б. А. Хайбуллин
Бадий мухаррир А. Бурхонов
Техник мухаррир Ж. Бекиева

На узбекском языке
А. Улмасов, Н. Тухлиев

Рыночная экономика
(краткий словарь-справочник)

Теришга берилди 19.11.90. Босишга рухсат этилди 1.03.91. Формати 84×108¹/₁₆. Гарнитураси Тип Бодони. Оффсет усулида босилди. Шарҳи 6. л. 7.56. Напр л. 12.5. Тиражи 200 000. Заказ № 4545. Баҳоси 1 сўм 50 т.

Комуслар Бош тахрирати, ГСН. Жуковский кўчаси — 32.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан ташриф қилди.